

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ  
МАЛАКА ОШИРИШ ИНСТИТУТИ**

**МАХСУС ФАНЛАР ЦИКЛИ**

**ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИГА САФДОРЛИК ЛАВОЗИМЛАРИГА  
ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН ХОДИМЛАР БИЛАН БОШЛАНҒИЧ КАСБИЙ  
ТАЙЁРЛАШ КУРСИНИНГ ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ  
ХИЗМАТИГА КИРИШ МАХСУС КУРСИ БЎЙИЧА  
ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА**

**Тошкент-2023 йил**

Мазкур ўқув-услугий мажмуа “Ички ишлар органларининг бошқа хизматларга сафдорлик лавозимларига қабул қилинган ходимлар билан бошланғич касбий тайёрлаш курси”нинг ўқув дастури асосида тайёрланган.

### **Муаллифлар:**

**А.С.Вахидов**

Махсус фанлар цикли бошлиғи, полковник

**К.С.Бейсенов**

ИИВ Малака ошириш институти Махсус фанлар цикли ўқитувчиси, подполковник

### **Такризчилар:**

**Ж.Қ.Султонов**

Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЖИЭД Тарбиявий ва ижтимоий психологик ишларни ташкил этиш бошқармаси бошлиғи, полковник

**Ж.С.Мухторов**

ИИВ Малака ошириш институти Махсус фанлар кафедраси доценти, подполковник

Ўқув-услугий мажмуа Ички ишлар органларининг бошқа хизматларга сафдорлик лавозимларига қабул қилинган ходимлар билан бошланғич касбий тайёрлаш ўқув курсида таҳсил оладиган тингловчилар учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига мурожаатномаси, 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси, Янги ўзбекистон маъмурий ислохотлари, Ички ишлар органларининг тизими, Ички ишлар органларининг мажбуриятлари ва ҳуқуқлари, Ички ишлар органлари томонидан айрим мажбурлов чораларининг қўлланилиш, Ички ишлар органларида хизматни ўташ тартиби, Ички ишлар органлари ходимларини ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя қилиш, Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги Концепсияси, Ўзбекистон Республикасида жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизимини ривожлантириш Стратегияси, Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жинойтчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, Ички ишлар органлари учун профессионал кадрларни тайёрлашнинг янги тизими, Ички ишлар органларида профессионал кадрларни тайёрлашда узлуксиз ўқув-карьера жараёни тизимининг аҳамияти, Ички ишлар органларида формали кийим-бошни кийиб юриш қоидалари, Ички ишлар органларида аттестация ўтказишни ташкил этиш тўғрисидаги маълумотлар ёритиб берилган.

Ўқув-услугий мажмуа Малака ошириш институти профессор-ўқитувчилари ва тингловчилари учун мўлжалланган.

Ўқув-услугий мажмуа Малака ошириш институти Илмий кенгашининг 2023 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ даги “\_\_\_”- сонли йиғилиш муҳокамасидан ўтказилган ва маъқулланган.

УДК 355.54:351.74(07)(575.1)  
©Ўзбекистон Республикаси ИИВ МОИ, 2023.

## МУНДАРИЖА

Криш .....	6
Модул бўйича дарслар тақсимоти .....	10
1-Мавзу: Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига мурожаатномаси.....	12
2-Мавзу: 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси.....	34
3-Мавзу: Янги ўзбекистон маъмурий ислохотлари .....	49
4-Мавзу: Ўзбекистон Республикасининг “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги Қонунининг мақсади, асосий вазифалари ва принциплари .....	60
5-мавзу: Ички ишлар органларининг тизими.....	67
6-Мавзу: Ички ишлар органларининг мажбуриятлари ва ҳуқуқлари .....	72
7-Мавзу: Ички ишлар органлари томонидан айрим мажбурлов Чораларининг қўлланилиш.....	83
8-мавзу: Ички ишлар органларида хизматни ўташ тартиби .....	88
9-Мавзу: Ички ишлар органлари ходимларини ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя қилиш .....	97
10-Мавзу: Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги Концепсияси.. ..	103
11-Мавзу: Ўзбекистон Республикасида жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизимини ривожлантириш Стратегияси.....	110
12-Мавзу: Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш.....	122
13-Мавзу: Ички ишлар органлари учун профессионал кадрларни тайёрлашнинг янги тизими .....	132
14-Мавзу: Ички ишлар органларида профессионал кадрларни тайёрлашда узлуксиз ўқув-карьера жараёни тизимининг аҳамияти.....	140
15-Мавзу: Ички ишлар органларида формали кийим-бошни кийиб юриш қоидалари.....	156
16-Мавзу: Ички ишлар органларида аттестация ўтказишни ташкил тиш .....	165
Мавзуга оид тест саволлари .....	177
Глоссарий.....	186
Фойдаланилган адабиётлар .....	192

## Кириш

Хурматли тингловчилар! Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 20 январдаги ПҚ-10-сон Қарори ижросини таъминлаш мақсадида, ички ишлар органлари ходимларини **"Инсон қадри учун"** тамойили асосида давлатнинг **юксак маънавий-ахлоқий** фазилатларга эга, **ўз бурчига содиқ, ватанпарвар** ва халқпарвар вакили этиб тарбиялаш орқали **аҳолининг чинакам розилигига** эришиш, ички ишлар органлари ходимларида хизмат вазифаларига ҳалол, виждонан, **Ватан ва халқ олдидаги бурчини чин** дилдан ҳис этган ҳолда, юксак **масъулият билан** ёндашиш, жамиятда умумэътироф этилган одоб- ахлоқ нормаларига сўзсиз амал қилиш **туйғусини** шакллантириш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг янги қиёфасини шакллантириш ва уларнинг фаолиятини халқ манфаатлари, кадр-қиммати, ҳуқуқ ва эркинликларини самарали ҳимоя қилишга йўналтирилган.

Шу сабабли, Ички ишлар органларининг сафдорлик лавозимларига қабул қилинган ходимлар билан бошланғич касбий тайёрлаш ўқув курсларига келган тингловчилар Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига мурожаатномаси, 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси, Янги ўзбекистон маъмурий ислохотлари, Ички ишлар органларининг тизими, Ички ишлар органларининг мажбуриятлари ва ҳуқуқлари, Ички ишлар органлари томонидан айрим мажбурлов чораларининг қўлланилиш, Ички ишлар органларида хизматни ўташ тартиби, Ички ишлар органлари ходимларини ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя қилиш, Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги Концепсияси, Ўзбекистон Республикасида жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизимини ривожлантириш Стратегияси, Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, Ички ишлар органлари учун профессионал кадрларни тайёрлашнинг янги тизими, Ички ишлар органларида профессионал кадрларни тайёрлашда узлуксиз ўқув-карьера жараёни тизимининг аҳамияти, Ички ишлар органларида формали кийим-бошни кийиб юриш қоидалари, Ички ишлар органларида аттестация ўтказишни ташкил этиш тўғрисида билим, кўникма ва малакаларини шакллантириши керак.

**Ички ишлар органлари хизматига кириш махсус курси модулининг мақсади** – бошқа хизмат фаолияти сафдорлик лавозимларига қабул қилинган ходимларда (бундан буён матнда тингловчилар деб юритилади) ҳуқуқий ва хизмат мажбуриятларини самарали бажаришлари учун касбий билимларини шакллантириш ва касбий тайёргарлик бўйича амалий кўникма ва маҳоратларини оширишни узлуксиз таъминлашдан иборат.

**Ички ишлар органлари хизматига кириш махсус курси модулининг вазифалари:**

1. тингловчиларда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳамда Ички ишлар вазирлиги томонидан ички ишлар органлари ходимларига қўйилаётган бугунги кун талабларига жавоб берадиган юксак касбий маҳоратини ривожлантириш;

2. тингловчиларни юксак даражадаги Ватанпарварлик, довюраклик, мардлик ва Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш;

3. тингловчиларнинг блок-модуль тизими асосида бошланғич касбий тайёрлашни сифатли ва тизимли ташкил этиш;

4. тингловчиларнинг юқори даражада касбий тайёргарлигини ошириш ва ҳар томонлама такомиллаштириб бориш;

5. хизмат фаолияти давомида рўй берадиган ҳодисаларга тўғри баҳо бериш, мураккаб вазиятларга қисқа фурсатларда мослашиш, кескин ва фавқулудда вазиятларда тўғри қарор қабул қилиш;

6. хизмат вазифаларини бажаришда учрайдиган ҳолатларга етарли даражада аниқ баҳо бера олиш, мавжуд муаммоларни таҳлил қилиш ва тўғри қарорлар қабул қилиш қобилиятини ривожлантириш;

7. тингловчиларни хизмат фаолиятини амалга ошириш жараёнида тузиладиган ҳужжатлар ҳамда уларнинг мажбуриятлари ва вазифалари билан таништириш;

8. тингловчиларда тезкор ва криминоген вазиятни таҳлил қилиш, прогнозлаш ва баҳоланишнинг замонавий усулларини ўргатиш ҳамда жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларни барвақт олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашишда ички ишлар органларининг мавжуд куч, восита ва усуллари самарали фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш;

9. тингловчиларни Ички ишлар органларининг мажбуриятлари ва ҳуқуқлари, Ички ишлар органлари томонидан айрим мажбурлов чораларининг қўлланилиши, Ички ишлар органларида хизматни ўташ тартиби билан таништириш;

10. тингловчиларда Ички ишлар органлари ходимларини ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича кўникмаларини шакллантириш;

11. тингловчиларда Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги Концепсияси, Ўзбекистон Республикасида жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизимини ривожлантириш Стратегияси, Жамоат хавфсизлигини таъминлаш

ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, Ички ишлар органлари учун профессионал кадрларни тайёрлашнинг янги тизими, Ички ишлар органларида профессионал кадрларни тайёрлашда узлуксиз ўқув-карьера жараёни тизимининг аҳамияти, Ички ишлар органларида формали кийим-бошни кийиб юриш қоидалари, Ички ишлар органларида аттестация ўтказишни ташкил этиш тўғрисида билим, кўникма ва малакаларини шакллантириши.

**Модул бўйича тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар:**

**Тингловчи:**

“Халқ манфаатларига хизмат қилиш”ни ўз хизмат бурчи деб биладиган, хизмат вазифаларини виждонан бажарадиган, касбий тайёргарлиги юқори даражада бўлишини англаши;

Ички ишлар органлари ходимларининг касбий маданият ва хизмат интизоми кодексига белгиланган қоида ва талабларни билиши, уларга қатъий ва сўзсиз амал қилиши;

миллий мафкура, маданий меросимиз ва тарихий анъаналаримиз, миллий ва маънавий хавфсизликни таъминлаш ҳамда мафкуравий иммунитет, шунингдек, ахборот хуружи ва оммавий маданият каби омил ва жараёнларнинг мазмун-моҳиятини;

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, унда шахснинг ҳуқуқий мақоми, инсон ҳуқуқлари, давлат органлари тизими, уларни ташкил этиш, ваколати ва фаолият шакллари, қонунчилик соҳасидаги ислохотлар талабларини;

хизмат соҳаси фаолиятини тартибга солувчи ва мувофиқлаштирувчи норматив ҳужжатлар талабларини;

қонун ва қонун ости норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг ижросини ўз вақтида, бир хилда ва тўлиқ бажарилишини;

Ватанимиз равнақи йўлида хизмат қилишни улуғ ва олижаноб мақсад деб биладиган, хизмат қийинчиликларига (экстремал ҳолат, руҳий оғир ва қийин вазиятлар) руҳий бардошли бўладиган касбий кўникма ва маҳоратга;

ички ишлар органлари ходимларининг одоб-ахлоқ қоидаларини;

ички ишлар органлари ходимларнинг фуқаролар билан муомала маданият қоидаларини;

ўз иш кўрсаткичларига танқидий қарашни;

ижрочилик интизомига риоя этиш ва уни ташкил этиш асосларини;

ахборотларни тўплаш, таҳлил қилишни;

ички ишлар органлари ходимларининг ҳуқуқий мақоми, вазифалари ва фаолиятининг асосий йўналишларини;

хизмат фаолияти мобайнида турли этник ижтимоий гуруҳлар ва конфессияларнинг маданий ҳамда ўзига хос жиҳатларини ҳурмат қилиш ижтимоий барқарорликка миллатлараро ва конфессиялараро тотувликка кўмаклашиш;

Ўз фаолияти самарадорлигини таҳлил қилиш ва баҳолашни;  
ички ишлар органларида ходимларнинг хизмат кийимини кийиш  
маданиятини *билиши* керак.

Тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар бошланғич касбий тайёрлаш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлиги ҳамда компетентлигига қўйиладиган умумий малака талаблари билан белгиланади.

### 3-Модул бўйича дарслар тақсимоти:

<b>12. Ички ишлар органлари хизматига кириш махсус курси</b>		<b>92</b>	<b>60</b>	32	28	-	<b>30</b>	<b>2</b>
<b>Ички ишлар органлари тизимида амалга оширилаётган ислохотлар</b>		<b>14</b>	<b>10</b>	6	4	-	<b>4</b>	<b>-</b>
1	Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига мурожаатномаси	2	2	2	-	-	-	-
2	2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси	6	4	2	2	-	2	-
3	Янги Ўзбекистон маъмурий ислохотлари	6	4	2	2	-	2	-
<b>Ўзбекистон Республикасининг “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги Қонунини ўрганиш</b>		<b>36</b>	<b>24</b>	12	12	-	<b>12</b>	<b>-</b>
4	Ўзбекистон Республикасининг “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги Қонунининг мақсади, асосий вазифалари ва принциплари ( <i>ИИО тўғрисидаги қонуннинг 1-12 моддалар</i> )	6	4	2	2	-	2	-
5	Ички ишлар органларининг тизими ( <i>ИИО тўғрисидаги қонуннинг 13-15 моддалар</i> )	6	4	2	2	-	2	-
6	Ички ишлар органларининг мажбуриятлари ва ҳуқуқлари ( <i>ИИО тўғрисидаги қонуннинг 16-17 моддалар</i> )	6	4	2	2	-	2	-
7	Ички ишлар органлари томонидан айрим мажбурлов чораларининг қўлланилиши ( <i>ИИО тўғрисидаги қонуннинг 18-20 моддалар</i> )	6	4	2	2	-	2	-
8	Ички ишлар органлари хизматни ўташ тартиби ( <i>ИИО тўғрисидаги қонуннинг 25-33 моддалар</i> )	6	4	2	2	-	2	-
9	Ички ишлар органлари ходимларини ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя қилиш ( <i>ИИО тўғрисидаги қонуннинг 34-43 моддалар</i> )	6	4	2	2	-	2	-
<b>Ички ишлар органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш</b>		<b>18</b>	<b>12</b>	6	6	-	<b>6</b>	<b>-</b>
10	Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги Концепсияси	6	4	2	2	-	2	-
11	Ўзбекистон Республикасида жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизимини ривожлантириш Стратегияси	6	4	2	2	-	2	-
12	Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш	6	4	2	2	-	2	-
<b>Ички ишлар органлари учун профессионал кадрларни тайёрлаш</b>		<b>22</b>	<b>14</b>	8	6	-	<b>8</b>	<b>-</b>



13	Ички ишлар органлари учун профессионал кадрларни тайёрлашнинг янги тизими	6	4	2	2	-	2	-
14	Ички ишлар органларида профессионал кадрларни тайёрлашда узлуксиз ўқув-кариера жараёни тизимининг аҳамияти	4	2	2	-	-	2	-
15	Ички ишлар органлари ходимларининг хизмат кийимини кийиш маданияти	6	4	2	2	-	2	-
16	Ички ишлар органларида аттестатсия ўтказишни ташкил этиш	6	4	2	2	-	2	-
<b><i>12-модулдан якуний назорат</i></b>		<b>2</b>	<b>-</b>	<b>-</b>	<b>-</b>	<b>-</b>	<b>-</b>	<b>2</b>

## 1-мавзу: Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига мурожаатномаси.

Маъруза машғулоти 2-соат.

### Режа:

1-савол. Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий соҳада амалга оширилаётган ислоҳатлар мазмун-моҳияти ва аҳамияти.

2-савол. Ўзбекистонда инсонга эътибор ва сифатли таълим йилида амалга ошириладиган устувор вазифалар.

### 1-савол: Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий соҳада амалга оширилаётган ислоҳатлар мазмун-моҳияти ва аҳамияти.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий соҳада амалга оширилаётган ислоҳатлар ҳақида гапирганда авваломбор айтишимиз лозим бўлган йўналишлар куйидагилардир. Биз иш ҳақи, пенсия ва нафақалар миқдорини, аҳоли жон бошига даромадларни ошириш сиёсатини изчил давом эттирамиз. Бу рақамларни айтиш осон. Уларнинг ҳар бири ортида машаққатли меҳнат турибди. Чунки инсон қадри, инсонни эъзозлаш – эътиборимиздаги энг асосий масала.

Мамлакатимиз тараққиётини янги поғонага олиб чиқиш учун бошқарув ҳам, қонунчилик ҳам, жамиятимиз ҳам ўзгариши керак. Агар шундай қилмасак, муаммоларни кўриб, кўрмасликка олсак, замондан орқада қоламиз. Халқимиз, ёш авлодимиз биздан рози бўлмайди.



**“Аввал — инсон, кейин — жамият ва давлат”** деган ғояни Конституциямиз ва қонунларимизга ҳам, кундалик ҳаётимизга ҳам чуқур сингдиришимиз керак. Ҳозирги кундаги жиддий синовлар ва башорат қилиб бўлмайдиган хавфхатарларни енгиб ўтишга қодир бўлган миллий давлатчилигимиз асосларини мустаҳкамлашимиз зарур.



[https://2.me/11m0vz\\_m0m0vz\\_m0f0g0t0r](https://2.me/11m0vz_m0m0vz_m0f0g0t0r) [https://2.me/11m0vz\\_m0m0vz\\_m0f0g0t0r](https://2.me/11m0vz_m0m0vz_m0f0g0t0r)  
<https://www.facebook.com/112987873182756/>

Шуларни эътиборга олган ҳолда, Асосий қонунимизни такомиллаштириш ишлари давом эттирилмоқда. Ушбу ислоҳотдан халқимиз катта ўзгаришлар кутмоқда. Бугунги кунга қадар бу борада 220 мингдан зиёд таклиф келиб тушгани ҳам бунинг яққол далилидир.

Муҳокамалар қизғин давом этмоқда. Бу жараёнда депутатларимиз, сиёсий партияларимиз масъул ва фаол бўлиб, ҳар бир таклифга жиддий ёндашаётганини кўриб турибмиз. Бунинг учун уларга раҳмат айтаман.

**“Жамият – ислоҳотлар ташаббускори”** тамойили асосида барча масалалар бўйича халқимиз билан бамаънафит иш тутамиз.

Умуман, маъно-маъмуни инсон кадрини улуғлаш руҳи билан бойитилган, келажак авлодларга муносиб хизмат қиладиган, Янги Ўзбекистонга мос бўлган Конституцияни ҳар томонлама ўйлаб, шопилмасдан ишлаб чиқишимиз керак.

Фуқароларимиз билдирган барча таклиф ва истаклар албатта инobatга олинади ва Конституция лойиҳаси умумхалқ референдумига олиб чиқилади.

Энг муҳими – ҳар бир ватандошимиз конституциявий ислоҳотларга дахлдор бўлиши ва **“Бу – менинг Конституциям”**, деб юксак ғурур ва ифтихор билан айта олиши керак.

Келгуси йилга режаларни тўғри олиш учун халқимизнинг фикрини ҳар бир йўналиш бўйича чуқур таҳлил этиб, 20 мингга яқин таклифларни муҳокама қилдик. Одамларимиз таълим, соғлиқни сақлаш, иқтисодиёт йўналишларида аниқ-аниқ масалаларни кўтариб, улар бўйича тизимли ечимларни ҳам таклиф этмоқда. Аҳолимиз биздан мактаб, боғча ва шифохоналарни кўпайтириш, таълим ва тиббиёт сифатини оширишни, маҳаллада йўл, сув, электр, транспорт муаммоларини ҳал қилишни, иш ўринларини кўпайтириш, тадбиркорликка янги имкониятлар яратишни, адолатни таъминлаш, оворагарчилик, бюрократия ва коррупцияни йўқ қилишни кутмоқда.

Кўтарилган масалалар аниқ ва ўринлидир. Қанчалик қийин бўлмасин, биз бу муаммоларни ечишимиз шарт. Ҳеч ким четдан келиб, буларни ҳал қилиб бермайди. Одамларимизнинг ташаббуси, шижоати ва салоҳиятини ишга солиш учун барча шароитларни туғдириб бериш асосий вазифамиз бўлиши керак.

Халқимизга қанча имконият яратсак, бунинг фойдаси жамиятимизга ўн карра, юз карра бўлиб қайтади.

Шу боис, кириб келаётган янги, **2023 йилга юртимизда “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили”**, деб ном беришни таклиф қиламан.

Нима учун йилга бундай ном бераймиз?

Биз Ўзбекистонда олиб борилаётган давлат сиёсатининг марказида инсон ва унинг манфаатларини таъминлашни устувор вазифа этиб белгиладик. Бу сиёсат бир йил билан чекланиб қолмаслиги, доимо бардавом бўлиши барчамизга аён.

Аслида ҳам, бизнинг энг бебаҳо бойлигимиз, бу – бунёдкор халқимиз, дуоғўй ота-оналаримиз, навқирон авлодимиз эмасми?

Шу юртда яшаётган ҳар бир инсоннинг тинч ва бахтли ҳаёт кечириши, унинг соғлиғи жойида бўлиши, яхши таълим олиши, оиласини тебратиши учун қандай шароит керак бўлса, ҳаммасини яратиб беришга ҳаракат қиляпмиз ва бу йўлдан асло тўхтамаймиз.

**Таълим сифатини ошириш – Янги Ўзбекистон тараққиётининг яққою ягона тўғри йўлидир.**

Юсуф Хос Ҳожиб бобомиз айтганларидек:

“Заковат бор жойда улуғлик бўлади,  
Билим бор жойда буюклик бўлади”.

Шунинг учун ушбу соҳада бошлаган ислохотларимизни давом эттиришимиз, таълим даргоҳларига бориб, ўқитувчи ва мураббийлар билан кўпроқ мулоқот қилиб, ўқув-тарбия ишлари сифатини ошириш бўйича улар қўйган масалаларни биргаликда ҳал этишимиз керак.

Биз келгуси йил Давлат дастурига халқимиз кўтарган барча масалаларни аниқ ечимлари билан киритамиз. Ушбу жараёнларда депутат ва сенаторлар, маҳалла вакиллари, зиёлилар, ёшлар, тадбиркорлар ва кенг жамоатчилигимиздан фаол бўлишларини, янги-янги таклиф ва ташаббуслар билдиришларини сўрайман.

## Халқимизнинг қаҳрамонларча меҳнати билан эришган айрим ютуқлари



Ялпи ички маҳсулот  
ҳажми **80 миллиард**  
доллардан ошди



**8 миллиард доллар**  
тўғридантўғри хорижий  
инвестициялар



Экспорт  
**19 миллиард**  
доллар



2017 йилда кам таъминланган **500 минг** оила ижтимоий ёрдам олган бўлса, бугунга келиб, **2 миллиондан** ортиқ оилаларга кўмак берилмоқда. Ажратилаётган маблағлар эса, **7 баробар** кўпайтирилиб, йилига **11 триллион** сўмга етди.



[https://t.me/timoly\\_manaviy\\_tadqiqotlar](https://t.me/timoly_manaviy_tadqiqotlar) <https://t.me/tarqibatmaterial>

<https://www.facebook.com/groups/117987972182756/>



Охирги олти йилда мамлакатимиз бўйича қарийб **300 мингта** ёки аввалги йилларга нисбатан **10 баробар** кўп уйжойлар қурилди



Қўшимча **500 минг** ўқувчи ўрни яратилиб, уларнинг жами сони **5 миллион 300 мингта** етди. Ҳозирги вақтда яна **1 миллион 200 минг** ўқувчи ўрни яратиш бўйича ишлар жадал давом эттирилмоқда.



**381 нафар** спортчимиз жаҳон ва Осиё мусобақаларида, **43 нафар** иқтидорли ва билимдон ёшларимиз нуфузли халқаро фан олимпиадалари ҳамда танловларида совринли ўринларни қўлга киритди



[https://t.me/itimoiy\\_manaviy\\_tadqiqotlar](https://t.me/itimoiy_manaviy_tadqiqotlar) <https://t.me/tarqibatmaterial>

<https://www.facebook.com/groups/117987972182756/>



Албатта, эришаётган барча ютуқларимиз, инсон қадри улуғ бўлган диёр — Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлидаги дастлабки натижалардир. Биз бунёдкор халқимиз билан бирга бундай эзгу ишларни давом эттирамиз ва олдимизга қўйган катта-катта марраларга албатта эришамиз.



[https://t.me/itimoiy\\_manaviy\\_tadqiqotlar](https://t.me/itimoiy_manaviy_tadqiqotlar) <https://t.me/tarqibatmaterial>

<https://www.facebook.com/groups/117987972182756/>

**2-савол: Ўзбекистонда инсонга эътибор ва сифатли таълим йилида амалга ошириладиган устувор вазифалар.**  
Энди 2023 йилдаги устувор йўналишларга тўхталиб ўтамиз.

**2023 йилдаги устувор йўналишлар**



**Биринчи йўналиш**

Ихчам ва самарали давлат бошқарув тизимига ўтиш



**Иккинчи йўналиш**

Янги Ўзбекистон “ижтимоий давлат” тамойили



**Учинчи йўналиш**

Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш



[https://t.me/itimoly\\_mamoliy\\_tadqiqotlar](https://t.me/itimoly_mamoliy_tadqiqotlar) <https://t.me/tarqatmaterial>  
<https://www.facebook.com/groups/112987972182756/>

**2023 йилдаги устувор йўналишлар**



**Тўртинчи йўналиш**

Экология ва сув масалалари



**Бешинчи йўналиш**

Эркин бозор механизмларини жорий қилиш, соғлом рақобат ва хусусий мулк дахлсизлигини таъминлаш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш




**Олтинчи йўналиш**

Иқтисодиётга маҳаллий ва хорижий хусусий инвестицияларни қўпайтириш



[https://t.me/itimoly\\_mamoliy\\_tadqiqotlar](https://t.me/itimoly_mamoliy_tadqiqotlar) <https://t.me/tarqatmaterial>  
<https://www.facebook.com/groups/112987972182756/>

 **Биринчи йўналиш.** Ихчам ва самарали давлат бошқарув тизимига ўтишни таклиф қиламан.

Нима учун сўзни айнан шу йўналишдаги ислохотдан бошляпман?

Олдинлари эътибордан четда қолиб, “йўқ бўлиб кетиш” арафасида бўлган соҳаларни “оёққа турғизиш” учун олти йил давомида янги вазирлик

ва идораларни ташкил қилишга тўғри келди. Шундай қилишга мажбур эдик, акс ҳолда ҳозирги ютуқларимиз бўлмас эди.

Мактабгача таълим, уй-жой коммунал, “маҳаллабай” ишлаш, инвестиция, давлат хизматлари, давлат-хусусий шериклик соҳаларида катта натижаларга эришдик. Хусусий сектор ва тадбиркорликнинг ривожланиши ортга қайтмас жараёнга айланди. Аҳолимизнинг фаоллиги, замонавий технология ва касб-хунарларга интилиши ошиб бормоқда. Иқтисодиётимизда кундан-кунга янги-янги йўналиш ва соҳалар яратилмоқда.



Бу борада хусусий ташаббусларни янада кенгайтириш, уларга янги истиқболларни очиш мақсадида энди “қўл бошқаруви”дан – аниқ натижага ишлайдиган тизимли бошқарувга ўтиш вақти келди.

Очиқ айтиш керак – ҳозирги кунда давлат аппаратида такрорланиш кўп, кераксиз штатлар бор. Марказлашув юқори. Оқибатда бугунги мураккаб масалаларга тўғри ечим топиш учун ортикча вақт, куч ва ресурс сарфланмоқда.

Вазирларнинг Ҳукумат қабул қилаётган қарорларда, таъбир жоиз бўлса, “овози йўқ”. Яъни, уларнинг ушбу қарорларни тайёрлаш ва ҳаётга жорий этишдаги иштироки ва масъулияти етарли эмас. Энди вазирларнинг бундай эскича усулда ишлашга ҳаққи йўқ.

Агар вазирнинг ўз соҳаси бўйича узоқни кўзлаган аниқ ёндашувлари бўлмаса, унинг фаолияти туфайли одамларнинг оғири енгил бўлмаса, ўзингиз айтинг, бундай раҳбардан нима наф бор?

Шунинг учун янги маъмурий ислохотлар тўғрисидаги Фармонни имзоладим. Бунга узоқ тайёргарлик кўрдик.

Биринчи босқичда вазирликлар ислоҳ қилинади, Ҳукумат иш услуби ҳам тубдан ўзгаради. Энг аввало, вазирлик ва идоралар сони ҳозирги 61 тадан 28 тага камайтирилади.

Энди ҳар бир вазирлик тегишли соҳада давлат сиёсатини амалга оширишга масъул бўлиб, тармоқ таркибидаги кўмита, агентлик ва инспекцияларга раҳбарлик қилади.

Кўп вазирлар ўзгаради. Ўз соҳасининг чуқур билимдони, фидойи ва ишидан халқ рози бўлаётган вазирлар лавозимида қолади. Ўйлайманки, бундай ёндашув адолатли бўлади.

Давлат хизматчилари сони босқичма-босқич 30-35 фоизга қисқаради. Иқтисод қилинадиган маблағлар ижтимоий масалаларга йўналтирилади.

Ҳар бир вазирнинг сиёсий мақоми, Президент, парламент ва жамоатчилик олдидаги масъулияти оширилади. Бунга мос равишда

жавобгарлиги ҳам кучайтирилади. Уларга аҳоли муаммоларини ҳал қилиш учун етарли ваколат ва маблағ берилади.

Вазирликлар фаолиятида очиқлик, қонунийлик, натижадорлик ва сифат асосий мезон бўлади.

Биз коррупция ҳақида кўп гапирамиз, лекин вазирлик тизимида коррупцияга йўл қўйилса, нима учун вазир жавоб бермаслиги керак? Энди сўров бошқача бўлади. Вазир ўзи раҳбарлик қилаётган соҳага ажратилган маблағларни самарали ва мақсадли ишлатиш бўйича биринчи бўлиб ўзи жавоб беради.

Имом Мотуридий бобомизнинг: **“Элу юрт билан ҳамдард бўлиб яшагин, токи халқ ҳамиша сен билан бирга бўлгай”**, деган ҳаётий ҳикмати ҳар бир вазир, ҳар қайси раҳбарнинг онги, қалби ва ҳаракатида муҳрланиши лозим.

Давлат вакиллари ўзининг ҳалол меҳнати, оддийлиги, халқсеварлиги, самимийлиги ва фидойилиги билан одамларимиз меҳрини қозониши керак.

Энди вазирларнинг сиёсий масъулияти оширилиб, Ҳукумат қарорлари лойиҳалари, мамлакатимиз ҳаётига оид муҳим ижтимоий-иқтисодий масалалар бевосита вазирлар иштирокида коллегиял ҳал этилади.

Ҳар бир вилоятдаги муаммоларни ечиш учун ҳар ойда жойига чиққан ҳолда, “Ҳукумат куни” ўтказилиши йўлга қўйилади.

Вазир ҳар йилнинг бошида жамоатчилик олдида соҳадаги режаси ва йил якуни билан эса унинг натижаси бўйича ҳисобот беради.

Таъкидлаб айтмоқчиман – энди қайси вазир ўз ишини эплай олмаса, истеъфога чиқади.

Шу ўринда яна бир фикрни Парламент вакилларига етказмоқчиман.

Сўнгги йилларда кўп ваколатларни Олий Мажлисга ўтказдик, уларни янада кенгайтиришни ўйлаяпмиз. Янги вазирни тайинлашда ҳам депутатлар иштирок этмоқда, режалари билан танишиб, маъқуллаяпти. Лекин, афсуски, кейинчалик фақат танқид билан чекланмоқда.

Маълумки, соҳалар бўйича иккала палатада ҳам қўмиталар, комиссиялар бор. Аслида, улар вазирларга қайси йўналишда ёки ҳудудда иш яхши кетмаётганини кўрсатиши, камчиликлар бўйича жойига чиқиб, аҳоли фикрини ўрганиб, масалага биргаликда ечим топишлари лозим.

Шу боис, вазир фаолиятини самарали ташкил этишда парламентдаги қўмита, комиссия ва депутатларнинг ҳам масъулиятини белгилаш тўғри бўлади, деб ҳисоблайман.

Албатта, танқид ҳам керак. Аммо ҳозирги депутатларга берилган катта ваколат ва имкониятлардан самарали фойдаланиш лозим.

Мен ҳам узоқ йиллар депутат бўлиб ишлаганман, ўша даврда Парламентда ҳисобот берган вазирларни камдан-кам кўрар эдик. Ҳозир эса вазият мутлақо бошқача-ку! Шунинг учун энг муҳим масала – юрт тақдирига дахлдор бўлиб, халқимизни рози қилиш учун ҳаммамиз биргаликда ишлашимиз керак.

Умуман, Парламентимизнинг иш услубини яхшилаш ва фаолият самарадорлигини ошириш ҳам Конституциямизда ўз аксини топиши зарур.



Маъмурий ислохотларнинг иккинчи босқичи сифатида келгуси йилда худудлардаги бошқарув тизими ҳам ислох қилинади.

Барча маъмурий ислохотлар доирасидаги янги ташаббуслар Конституциямизда албатта белгилаб қўйилиши лозим. Ўйлайманки, сизлар ҳам бунга қўшиласизлар.

Бу йил “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги янги қонунни қабул қилдик. Бундан буён давлат лавозимларига фақат конкурс асосида ишга қабул қилинади. Барча раҳбарлар фаолияти самарадорлик кўрсаткичлари асосида баҳолаб борилади.

Ҳар йили 500 нафар мутахассисни энг нуфузли хорижий олийгоҳ ва марказларда ўқитиб келамиз.

Келгуси икки йилда ҳар бир туман ва шаҳар ҳокимлигига республика идораларида юқори лавозимларда ишлаган, билимли ва тажрибали кадрлар қўйилади.

Янги йилдан бошлаб ҳар бир ҳоким ўз туманига 40-50 миллион доллар хусусий инвестицияларни олиб келиши керак бўлади.

Вазирлар фақат давлат маблағини сарф қилмасдан, ўзлари ҳам ташаббус кўрсатиб, хусусий инвестицияларни жалб қилишлари лозим. Масалан, давлат-хусусий шериклик орқали қишлоқ, сув, ўрмон хўжаликлари, транспорт соҳаларига бемалол йилига 1 миллиард долларгача сармоя олиб келиш мумкин.

Маъмурий ислохотлар доирасида яна бир муҳим ташаббусни илгари сурмоқчиман.

Ҳозирги кунга келиб Марказий Осиёда аҳолиси миллиондан ортиқ шаҳарлар 7 тага етди. Минтақамизда пойтахтлар билан бир қаторда бошқа йирик шаҳарлар ҳам “ўсиш нуқталари”га айланмоқда. Буларнинг орасида Самарқанд ва Наманган шаҳарлари ҳам бор. Уларнинг ҳар бирида аҳоли сони бир миллионга етмоқда. Иккала шаҳарда ҳам улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда.

Самарқанд шаҳри дунё танийдиган мегаполисга, халқаро туризм ва бизнес марказига айланмоқда. Наманган ҳам саноат, тадбиркорлик, таълим, маданият соҳаларида минтақавий марказ сифатида ўз ўрнини топмоқда. Шу боис, Самарқанд ва Наманган шаҳарларини алоҳида маъмурий-худудий бирликлар сифатида республика бўйсунувига ўтказишни таклиф қиламан.

Бу пойтахтимиз Тошкент билан бир қаторда “ўзига тортувчи марказлар”ни кўпайтириш бўйича бошлаган сиёсатимизда янги амалий қадам бўлади; жон бошига даромад, иш жойларини кўпайтиради; иккала вилоятда ҳам туманларни ривожлантиришга кўпроқ эътибор қаратилади ва буям адолатдан бўлади.

Энди ушбу вилоят ҳокимлари фақат йирик шаҳарлар билан эмас, туманларда шароитларни яхшилаш бўйича ҳам ишлаши талаб этилади.

Ҳар иккала шаҳарни ривожлантириш дастури Вазирлар Маҳкамасида тасдиқланиб, уларнинг ижроси учун бевосита Бош вазир жавоб беради.



**Иккинчи йўналиш.** Биз Янги Ўзбекистонни “ижтимоий давлат” тамойили асосида қуришни мақсад қиляпмиз. Буни Конституцияда мустақамлашимиз керак.

Ижтимоий давлат бу, энг аввало, инсон салоҳиятини рўёбга чиқариш учун тенг имкониятлар, одамлар муносиб ҳаёт кечиршига зарур шароитлар яратиш, камбағалликни қисқартириш, демакдир.

Шу боис, биринчи навбатда, эътиборни Янги Ўзбекистон учун энг катта инвестиция бўлган таълимни қўллаб-қувватлашга қаратамиз.

**“Нажот – таълимда, нажот – тарбияда, нажот – билимда. Чунки, барча эзгу мақсадларга билим ва тарбия туфайли эришилади”.**

Маърифатпарвар жаид боболаримизнинг бу сўзлари депутат ва сенаторларимиз, сиёсий партиялар, маҳаллий кенгашлар, бутун давлат аппарати, кенг жамоатчиликнинг амалий ҳаракатига айланиши керак. Шу боис, мактабларда таълим сифати ҳамда жамиятда ўқитувчи касбининг нуфузини ошириш, муаллимларнинг шароитларини яхшилаш 2023 йилдаги энг асосий вазифаларимиздан бири бўлади.

Ўқитувчиларнинг мақомини, уларнинг шаъни ва кадр-қимматини ҳимоя қилишни Конституцияда алоҳида белгилаш зарур, деб ҳисоблайман.

Келгуси йилдан бошланғич синфларда мутлақо янги методика асосида яратилган дарсликлар бўйича ўқитиш йўлга қўйилади. Ҳозирги вақтда улар халқаро экспертизадан ўтиб, ўзимизда синовдан ўтказилмоқда. Лекин юқори синфларда-чи? Оқиқ айтиш керак, уларда берилаётган таълим ва тарбия сифати, ўқитувчиларнинг билими ва маҳоратини талаб даражасида, деб бўлмайди.

Болаларимиз мактабдан она тили ва чет тилларини пухта ўзлаштириб, компьютерда ишлашни ўрганиб чиқиши зарур. Фарзандларимизни касб-ҳунарларга, санъат ва маданиятга қизиқтиришимиз лозим.

Ўқувчиларда эркин ва креатив фикрлашни, жамоада ишлаш ва мулоқот кўникмаларини шакллантириш зарур.

Мана, мактабларимизга қандай муҳит кириб келиши керак!

Бу борада Президент мактабларида 130 та мамлакатда маъқулланган “А-level” таълим дастури йўлга қўйилгани ўз самарасини бермоқда.

Бу жараёнда ҳар бир ўқувчи ўзининг қобилиятига қараб, аниқ йўналишлар бўйича чуқур ўқитилади, дунёнинг нуфузли олийгоҳларига кириш имкониятлари кенгайди.

Шу боис, 2023 йилдан мактаб таълимини халқаро таълим дастурлари асосида бутунлай ислоҳ қилишни бошлаймиз.

Бу ишларни тизимли йўлга қўйиш, янги дарсликларни ишлаб чиқиш, илғор таълим стандартлари ва методикаларини жорий этиш учун алоҳида илмий институт ва лабораториялар ташкил қилинади. Миллий ўзлигимиз тимсоли, маънавиятимиз асоси бўлган она тилимизга эътибор янада кучайтирилади.

Ҳозирги очиклик сиёсати, чет эл инвестициялари ва янги корхоналарнинг ортиб бораётгани ёшларимизни замонавий билимлар ва хорижий тилларни ўрганишга ундамоқда. Шу боис, мактабларга юқори малакали хорижий ўқитувчиларни олиб келишга мажбур бўляпмиз.

Фурсатдан фойдаланиб, юртимиздаги барча мактаб жамоаларига муурожаат қилмоқчиман.

Жондан азиз болаларимиз мактабдан чет тилларни, касб-хунар ва компьютер саводхонлигини пухта ўрганиб чиқса, биласизларми, жамиятимиз қандай ўзгаради?

Янги Ўзбекистонда мактаб жамоалари ва муаллимларининг масъулияти – айнан ана шу масалаларда яққол намоён бўлади. Ва мен ишонаман – сиз, жонкуяр ўқитувчиларимиз бу вазифани шараф билан уддалайсизлар.

Келгуси йили 70 та янги мактаб қурилади, 460 та мактаб кенгайтирилади. Хусусий инвестициялар иштирокида 100 та мактаб қуриш лойиҳалари бошланади, келгуси беш йилда уларнинг сонини 1 мингтага етказамиз.

Йил бошидан Қорақалпоғистон ва Хоразмда 285 минг нафар бошланғич синф ўқувчилари учун бепул овқатланиш йўлга қўйилди. Бу борада етарли тажриба орттирдик.

Келгуси ўқув йилидан бошлаб ушбу амалиёт қолган вилоятлар ва Тошкент шаҳри мактабларида ҳам жорий этилади ва бунинг учун 2,3 триллион сўм ажратилади. Бу жараёнларни шаффоф тизим асосида ташкил этиш, фарзандларимизни соғлом ва сифатли овқат билан таъминлашга Халқ таълими вазири масъул ва жавобгар бўлади.

Таълим соҳасидаги навбатдаги муҳим йўналиш, бу – ёшларнинг замонавий касб-хунар эгаллаши учун барча зарур шарт-шароитларни яратишдан иборат.

Мактаб битирувчиларининг 50 фоизи меҳнат бозорига ҳеч қандай касбга эга бўлмасдан кириб келаётгани ҳаммамизни ўйлантириши керак. Шу боис, 700 дан ортиқ касб-хунар мактаби, коллеж ва техникумлар имкониятидан самарали фойдаланиш зарур.

Бу мақсадда 2023 йилдан бошлаб янги дастур амалга оширилади. Ҳар бир вилоятда 1 тадан техникумда Европа касбий таълим стандартлари жорий этилади. Келгуси беш йилда барча коллеж ва техникумлар ушбу тизим билан камраб олинади.

Шу билан бирга, иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлашни кенгайтирамиз. Кимё саноати, электр техникаси, транспорт ва энергетика соҳаларида нуфузли халқаро ташкилотлар билан бирга, алоҳида Муҳандислик мактаблари ташкил қилинади. Бу тизим бизда ҳозиргача бўлмаган. Лўнда айтганда, янги замон инженерлари тайёрлаш тизимини яратамиз.

Сўнгги олти йилда болаларни мактабгача таълим билан камраб олиш даражаси 27 фоиздан 70 фоизга етиши натижасида бугунги кунда 2 миллионга яқин бола боғчага бормоқда. Яқинда Тошкент шаҳрида

Ўтказилган ЮНЕСКОнинг Мактабгача таълим бўйича Умумжаҳон анжуманида ҳам бу ислохотларимиз юксак эътироф этилди.

Шу билан бирга, келгуси беш йилда қамровни 80 фоизга етказиш учун 600 минг янги боғча ўрни керак. Бу – жуда катта марра. Шу боис, боғчалар сонини кўпайтириш, улардаги таълим ва тарбия сифатини тубдан яхшилаш бўйича беш йиллик дастур қабул қилинади. Боғча қамровини кенгайтириш бўйича хусусий секторга қўшимча шароитлар яратилади.

Сўнгги йилларда олийгоҳларимиз 2,5 баробар кўпайиб, 198 тага етди, қамров даражаси 9 фоиздан 38 фоизга ошди.

Биз бу рақамларни янада кўпайтиришни мақсад қилганмиз. Лекин, таълим сифати нима бўлади, деган савол ҳаммамизни ўйлантириши керак.

Авваламбор, бунга ҳар бир олийгоҳ ўзи ҳаракат қилиши лозим, ўшанда натижа бўлади.

Бу борада 41 та олийгоҳга академик ва молиявий мустақиллик берилди, уларда трансформация офислари очилди. Олийгоҳ ректорлари, профессор ва ўқитувчилар бу жараёнларда фаол бўлишлари, янги, илғор методикаларни жорий қилишлари керак.

Келгуси йилда олийгоҳ талабалари учун имтиёзли таълим кредитларига ресурслар 2 баробар кўпайтирилиб, 1,7 триллион сўм ажратилади.

Бу йил илм-фан ва инновацияларга 1,5 триллион сўм йўналтирилди. Бу – 2017 йилга нисбатан қарийб 6 баробар кўп, дегани.

Олимларнинг иш ҳақи ҳам 4,5 баробар оширилди.

Буларнинг барчаси ҳисобидан нано ва биотехнологиялар, рақамли геология каби 18 та янги илмий йўналиш ташкил этилди.

Келгуси йили илм-фан ва инновацияларга 1,8 триллион сўм ажратилади.

Энди олимларимиз сув ва энергияни тежаш, тупроқ унумдорлиги ва ҳосилдорлик, геология, саноат, қурилиш каби бугунги кунда биз учун долзарб йўналишларда аниқ натижалар кўрсатишлари керак.

Халқимизнинг малакали ва сифатли тиббий хизматлардан фойдаланиш имкониятларини янада кенгайтираамиз.

Аввало, бепул тиббий ёрдамнинг қафолатланган ҳажми қонун билан белгиланади.

Ажратилаётган маблағлар ҳар бир беморга етиб бориши учун давлат тиббий суғуртасига ўтишни тезлаштираамиз. Келгуси йили бу тизим Тошкент шаҳрида бошланади. Босқичма-босқич бошқа ҳудудларда ҳам жорий қилинади.

Шу ўринда бир оғриқли масалани айтиб ўтмоқчиман. Бугунги кунда 7 миллион аҳолимизда турли хил сурункали касалликлар бор.

Соғлом ҳаёт тарзи ҳақида олти йилдан бери гапиряпмиз. Лекин Соғлиқни сақлаш вазирлиги буни ҳали жой-жойига қўя олмаяпти. Соғлом овқатланиш рационига доир тавсиялар одамларга етказилмаяпти, турли ёшдаги кишилар учун жисмоний машқларни ўргатиш ишлари йўқ. Аслида, инсон саломатлиги, тиббиётнинг замини ҳам шулар-ку! Шу боис, **“Тўғри овқатланиш ва соғлом турмуш тарзи” янги умуммиллий ҳаракатини**

маҳалладан бошлаймиз. Бу ҳаракатда ёшу қари – барча юртдошларимиз ўз ўрнини топиши керак.

Аҳолига бирламчи тиббий хизматларни янада яқинлаштириш ишлари давом эттирилади. Келгуси икки йилда ҳар бир оилавий поликлиника ва шифокор пунктига энг керакли ускуна ва жиҳозлар етказиб берилади, экспресс лабораториялар тўлиқ янгиланади.

Янги йилда қўшимча 140 та оилавий шифокор пункти ва поликлиникалари, 520 та олис ва чекка маҳаллада ихчам тиббиёт пунктлари ташкил этилади.

Шу билан бирга, оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш бўйича уч йиллик катта дастур амалга оширилади. Барча туғруқ комплекслари тўлиқ таъмирланади ва жиҳозланади, ўринлар сони 35 фоизга кўпайтирилади.

Бундан ташқари, мамлакатимизда 15 мингга яқин онкологик беморлар нур ёрдамида даволанишга муҳтож. Шу боис, келгуси йилда Самарқанд, Фарғона ва Хоразмда, давлат-хусусий шериклик асосида Радиология марказларини ташкил этиш лойиҳаларини бошлаймиз.

Маълумки, барча ислохотларимиз замини ва кўзгуси бу – маҳалла. Жамиятимиздаги барча жараёнлар маҳалла ҳаётида ўз ифодаси ва амалий ечимини топади.

***Маҳалла – тинчлик ва осойишталик пойдевори, аҳиллик ва ҳамжиҳатлик, маърифат ва тарбия кўргонидир.***

Шунинг учун ҳам бундан буён давлат инвестиция дастурлари маҳалла даражасига туширилади.

Авваламбор, 2023 йилда аҳоли томонидан таклиф берилган сув, электр энергияси, йўл, мактаб каби йўналишлар бўйича лойиҳалар учун қарийб 3 баробар кўп, яъни 8 триллион сўм йўналтирилади.

Ҳар бир маҳалла ўзининг кутубхонаси, спорт майдончасига эга бўлиши зарур.

Маҳалла ўзининг муаммосини мустақил ҳал этиши учун “Маҳалла бюджети” тизими жорий этилади. Бунинг учун янги йилда 1 январдан бошлаб мол-мулк ва ер солиқларининг бир қисми маҳалланинг ўзида қолади.


Шу билан бирга, Конституциямизга аҳолининг муносиб ҳаёт кечириши ва уй-жойга эга бўлиши тўғрисидаги янги моддаларни киритиш лозим, деб ҳисоблайман.

Аҳоли учун янги уй-жойлар қуриш ҳажмини 1,5 баробар ошириб, 90 мингга етказамиз. Бу борада икки йил олдин бошланган имтиёзли шартлар асосида ипотека кредитлари бериш давом эттирилади.

Келгуси йилда Тошкент вилоятида “Менинг биринчи уйим” янги ипотека дастури бошланади. Дастур доирасида, биринчи навбатда турар-жойга эҳтиёжи бор ҳамда ёш оилалар учун энг қулай шартлар асосида уй-жойлар барпо этилади.

Бундан ташқари, жамоат транспортидаги вазият мутлақо ўзгаради. Тошкент шаҳри учун қўшимча равишда 1 мингта замонавий автобус сотиб олинади, 7 та ер усти метро бекати ишга туширилади. Буларнинг ҳисобидан ҳар куни 500 мингдан зиёд пойтахт аҳолиси ва меҳмонларига қўшимча қулайликлар яратилади.

Худудларда ҳам йўловчи ташиш сифатини яхшилаш мақсадида яна 1 мингта автобус ҳаракати йўлга қўйилади. Бу орқали жамоат транспорти бўйича аҳвол оғир бўлган 300 та маҳалладаги 1 миллион аҳолининг узоғи яқин қилинади.

 **Учинчи йўналиш.** Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш давлатнинг конституциявий мажбурияти сифатида белгиланиши лозим.

Сўнгги йилларда суд-ҳуқуқ тизимида адолат ўрнатиш бўйича кўп иш қилдик. Шу билан бирга, одил судловни таъминлаш бўйича ҳали қўлимиз етиб бормаган масалалар бор. Афсуски, ҳозир ҳам тергов сифати пастлиги, судларда одамларнинг оворагарчилиги, суд қарорлари ижро этилмай қолаётгани билан боғлиқ ҳолатлар учрамоқда.

Бу масалалар, энг аввало, Олий суд раиси ва Бош прокурорни ташвишга солиши керак.

Нима учун ҳалигача давлат ҳисобидан бепул таъминланадиган адвокатларни электрон танлаш тизими ишга тушмади? Ким бунга қарши?

Бу масалани алоҳида назоратга олиб, тез кунларда ушбу тизимнинг тўлиқ ишга туширилишини таъминлашимиз зарур.

Шу боис, қисқа муддатда ҳуқуқ-тартибот идораларини янгича ишлашга ўргатадиган, одил судлов сифатини оширадиган тизим яратамиз. Бу масалада алоҳида Фармон имзоланади.

Энг аввало, одамларимизнинг жойларда судма-суд сарсон бўлиб юришларига барҳам берилади. Бунинг учун адолатли ҳукм ва қарор чиқариш бўйича вилоят судларининг ваколоти ҳам, масъулияти ҳам оширилади.

Тинтув ўтказиш, телефон сўзлашувини эшитиш ва мулкни хатлашга санкцияни прокурордан судга ўтказамиз. Энди терговчи жиноятга алоқадор деб, ҳар қандай мулкни хатлаб қўя олмайди. Ахир, биз хусусий мулк дахлсизлигини кучайтириш бўйича озмунча ҳаракат қиляпмизми?

Бундан буён мулк ҳуқуқини чеклашга оид ҳар қандай ҳаракат фақат суд орқали бўлади.

Тергов сифатини ошириш бўйича ҳам тизимли чоралар кўрамиз. Тергов шахсни айблаш учун эмас, жиноятни фош этиш орқали ҳақиқатни аниқлаш учун ишлаши керак.

Шу билан бирга, судда ишларни кўришда қатнашадиган алоҳида прокурорлар корпуси шакллантирилади. Улар махсус ўқитилади, ишни судда кўришда холис, мустақил бўлиши қонун билан белгиланади.

Одил судловни таъминлашда ҳимоячига берилган ҳуқуқлар ҳам қайта кўриб чиқилиб, етмайдиган ваколатлар берилади.

Нима учун адвокатга жиноят иши қўзғатиш ва тугатиш ҳақидаги қарордан нусха берилмайди? Бундай ҳолатда тенглик ҳақида қандай гапириш мумкин?

Энди судларга жиноят иши фақат айблов хулосаси билан эмас, балки ҳимоячининг фикри билан бирга қабул қилинади.

Айбланувчининг ҳимоячидан воз кечиши бўйича ҳар бир ҳолат прокурор, суд томонидан синчиклаб ўрганиладиган тизим жорий қилинади.

Охирги пайтларда айрим вақтинча ушлаб туриш жойларида инсон ҳуқуқлари бузилиши бўйича оғриқли масалалар кўтарилмоқда.

Бизнинг юртимизда бундай ҳолатлар умуман бўлиши мумкин эмас. Ким бунга амал қилмаса, қонун устувор, жазо муқаррар бўлади.

Шу боис, бундай жойларга олиб келинган барча шахсларни ҳисобга олишнинг онлайн тизими жорий этилади ва юзни таниш ускунаси ўрнатилади.

*Ҳеч кимнинг унутишга ҳаққи йўқ – қонун талаблари ва инсон ҳуқуқлари – биз учун олий қадрият.*

Бош прокурор ва Ички ишлар вазири бу ҳақиқатни ҳар бир ходимига етказиб, таъсирчан назорат ўрнатиши шарт.

Илғор хорижий тажрибалар асосида маъмурий судлар фаолиятини янги босқичга олиб чиқамиз.

Маъмурий судларга ҳоким қароридан норози бўлиб мурожаат қилинган тақдирда, ишларни экстерриториал тартибда, яъни бошқа ҳудудда ҳам кўриш амалиёти жорий қилинади.

Вазирлар ҳам, ҳокимлар ҳам бир ҳақиқатни яхши тушуниб олиши керак: **Ўзбекистонда мулк ва инвестициянинг ҳимоячиси қайсидир ҳоким ёки вазир эмас, фақат Конституция, қонун ва суд бўлади.**

Бу борада Халқаро тижорат судини Ўзбекистонда ташкил қилиш бўйича ҳам амалий ишлар бошланди.

Юқоридаги барча ташаббусларни Конституцияда тўғридан-тўғри муҳрлаб қўйиш лозим.

Шу ўринда биз учун долзарб муаммо бўлган коррупция масаласига алоҳида тўхталиб ўтмоқчиман.


Ўтган икки йилда 5 мингга яқин мансабдор коррупцияга доир жиноятлар бўйича жавобгарликка тортилди. Лекин, очиқ айтиш керак, бу – масаланинг сабаби билан эмас, оқибати билан курашиш.

Депутат ва сенаторлар, маҳаллий кенгашлар ҳам бонг уриб, аниқ соҳаларни таҳлил қилиб, коррупцияни бартараф этиш бўйича фаол бўлишлари керак эмасми?

Ҳар бир депутат ўзининг округидаги бюджет ҳисобидан бўлаётган қурилишлар, йўлларни, ҳар ойда бориб кўрса, буюртмачи ва пудратчидан сифатни талаб қилса, биласизларми, аҳвол қандай ўзгаради? Бунинг учун сизларда етарли ваколат ҳам, шижоат ҳам бор.

Коррупцияга қарши курашиш борасида алоҳида қонунлар қабул қилиниб, ҳуқуқий асослар яратилди.

Энди амалий ишларни кучайтириш керак. Сунъий монополияга, ёпиқ схемаларга, умуман коррупцияга имкон яратадиган барча бўшлиқларга барҳам берилади.

 **Тўртинчи йўналиш.** экология, айниқса, сув масалалари глобал муаммога айланиб бораётгани билан боғлиқ.

Биз нафақат бугунги, балки келажак авлодларни ҳам ўйлашимиз шарт. Шу боис, Конституциямизда табиий ресурслар, жумладан, сув ҳавзалари ва ер ости захираларини муҳофаза қилиш бўйича талабларни кучайтиришимиз зарур.

Биласиз, мамлакатимиз сўнгги 3 йилда қурғоқчиликни бошдан кечирди. Бунинг таъсири, айниқса, Амударёнинг қуйи ҳавзасидаги ҳудудларимизда яққол сезилди.

Шу ўринда Амударё ўзанида янги канал қурилиши бўйича қўшни Афғонистоннинг муваққат ҳукумати ҳамда жаҳон ҳамжамияти билан бирга халқаро меъёрлар асосида ва минтақанинг барча давлатлари манфаатларини инобатга олиш юзасидан амалий мулоқотлар олиб бориш лозим, деб ҳисоблаймиз. Бундай ёндашув қўшниларимиз томонидан ҳам қўллаб-қувватланишига ишонамиз.

Умуман, сўнгги 15 йилда ёғингарчилик 25 фоизга қисқарди. Ёзда ўта иссиқ кунлар давомийлиги ортгани олдимизда ҳали катта синовлар борлигидан далолат беради. Лекин ҳозирги вақтда экин майдонларига сув етказиб беришда сезиларли йўқотишлар бор. Шу боис, сув хўжалиги тизими ислоҳ қилинади.

Сувнинг ҳисобини очиқ-ошкора юритиш тизими жорий этилади ва келгуси уч йилда 13 мингга яқин сув хўжалиги объекти рақамлаштирилади. Шу билан бирга, 16 та йирик насос станцияси давлат-хусусий шерикчилик асосида модернизация қилинади ва муқобил энергияга ўтказилади.

Буларга қўшимча равишда сув солиғи бўйича тушумларнинг бир қисми туманларда суғориш хизматларини ривожлантириш, ариқ, зовур ва каналларни бетонлашга йўналтирилади.

Ҳозирги вақтда бутун дунёда бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам жиддий экологик муаммолар пайдо бўлмоқда. Аксарият ҳудудларимизда тупроқ таркиби бузилиб, унумдор ерлар қисқариб бораётгани, чўлланиш, сув етишмаслиги, қурғоқчилик, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш шулар жумласидандир.

Табиатимизни асраб-авайлаш, сув, ҳаво ва атроф-муҳитни тоза тутиш келгуси йилда ҳар бир маҳалла аҳолисининг маданияти ва амалий ҳаракатига айланиши керак. Бу борада мавжуд вазиятни ижобий томонга ўзгартириш учун экология ва атроф-муҳитни асраш бўйича саъй-ҳаракатларимизни, хусусан, **“Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси** доирасидаги ишларимизни кучайтирамиз.

Биз қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни қатъий давом эттирамиз.



Ер муносабатлари бўйича катта ишларни бошлаб, шу йилнинг ўзида 100 минг гектар экин ерини аҳолига деҳқончилик қилиш учун бўлиб бердик. Бунинг ҳисобидан 1,5 миллион тонна қўшимча озиқ-овқат етиштирилди.

Энг асосийси, қишлоқларда 400 мингта янги деҳқон хўжалиги ташкил қилинди, 1 миллион 200 мингдан зиёд одамларимиз банд бўлиб, даромад оляпти.


Агар шу ислохотни қилмаганимизда, бозор ва дўконларимиз ҳозиргидек тўкин бўлармиди, экспорт шу даражага етармиди, жон бошига даромад ўсармиди?

Шу боис, 2023 йилда ҳам сув таъминоти яхши бўлган 100 минг гектар қўшимча экин майдонларини аҳолига ажратамиз. Бунинг ҳисобидан қарийб 350 мингта янги деҳқон хўжалиги ташкил этилади.

Агар жами 750 мингта янги деҳқон хўжалигини тадбиркорга, ер эгасига айлантира олсак, қишлоқда жуда кўп ижтимоий муаммолар, аввало, ишсизлик ва камбағаллик масаласи ечилади. Мен бунга ишонаман.

Вилоят ва туман ҳокимлари бу ишни самарали ташкил этишга масъул ва жавобгар бўлиб, халқ олдида доимий ҳисобот бериб боришлари керак. Бунинг учун кооперацияни фаол қўллаб-қувватлаймиз, кичик ва ўрта қувватли сақлаш корхоналари, саралаш ва қайта ишлаш инфратузилмасини ривожлантираамиз.

Умуман, аграр соҳада юқори кўшилган қиймат занжирини яратиш лойиҳаларига 2023 йилда 1 миллиард доллар ажратилади.

 **Бешинчи йўналиш.** Эркин бозор механизмларини жорий қилиш, соғлом рақобат ва хусусий мулк дахлсизлигини таъминлаш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш Конституцияда алоҳида ўрин эгаллаши керак.

Бугунги кунда дунёда содир бўлаётган кескин жараёнлардан барчангиз хабардорсиз. Жаҳонда мураккаб геосиёсий вазият, энергия ресурслари танқислиги кучайиб бормоқда, озиқ-овқатга эҳтиёж ортиб, молиявий ресурслар қимматлашмоқда.

Бундай вазиятда, қанчалик оғир бўлмасин, иқтисодий ислохотларни қатъий давом эттираамиз, ички имкониятларни тўлиқ сафарбар қилиб, хусусий секторни янада қўллаб-қувватлаймиз. Бунинг учун, энг аввало, тадбиркорлик муҳитини тобора яхшилаш бўйича ислохотларни жадаллаштираамиз.

Биринчи навбатда, ҳудудлар ўртасидаги иқтисодий тенгсизликни қисқартириш, барча туман ва шаҳарларни бир маромда ривожлантириш бўйича янгича ёндашувлар жорий этилади.

Биз чуқур таҳлил қилдик. Келгуси йилдан бошлаб туман ва шаҳарлар мавжуд шароити, салоҳияти ва имкониятларидан келиб чиқиб, 5 та тоифага ажратилади. Жумладан, тадбиркорлик учун ҳар томонлама ривожланган 26 та туман – 1-тоифага; инфратузилмаси яхши бўлган 46 та туман – 2-тоифага; шароити нисбатан қониқарли бўлган 76 та туман – 3-тоифага; жозибадорлиги етарли бўлмаган 40 та туман – 4-тоифага; шароити оғир бўлган 20 та туман – 5-тоифага тўғри келади.

Энди тоифага қараб, туманларнинг иқтисодий ривожланишини белгилаймиз. Тадбиркорлар учун субсидия, кредитлар ва компенсациялар тоифалардан келиб чиқиб ажратилади. Улар учун солиқ ставкалари ҳар хил бўлади.

Мисол учун, бешинчи тоифага кирувчи, шароити энг оғир бўлган 20 та туман учун айланмадан олинадиган солиқ, фойда солиғи, ижтимоий солиқ ставкаларини 1 фоиз миқдорда белгилаймиз. Мазкур туманлардаги тадбиркорлар ер ва мол-мулк солиқлари бўйича ҳисобланган сумманинг атиги 1 фоизини тўлайди. Якка тадбиркорлар қатъий ставкадаги солиқларни тўлашдан озод этилади.

Худди шундай, бошқа тоифадаги туманларда кредитларга пасайтирилган фоиз ставкаларини қўллаш, инфратузилма харажатларини давлат томонидан қоплаб бериш каби бир қатор енгилликлар берилади.

Бюджет харажатлари, аҳоли ва тадбиркорлар олдидаги мажбуриятларимизни қисқартирмаган ҳолда, бизнесга солиқ юқини камайтириш бўйича ишларни давом эттирамиз. Жумладан, 1 январдан бошлаб қўшилган қиймат солиғи ставкасини 15 фоиздан 12 фоизга пасайтириш ҳисобидан тадбиркорлар ихтиёрида йилига камида 14 триллион сўм маблағ қолади. Лекин бизнес муҳитини яхшилаш учун фақат солиқни камайтиришнинг ўзи етарли эмас.

Ўтказилган сўровларда 70 фоиз тадбиркорлар солиқ, божхона, ҳоқимият, электр, кадастр, ёнғин хавфсизлиги, санитар назорат каби идоралар томонидан маъмурий босимлар борлигини билдирган. Шу боис, 2023 йилда назорат қилувчи ва рухсат берувчи идоралар фаолияти яна бир марта танқидий кўриб чиқилади.

Биринчи навбатда, илғор тажрибалар асосида солиқ ва божхона маъмурчилиги жиддий ислоҳ қилинади. Бунда ҳамма давлат идораларида тадбиркорларга сервис хизмати кўрсатишни баҳолаш тизими жорий қилинади. Келгуси йил шу масала билан қаттиқ шуғулланамиз.

Таъкидлаб айтмоқчиман: биз тадбиркорлик соҳасида жавобгарликни енгиллаштириш бўйича бошлаган ислохотларимизни жадал давом эттирамиз.

Халқимиз ҳам, тадбиркор ва инвесторлар ҳам биздан долзарб масала бўлган энергетика соҳасида аниқ ечимлар кутаётгани сир эмас.

Очиқ айтиш керак, энергетика соҳасидаги муаммолар бугун пайдо бўлиб қолгани йўқ.

Кўп йиллар давомида янги газ конларига инвестиция киритилмагани, электр ва газ тармоқлари модернизация қилилмагани ҳам айна ҳақиқат. Оқибатда тизимда аниқ ҳисоб-китоб йўқлиги, катта йўқотишлар оддий ҳолга айланиб қолган эди.

Шу билан бирга, сўнгги олти йилда аҳолимиз 13 фоизга, саноат корхоналари эса 2 баробар ортиб, 45 мингдан 100 минггага кўпайди. Натижада электр энергиясига талаб камида 35 фоиз ошди ва йилдан-йилга кўпайиб бормоқда.

Иқтисодиётимиз барқарор ривожланиши учун энергетика соҳасига 25-30 миллиард доллар инвестиция керак. Бунга фақатгина хусусий инвестицияларни жалб қилиш орқали эришиш мумкин.

Шу боис, сўнгги уч йилда соҳага 8 миллиард долларлик тўғридан-тўғри инвестициялар жалб қилинди. Жумладан, ўтган ҳафтада Бухоро, Наманган ва Хоразмда қуввати 500 мегаваттли яна 3 та қуёш станциясини қуриш бўйича танлов якунланди. Депутат ва сенаторлар томонидан қабул қилинган янги қонунлар бунинг учун ҳуқуқий асос бўлди.

Йил бошидан қуввати 1,5 минг мегаваттли 7 та электр станциясини ишга туширдик.

Келгуси йилда яна 4,5 минг мегаваттли 11 та йирик лойиҳани якунига етказамиз. Жумладан, Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Навоий, Самарқанд, Фарғона ва Тошкент вилоятларида барпо этиладиган қуёш ва шамол электр станциялари ҳисобидан қўшимча 14 миллиард киловатт электр ишлаб чиқарилади. Бу орқали хонадонларга бериладиган электр энергияси 50 фоизга кўпаяди.

Очиқ айтиш керак, кўп иқтисодчилар энергетика соҳасида эркин бозорга ўтишни таклиф қилмоқда.

Бу – тўғри йўл. Мен ҳам буни хоҳлайман. Лекин халқимизнинг жон бошига даромади, ижтимоий ҳимоясини ўйлаб, бу соҳадаги ислохотларни шошмасдан, босқичма-босқич қилишимиз керак.

Энг муҳим масала – энергия ресурсларидан самарали фойдаланиш.

Афсуски, иқтисодиётимизда энергия сарфи бошқа давлатлардан 2 баробар юқори. Шунинг учун энергия самарадорлигини ошириш Миллий дастурини қабул қиламиз. Депутат ва сенаторларимиз бу ишга бош-қош бўлса, албатта ижобий натижа бўлади.

Уй, ишхона, боғча, мактаб ва кўчаларда одамларимизга энергиянинг қадрига етиш, уни тежашни ўргатиш керак. Қонунларимизда ҳам бу масалаларни мустаҳкамлаш зарур.

Шу билан бирга, кичик ҳажмдаги қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш кескин оширилади. Мисол учун, Тошкент вилоятида Олмалиқ, Бекобод комбинатлари ва бошқа йирик корхоналар ўз эҳтиёжлари учун 1 минг мегаваттли қуёш электр станцияларини ўрнатса, йилига 2,5 миллиард киловатт соат электр ишлаб чиқарилади. Бу орқали Тошкент вилоятининг қарийб 30 фоиз электр истеъмоли таъминланади ва 500 миллион куб метр газ тежалани.

Худди шундай асосда бошқа вилоятлар ҳам ҳисоб-китобларини қилиб, келгуси йил учун аниқ режаларини белгилаб олиши керак.

Республиканинг ҳар бир туман ва шаҳар ҳокими ҳам ўз ҳудудидаги хонадон ва корхоналарда жами 5-10 мегаваттли қайта тикланувчи энергия лойиҳаларини амалга ошириши шарт.

Агар ана шу масалага жиддий киришсак, бу ишлар албатта натижасини беради.

Умуман, келгуси уч йилда барча давлат ташкилотларида қуёш панеллари ва иссиқ сув коллекторлари ўрнатилади. Ушбу мақсадларда


2 миллиард доллар миқдорида инвестиция жалб қилинади. Бунинг ҳисобидан уларнинг 60 фоиз электр ва газ истеъмоли “яшил энергия”га ўтказилади.

Аҳоли хонадонларида эса, қуёш панели ўрнатишга ажратиладиган субсидиялар ҳажми 2 баробар кўпайтирилади.

Умуман, “яшил энергия”га тезроқ ўтмасак, бу борада қонунларимизда ҳам аниқ механизмларни белгиламасак, аҳолимиз ва тадбиркорларимизни рози қила олмаймиз.

Газ захираларини кўпайтириш мақсадида геология-қидирув ишлари бўйича ўн йиллик дастур қабул қиламиз. Бунда янги технологияларни жорий этиб, илк бор чуқур қатламларда газ қазиб чиқариш ишларини бошлаймиз. Жумладан, Устюртнинг юқори истикболга эга чуқур қатламларида қидирув ишларига нуфузли хорижий инвесторлар жалб қилинади.

Газ қазиб чиқаришга олдин берилган барча лицензиялар қайта кўриб чиқилади, самарасиз ишлаётган корхоналар бўйича тегишли чоралар кўрилади.

 **Олтинчи йўналиш.** Иқтисодиётга маҳаллий ва хорижий хусусий инвестицияларни кўпайтириш учун шароитларни янада яхшилаيمиз.

Биз сўнгги олти йилда инвестициялар ҳажмини ялпи ички маҳсулотнинг 30 фоизидан оширишга эришдик.

Келгуси йили қарийб 30 миллиард доллар сармоя жалб қилинади, шундан 25 миллиард доллар хусусий инвестициялар бўлади. Жумладан, умумий қиймати 8 миллиард долларлик 300 дан зиёд лойиҳани ишга туширамиз ва яна 40 та янги йирик лойиҳа бошланади.

Мисол учун, “Ёшлик” мис конини ўзлаштиришнинг биринчи босқичи якунига етказилиб, 60 миллион тонна рудани қайта ишлаш қувватига эга 3-мисни бойитиш фабрикаси ишга тушади. Бу орқали Олмалик комбинатининг рудани қайта ишлаш қуввати ҳозирги 40 миллиондан 100 миллион тоннага етади.

Шу билан бирга, Олмаликда мисни бойитиш фабрикаси ва Мис эритиш заводи лойиҳалари бошланади.

Навоийдаги Пистали конида 4 миллион тонна олтин рудасини қайта ишлаш мажмуасининг қурилиши якунланади.

Металлургия соҳасида амалга оширилаётган катта дастурларимиз беш йилдан кейин мисни – 3 баробар, олтинни эса йилига 150 тоннагача ошириш имконини беради.

Кимё, автомобилсозлик ва қишлоқ хўжалиги машинасозлигида ҳам катта-катта лойиҳалар ишга туширилади.

Шу билан бирга, фаол инвестицияларни жалб қилишда хусусийлаштириш ва давлат-хусусий шериклик имкониятларидан тўлиқ ва самарали фойдаланиш зарур.

Келгуси йили катта хусусийлаштиришни бошлаймиз, 1 мингга яқин корхона савдога чиқарилади.

Бугун кўнглимдаги бир ниятимни сизларга очиқ айтмоқчиман. Менинг катта ниятим – юртдошларимиз орасида юз минглаб мулкдорлар,

акциядорлар пайдо бўлсин. Одамларимиз ўз омонатларини инвестиция қилиб, юқори даромадларга эга бўлсин.

Шунинг учун топшириқ бердим: келгуси йилда энг йирик 10 та компания ва тижорат банкларимизнинг акциялари ўз аҳолимиз учун очик ва шаффоф савдога чиқарилади.

Бу чинакам халқчил IPO бўлишига ишонаман.

Шу борада илгари ҳам айтган гапимни такрорлашни ўринли, деб биламан: *халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва қудратли бўлади.*

Навбатдаги масала – 2023 йилда тайёр маҳсулотлар экспортини қўшимча 4 миллиард долларга ошириш асосий мақсадимиз бўлади.

Бу йил бошланган *“Янги Ўзбекистон – рақобатбардош маҳсулотлар юрти”* дастури ўз самарасини бермоқда. Бир йилнинг ўзиде 2 мингга яқин тадбиркорлар илк бор ташқи бозорларга чиқди.

Келгуси йилда ҳам экспорт қилувчиларга транспорт ва бошқа харажатларини компенсация қилиш давом эттирилади.

Европа бозорларига текстиль, электр техникаси, чарм-пойабзал ва бошқа тайёр маҳсулотлар экспортини камида 2 баробар оширамиз. Маҳсулотлар экспорти бўйича ҳозирги 9 та босқичдан иборат божхона расмийлаштируви 3 баробар қисқаради.

Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш бўйича асосий музокараларни яқунлаб, ички қонунчиликни мослаштириш, янги стандартларни жорий этиш ишларини жадаллаштирамиз.

Умуман, 2023 йилда экспорт ҳажми тарихимизда илк бор 23 миллиард доллардан ортади.

Дунёдаги ҳозирги мураккаб шароитда очик ва прагматик, ўзаро ишонч ва ҳурматга асосланган ташқи сиёсатни изчил давом эттирамиз.

Бундан кейин ҳам асосий эътиборимизни Марказий Осиёдаги барча қўшни мамлакатлар ва дунёдаги стратегик шерикларимиз бўлган давлатлар, халқаро ташкилотлар билан кўп қиррали ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни кучайтиришга қаратамиз.

Миллий хавфсизликни таъминлаш, Қуролли Кучларимиз жанговар салоҳиятини ошириш борасидаги ишларимизни янги босқичга олиб чиқамиз.

Шу ўринда депутат ва сенаторларимиз, маҳалла, нуруний, хотин-қизлар ва ёшлар фаолларига, бутун халқимизга қарата айтмоқчиман: энг бебаҳо олий неъмат – тинчлигимиз ва осойишталигимизнинг қадрига етайлик, оилаларимиз, фарзандларимиз, келгуси авлодларимизнинг бахту камоли учун бу улуғ бойликни асраб-авайлайлик!

Шу мақсадда биз ёшларимизни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларнинг она юртга меҳри ва садоқатини оширишга янада кўпроқ аҳамият беришимиз керак.

Ёш авлодимизни ана шундай баркамол, эл-юрт учун фидойи инсонлар қилиб тарбиялашда биз мухтарам нурунийларимизга таянамиз.

Ҳаётимизнинг файзу фариштаси бўлган дуоғўй отахон ва онахонларимизнинг сиҳатгоҳларда саломатлигини тиклаш, уларга маҳалла ва жамоат масканларида қўшимча шароитлар яратишни давом эттирамиз.

Миллати, тили ва динидан қатъи назар, Ўзбекистонни ўзининг Ватани деб биладиган, унинг равнақи учун ҳисса қўшиб келаётган ҳар бир фуқаро бундан буён ҳам давлатимиз ва жамиятимизнинг эътибори ва ардоғида бўлади.

Миллатлараро дўстлик, диний конфессиялар ўртасидаги ҳамжиҳатлик, ижтимоий бағрикенглик муҳитини янада мустаҳкамлаш учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этамиз.

Бутун дунёда кучайиб бораётган радикализм, экстремизм, терроризм, одам савдоси, гиёҳвандлик каби хатарлар, афсуски, бизни ҳам четлаб ўтмаяпти. Лекин такрор айтаман, мусулмон умматига сабоқ берган Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий каби буюк уламолар етишиб чиққан бизнинг диёримизда бу борада адашганлар, радикализм ва экстремизм ғояларига берилганлар бўлиши мумкинми?

**Биз жамиятимизда ҳар қандай радикаллашувга, ёшларимиз онгини бузғунчи ёт ғоялар билан захарлашга, диндан сиёсий мақсадларда фойдаланишга, маърифат ўрнини жаҳолат эгаллашига йўл қўймаймиз.**

Бунинг учун нафақат масъул ташкилотлар, балки барчамиз биргаликда муқаддас динимизнинг инсонпарварлик моҳиятини очиб бериш, фарзандларимизни миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялаш бўйича оила, маҳалла ва таълим масканларида иш олиб боришимиз зарур.

Бу муҳим масалада алоҳида Миллий дастур қабул қиламиз.

Жамиятимизнинг маънавий асосларини мустаҳкамлаш, маданият соҳасини ривожлантириш, илмий-ижодий ташкилотлар, мухтарам зиёлиларимиз фаолиятини қўллаб-қувватлаш ҳам биз учун устувор йўналишлардан бири бўлади.

Биз қадимий ва бой тарихимизни, айниқса, ғоят оғир шароитда илм-маърифат, инсон эркинлиги, халқ озодлиги, Ватанга, миллий қадриятларга меҳр ва садоқат ғояларини дадил кўтариб чиққан жадид боболаримиз фаолиятини янада чуқур ўрганишимиз лозим. Уларнинг улуғ мақсадлар йўлидаги мардона кураши ва фидойилиги Янги Ўзбекистонни қуришда барчамиз, аввало, ёшларимиз учун чинакам ибрат мактаби бўлиб хизмат қилиши зарур.

Франциядаги машҳур Лувр музейида шу кунларда давом этаётган миллий кўргазма халқимизнинг ноёб тарихий мероси, бетакрор маданияти ва анъаналарига хорижда қизиқиш қанчалик юқори эканини кўрсатмоқда. Бундай тарихий ва маданий бойликларимизни ёшларимизга ва хорижий туристларга янада кенгроқ таништириш, музейларни замон талабларига мослаштириш бўйича алоҳида дастур амалга оширилади.

Мана, сизлар билан биргаликда 2023 йил учун улкан мақсад ва вазифаларни белгилаб олдик. Албатта, дунёдаги ҳозирги мураккаб шароитда бу вазифаларни амалга ошириш осон бўлмайди. Лекин биз ўтган даврда катта

билим ва тажриба тўпладик. Энг муҳими, ўз куч ва имкониятларимизга бўлган ишончимиз тобора ортиб бормоқда.

**Шу боис, қанчалик қийин бўлмасин, танлаган йўлимиздан ҳеч қачон ортга қайтмаймиз. Кўзлаган марраларимизга албатта етамиз. Бу йўлда нияти улуғ, қалби пок, меҳнаткаш халқимизга таянамиз.**

**Бир тану бир жон бўлиб ҳаракат қилсак, мен ишонаман, эл-юртимиз интилаётган Янги Ўзбекистонни албатта барчамиз биргаликда бунёд етамиз.**

Фурсатдан фойдаланиб, ислоҳотларимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб келаётган, барча синовларни мардона енгиб, ўзининг фидокорона меҳнати билан жонажон Ватанимиз равнақиға беқиёс ҳисса қўшаётган мард ва олижаноб, бағрикенг халқимизга яна бир бор таъзим қиламан.

Барчангизни, бутун халқимизни кириб келаётган Янги йил байрами билан чин қалбимдан самимий табриклаб, сиҳат-саломатлик, файзу барака, оилавий бахт тилайман.

Юртимиз тинч, халқимиз омон бўлсин!

Яратганнинг ўзи барчамизни, Ўзбекистонимизни паноҳида асрасин!

#### **Мустақил тайёргарликучун топшириқ:**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқиға мурожаатномаси мазусини ўқиб ўрганиш ва конспектлаштириш.

#### **Назорат учун саволлар туркуми:**

1. Янги Ўзбекистонда амалға оширилаётган ижтимоий-иқтисодий соҳада амалға оширилаётган ислоҳатлар мазмун-моҳияти ва аҳамияти.

2. Ўзбекистонда инсонға эътибор ва сифатли таълим йилида амалға ошириладиган устувор вазифалар.

## **2-мавзу: «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси».**

Маъруза машғулоти 2-соат.

### **Режа:**

1-савол. Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси қабул қилиниши ҳамда устувор йўналишлари.

2-савол. “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили”да амалга оширишга оид давлат дастури бўйича Ички ишлар органларига доир масалалар.

**1-савол: Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси қабул қилиниши ҳамда устувор йўналишлари.**

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармон имзоланди.

### **Ҳужжат билан қуйидагилар тасдиқланди:**

❖ 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси;

❖ "Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили"да амалга оширишга оид давлат дастури;

❖ 2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини амалга ошириш бўйича республика комиссияси ҳамда унинг ишчи гуруҳи таркиблари.

Кенг жамоатчилик муҳокамаси натижасида “Ҳаракатлар стратегиясидан – Тараққиёт стратегияси сари” тамойилига асосан ишлаб чиқилган қуйидаги етти та устувор йўналишдан иборат 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси ва уни “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тасдиқланди.



**2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон Тараққиёт стратегияси 7 та йўналиш ва 100 та мақсаддан ташкил топган:**

**биринчи**, инсон қадрини юксалтириш ва эркин фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш орқали халқпарвар давлат барпо этиш;



✔ **иккинчи**, мамлакатимизда адолат ва қонун устуворлиги тамойилларини тараққиётнинг энг асосий ва зарур шартига айлантириш;

✔ **учинчи**, миллий иқтисодиётни ривожлантириш, унинг ўсиш суръатларини замон талаблари даражасида таъминлаш;

✔ **тўртинчи**, адолатли ижтимоий сиёсат юритиш, инсон капиталини ривожлантириш;

✔ **бешинчи**, маънавий тараққиётни таъминлаш, ушбу соҳани тубдан ислоҳ этиш ва янги босқичга олиб чиқиш;

✔ **олтинчи**, миллий манфаатлардан келиб чиққан ҳолда умумбашарий муаммоларга ёндашиш;

✔ **еттинчи**, мамлакатимиз хавфсизлиги ва муҳофаа салоҳиятини кучайтириш, очиқ ва прагматик, фаол ташқи сиёсат олиб бориш.

**Етти устувор йўналишда амалга ошириладиган вазифалар:**

➔ **Биринчи йўналиш:** *Инсон қадрини юксалтириш ва эркин фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш орқали халқпарвар давлат барпо этиш;*

**1-мақсад:** Маҳалла институти фаолиятининг самарадорлигини ошириш, уни жамоатчилик бошқаруви ва назоратининг таянч бўғинига айлантириш.

**2-мақсад:** Халқ депутатлари Кенгашларини ҳудудларда мавжуд муаммоларни ҳал қилишдаги асосий бўғинга айлантириш.

**3-мақсад:** Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг институционал асосларини замон талабларига мослаштириш.

**4-мақсад:** Давлат бошқаруви органлари фаолиятини "фуқароларга хизмат қилишга йўналтириш" тамойили асосида трансформация қилиш.

**5-мақсад:** Ихчам, профессионал, адолатли, юқори натижадорликка хизмат қиладиган давлат бошқаруви тизимини жорий қилиш.

**6-мақсад:** Давлат бошқаруви тизимида маъмурий аппаратни ихчамлаштириш ва иш жараёнларини мақбуллаштириш.

**7-мақсад:** Мамлакатимиздаги ислоҳотларни изчил давом эттиришда Олий Мажлис палаталари ва сиёсий партиялар ролини янада ошириш.

**8-мақсад:** Норма ижодкорлиги жараёнини модернизация қилиш, қонунчилик ҳужжатларининг қатъий ижросини таъминлаш.

**9-мақсад:** "Электрон ҳукумат" тизимини ривожлантириш, электрон давлат хизматларининг улушини 100 фоизга етказиш ҳамда бюрократияни бартараф этиш.

**10-мақсад:** Давлат фуқаролик хизмати тизимини замонавий стандартлар асосида ташкил этиш.

**11-мақсад:** Халқ билан мулоқотнинг механизмларини такомиллаштириш.

**12-мақсад:** Таъсирчан жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш.

→ **Иккинчи йўналиш:** *Мамлакатимизда адолат ва қонун устуворлиги тамойилларини тараққиётнинг энг асосий ва зарур шартига айлантириш;*

**13-мақсад:** Мулкӣ ҳуқуқларнинг дахлсизлигини ишончли ҳимоя қилиш ҳамда давлат органларининг мулкӣ муносабатларга ноқонуний аралашувини чеклаш.

**14-мақсад:** Қонун устуворлиги ва конституциявий қонунийликни таъминлаш ҳамда инсон қадрини ушбу жараённинг бош мезони сифатида белгилаш.

**15-мақсад:** Давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг фаолияти устидан самарали суд назоратини ўрнатиш ҳамда фуқаро ва тadbиркорлик субъектларининг одил судловга эришиш даражасини ошириш.

**16-мақсад:** Жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилишига сабаб бўлган шарт-шароитларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этишнинг самарали тизимини яратиш.

Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш.

Жамоат тартибини сақлаш бўйича патруллик хизмати фаолиятини тубдан такомиллаштириш, шу жумладан замонавий ахборот технологияларини жорий этган ҳолда фуқарони ички ишлар бўлимига текшириш учун олиб бориш амалиётидан воз кечиш.

Йўл инфратузилмасини такомиллаштириш ва хавфсиз ҳаракатланиш шароитларини яратиш орқали йўлларда авария ва ўлим ҳолатларини қисқартириш, шу жумладан ҳаракатни бошқариш тизимини тўлиқ рақамлаштириш ва жамоатчиликнинг ушбу соҳадаги ишларда кенг иштирокини таъминлаш.

**17-мақсад:** Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг янги қиёфасини шакллантириш ва уларнинг фаолиятини халқ манфаатлари, инсон қадр-қиммати, ҳуқуқ ва эркинликларини самарали ҳимоя қилишга йўналтириш.

Ички ишлар органларини халқнинг ишончли ҳимоячиси сифатида халқчил профессионал тузилмага айлантириш ҳамда аҳоли билан мақсадли ишлашга йўналтириш.

Қонунийликни қатъий таъминловчи, очиқ ва адолатли прокуратура фаолиятининг мустаҳкам ҳуқуқий асосларини яратиш ҳамда "Қонун - устувор, жазо - муқаррар" тамойилини бош мезонга айлантириш.

Тезкор-қидирув ва тергов фаолияти устидан назоратни кучайтириш, фуқароларнинг қадр-қиммати ва эркинлигини самарали ҳимоя қилишнинг таъсирчан механизмларини жорий этиш.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда жиноятлар ҳақида хабарларни ҳисобга олиш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, жиноятларни яшириш ҳолатларининг олдини олишда замонавий усуллардан фойдаланиш.

**18-мақсад:** Суд ва бошқа органлар ҳужжатларининг ўз вақтида ва тўлиқ ижросини таъминлаш.

**19-мақсад:** Адвокатура институтининг инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишдаги салоҳиятини тубдан ошириш, шунингдек, аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг малакали ҳуқуқий хизматларга бўлган талабини тўлиқ қондириш.

**20-мақсад:** Фаол фуқаролик жамиятини ривожлантириш ҳамда фуқаролар ўртасида қонунга ҳурмат ва итоат қилиш ҳиссини шакллантириш.

→ **Учинчи йўналиш:** *Миллий иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва юқори ўсиш суръатларини таъминлаш;*

**21-мақсад:** Иқтисодиёт тармоқларида барқарор юқори ўсиш суръатларини таъминлаш орқали келгуси беш йилда аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулотни - 1,6 баравар ва 2030 йилга бориб аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромадни 4 минг АҚШ долларидан ошириш ҳамда "даромади ўртачадан юқори бўлган давлатлар" қаторига кириш учун замин яратиш.

**22-мақсад:** Миллий иқтисодиёт барқарорлигини таъминлаш ва ялпи ички маҳсулотда саноат улушини оширишга қаратилган саноат сиёсатини давом эттириб, саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмини 1,4 бараварга ошириш.

**23-мақсад:** Геология-қидирув ишлари ҳажмини кескин ошириш, соҳага хусусий инвесторлар ва илғор хорижий компанияларни кенг жалб қилиш.

**24-мақсад:** Иқтисодиётни электр энергияси билан узлуксиз таъминлаш ҳамда "Яшил иқтисодиёт" технологияларини барча соҳаларга фаол жорий этиш, иқтисодиётнинг энергия самарадорлигини 20 фоизга ошириш.

**25-мақсад:** Рақамли иқтисодиётни асосий "драйвер" соҳага айлантириб, унинг ҳажмини камида 2,5 баравар оширишга қаратилган ишларни олиб бориш.

**26-мақсад:** Мамлакатда инвестиция муҳитини янада яхшилаш ва унинг жозибадорлигини ошириш, келгуси беш йилда 120 миллиард АҚШ доллари, жумладан 70 миллиард доллар хорижий инвестицияларни жалб этиш чораларини кўриш.

**27-мақсад:** Иқтисодиётда молиявий ресурсларни кўпайтириш мақсадида, келгуси 5 йилда фонд бозори айланмасини 200 миллион АҚШ долларидан 7 миллиард АҚШ долларига етказиш.

**28-мақсад:** Республиканинг экспорт салоҳиятини ошириш орқали 2026 йилда республика экспорт ҳажмларини 30 миллиард АҚШ долларига етказиш.

**29-мақсад:** Тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилиш ва доимий даромад манбаларини шакллантириш учун шароитлар яратиш, хусусий секторнинг Ялпи ички маҳсулотдаги улушини 80 фоизга ва экспортдаги улушини 60 фоизга етказиш.

**30-мақсад:** Қишлоқ хўжалигини илмий асосда интенсив ривожлантириш орқали деҳқон ва фермерлар даромадини камида 2 баравар ошириш, қишлоқ хўжалигининг йиллик ўсишини камида 5 фоизга етказиш.

**31-мақсад:** Сув ресурсларини бошқариш тизимини тубдан ислоҳ қилиш ва сувни иқтисод қилиш бўйича алоҳида давлат дастурини амалга ошириш.

**32-мақсад:** Чорвачилик озуқа базасини кенгайтириш ва ишлаб чиқариш ҳажмини 1,5-2 баравар кўпайтириш.

**33-мақсад:** Ҳудудларни мутаносиб ривожлантириш орқали ҳудудий иқтисодиётни 1,4-1,6 бараварга ошириш.

**34-мақсад:** Ҳудудларнинг муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилма тизимини ҳамда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини ривожлантириш.

**35-мақсад:** "Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қилинг" дастури доирасида маҳаллий сайёҳлар сонини 12 миллион нафардан ошириш ҳамда республикага ташриф буюрадиган хорижий туристлар сонини 9 миллион нафарга етказиш.

**36-мақсад:** Барча транспорт турларини узвий боғлаган ҳолда ягона транспорт тизимини ривожлантириш, йирик шаҳарлар ўртасида кунлик транспорт қатновлари асосида манзилга етиб бориш ва қайтиб келиш имкониятини яратиш

→ **Тўртинчи йўналиш:** *Адолатли ижтимоий сиёсат юритиш, инсон капиталини ривожлантириш;*

**37-мақсад:** Ҳар бир фуқарога давлат ҳисобидан аниқ касб-ҳунарга ўқиш имкониятини яратиш. Касбга ўқитиш кўламини 2 баравар ошириб, жами 1 миллион нафар ишсиз фуқарони касб-ҳунарларга ўқитиш ва бу жараёнда нодавлат таълим муассасаларининг иштирокини 30 фоизга етказиш.

**38-мақсад:** Мактабгача таълимдаги қамров даражасини ҳозирги 67 фоиздан камида 80 фоизга етказиш.

**39-мақсад:** Мактабгача таълим тизимида таълим сифатини янги босқичга олиб чиқиш.

**40-мақсад:** Мактабгача таълим тизимида бюджет маблағларининг мақсадли ва самарали сарфланишини таъминлаш.

**41-мақсад:** Мактабларни ривожлантириш миллий дастурини жорий этиш орқали халқ таълими тизимида қўшимча 1,2 миллион ўқувчи ўрни яратиш.

**42-мақсад:** 2026 йилга қадар ўқув дастурлари ва дарсликларни илғор хорижий тажриба асосида тўла қайта кўриб чиқиб, амалда жорий этиш.

**43-мақсад:** Малакали ўқитувчиларнинг ойлик маошларини босқичма-босқич 1 000 АҚШ доллари эквивалентига етказиш.

**44-мақсад:** Мактабларда таълим сифатини ошириш, педагог-кадрларнинг билими ва малакасини халқаро даражага олиб чиқиш.

**45-мақсад:** Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида бошланғич синф ўқувчиларини босқичма-босқич бепул овқат билан таъминлаш.

**46-мақсад:** Олий таълим билан қамров даражасини 50 фоизга етказиш ва таълим сифатини ошириш.

**47-мақсад:** 2026 йилга қадар 10 та салоҳиятли олий таълим муассасасини QS ва THE халқаро рейтингларига киришга мақсадли тайёрлаш.

**48-мақсад:** Қарийб 100 минг ўринли талабалар турар жойларини барпо этиш.

**49-мақсад:** 2026 йилгача нодавлат олий таълим ташкилотлари сонини камида 50 тага етказиш.

**50-мақсад:** "Эл-юрт умиди" жамғармаси орқали эркин ва ижодий фикрлайдиган ёшларни нуфузли хорижий олийгоҳларга ўқишга юбориш кўламини 2 бараварга ошириш, бунда ёшларнинг 50 фоизини техник, аниқ фанлар ва IT соҳаларига ўқитиш.

**51-мақсад:** Иқтисодиётга инновацияларни кенг жорий қилиш, саноат корхоналари ва илм-фан муассасаларининг кооперация алоқаларини ривожлантириш.

**52-мақсад:** Глобал инновацион индексида Ўзбекистон Республикасининг ўрнини яхшилаш ва 2030 йилга қадар топ-50 мамлакатлари қаторига кириш.

**53-мақсад:** Аҳоли учун мажбурий ижтимоий кафолатларни таъминлаш, эҳтиёжманд қатламларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш.

**54-мақсад:** Пенсия таъминоти тизимини такомиллаштириш.

**55-мақсад:** Кўрсатилаётган тиббий хизматларни аҳолига янада яқинлаштириш ва қулайлигини ошириш мақсадида республика ҳудудларида тиббиёт кластерларини ташкил этиш.

**56-мақсад:** Аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини ошириш, бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш, тиббий хизматларни марказлаштириш ва аҳолини тиббий суғурталаш амалиётини жорий қилиш.

**57-мақсад:** Тиббий асбоб-ускуналарга техник хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш.

**58-мақсад:** Дори-дармон ва тиббий буюмлар муомаласини тартибга солиш ҳамда аҳолига арзон ва сифатли маҳсулотлар етказиб бериш тизимини такомиллаштириш.

**59-мақсад:** Бирламчи тиббий-санитария хизматида аҳолига малакали хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш, соҳага ажратиладиган маблағларни ошириш.

**60-мақсад:** Репродуктив ёшдаги ва ҳомиладор аёллар, болалар учун юқори технологик тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштириш.

**61-мақсад:** Тиббий хизматлардаги хусусий секторнинг улушини 25 фоизга етказиш.

**62-мақсад:** Мамлакатда ишлаб чиқариладиган дори-дармон ва тиббиёт воситаларининг улушини 80 фоизга етказиш.

**63-мақсад:** Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги халқаро мақомга эга лабораторияларини ташкил этиш.

**64-мақсад:** Ҳудудларда бирламчи тиббий хизматни "бир қадам" тамойили асосида ташкил этиш.

**65-мақсад:** Малакали шифокорларнинг ойлик маошларини босқичма-босқич 1 000 АҚШ доллари эквивалентига етказиш.

**66-мақсад:** Ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлашнинг самарали тизимини шакллантириш, уларнинг ҳаёт сифати ва даражасини ошириш.

**67-мақсад:** Жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланадиган фуқароларнинг сонини ошириш.

**68-мақсад:** Олимпия ва Паралимпия ҳаракатини ривожлантириш.

**69-мақсад:** Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамият ҳаётидаги фаол иштирокини таъминлаш.

**70-мақсад:** Ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш.

**→ Бешинчи йўналиш:** *Маънавий тараққиётни таъминлаш ва соҳани янги босқичга олиб чиқиш;*

**71-мақсад:** Эзгулик ва инсонпарварлик тамойилига асосланган "Ҳаракатлар стратегиясидан - тараққиёт стратегияси сари" ғоясини кенг

тарғиб этиш орқали жамиятда соғлом дунёқараш ва бунёдкорликни умуммиллий ҳаракатга айлантириш.

**72-мақсад:** Аҳолига ахборот-кутубхона хизматини кўрсатишни янада ривожлантириш, китобхонликни кенг оммалаштириш ҳамда "Китобсевар миллат" умуммиллий ғоясини рўёбга чиқариш.

**73-мақсад:** Буюк аждодларимизнинг бой илмий меросини чуқур ўрганиш ва кенг тарғиб этиш.

**74-мақсад:** Жамиятда миллатлараро тотувлик ва динлараро бағрикенглик муҳитини мустаҳкамлаш.

**75-мақсад:** Тасвирий ва амалий санъат ҳамда дизайн йўналишларини ривожлантириш, аҳолининг бадий-эстетик дидини юксалтириш.

**76-мақсад:** Маданият ва санъат соҳаларини янада ривожлантириш, маданият муассасалари ва объектларининг моддий-техника базасини яхшилаш.

**77-мақсад:** Ўзбекистон тарихини ўрганиш ва тарғиб қилишни янада ривожлантириш.

**78-мақсад:** Миллий кино санъатини ривожлантириш.

→ **Олтинчи йўналиш:** *Миллий манфаатлардан келиб чиққан ҳолда умумбашарий муаммоларга ёндашиш.*

**79-мақсад:** Аҳоли саломатлиги ва генофондига зиён етказадиган мавжуд экологик муаммоларни бартараф этиш.

**80-мақсад:** Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш, шаҳар ва туманларда экологик аҳволни яхшилаш, "Яшил макон" умуммиллий лойиҳасини амалга ошириш.

**81-мақсад:** Ўрмонлар майдонини кенгайтириш

**82-мақсад:** Экстремизм ва терроризмга қарши курашишнинг самарали механизмларини шакллантириш.

**83-мақсад:** Давлат хизматида ҳалоллик стандартларини жорий этиш.

**84-мақсад:** Коррупцияга мойил соҳа ва тармоқларни аниқлаш, коррупциявий омилларни бартараф этиш тизимининг самарадорлигини ошириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш.

**85-мақсад:** Мамлакатда янги иш ўринлари яратиш, аҳоли даромадларини ошириш ва шу орқали 2026 йил якунига қадар камбағалликни камида 2 бараварга қисқартириш.

**86-мақсад:** Хавфсиз, тартибли ва қонуний меҳнат миграциясини таъминлаш ҳамда самарали миграция сиёсатини юритиш.

**87-мақсад:** "Ватандошлар" жамоат фонди орқали хорижий давлатлардаги юртдошларимиз билан доимий ва самарали алоқалар ўрнатиш.

**88-мақсад:** Пандемияларга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини ошириш.

→ **Еттинчи йўналиш: Мамлакатимиз хавфсизлиги ва муҳофаза салоҳиятини кучайтириш, очиқ, прагматик ва фаол ташқи сиёсат олиб бориш.**

**89-мақсад:** Фуқароларнинг ахборот олиш ва тарқатиш эркинлиги борасидаги ҳуқуқларини янада мустаҳкамлаш.

**90-мақсад:** Давлатнинг муҳофаза қобилиятини янада мустаҳкамлаш, Қуролли Кучларнинг жанговар шайлигини, унинг имкониятлари ва қобилиятини кучайтириш.

**91-мақсад:** Ҳарбий хизматчилар, уларнинг оила аъзоларининг ижтимоий ҳимоясини ҳар томонлама кучайтириш.

**92-мақсад:** Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бартараф этишнинг самарали тизимини яратиш.

**93-мақсад:** Мамлакатнинг халқаро муносабатлардаги тенг ҳуқуқли субъект сифатидаги ролини ошириш.

**94-мақсад.** Марказий Осиёда хавфсизлик, савдо-иқтисодий, сув, энергетика, транспорт ва маданий-гуманитар соҳалардаги яқин ҳамкорликни сифат жиҳатидан юқори босқичга олиб чиқиш.

**95-мақсад:** Анъанавий ҳамкорларимиз билан муносабатларни янада ривожлантириш, ташқи алоқалар географиясини кенгайтиришга устувор аҳамият қаратиб, иқтисодий дипломатияни кучайтириш.

**96-мақсад:** Ўзбекистоннинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти органлари ва институтлари, глобал ва минтақавий иқтисодий, молиявий ва гуманитар ташкилотлардаги фаолиятини кучайтириш.

**97-мақсад:** Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш ва Евроосиё Иқтисодий Иттифоқи билан интеграция жараёнларини чуқурлаштириш.

**98-мақсад:** Жаҳон ҳамжамиятида мамлакатимиз имиджини оширишга қаратилган ахборотлар етказиш самарадорлигини ошириш.

**99-мақсад:** Ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий фаолиятнинг норматив-ҳуқуқий базасини ҳамда халқаро ҳамкорликнинг шартномавий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш.

**100-мақсад:** Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари томонидан Ўзбекистоннинг чет эллардаги фуқароларига хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш.



**2-савол: “Инсон кадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили”да амалга оширишга оид давлат дастури бўйича Ички ишлар органларига доир масалалар.**

### **Устувор йўналишлар, мақсадлар ва вазифалар.**

→ "Фуқароларнинг рақамли паспорти" лойиҳасини жорий қилиш ҳисобига аҳолидан муайян фактларни тасдиқловчи ҳужжатларни талаб қилиш амалиётини бекор қилиш.

→ Маҳкумлар ва жазони ўтаб бўлган шахсларнинг меҳнат, ижтимоий таъминот ва халқаро эътироф этилган бошқа ҳуқуқларини таъминлаш, уларнинг ижтимоий мослашуви ва жамиятга реинтеграциясига кўмаклашишнинг самарали механизмларини жорий этиш, ушбу йўналишда давлат ва жамият институтларининг биргаликдаги фаолиятини йўлга қўйиш.

→ Фуқароларга ҳуқуқий таъсир кўрсатиш, шу жумладан ҳаракатланиш эркинлигини чеклаш билан боғлиқ чораларни қўллашда қонунийликни сўзсиз таъминлаш ҳамда рақамли технологияларни жорий этиш орқали жамоатчилик назоратини кучайтириш.

→ Қийноқларнинг олдини олиш бўйича превентив механизмларни такомиллаштириш.

→ Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш.

→ Жамоат тартибини сақлаш бўйича патруллик хизмати фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, шу жумладан замонавий ахборот технологияларини жорий этиш.

→ Йўл инфратузилмасини такомиллаштириш ва хавфсиз ҳаракатланиш шароитларини яратиш орқали йўлларда ўлим ҳолатларини қисқартириш, шу жумладан ҳаракатни бошқариш тизимини тўлиқ рақамлаштириш ва жамоатчиликнинг ушбу соҳадаги ишларда кенг иштирокини таъминлаш.

→ Ички ишлар органларини халқнинг ишончли ҳимоячиси сифатида халқчил профессионал тузилмага айлантириш ҳамда аҳоли билан мақсадли ишлашга йўналтириш.

→ Тергов фаолияти устидан самарали назорат ўрнатиш, ахборот технологиялари ёрдамида содир этилаётган жиноятларга қарши курашишда тезкор-қидирув фаолиятини янада кучайтириш.

→ Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда жиноятлар ҳақида хабарларни ҳисобга олиш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, жиноятларни яшириш ҳолатларининг олдини олишда замонавий усуллардан фойдаланиш.

## Амалга ошириш механизмлари

➔ Хайдовчилик гувоҳномаси, туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома, никоҳ гувоҳномаси, диплом олганлик каби фактларни тасдиқловчи ҳужжатларни текширишнинг ягона электрон тизимини яратиш.

➔ Ягона электрон тизимнинг ишга туширилишини ва тегишли ташкилотлар билан интеграция қилинишини таъминлаш.

➔ Давлат хизматларидан идентификация ID карта орқали фойдаланилганда, бошқа ҳужжатларни талаб қилмаслик амалиётини йўлга қўйиш.

➔ Озодликдан маҳрум этилган шахсларга жазони ўташ шароитларини халқаро стандартларга мувофиқ такомиллаштириш.

➔ Меҳнатга жалб этилган маҳкумларга колониялардаги иш стажини умумий меҳнат стажига қўшиб ҳисоблаш тартибини жорий этиш.

Озодликдан маҳрум этиш тарзидаги жазони ўтаб бўлган фуқароларни қўллаб-қувватлаш бўйича "дастлабки ижтимоий-моддий ёрдам пакети"ни жорий қилиш орқали уларнинг ижтимоий мослашуви механизмларини такомиллаштириш.

➤ Маҳкумларнинг тузалиш йўлига ўтганлигини белгиловчи қатъий мезонларни белгилаш.

➤ Ҳаракатланиш эркинлиги чекланган шахсларни ҳисобга олиш бўйича ягона электрон реестрни юритишнинг электрон дастурини такомиллаштириш.

➤ Ушланган шахсларни ягона реестрга киритиш тизимининг қонуний асосларини мустаҳкамлаш.

➤ Қийноқларнинг олдини олиш бўйича тегишли халқаро ҳужжатларни ратификация қилиш масаласини кўриб чиқиш.

➤ Қийноқларнинг олдини олиш бўйича превентив миллий механизмнинг қонуний асосларини ривожлантириш.

➤ Жиноят ва маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар бериш ва уларни рўйхатга олишнинг "Е-ҳуқуқбузарлик" ягона автоматлаштирилган ахборот тизимини жорий этиш.

➤ Бир йил давомида такроран содир этилиши оғирлаштирувчи ҳолат сифатида баҳоланадиган маъмурий ҳуқуқбузарликларни содир этган шахсларнинг ҳисобини бир йил давомида юритиш ва муддат ўтиши билан автоматик равишда ҳисобдан олиб ташлаш тартибини йўлга қўйиш.

➤ "Е-патруль" тизими жорий этилиб, текшириш учун фуқарони ички ишлар бўлимига олиб бориш амалиётидан воз кечиш ва барча маълумотларни жойида текширишни йўлга қўйиш.

➤ Ички ишлар органлари патруль-пост хизмати ходимларининг фаолиятини "бодикамера" ёрдамида назорат қилишни йўлга қўйиш.

➤ Патруль хизматини босқичма-босқич авто ва мотопатруль шаклига ўтказиш орқали нарядларнинг мобиллигини ва ҳодиса жойига тезкорлик билан етиб боришини таъминлаш.

➤ Автомобиль йўлларида ҳаракатни бошқариш тизимини тўлиқ рақамлаштириш.

➤ Йўлларда хавфсиз ҳаракатланиш учун барча иштирокчилар учун муносиб шароитларни яратиш.

➤ Йўл инфратузилмасини такомиллаштириш жараёнида ва хавфсизликни таъминлашда кенг жамоатчиликнинг иштироки учун зарур шароитларни яратиш.

➤ Ички ишлар органлари ходимларининг "Қасбий маданият кодекси"ни амалиётга татбиқ этилишини таъминлаш.

➤ Ички ишлар органларини маънавий пок, ўз бурчига содиқ, халқпарвар ва масъулиятли ходимлар билан тўлдириш, уларнинг фаолиятини аҳоли муаммоларини ҳал этиш ва фуқаролар мурожаатлари билан ишлаш натижадорлиги ҳамда ижтимоий фикр асосида баҳолаш тизимини жорий этиш.

➤ Ички ишлар вазирлиги ва ҳудудий ички ишлар органларида Жамоатчилик кенгашларини тузиш орқали тизим фаолияти устидан жамоатчилик назоратини тизимини яратиш.

➤ Ички ишлар органларини максимал даражада "аҳоли билан мақсадли ишлаш"га йўналтириш, унинг хизмат фаолиятига хос бўлмаган функция ва тузилмаларини мақбуллаштириш.

➤ Тергов фаолиятини назорат қилиш, ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда содир этилаётган янги турдаги жиноятлар, шу жумладан кибержиноятларни фош этиш бўйича тезкор-қидирув фаолиятини ислоҳ қилиш, қўшимча куч ва воситаларни жалб қилиш ҳамда ушбу жиноятларга қарши курашиш жараёнларида фуқароларнинг кадр-қиммати ва эркинлигини ҳимоя қилишнинг самарадорлигини янада ошириш.

➤ Мурожаатлар билан ишлаш соҳасига рақамли технологияларни кенг жорий этган ҳолда аҳоли учун уйдан туриб, туну-кун тўғридан-тўғри мурожаат қилиш имкониятини яратиш.

➤ Жиноят ишини қўзғатишни рад этиш институтини ислоҳ қилиш ва жиноят ҳақидаги хабарларни рўйхатга олиш жараёнини тўлиқ рақамлаштириш.

**2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида белгиланган вазифалар.**

➔ 2026 йилгача аҳолининг барча муҳтож қатламлари ижтимоий нафақалар ва моддий ёрдам оладилар;

→ Қорақолпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятидаги биринчи-тўртинчи синф ўқувчилари давлат бюджети маблағлари ҳисобидан бепул овқатланиш (нонушта ёки тушлик) билан таъминланади;

→ 2023 йил 1 январдан бошлаб пенсияни ҳисоб-китоб қилиш учун иш ҳақининг максимал миқдори пенсияни ҳисоблаш базавий миқдорининг 10 баробаридан 12 баробаригача оширилади;

→ 1 апрелдан бошлаб нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари ва мактабларга фарзандларини юбораётган ота-оналарнинг ойига 3 млн сўмгача бўлган тўловлари даромад солиғидан озод этилади;

→ умумий ўрта таълим муассасаларида дарсликларни янгилаш дастурини амалга ошириш учун Давлат бюджетидан 605 млрд сўм ажратилади ва 141 мингта янги ўқув ўринлари яратилиб уларнинг сони 2026 йил якунига қадар 6,4 млнгача етказилади;

→ ҳудудларда бирламчи тиббий хизматини “бир қадам” тамойили асосида йўлга қўйиб, 105 та оилавий шифокор пункти ва 31 та оилавий поликлиника ташкил этилади;

→ 2022 йилда йиллик инфляция даражасини 9% гача ва 2023 йилда 5% ҳамда фискал тақчилликни 3% гача пасайтириш чоралари кўрилиб, кейинчалик инфляция ва Давлат бюджети тақчиллиги ушбу кўрсаткичдан ошмаслиги таъминлаб борилади;

→ 2023 йилдан қўшилган қиймат солиғи ставкаси 12%гача ҳамда банк, молия ва телекоммуникация каби тадбиркорлик йўналишларида фойда солиғи ставкаси 15%гача туширилади;

→ “Яшил иқтисодиёт” технологияларини барча соҳаларга фаол жорий этиш орқали 2026 йилга қадар иқтисодиётнинг энергия самарадорлигини 20%га ошириш ва ҳавога чиқариладиган зарарли газлар ҳажмини 20%га қисқартириш чоралари кўрилади;

→ 2022 йилдан бошлаб босқичма-босқич тадбиркорликка оид барча мажбурий талабларни ягона электрон реестрга киритиш тартиби жорий этилади ҳамда такрорланувчи ва ўз аҳамиятини йўқотган мажбурий талаблар қайта кўриб чиқилиб, ягона реестр 2025 йил 1 июлдан бошлаб тўлиқ ишга туширилади;

→ 2022 йил 1 апрелга қадар тадбиркорлик субъектларида масофавий (онлайн) фаолият кўрсатиш имкониятларининг мавжудлигидан ҳамда уларнинг ихтисослашувидан келиб чиқиб, лицензия ва бошқа рухсат этувчи ҳужжатларни олиш тартиб-таомиллари соддалаштирилади;

→ 25 дан ортиқ фаолият тури бўйича монополиялар тугатилади;

→ фуқароларга ҳужжатларни бериш ва алмаштиришда, шунингдек ўзаро боғлиқ давлат хизматларини муурожаатни кутмасдан таклиф этиш амалиёти йўлга қўйилади;

→ “Фуқароларнинг рақамли паспорти” лойиҳасини жорий қилиш ҳисобига аҳолидан туғилганлик тўғрисида ва ҳайдовчилик гувоҳномалари, шаҳодатнома ва диплом каби муайян фактни тасдиқловчи ҳужжатларни талаб қилиш амалиёти бекор қилинади;

→ кекса ва ногиронлиги бўлган шахсларга давлат хизматларини кўрсатиш тизимини соддалаштириш ва уларга замонавий технологияларни жорий этиш орқали қўшимча қулайликлар яратилади;

→ ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларга жиноят ишлари билан бир қаторда фуқаролик ва маъмурий ишлар бўйича ҳам давлат ҳисобидан бепул юридик ёрдам кўрсатиш тартиби жорий этилади;

→ ҳаракатланиш эркинлиги чекланган шахсларни ҳисобга олиш бўйича ягона онлайн электрон реестр юритилиши йўлга қўйилади;

→ жазони ўтаб бўлган фуқароларнинг келгусида жамиятда ўз ўрнини топишига амалий кўмаклашиш учун “дастлабки ижтимоий-моддий ёрдам пакети”ни бериш тизими жорий қилинади.

### **Мустақил тайёргарлик учун топшириқ:**

2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси мазусини ўқиб ўрганиш ва конспектлаштириш.

### **Назорат учун саволлар туркуми:**

1. 2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон Тараққиёт стратегияси нечта йўналишдан иборат?

2. 2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон Тараққиёт стратегияси нечтата мақсаддан ташкил топган?

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони билан нималар тасдиқланди:

## 2-мавзу: «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси».


Семинар машғулоти 2-соат.

### Семинар машғулоти

Ушбу амалий машғулоти «**Блиц-сўров**» интерфаол методидан фойдаланиш орқали ўтказилади.

«Блиц-сўров» (инглизча «блиц» – тезкор, бир зумда) методи берилган саволларга қисқа, аниқ ва лўнда жавоб қайтарилишини тақозо этадиган метод саналади. Таълим муассасаларида ушбу методга мувофиқ саволлар, асосан, ўқитувчи томонидан берилади. Берилган саволларга жавоблар жамоавий, гуруҳли, жуфтлик ёки индивидуал тарзда қайтарилиши мумкин. Жавоб қайтариш шакли машғулот тури, ўрганилаётган мавзунинг мураккаблиги, тингловчиларнинг қамраб олинишига кўра белгиланади.

### Машғулотларда ушбу методни қўллаш қуйидагича кечади:



### Ўқув машғулотнинг саволлари:

1-савол: 2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон Тараққиёт стратегияси нечта йўналишдан иборат?

2-савол: 2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон Тараққиёт стратегияси нечтата мақсаддан ташкил топган?

3-савол: Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони билан нималар тасдиқланди:

4-савол: 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида белгиланган вазифалар.

5-савол: 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини амалга ошириш бўйича республика комиссияси.

### 3-мавзу: Янги ўзбекистон маъмурий ислохотлари.

Маъруза машғулоти 2-соат.

#### Режа:

1-савол. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 декабрь “Янги Ўзбекистон маъмурий ислохотларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-269-сон Фармоннинг мазмун-моҳияти.

2-савол. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 декабрь “Янги Ўзбекистон маъмурий ислохотлари доирасида республика ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-447-сон қарорининг мазмун-моҳияти.

**1-савол: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 декабрь “Янги Ўзбекистон маъмурий ислохотларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-269-сон Фармоннинг мазмун-моҳияти.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 декабрдаги ПФ-269-сон Фармонга асосан 2023 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси (кейинги ўринларда - Вазирлар Маҳкамаси/Ҳукумат) аъзоси бўлган ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг Вазирлар Маҳкамасининг таркибий тузилмаларидан мустақил равишда Бош вазир билан тўғридан-тўғри ишлаши тизими жорий этилмоқда.



**Фармон билан Ҳукумат аъзоси бўлган ижро этувчи ҳокимият органи раҳбари:**

➔ тегишли соҳада ягона давлат сиёсатини олиб бориш ва уни ривожлантириш бўйича белгиланган мақсадли кўрсаткичларга эришиш учун масъул ва жавобгар ҳисобланиши;

➔ тизимдаги кадрлар сиёсатининг Вазирлар Маҳкамаси аппаратида мустақил равишда давлат хизмати тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ юритилишини таъминлаш белгилаб қўйилди.

Вазирлар Маҳкамаси ижро этувчи тузилмасида иқтисодиёт ва ижтимоий соҳалар бўйича котибиятлар, департаментлар ва улар ҳузуридаги бўлимлар, шунингдек, Маданий меросни ҳимоя қилиш инспекцияси, Ҳарбийлаштирилган тузилмалар фаолиятини молиявий ва моддий-техник

таъминлаш бўлими, Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш масалалари бўлими тугатилди.

**Ушбу Фармон асосида Вазирлар Маҳкамаси ижро этувчи тузилмасида:**

✚ Бош вазирнинг 4 нафаргача ўринбосарлари лавозими;

✚ Ҳукумат раҳбари фаолиятини ҳуқуқий, ташкилий-техник, ахборот-таҳлилий ва протокол жиҳатдан таъминлайдиган Бош вазир котибияти ташкил этилди.

Фармоннинг 1-иловасига мувофиқ Вазирлар Маҳкамасининг янгиланган ижро этувчи тузилмаси тасдиқланди.

Бошқарув ходимлари умумий чекланган сони — 120 нафар.

**Фармон билан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари ҳамда Ҳукумат ваколатларига оид бошқа долзарб масалаларни (кейинги ўринларда - масалалар) Вазирлар Маҳкамасига киритиш, кўриб чиқиш ва ахборот беришнинг қуйидаги тартиби жорий қилиди:**

→ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари ва масалалар Ҳукуматга бевосита вазирлар ва бошқа мустақил ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарлари томонидан белгиланган тартибда киритиш.

→ Бунда, давлат иштирокидаги ташкилотлар ва хўжалик бирлашмалари томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари ва бошқа масалалар тегишли соҳада давлат сиёсатини амалга ошираётган вазир ёки бошқа мустақил ижро этувчи ҳокимият органи раҳбари орқали киритилади;

→ келиб тушган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари Ахборот-таҳлил ва юридик таъминлаш департаментига кўриб чиқиш, молиявий-иқтисодий ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш, тартибга солиш таъсири ва манфаатлар тўқнашувини баҳолаш ҳамда ахборот бериш учун киритиш;

→ ахборот беришга тайёр бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари ва бошқа масалалар Вазирлар Маҳкамасида коллегиял тарзда маъқуллаш ёки рад қилиш;

→ маъқулланган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари ҳамда, зарур ҳолларда, бошқа масалалар белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритиш (ёки қабул қилиш);

→ Вазирлар Маҳкамасида масалаларни коллегиял тарзда кўриб чиқишда, заруратга кўра, оммавий ахборот воситалари таклиф қилиш.

Вазирлар Маҳкамасига бир ой муддатда мазкур Фармон талабларидан келиб чиқиб, шунингдек, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш, киритиш, кўриб чиқиш ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси билан келишишнинг аниқ тартиби ва муддатларини, уларнинг ижросини назорат қилишни назарда тутувчи Ҳукуматнинг янгиланган регламентини кириш вазифа юклатилди.



**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 декабрдаги ПФ-269-сон Фармони билан қўйидагилар белгилаб қўйилди:**

→ Бош вазирнинг амалдаги ўринбосарлари ва маслаҳатчилари ҳамда Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг бошқарувчиси ва унинг ўринбосарлари янги тизим ишга тушгунга қадар юклатилган вазифаларнинг тўлиқ ҳажмда ва сифатли бажарилишини таъминлаш;

→ Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг тузилмаларини мақбуллаштириш муносабати билан бўшаётган маблағлар Бош вазир котибияти ўрнатган кўрсатган бошқарув ходимларининг натижадорлиги асосида қўшимча рағбатлантиришга йўналтириш.

**Адлия вазирлигига масъул вазирлик ва идоралар билан биргаликда:**

☑ Вазирлар Маҳкамасида қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқларининг амалга оширилиши бўйича назорат ва ҳисобдорликни ташкил этиш тартиби;

☑ амалга оширилаётган маъмурий ислохотлардан келиб чиқиб комиссиялар, кенгашлар, ишчи гуруҳлар ва бошқа коллегиял органларга раҳбарларни қайта тақсимлаш бўйича таклиф киритиш вазифаси юклатилди.

**Фармонга асосан Бош вазирга қўйидаги ҳуқуқлар берилди:**

☑ масалаларни тартибга солиш ва устувор вазифаларни ҳал қилишнинг муҳимлигини ҳисобга олган ҳолда Бош вазир котибиятининг умумий штатлари сони доирасида унинг ижро этувчи тузилмасига ўзгартиришлар киритиш;

☑ иқтисодиёт ва ижтимоий соҳанинг долзарб йўналишларини ўрганиш ва улар бўйича таклифлар ишлаб чиқиш, шунингдек, юзага келган келишмовчиликларни бартараф этиш учун ишчи гуруҳлар ва келишув комиссиялари ташкил қилиш;

☑ Бош вазир котибиятининг ўрнатган кўрсатган бошқарув ходимларини натижадорлик асосида қўшимча рағбатлантириш учун маблағлар миқдорларини белгилаш.

Шу билан бирга Вазирлар Маҳкамасига:

☑ Бош вазир ўринбосарларининг функционал вазифаларини тасдиқлаш;

☑ Бош вазир котибиятининг штат жадвалини тасдиқлаш;

☑ Бош вазир котибияти тўғрисидаги, унинг барча бўлинмалари функциялари, ваколатлари, ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва масъулиятини батафсил белгилаб берувчи низомни ишлаб чиқиш;

☑ Бош вазир котибиятининг янги ташкил этилган таркибий бўлинмалари тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш;

☑ фаолияти тугатилаётган таркибий бўлинмаларнинг ходимларини вазирлик, идора ва бошқа ташкилотларда раҳбар ва масъул лавозимларга

тайинлаш бўйича чоралар кўрсин, зарур ҳолларда, таклиф киритиш бўйича аниқ топшириқлар берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ислохотлар агентлиги кенгашининг Янги Ўзбекистон маъмурий ислохотларининг биринчи босқичи доирасида 2023 йил 1 январдан бошлаб ихчам, профессионал бошқарув тамойилларига асосланган ва самарадорликка йўналтирилган республика ижро этувчи ҳокимият органларининг вазирликлар, кўмиталар, агентликлар ва инспекцияларни ўз ичига оладиган яхлит тизимини шакллантириш тўғрисидаги таклифи қабул қилинди ва кўйидагилар белгиланди:

**вазирлик** — тегишли соҳаларда ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқувчи ва амалга оширувчи, муайян йўналишда ижро этувчи ҳокимият органларининг фаолиятини мувофиқлаштирувчи ҳамда тизимдаги раҳбарий фаолиятни яқкабошчилик асосида ташкил этадиган республика ижро этувчи ҳокимият органи ҳисобланиши;

**кўмита** — тегишли соҳа ичидаги тармоқ фаолиятини мувофиқлаштирувчи ва тартибга солувчи ҳамда тизимдаги раҳбарий фаолиятни коллегиял асосда ташкил этадиган, шунингдек, вазирликнинг ташкилий бўйсунувида фаолият юритадиган республика ижро этувчи ҳокимият органи ҳисобланиши;

**агентлик** — асосий вазифаси сифатида тегишли соҳада давлат хизматларини кўрсатиш ва қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳуқуқни қўллаш функцияларини амалга оширувчи, шунингдек, вазирлик ташкилий бўйсунувида фаолият юритадиган республика ижро этувчи ҳокимият органи ҳисобланиши;

**инспекция** — асосий вазифаси сифатида тегишли соҳа ва тармоқларда давлат назорати ва текширувни амалга оширувчи, шунингдек, вазирлик ташкилий бўйсунувида фаолият юритадиган республика ижро этувчи ҳокимият органи ҳисобланиши;

қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ алоҳида мақомга эга ҳамда бевосита Ўзбекистон Республикаси Президенти ва (ёки) Вазирлар Маҳкамасига бўйсунадиган кўмита, агентлик ва инспекциялар ташкил этилиши мумкинлиги.


Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ислохотлар агентлиги кенгашининг Янги Ўзбекистон маъмурий ислохотларининг биринчи босқичи доирасида 2023 йил 1 январдан бошлаб мустақил фаолият юритувчи республика ижро этувчи ҳокимият органларининг сонини 61 тадан 28 тагача, шу жумладан вазирликлар сонини 25 тадан 21 тагача қисқартириш бўйича таклифи маъқулланди.

**Вазирлар Маҳкамаси тизимини қўйидаги вазирликлар ташкил этади:**

1. Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги;
2. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги;
3. Тоғ-кон ва геология вазирлиги;
4. Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги;

5. Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги;
6. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги;
7. Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги;
8. Табиат ресурслари вазирлиги;
9. Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги;
10. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги;
11. Сув хўжалиги вазирлиги;
12. Рақамли технологиялар вазирлиги;
13. Адлия вазирлиги;
14. Транспорт вазирлиги;
15. Маданият ва туризм вазирлиги;
16. Мудофаа вазирлиги;
17. Энергетика вазирлиги;
18. Соғлиқни сақлаш вазирлиги;
19. Ташқи ишлар вазирлиги;
20. Ички ишлар вазирлиги;
21. Фавқулодда вазиятлар вазирлиги.
- 22.


Фармон билан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари ҳамда Ҳукумат ваколатларига оид бошқа долзарб масалаларни Вазирлар Маҳкамасига киритиш, кўриб чиқиш ва ахборот беришнинг қуйидаги тартиби жорий қилинди:



Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ислоҳотлар агентлиги кенгашининг Янги Ўзбекистон маъмурий ислоҳотларининг биринчи босқичи доирасида 2023 йил 1 январдан бошлаб сонини 61/28 тага, шу жумладан вазирликлар сонини 25 тадан 21 тагача қисқартириш бўйича таклифи маъқулланди.



Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ислоҳотлар агентлиги кенгашининг Янги Ўзбекистон маъмурий ислоҳотларининг биринчи босқичи доирасида 2023 йил 1 январдан бошлаб ихчам, профессионал бошқарув тамойилларига асосланган ва самарадорликка йўналтирилган республика ижро этувчи ҳокимият органларининг вазирликлар, қўмиталар, агентликлар ва инспекцияларни ўз ичига оладиган яхлит тизимини шакллантириш тўғрисидаги таклифи қабул қилинди ва қўйидагилар белгиланди:



2-савол: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 декабрь “Янги Ўзбекистон маъмурий ислохотлари доирасида республика ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-447-сон қарорининг мазмун-моҳияти.

## Қарор билан

MOI

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 декабрдаги “Янги Ўзбекистон маъмурий ислохотларин амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-29-сон Фармони билан вазирлик, кўмита, агентлик ва инспекцияларни ўз ичига оладиган республика ижро этувчи ҳокимият органларининг ягона тизими белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинди.

Республика ва маҳаллий даражадаги бўғинларнинг функционал чегараси белгиланди:



## Республика ижро этувчи ҳокимият органлари:

MOI

- 1 тегишли соҳада ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқади ва унинг амалга оширилишини таъминлайди ҳамда бу борада маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари фаолиятини услубий жиҳатдан таъминлайди;
- 2 жисмоний ва юридик шахсларнинг муносабатларини кўриб чиқади, уларга давлат хизматларини кўрсатади ҳамда ҳудудий бўлинмаларнинг халқ билан очиқ мулоқотни йўлга қўйиш йўналишидаги фаолиятини мувофиқлаштиради ва умумлаштиради;
- 3 ўз тизими ва ташкилий бўйсунувига кирадиган ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини баҳолашнинг мақсадли кўрсаткичларини белгилайди ҳамда уларга эришиш ишларини мувофиқлаштиради;
- 4 ҳуқуқий тартибга солиш функцияси доирасида идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилади (вазирлик тизими ёки ташкилий бўйсунувига кирадиган ижро этувчи ҳокимият органлари бундан мустасно) ҳамда қонунчилик ҳужжатлари лойиҳаларини ишлаб чиқади;
- 5 жойлардаги муаммоларни аниқлаш ва бартараф этиш тадбирлари амалга оширилишини мувофиқлаштиради, ўз ваколати доирасида ҳуқуқий тартибга солиш ва назорат функцияларини амалга оширади;
- 6 тегишли тузилмаларни малакали кадрлар билан тўлдириш, уларнинг билим ва кўникмаларини ўзлаштиришга қаратилган тизимли чора-тадбирларни ишлаб чиқади ва амалга оширади;
- 7 меҳнат фаолиятини амалга ошириш ва меҳнатга ҳақ тўлашнинг муносиб ва адолатли шарт-шароитларини яратди;

## Ижро этувчи ҳокимият органларининг ҳудудий бўлинмалари

MOI

- 1 тегишли ҳудудда соҳа бўйича ягона давлат сиёсатини амалга ошириш ҳамда белгилаб берилган мақсадли кўрсаткичларга эришишга қаратилган амалий ва манзилли чора-тадбирларни амалга оширади
- 2 жойларда ижтимоий ва иқтисодий ҳолатни таҳлил қилган ҳолда, аҳолини қийнаётган тизимли муаммоларни бартараф этиш ҳамда ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича дастурларни ишлаб чиқишда ва амалга оширишда иштирок этади
- 3 жойларда қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари ва бошқа қонунчилик ҳужжатларининг ўз вақтида ва сифатли амалга оширилишини таъминлайди
- 4 жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатларини кўриб чиқади ва уларга давлат хизматларини кўрсатади ҳамда ўз ваколати доирасида тегишли ҳудудда давлат назорати тадбирларини амалга оширади.

## 2023 йил 1 январдан

MOI

- ! республика ижро этувчи ҳокимият органлари **раҳбарлари** ва уларнинг **ўринбосарлари** бир вақтнинг ўзида хўжалик бошқаруви органларининг раҳбари вазифасини бажариши **тақиқланади**;
- ! уюшма ва бошқа хўжалик бирлашмаларига **давлат ҳокимияти ваколатларини бериш** ва уларнинг раҳбарларини Вазирлар Маҳкамаси қарорлари билан лавозимга тайинлаш амалиёти бекор қилинади.



Республика ижро этувчи ҳокимият органларининг **5 мингга яқин** функциялари хатловдан ўтказилиб, **500 га яқин такрорланадиган, ўз аҳамиятини йўқотган** ҳамда амалга ошириш механизмлари билан таъминланмаган функциялар аниқланган. Шу сабаб, республика ва ҳудудий ижро этувчи ҳокимият органлари функцияларининг очик реестрини шакллантириш, уни доимий юритиш амалиёти йўлга қўйилади.

MOI



MOI

Адлия вазирлиги Функциялар ягона реестрини электрон тарзда юритиш имконини берувчи “**Давлат функциялари**” автоматлаштирилган онлайн ахборот тизими юритилади.



Функциялар ягона реестрини шакллантириш ишлари **2023 йил 1 мартга қадар** якунланади.



Рақамлаштирилган давлат бошқаруви моделига ўтиш мақсадида **2023 йил 1 январдан бошлаб**, синов тарикасида, Адлия вазирлиги тизимида идоравий буйруқ, қарор ва фармойишларни “**E-qaror**” электрон тизими орқали қабул қилиш ва эълон қилиш амалиёти йўлга қўйилади.



**2023 йил 1 сентябрдан бошлаб** барча республика ижро этувчи ҳокимият органларида буйруқ, қарор ва фармойишларни “**E-qaror**” электрон тизими орқали қабул қилиш ва эълон қилинади.



MOI

Давлат бошқаруви аппаратини сақлаш билан боғлиқ харажатларни мақбуллаштириш, коррупциявий омилларни бартараф этиш ҳамда бюджет маблағларининг сарфланиши устидан таъсирчан жамоатчилик назоратини ўрнатиш мақсадида:

Ҳудудларга хизмат сафарларини қисқартирган ҳолда жойлардаги муаммоларни аниқлаш учун “**онлайн қабул**”, “**виртуал ташриф**” каби ҳудуд билан ишлашнинг замонавий технологияларга асосланган масофавий усулларини қўллаш тизими жорий этилади.



Бино ва иншоотларни куриш, таъмирлаш ва жиҳозлаш ҳамда расмий тadbирларни ўтказиш бўйича **максимал нархларни ичига олувчи меъёрларни белгилаш**, шунингдек ушбу мақсадларда сарфланган маблағлар юзасидан хисоботларни харажатлар иқтисодий таснифининг моддаларни кесимида эълон қилиб бориш тартиби жорий этилади.



Ижро этувчи ҳокимият органлари учун **энергия ва бошқа ресурсларнинг сарфланишини** босқичма-босқич, шу жумладан тежамкор технологияларни жорий этиш ҳисобидан **камайтириш бўйича мақсадли кўрсаткичларни** ҳар йили белгилаш ҳамда ажратиладиган бюджет маблағларини уларга қараб мақбуллаштириш амалиёти жорий этилади.



24 банддан иборат Янги Ўзбекистон маъмурий ислохотлари доирасида амалга ошириладиган биринчи навбатдаги чора-тадбирлар бўйича «йўл харитаси» тасдиқланди.



«Йўл харитаси» да белгиланган тадбирларни ўз вақтида ва самарали амалга оширилишини таъминлаш юзасидан масъул ижрочи бўлган давлат органларининг биринчи раҳбарларига шахсий масъулият юкланди.



### **Мустақил тайёргарлик учун топшириқ:**

Янги ўзбекистон маъмурий ислохотлари мазусини ўқиб ўрганиш ва конспектлаштириш.

### **Назорат учун саволлар туркуми:**

1. 2023 йил 1 январдан бошлаб вазифа ва функциялари тегишли вазирлик ва идораларга ўтказилган ҳолда тугатилаётган республика давлат бошқаруви органларининг рўйхатини санаб беринг?
2. 2023 йил 1 январдан бошлаб қайта ташкил этилаётган республика давлат бошқаруви органларининг рўйхатини санаб беринг?




### 3-мавзу: Янги ўзбекистон маъмурий ислохотлари.

Семинар машғулоти 2-соат.

#### Семинар машғулоти

Ушбу ўқув машғулоти “Кичик гуруҳларда ишлаш” интерфаол методидан фойдаланиш орқали ўтказилади.

“Кичик гуруҳларда ишлаш” методининг босқичлари



#### Гуруҳларга топшириқлар:

1-гуруҳга топшириқ. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 декабрь “Янги Ўзбекистон маъмурий ислохотларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-269-сон Фармоннинг мазмун-моҳияти.

2-гуруҳга топшириқ. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 декабрь “Янги Ўзбекистон маъмурий ислохотлари доирасида республика ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-447-сон қарорининг мазмун-моҳияти.

3-гуруҳга топшириқ. Янги Ўзбекистон маъмурий ислохотлари доирасида амалга ошириладиган биринчи навбатдаги чора-тадбирлар бўйича «йўл харитаси»

4-гуруҳга топшириқ. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ижро этувчи тузилмаси

**ИЗОХ:** Ушбу метод қўлланилганда ҳар бир гуруҳга шартли ном берилиб, уларнинг жавоблари беш баллик тизим асосида баҳоланади. Бир гуруҳ бошқа гуруҳнинг саволига

тўғри жавоб берса баллар тўғри жавоб берган гуруҳ ҳисобига ёзилади. Гуруҳларни ҳар бир гуруҳнинг жавоби тингланади умумлаштирилади, қўшимчалар билан тўлдирилади. Аниқ жавоблар тўхтамига келинади.

#### **4-мавзу: Ўзбекистон Республикасининг “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги Қонунининг мақсади, асосий вазифалари ва принциплари.**

Маъруза машғулоти 2-соат.

##### **Режа:**

1-савол. Ўзбекистон Республикасининг “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги Қонунининг мақсади, асосий вазифалари, асосий йўналишлари. Ички ишлар органлари фаолиятининг асосий принциплари.

2-савол. Ички ишлар органи ходими қонуний талаблари бажарилишининг мажбурийлиги. Ички ишлар органларининг бошқа органлар ва ташкилотлар билан ҳамкорлиги.

**1-савол: Ўзбекистон Республикасининг “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги Қонунининг мақсади, асосий вазифалари, асосий йўналишлари. Ички ишлар органлари фаолиятининг асосий принциплари.**

#### **Ўзбекистон Республикасининг “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги Қонунининг мақсади.**

Ушбу Қонуннинг мақсади Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органларининг (бундан буён матнда ички ишлар органлари деб юритилади) фаолиятини тартибга солишдан иборат.

#### **Ички ишлар органларининг асосий вазифалари.**



Ички ишлар органларининг асосий вазифалари фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини, жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкани, конституциявий тузумни ҳимоя қилишдан, қонун устуворлигини, шахс, жамият ва давлатнинг хавфсизлигини таъминлашдан, шунингдек ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикасида иборат.

## **Ички ишлар органлари тўғрисидаги қонунчилик.**

Ички ишлар органлари тўғрисидаги қонунчилик ушбу Қонун ва бошқа қонунчилик ҳужжатларидан иборатдир.

**Ички ишлар органлари фаолиятни ўз ваколатлари доирасида қуйидаги асосий йўналишлар бўйича амалга оширади:**

- ❖ фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш;
- ❖ жамоат тартибini сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш;
- ❖ терговга қадар текширувни, тезкор-қидирув фаолиятини амалга ошириш, жиноят ишлари бўйича суриштирув ҳамда дастлабки терговни ўтказиш;
- ❖ жиноятчилик ва терроризмга қарши курашиш, шу жумладан террорчилик ҳаракатларига чек қўйишда ҳамда гаровга олинганларни озод қилишда иштирок этиш йўли билан курашиш, шунингдек одам савдосига қарши курашиш;
- ❖ ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, уларнинг сабабларини ва содир этилишига имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш, ҳуқуқбузарликларни содир этишга мойил шахсларни аниқлаш;
- ❖ эҳтиёт чораларини, жиноий жазони ва жиноий-ҳуқуқий таъсир кўрсатишнинг бошқа чораларини ижро этиш, шунингдек шахсларни қидириш бўйича ишларни ташкил этиш;
- ❖ маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиш, маъмурий жазоларни қўллаш тўғрисидаги қарорларни ижро этиш;
- ❖ йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш;
- ❖ паспорт тизими талабларининг бажарилишини таъминлаш, Ўзбекистон Республикасидан чиқиш ва унга кириш учун зарур бўлган ҳужжатларни, доимий ва вақтинча яшаш учун рухсатномаларни беришга ҳамда расмийлаштиришга доир ишларни, паспорт тизимига ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлиш қоидаларига риоя этилиши устидан назорат қилишни амалга ошириш;
- ❖ саноат учун мўлжалланган портловчи материалларнинг, шунингдек пиротехника буюмларининг, гиёҳвандлик воситаларининг, психотроп моддаларнинг ва улар прекурсорларининг муомалада бўлиши соҳасида назорат қилиш;
- ❖ эксперт-криминалистика фаолиятини амалга ошириш;
- ❖ давлат объектларини, ўта муҳим, тоифаланган объектларни ва бошқа объектларни, жисмоний ва юридик шахсларнинг мол-мулкни кўриқлаш;
- ❖ лицензиялаш ва рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни бериш, шунингдек лицензия ва рухсат этишга оид талабларга ҳамда шартларга риоя этилишини назорат қилиш;
- ❖ ҳарбий-сафарбарлик ишларини ва фуқаро муҳофазаси тадбирларини амалга ошириш;
- ❖ қонун ижодкорлиги фаолиятида ҳамда жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга доир ишларда иштирок этиш.

## **Ички ишлар органлари фаолиятининг асосий принциплари.**

- қонунийлик,
- ягоналик,
- фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя этиш ҳамда ушбу ҳуқуқлар, эркинликлар ва қонуний манфаатларни ҳурмат қилиш,
- очиклик ва шаффофликдан иборат.

### **Қонунийлик принципи.**

Ички ишлар органлари ходимлари ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, ушбу Қонун ва бошқа қонунчилик ҳужжатлари талабларига аниқ риоя этиши ҳамда уларни бажариши шарт.

Қонунларни аниқ бажаришдан ва уларга риоя қилишдан ҳар қандай чекиниш, қандай сабабларга кўра юз берганидан қатъи назар, қонунийликни бузиш ҳисобланади ва белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.

Ички ишлар органларининг ходимлари хизмат мажбуриятларини бажариш чоғидаги ўзининг қонунга хилоф хатти-ҳаракатларини (ҳаракатсизлигини) оқлаш учун хизмат манфаатларини, иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқликни, юқори турувчи мансабдор шахсларнинг қонунга хилоф талаблари, буйруқлари ва фармойишларини ёки қонунга мувофиқ бўлмаган бошқа бирор-бир ҳолатни рўқач қилиши мумкин эмас. Ички ишлар органларининг ходимларига кимнидир ғайриқонуний ҳаракатларни содир этишга бевосита ёки билвосита қизиқтириш, кўндириш, ундаш тақиқланади.

### **Ягоналик принципи.**

Ички ишлар органлари ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлардир ва Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири раҳбарлик қиладиган ягона тизимни ташкил этади.



**Фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя этиш ҳамда ушбу ҳуқуқлар, эркинликлар ва қонуний манфаатларни ҳурмат қилиш принципи.**

Ички ишлар органлари ўз фаолиятини фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя этиш ҳамда ушбу ҳуқуқлар, эркинликлар ва қонуний манфаатларни ҳурмат қилиш асосида амалга оширади.

Ички ишлар органлари фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари уларнинг жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий

келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, ҳимоя қилинишини таъминлайди.

Ички ишлар органларининг фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини чекловчи фаолияти, агар қонуний мақсадга эришилган бўлса ёки ушбу мақсадга фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини чеклаш орқали эришиб бўлмаслиги ёки эришилмаслиги кераклиги аниқланса, дарҳол тўхтатилади.

Қийноқларга солиш, зўравонлик қилиш, бошқа шафқатсиз ёки инсон қадр-қимматини камситадиган тарзда муомалада бўлиш ички ишлар органи ходимига тақиқланади. Ички ишлар органининг ходими фуқарога қасддан оғриқ, жисмоний ёки маънавий азоб етказиладиган хатти-ҳаракатларга чек қўйиши шарт.

Агар қонунда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, ички ишлар органи фуқаронинг шаъни, қадр-қимматига ёки ишчанлик обрўсига путур етказадиган, унинг шахсий ҳаётига тааллуқли бўлган маълумотларни ошкор қилишга ҳақли эмас.

Агар қонунда бошқача қоида белгиланмаган бўлса, ички ишлар органи ҳар бир фуқарога ўзларида мавжуд бўлган, унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига бевосита дахлдор бўлган ҳужжатлар ҳамда материаллар билан танишиш имкониятини таъминлаши шарт.

### **Ички ишлар органи ходими фуқарога мурожаат этганида:**

❖ ўз лавозимини, унвонини, фамилиясини, исмини, отасининг исмини айтиши, фуқаронинг талабига кўра хизмат гувоҳномасини кўрсатиши, шундан сўнг мурожаат қилишининг сабаби ва мақсадини маълум қилиши;

❖ фуқарога нисбатан унинг ҳуқуқ ва эркинликларини чекловчи чоралар қўлланилган тақдирда, бундай чоралар қўлланилишининг сабабини ҳамда асосларини, шунингдек фуқаронинг шу муносабат билан юзага келадиган ҳуқуқлари ва мажбуриятларини унга тушунтириши шарт.



Ички ишлар органи ходими ўзига фуқаро мурожаат этган тақдирда, ўз лавозимини, унвонини, фамилиясини, исмини, отасининг исмини айтиши, уни диққат билан эшитиши, ўз ваколатлари доирасида тегишли чоралар қўриши ёхуд қўйилган масалани ҳал этиш кимнинг ваколатига киришини тушунтириши шарт.

## Очиқлик ва шаффофлик принципи.

Ички ишлар органлари ўз фаолиятини очиқ ва шаффоф тарзда, давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, бошқа ташкилотлар ва фуқаролар, шунингдек оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликда амалга оширади.

Жисмоний ва юридик шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда ички ишлар органларининг фаолияти ҳақида, шунингдек жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларига бевосита дахлдор бўлган ҳаққоний ахборотни олиш ҳуқуқига эга, фойдаланилиши қонун билан чекланган ахборот бундан мустасно.

Ички ишлар органлари «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунда белгиланган тартибда ўз фаолияти тўғрисидаги ахборотдан фойдаланилишини таъминлайди.

### **2-савол: Ички ишлар органи ходими қонуний талаблари бажарилишининг мажбурийлиги. Ички ишлар органларининг бошқа органлар ва ташкилотлар билан ҳамкорлиги.**

#### **Ички ишлар органи ходими қонуний талаблари бажарилишининг мажбурийлиги.**

Ички ишлар органи ходимининг ўз ваколатлари доирасида қўйилган қонуний талабларини, шу жумладан қонунга риоя этиш, ҳужжатларни, текширувлар материалларини ва бошқа маълумотларни тақдим этиш, мутахассис ажратиш, ички ишлар органига келиш ҳамда аниқланган қонунбузарликлар хусусида тушунтиришлар бериш тўғрисидаги, қоидабузарликларни, шунингдек



уларнинг имкон берган шарт-шароитларни бартараф этиш ҳақидаги қонуний талабларини барча давлат органлари, бошқа ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурийдир.

Ички ишлар органларининг зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун зарур бўлган ахборот, ҳужжатлар ва бошқа материаллар уларнинг қонуний талаби бўйича бепул тақдим этилади.

Ички ишлар органи ходимининг қонуний талаблари устидан шикоят қилиниши уларнинг бажарилишини тўхтатиб турмайди.

## **Ички ишлар органларининг бошқа органлар ва ташкилотлар билан ҳамкорлиги.**

Ички ишлар органлари ўз зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш мақсадида, қонунчиликда белгиланган тартибда давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади ҳамда аниқланган жиноятлар ва бошқа ҳуқуқбузарликларга оид мавжуд материаллар тўғрисидаги ахборотни алмашишни, шу жумладан электрон шаклда алмашишни, шунингдек бошқа ахборотни алмашишни амалга оширади.

Давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа ташкилотлар фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда, жамоат тартибини сақлаш, жамоат хавфсизлигини таъминлашда, жиноятлар ва маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларни аниқлаш, уларга чек қўйиш, уларни фош этишда, жиноят ишларини тергов қилишда, жиноятчиларни қидиришда, бедарак йўқолганларнинг турган жойини аниқлашда, шунингдек ҳуқуқбузарликлар профилактикасида ички ишлар органларига ўз ваколатлари доирасида кўмаклашиши шарт.

## **Фан ютуқларидан, замонавий технологиялардан ва ахборот тизимларидан фойдаланиш.**

Ички ишлар органлари ўз фаолиятида фан ютуқларидан, замонавий технологиялардан ва ахборот тизимларидан фойдаланади.

Ички ишлар органлари жисмоний ва юридик шахсларга ушбу органларнинг ваколатларига тааллуқли электрон давлат хизматлари кўрсатилишини, шунингдек ҳужжатларни қабул қилиш ва рўйхатга олишнинг, давлат хизматлари кўрсатиш жараёни тўғрисидаги хабарномаларнинг электрон шакллари қўлланилишини қонунчиликка мувофиқ таъминлайди.

Ички ишлар органлари жамоат тартибини, жамоат хавфсизлигини таъминлашда, жиноятлар, маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда, уларни аниқлашда, уларга чек қўйишда, уларни фош этишда, тергов қилишда ҳамда жиноятлар, маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши ҳолатларини, ҳодисалар ҳолатларини ҳужжатлаштиришда, шу жумладан жамоат жойларида, шунингдек ўз зиммасига юклатилган вазифаларни бажараётган ички ишлар органлари ходимларининг ҳаракатларини қайд этиш учун техник воситалардан, шу жумладан аудио-, фото- ва видео қайд этиш воситаларидан фойдаланиши мумкин.

Ички ишлар органларида давлат сирларини ёки қонун билан кўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотларни муҳофаза қилиш, шу жумладан криптографик воситаларни қўллаган ҳолда техник жиҳатдан муҳофаза қилиш таъминланади.

### Мустақил тайёргарликучун топширик:

Ўзбекистон Республикасининг “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги Қонунининг мақсади, асосий вазифалари ва принциплари мазусини ўқиб ўрганиш ва конспектлаштириш.

### Назорат учун саволлар туркуми:

1. Қонунининг мақсади.
2. Қонунининг асосий вазифалари.
3. Қонунининг асосий йўналишлари.
4. Ишлар органлари фаолиятининг асосий принциплари.
5. Ички ишлар органи ходими қонуний талаблари бажарилишининг мажбурийлиги.
6. Ички ишлар органларининг бошқа органлар ва ташкилотлар билан ҳамкорлиги.

**4-мавзу: Ўзбекистон Республикасининг “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги Қонунининг мақсади, асосий вазифалари ва принциплари.**


Семинар машғулот 2-соат.

### Семинар машғулот.

Ушбу амалий машғулот «Блиц-сўров» интерфаол методидан фойдаланиш орқали ўтказилади.

«Блиц-сўров» (инглизча «блиц» – тезкор, бир зумда) методи берилган саволларга қисқа, аниқ ва лўнда жавоб қайтарилишини тақозо этадиган метод саналади. Таълим муассасаларида ушбу методга мувофиқ саволлар, асосан, ўқитувчи томонидан берилади. Берилган саволларга жавоблар жамоавий, гуруҳли, жуфтлик ёки индивидуал тарзда қайтарилиши мумкин. Жавоб қайтариш шакли машғулот тури, ўрганилаётган мавзунинг мураккаблиги, тингловчиларнинг қамраб олинишига кўра белгиланади.

### Машғулотларда ушбу методни қўллаш қуйидагича кечади:





## **Ўқув машғулотнинг саволлари:**

- 1-савол: Қонунининг мақсади.
- 2-савол: Қонунининг асосий вазифалари.
- 3-савол: Қонунининг асосий йўналишлари.
- 4-савол: Ишлар органлари фаолиятининг асосий принциплари.
- 5-савол: Ички ишлар органи ходими қонуний талаблари бажарилишининг мажбурийлиги.
- 6-савол: Ички ишлар органларининг бошқа органлар ва ташкилотлар билан ҳамкорлиги.
- 7-савол: Фан ютуқларидан, замонавий технологиялардан ва ахборот тизимларидан фойдаланиш.

## **5-мавзу: Ички ишлар органларининг тизими.**

Маъруза машғулоти 2-соат.

### **Режа:**

1-савол. Ички ишлар органларининг тизими. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳудудий бўлинмалари раҳбарларининг Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари Кенгашлари олдида ҳисобдорлиги.

2-савол. Ички ишлар органларининг мансабдор шахсларини тайинлаш ва лавозимидан озод этиш. Ички ишлар органларининг таянч пунктлари.

**1-савол. Ички ишлар органларининг тизими. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳудудий бўлинмалари раҳбарларининг Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари Кенгашлари олдида ҳисобдорлиги.**

### **Ички ишлар органларининг тизими.**

Ички ишлар органларининг тизими Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси, вилоятлар ички ишлар бошқармалари, туманлар ва шаҳарлар ички ишлар бошқармалари



(бўлимлари), транспортда хавфсизликни таъминлаш бошқармалари (бўлимлари), жазони ижро этиш муассасалари, ички ишлар органларининг ўта муҳим ва тоифаланган объектлардаги бўлинмалари, шаҳарча ички ишлар бўлинмалари ва ички ишлар органларининг таянч пунктлари, шунингдек таълим ва тиббиёт муассасалари, ички ишлар органлари зиммасига

юклатилган вазифаларни бажариш учун ташкил этиладиган бошқа бўлинмалар ва ташкилотлардан иборатдир.

Ички ишлар органлари тизимига ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ҳарбий хизматчилари учун қонунчиликда белгиланган тартибда ҳуқуқлар ва имтиёзлардан фойдаланадиган қоровул қўшинлари ҳамда халқаро аэропортларда хавфсизликни таъминлаш бўйича қўшинлар ҳам киради.

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири ўз мақомига кўра Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг таркибига киради.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги бевосита Ўзбекистон Республикаси Президентига, қонунчиликка мувофиқ айрим масалалар бўйича эса Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига бўйсунди.

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларнинг профилактикаси ҳолати тўғрисидаги ахборотни йилига икки марта Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатига тақдим этади.

Ички ишлар органларининг ташкилий-штат тузилиши ва штат сонининг энг юқори чегараси Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади.

### **Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳудудий бўлинмалари раҳбарларининг Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари Кенгашлари олдида ҳисобдорлиги.**

Қорақалпоғистон Республикаси ички ишлар вазири, Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси ва вилоятлар ички ишлар бошқармаларининг бошлиқлари ҳар чоракда тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларига ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларнинг профилактикаси ҳолати тўғрисида ҳисобот тақдим этади.



Туман (шаҳар) ички ишлар бошқармаларининг (бўлимларининг) бошлиқлари ҳар чоракда ва уларнинг ёшлар масалалари бўйича ўринбосарлари — ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси бўлимлари (бўлинмалари) бошлиқлари ҳар ойда халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашларига ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларнинг профилактикаси ҳолати тўғрисида ҳисоботлар тақдим этади.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳудудий бўлинмалари раҳбарларининг ҳисоботларини эшитишга тегишли ҳудудда жойлашган бошқа давлат органларининг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, корхоналарнинг, муассасаларнинг, ташкилотларнинг, шу

жумладан нодавлат нотижорат ташкилотларининг, сиёсий партияларнинг, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари ва бошқа шахслар таклиф этилиши мумкин.

Юклатилган вазифаларнинг бажарилиши юзасидан кўрилаётган чоратадбирлар ва ишларнинг натижалари Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳудудий бўлинмалари раҳбарларининг ҳисоботларини эшитиш чоғида танқидий жиҳатдан муҳокама қилинади, уларнинг фаолияти самарадорлигига шахсан баҳо берилади, шунингдек эгаллаб турган лавозимига мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги тўғрисида тавсиялар қабул қилинади.

## **2-савол. Ички ишлар органларининг мансабдор шахсларини тайинлаш ва лавозимидан озод этиш. Ички ишлар органларининг таянч пунктлари.**

### **Ички ишлар органларининг мансабдор шахсларини тайинлаш ва лавозимидан озод этиш.**

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимига тасдиқланади ва лавозимидан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан озод этилади.

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг ўринбосарлари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимига тайинланади ва лавозимидан озод этилади.

Қорақалпоғистон Республикаси ички ишлар вазири Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири билан келишилган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси томонидан лавозимига тайинланади ва лавозимидан озод этилади.

Вилоятлар ички ишлар бошқармаларининг бошлиқлари Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади.

Туманлар ва шаҳарлар ички ишлар бошқармаларининг (бўлимларининг) бошлиқлари Қорақалпоғистон Республикаси ички ишлар вазирининг, Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг ўринбосари — Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси бошлиғининг, вилоятлар ички ишлар бошқармалари бошлиқларининг тақдимномалари бўйича Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади.

Ушбу модданинг биринчи — бешинчи қисмларида кўрсатилмаган ички ишлар органлари ходимларини лавозимига тайинлаш ва лавозимидан озод этиш тартиби қонунчиликда белгиланади.

### **Ички ишлар органларининг таянч пунктлари.**

Ички ишлар органларининг таянч пунктлари туманлар ва шаҳарлар ички ишлар бошқармаларининг (бўлимларининг) ички ишлар органларининг жамоатчилик билан ҳамкорлигини таъминлаш мақсадида ташкил этиладиган

хамда қишлоқларда, овулларда ва маҳаллаларда жамоат тартиби сақланишини, фуқаролар хавфсизлигини, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини, жиноятчиликка қарши курашишни бевосита таъминлайдиган асосий қуйи бўғинидир.



Ички ишлар органларининг таянч пунктлари фаолиятни профилактика катта инспекторлари, инспекторларидан ва уларнинг жамоат тартибини сақлаш бўйича ёрдамчиларидан иборат таркибда амалга оширади.

Профилактика инспекторлари халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашининг қарори билан лавозимга тасдиқланади.

Профилактика инспекторлари фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига белгиланган тартибда ҳисоботлар тақдим этади.

Ички ишлар органларининг таянч пунктлари ишини ташкил этиш учун ички ишлар органларининг бошқа бўлинмалари, шунингдек «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмалари аъзолари ҳам жалб этилиши мумкин.

### **Мустақил тайёргарлик учун топшириқ:**

Ички ишлар органларининг тизими мазусини ўқиб ўрганиш ва конспектлаштириш.

### **Назорат учун саволлар туркуми:**

1. Ички ишлар органларининг тизими.
2. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳудудий бўлинмалари раҳбарларининг Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари Кенгашлари олдида ҳисобдорлиги.

## 5-мавзу: Ички ишлар органларининг тизими.

семинар машғулоти 2-соат.

### Семинар машғулоти.

Ушбу ўқув машғулоти “*Кичик гуруҳларда ишлаш*” интерфаол методидан фойдаланиш орқали ўтказилади.

### “Кичик гуруҳларда ишлаш” методининг босқичлари



### Гуруҳларга топшириқлар:

1-гуруҳга топшириқ. Ички ишлар органларининг тизими..

2-гуруҳга топшириқ. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги худудий бўлинмалари раҳбарларининг Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари Кенгашлари олдида ҳисобдорлиги.

3-гуруҳга топшириқ. Ички ишлар органларининг мансабдор шахсларини тайинлаш ва лавозимидан озод этиш

4-гуруҳга топшириқ. Ички ишлар органларининг таянч пунктлари

**ИЗОХ:** Ушбу метод қўлланилганда ҳар бир гуруҳга шартли ном берилиб, уларнинг жавоблари беш баллик тизим асосида баҳоланади. Бир гуруҳ бошқа гуруҳнинг саволига тўғри жавоб берса баллар тўғри жавоб берган гуруҳ ҳисобига ёзилади. Гуруҳларни ҳар бир гуруҳнинг жавоби тингланади умумлаштирилади, қўшимчалар билан тўлдирилади. Аниқ жавоблар тўхтамига келинади.

## **6-мавзу: Ички ишлар органларининг мажбуриятлари ва ҳуқуқлари.**

Маъруза машғулоти 2-соат.

### **Режа:**

1-савол. Ички ишлар органларининг мажбуриятлари.

2-савол. Ички ишлар органларининг ҳуқуқлари.

### **1-савол: Ички ишлар органларининг мажбуриятлари.**

Ички ишлар органлари:

✚ фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини, юридик ва жисмоний шахсларнинг мулкани, шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини ҳимоя қилиш бўйича ўз ваколатлари доирасида барча зарур чораларни кўриши;

✚ жамоат жойларида, шу жумладан кўчаларда, майдонларда, истироҳат боғларида, транспорт магистралларида, вокзалларда, аэропортларда, шунингдек оммавий тадбирларни ўтказиш чоғида фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаши;

✚ жиноятлар, бошқа ҳуқуқбузарликлар ва ҳодисалар тўғрисидаги аризаларни, хабарларни ва бошқа ахборотни, шу жумладан электрон шаклдаги шундай аризаларни, хабарларни ва бошқа ахборотни қабул қилиши ҳамда рўйхатга олиши, мурожаат этувчига қонунчиликда белгиланган тартибда кейинчалик хабар берган ҳолда улар бўйича ўз вақтида чоралар кўриши;

✚ жиноят, маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган жойга, ҳодиса жойига дарҳол етиб келиши, ғайриқонуний қилмишларга чек қўйиши, фуқароларнинг хавфсизлигига таҳдидларни бартараф этиши, жиноят, маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилганлиги ҳолатларини, ҳодиса ҳолатларини ҳужжатлаштириши, жиноят, маъмурий ҳуқуқбузарлик, ҳодиса изларининг сақланишини таъминлаши;

✚ жисмоний ва юридик шахсларнинг турар жойларига ҳамда бошқа хоналарига мулкдорларнинг ва улар вакилларининг хоҳишига хилоф тарзда ёки улар йўқлигида ички ишлар органлари ходимлари кирганлигининг барча ҳоллари тўғрисида йигирма тўрт соат ичида прокурорни ёзма шаклда хабардор қилиши;

✚ жиноят, маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган жойда ёки ҳодиса жойида жабрланган фуқароларга, шунингдек ночор аҳволда қолган фуқароларга биринчи тиббий ёрдам ёки бошқа хил ёрдам кўрсатилишини ташкил этиши;

✚ ўз ваколатлари доирасида жиноятлар фактлари бўйича жиноят ишларини кўзғатиши, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиши;

✚ жиноятларнинг олдини олиш, уларни аниқлаш, уларга чек қўйиш ва уларни фош этиш, шунингдек уларни тайёрлаш ва содир этишга алоқадор бўлган шахсларни аниқлаш ҳамда топиш чораларини кўриши;

✚ айрим процессуал ҳаракатларни бажаришда терговга қадар текширувни амалга оширувчи органларга, суриштирув ва тергов органларига, судга Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексида назарда тутилган тартибда ёрдам бериши;

✚ жиноят ишлари бўйича, зарур бўлган ҳолларда эса жиноят иши кўзгатилунига қадар, экспертизаларни, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар бўйича экспертизаларни, шунингдек тезкор-қидирув фаолиятини амалга ошириш мақсадида нарсалар ва ҳужжатларни текширишни тайинлаши ҳамда ўтказиши;

✚ шахси таниб олинмаган мурдаларнинг шахсини аниқлаши;

✚ соғлиғининг ҳолатига, ёшига кўра ёки бошқа сабабларга кўра ўзи тўғрисида маълумотлар бера олмайдиган шахсларни идентификация қилиш чораларини кўриши;

✚ чақирув бўйича келишдан бўйин товлаётган шахсларни мажбурий келтириш тўғрисидаги суд ажримларини, прокурорнинг, терговчининг суриштирувчининг ва терговга қадар текширувни амалга оширувчи орган мансабдор шахсининг қарорларини бажариши;

✚ маъмурий қамоқ жазосини ўтаётган шахсларни қамоқда сақлаши;

✚ ушлаб турилганлар, қамоққа олинганлар ва маҳкумларни қамоқда сақлаш жойларида сақлаши ҳамда кўриқлаши, маҳкумларни жазони ижро этиш муассасаларига тақсимлаши;

✚ жазони ижро этиш муассасаларида ҳамда қамоқда сақлаш жойларида маҳкумлар ва қамоққа олинган шахсларнинг сақланиш шароитларини ва уларнинг ҳуқуқларини таъминлаши;

✚ руҳий ҳолати бузилган шахсларни кейинчалик мажбурий йўсинда даволаш учун, ушлаб турилганларни, қамоққа олинганларни ва маҳкумларни, шунингдек маъмурий қамоққа олинган шахсларни кўриқлаб боришни ва бошқа ерга кўчиришни амалга ошириши;

✚ уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасининг ижро этилишини назорат қилишни амалга ошириши;

✚ муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш, мажбурий жамоат ишлари, ахлоқ тузатиш ишлари, озодликни чеклаш, озодликдан маҳрум қилиш, умрбод озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жиноий жазоларни, шунингдек жиноий-ҳуқуқий таъсир кўрсатишнинг бошқа чораларини қонунга мувофиқ ижро этиши;

✚ жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган шахслар устидан маъмурий назоратни суднинг қарори асосида амалга ошириши;

✚ транспорт воситасини бошқаришга бўлган ҳуқуқдан маҳрум қилиш, ўқотар қурол ва ўқ-дориларни уларнинг ҳақини тўлаш шarti билан олиб қўйиш, маъмурий қамоққа олиш, чет эл фуқароларини ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни Ўзбекистон



Республикаси ҳудудидан маъмурий тарзда чиқариб юбориш, вояга етмаганларни ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларига жойлаштириш тўғрисидаги суд қарорларини ижро этиши;

✚ сурункали ичкиликбозлик, гиёҳвандлик ва заҳарвандлик билан касалланган, озодликдан маҳрум қилишга ҳукм қилинганларни мажбурий тарзда даволашни суднинг ҳукми, ажрими ва қарори асосида амалга ошириши;

✚ жазони ижро этиш муассасаларининг, вақтинча сақлаш ҳибсхоналарининг, тергов ҳибсхоналарининг, маъмурий қамоққа олинган шахсларни сақлаш учун мўлжалланган махсус қабулхоналарнинг, ички ишлар органлари вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказларининг, аниқ яшаш жойига эга бўлмаган шахсларни реабилитация қилиш марказларининг ва ички ишлар органлари кинология бўлинмаларининг фаолиятини таъминлаши;

✚ ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириши, уларнинг сабабларини ва содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни аниқлаши ҳамда уларни бартараф этиш чораларини кўриши;

✚ қонунда назарда тутилган шахсларнинг профилактик ҳисобини юритиши;

✚ профилактика тадбирларини режалаштириш ва ўтказиш мақсадида жиноятлар ва маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг, уларни содир этган шахсларнинг, ҳуқуқбузарликлардан жабрланганларнинг, қидирув эълон қилинганларнинг, бедарак йўқолганларнинг ҳисобини юритиши, ушбу маълумотларнинг таҳлилини амалга ошириши;

✚ ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган шахсларни аниқлаши ва улар билан якка тартибда профилактика ишларини олиб бориши;

✚ вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириши;

✚ ҳуқуқбузарликлар ёки ғайриижтимоий ҳаракатлар содир этган вояга етмаганларни, шунингдек назоратсиз ва қаровсиз қолганларни ички ишлар органларининг вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказларига, яшаш, тарбияланиш ва таълим олиш учун алоҳида шароитларга муҳтож бўлган вояга етмаганлар учун мўлжалланган ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларига ёхуд ҳудудий ички ишлар органининг хизмат биносига олиб бориши;

✚ ижтимоий реабилитация ва ижтимоий мослаштириш чораларини кўриши;

✚ таносил касалликларига, одамнинг иммунитет танқислиги вирусига (ОИВ инфекциясига), руҳий ҳолати бузилиши хасталигига, сурункали ичкиликбозликка, гиёҳвандликка ёки заҳарвандликка чалинган, шунингдек психотроп моддаларни ёки ақл-ирода фаолиятига таъсир қилувчи бошқа моддаларни истеъмол қиладиган, чақирув бўйича етиб келишдан бўйин товлаган шахсларни олиб келишда соғлиқни сақлаш муассасаларига қонунчиликда белгиланган ҳолларда ва тартибда кўмаклашиши;



✚ авариялар, фалокатлар, ёнғинлар, табиий офатлар ва бошқа фавқулодда вазиятларда аҳолини хабардор қилиш, одамларни кутқариш, уларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш, худуднинг зарур участкаларини ўраб олиш (тўсиш) юзасидан кечиктириб бўлмайдиган чоралар кўриши, шунингдек қаровсиз қолган мол-мулкни кўриқлашга доир вазифаларни бажариши;

✚ Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ёки унинг айрим жойларида фавқулодда ҳолат жорий этилган ҳолларда унинг ҳуқуқий режимини таъминлашда иштирок этиши;

✚ транспорт воситаларининг, йўл ҳаракати қоидалари бузилишларининг ҳамда йўл-транспорт ҳодисаларининг ҳисобини юритиши ва уларни рўйхатга олиши, йўл-транспорт ҳодисалари тўғрисидаги ҳужжатларни расмийлаштириши;

✚ шахсни мастлик ҳолатида деб ҳисоблашга асослар мавжуд бўлган тақдирда унинг транспорт воситасини бошқаришдан четлатилишини ҳамда мастлик ҳолатини аниқлаш учун уни белгиланган тартибда текширувдан ўтказилишини таъминлаши;

✚ техник ҳолати хавфсизлик бўйича белгиланган талабларга жавоб бермайдиган транспорт воситаларидан фойдаланишни тақиқлаши, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бўйича талаблар бажарилмаётган бўлса, кўчалар ва йўлларда таъмирлаш-қурилиш ишлари ҳамда бошқа ишлар ўтказилишини чеклаши ёки тақиқлаши;

✚ йўл ҳаракати хавфсизлиги стандартлари, қоидалари ва нормаларига мос келмайдиган йўллардан ҳамда темир йўлдан ўтиш жойларидан фойдаланишни тақиқлаши;

✚ Ўзбекистон Республикасида турган чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг марказлаштирилган ҳисобини ҳамда ягона маълумотлар базасини юритиши;

✚ Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига қабул қилиш ва Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан чиқишга доир материалларни тайёрлашда иштирок этиши;

✚ хавф таҳдид солган тақдирда, судьяларнинг, прокурорларнинг, терговчиларнинг, суриштирувчиларнинг, жабрланувчиларнинг, гувоҳларнинг ҳамда жинойт процесси бошқа иштирокчиларининг, шунингдек улар оила аъзоларининг ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулки ҳимоя қилинишини таъминлаш чораларини кўриши;

✚ ушлаб турилган ёки қамоққа олинган шахслардан олиб қўйилган, шунингдек топилган ва ички ишлар органларига топширилган ҳужжатлар, қимматбаҳо буюмлар, ашёлар ва бошқа мол-мулкнинг сақланишини таъминлаши, уларни қонуний эгаларига қайтариш ёки тегишли давлат органлари ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ихтиёрига топшириш чораларини кўриши;

✚ ўта муҳим ва тоифаланган объектларни, шунингдек ички ишлар органлари томонидан кўриқланиши керак бўлган ўзга объектларни кўриқлашни амалга ошириши;

✚ эгасиз мол-мулк ва хазиналар тегишинча давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, фуқаролар ёки юридик шахслар ихтиёрига топширилгунига қадар уларнинг сақланишини таъминлаш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чоралар кўриши;

✚ ўта хавфли ва махсус юкларни кўриқлаш ҳамда кузатиб бориш тадбирларини амалга ошириши;

✚ Ўзбекистон Республикаси фуқароларига паспортлар, чет эл фуқароларига ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга яшаш гувоҳномалари, фуқаролиги бўлмаган шахсларга гувоҳномалар, шунингдек чегара зонасига кириш учун рухсатномалар беришни ҳамда уларни алмаштиришни, турган жойи бўйича прописка қилиш ва пропискадан чиқаришни, ҳисобга олишни амалга ошириши, Ўзбекистон Республикаси фуқароларига хорижга чиқиш ҳужжатларини расмийлаштириши, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни прописка қилишни ҳамда ҳисобга олишни таъминлаши, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг яшаш гувоҳномалари муддатини узайтириши, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар визаларининг амал қилиш муддатини узайтириш масалаларини кўриб чиқиши;

✚ фуқаролар ва мансабдор шахслардан қалбакилик белгилари бўлган ҳужжатларни, шунингдек тегишли асосларсиз уларда бўлган, муомалада бўлиши тақиқланган ёки чекланган нарсаларни баённома тузган ҳамда унинг кўчирма нусхасини мазкур фуқароларга ва мансабдор шахсларга берган ҳолда олиб қўйиши;

✚ топиб олинган ва ихтиёрий равишда топширилган саноат учун мўлжалланган портловчи материаллар, пиротехника буюмлари, гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар, уларнинг прекурсорлари, алюмин кукунлари ва курумларининг тегишли ихтисослаштирилган ташкилотлар томонидан қабул қилиниши ҳамда сақланиши, шунингдек уларнинг реализация қилиниши ёки йўқ қилиб ташланишини таъминлаш чораларини кўриши;

✚ хизматга доир ахборотнинг, шунингдек хизмат мажбуриятларини бажариши чоғида ўзига маълум бўлиб қолган давлат сирларини ёки қонун билан кўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотларнинг махфийлигини ва сақланишини таъминлаши;

✚ карантин, санитария-эпидемиология ва табиатни муҳофаза қилиш тадбирларини ўтказишда иштирок этиши, браконьерликка қарши курашишда табиатни муҳофаза қилувчи органларга кўмаклашиши;

✚ ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, жамоат тартибини сақлаш ҳамда жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида, шунингдек бошқа соҳаларда илмий-тадқиқот ва ташкилий-услубий фаолиятни амалга ошириши, ўз зиммасига юклатилган вазифаларни бажаришда фан ва технологиялар ютуқларини ривожлантириши ҳамда улардан фойдаланиши, янги усулларни, техник ва бошқа воситаларни жорий этиши;

✚ маълумот-ахборот фондларини шакллантириши, криминалистик ҳисоб-ахборот тизимини яратиши, тезкор-қидирув ва кадрларга оид

ҳисобларни, давлат статистика ҳисоботини ва бошқа статистика ҳисоботини юритиши шарт.

Ички ишлар органларининг зиммасида қонунчиликка мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

## **2-савол: Ички ишлар органларининг ҳуқуқлари.**

Ички ишлар органлари ўз ваколатлари доирасида қуйидаги ҳуқуқларга эга:

➤ фуқаролардан қонунчиликка риоя этишни, ғайриқонуний хатти-ҳаракатларни тугатишни талаб қилиш, бу талаблар бажарилмаган тақдирда эса мажбурлов чораларини қўллаш;

➤ ўз хизмат мажбуриятларини амалга ошириш чоғида фуқароларнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатларини текшириш, агар уларда қурол, ўқ-дорилар, портловчи, радиоактив ёки заҳарли моддалар, портлатиш қурилмалари, пиротехника буюмлари, гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар, уларнинг прекурсорлари ёхуд муомалада бўлиши тақиқланган ёки чекланган бошқа нарсалар бор деб ҳисоблашга асослар мавжуд бўлганда эса, фуқароларни шахсий кўрикдан ўтказишни, уларнинг ашёларини, қўл юқини, багажини кўрикдан ўтказишни амалга ошириш ҳамда мазкур нарсалар, воситаларни ва моддаларни олиб юриш ҳамда сақлаш учун қонуний асослар мавжуд бўлмаган тақдирда уларни олиб қўйиш;

➤ агар терговга қадар ва тергов ҳаракатларини, тезкор-қидирув ва қидирув тадбирларини ўтказиш, жиноят, маъмурий ҳуқуқбузарлик, ҳодиса ҳолатларини ҳужжатлаштириш ёки жиноят, маъмурий ҳуқуқбузарлик изларини, ҳодиса ҳолатларини сақлаб қолиш учун зарур бўлса, фуқаролардан жиноят, маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган жойни, ҳодиса жойини тарқ этишни талаб қилиш;

➤ содир этилаётган жиноятларга чек қўйиш, шунингдек уларни содир этаётган шахсларни таъқиб қилиш ҳамда ушлаш учун, агар бунинг кечиктирилиши фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғини, жамият ва давлат хавфсизлигини таҳдид остига қўйиши мумкин бўлса, ташкилотлар ва фуқароларнинг ҳудудига, турар жойларига ва бошқа биноларига, ер участкаларига, транспорт воситаларига сутканинг исталган вақтида тўсқинликсиз кириш (ошиб тушиш);

➤ фуқароларнинг шахсий хавфсизлиги ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш, жиноятларнинг олдини олиш, уларни содир этган ёки қидирувда бўлган шахсларни аниқлаш ҳамда ушлаш мақсадида фуқароларга тегишли бўлган турар жойларда ва бошқа биноларда, уларга қарашли ер участкаларида фуқароларнинг розилиги билан, ташкилотлар жойлашган ҳудудда ва биноларда уларнинг маъмурияти рухсати билан ёки мулкдорнинг розилиги билан бўлиш;

➤ жиноят ишларини тергов қилиш ва маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш, жиноятлар, бошқа ҳуқуқбузарликлар ва ҳодисалар ҳақидаги аризалар ҳамда хабарларни кўриб чиқиш доирасида давлат органларига ва бошқа ташкилотларга кириш, зарур ҳужжатлар ва

материаллар билан танишиш, шунингдек давлат органларидан, бошқа ташкилотлардан ҳамда фуқаролардан маълумотларни ва бошқа зарур ҳужжатлар ҳамда материалларни сўраш ва олиш;

➤ террорчиликка қарши операция ўтказилаётган зонада жисмоний шахсларни шахсий кўриқдан ўтказишни, улардаги ашёларни, транспорт воситаларини ҳамда олиб ўтилаётган юкларни кўриқдан ўтказишни, шу жумладан назорат қилишнинг техник ва бошқа воситаларини қўллаган ҳолда кўриқдан ўтказишни амалга ошириш;

➤ ички ишлар органлари юритувидаги ишлар ва материаллар бўйича фуқароларни, мансабдор шахсларни ички ишлар органларига чақиртириш, улардан зарур тушунтиришлар, маълумотлар, ҳужжатлар, маълумотномаларни ва уларнинг кўчирма нусхаларини олиш;

➤ фуқароларни уларнинг розилиги билан ҳамкорликка жалб этиш, жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлашда ички ишлар органларига ёрдам берган ҳамда алоҳида хизмат кўрсатган фуқароларни тақдирлаш;

➤ ташкилотлар ва фуқаролардан ички ишлар органларининг фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган ахборотни бепул олиш, бундан қонунчиликда бошқача тартиб белгиланган ҳоллар мустасно;

➤ ҳуқуқбузарликларни, шунингдек уларнинг сабабларини ва содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида давлат органларига, бошқа ташкилотларга ёки мансабдор шахсларга бажарилиши шарт бўлган тақдимномалар киритиш;



➤ жиноятларнинг ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ҳамда уларни фош этиш мақсадида зарур маълумотлар базаларига эга бўлган ахборот тизимларини техник ва махсус воситалардан фойдаланган ҳолда яратиш;

➤ жиноятларни содир этишда гумон қилинаётган шахсларни, шунингдек ўзига нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси танланган шахсларни қонунчиликда белгиланган тартибда ушлаш, ички ишлар органларига олиб бориш ва қамоқда сақлаш;

➤ жиноятлар содир этганликда гумон қилинаётган ҳарбий хизматчиларни улар ҳарбий патрулга, ҳарбий комендантга, ҳарбий қисмлар командирларига топширилгунига қадар ушлаб туриш;

➤ маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этган шахсларни қонунчиликда белгиланган тартибда ушлаш ва ички ишлар органларига олиб бориш;

➤ қамоқда сақланаётган, маъмурий қамоққа олинган шахсларни, шахсини аниқлаш имкони бўлмаган тақдирда бошқа ушлаб турилган шахсларни, шунингдек қонунга мувофиқ ўзга шахсларни рўйхатга олишни,

фотосуратга олишни, уларнинг овозини ёзиб олишни, уларни кино- ва видеотасвирга туширишни, бармоқ изларини олишни амалга ошириш;

➤ жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган, шунингдек озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларга ҳукм қилинган ёхуд шартли ҳукм қилинган шахсларни назорат қилиш бўйича чоралар кўриш;

➤ ўзига нисбатан тайинланган тиббий ва тарбиявий йўсиндаги мажбурлов чораларини ўташдан бўйин товлайётган шахсларни ушлаш ва махсус муассасаларга олиб бориш;

➤ аниқ яшаш жойига эга бўлмаган шахсларни реабилитация марказларига олиб бориш, шунингдек уларни шахси аниқлангунига қадар судларнинг ажримлари асосида ўттиз суткадан кўп бўлмаган муддатга сақлаб туриш;

➤ давлат органлари томонидан таъсис этилган оммавий ахборот воситаларининг имкониятларидан жиноятлар ҳолатларини, уларни содир этган шахсларни аниқлаш, терговга қадар текширувни амалга оширувчи органлардан, суриштирув, тергов органларидан, суддан яшириниб юрган, жинойий жазони ва маъмурий жазони ўташдан бўйин товлайётган шахсларни, шунингдек бедарак йўқолган шахсларни қидириш учун бепул фойдаланиш;

➤ йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисидаги қонунчиликка риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш;

➤ автотототранспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқи учун имтиҳонлар қабул қилиш ҳамда гувоҳномалар бериш, ҳайдовчиларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича фаолиятни амалга ошираётган таълим муассасалари устидан назорат олиб бориш;



➤ автотототранспорт воситаларининг ҳамда уларнинг тиркамаларининг мажбурий давлат техник кўригини ва рўйхатдан ўтказилишини ташкил этиш ҳамда ўтказиш, йўл ҳаракатини тартибга солиш;

➤ йўл ҳаракати хавфсизлиги стандартлари, қоидалари ва нормаларини ишлаб чиқиш;

➤ автотототранспорт воситаларидан фойдаланишда атмосфера ҳавоси ифлосланиши устидан давлат экологик назоратини амалга ошириш;

➤ зарур бўлган ҳолларда, транспорт воситаларини тўхтатиш ҳамда уни бошқариш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи ҳужжатларни, транспорт воситасига, шунингдек ташилаётган юкларга оид ҳужжатларни текшириш, ҳайдовчи ёки юкни кузатиб бораётган шахс билан биргаликда транспорт воситасини ва юкларни ташқи кўздан кечириш;

➤ қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда ва тартибда транспорт воситаларини ва шахсларни ушлашни, кўриқдан ўтказишни амалга ошириш, шахсларни транспорт воситасини бошқаришдан четлаштириш, транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқини берувчи ҳужжатларни олиб қўйиш,

шунингдек транспорт воситаларини сақлаб туриладиган жойга қўйиш учун олиб бориш;

➤ махсус автомобилларни, чет эл делегацияларини, автомобиль колонналарини, қимматбаҳо, йирик габаритли ва хавфли юкларни кузатиб боришни амалга ошириш;

➤ йўллар ва темир йўлларни кесиб ўтиш жойларининг сақланиши, уларнинг йўл ҳаракатини тартибга солиш воситалари билан жиҳозланиши устидан назоратни амалга ошириш;

➤ белгиланган паспорт тизими қоидаларига Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва мансабдор шахслар томонидан риоя этилиши, шунингдек Ўзбекистон Республикасида бўлиш ва Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали транзит тарзда ўтиш қоидаларига чет эл фуқаролари ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахслар томонидан риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш;

➤ паспорт режими қоидаларига, шунингдек бажарилиши устидан назорат қилиш ички ишлар органлари зиммасига юклатилган бошқа қоидаларга риоя этилишини назорат қилиш амалга оширилаётганда фуқароларнинг турар жойларига ва бошқа биноларига уларнинг розилиги билан соат 6-00 дан соат 22-00 гача кириш;

➤ жиноятлар ёки маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этганликда гумон қилинаётган шахсларни уларнинг организмида алкоголь, гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ёки ақл-ирода фаолиятига таъсир кўрсатувчи бошқа моддалар мавжудлигини аниқлаш учун текширишни амалга ошириш;

➤ жамоат жойларида алкогольли ичимликдан, гиёҳвандлик ёки токсик модда таъсирида мастлик ҳолатида бўлган ва мустақил равишда ҳаракатланиш ёки адашмай йўл топиш қобилиятини йўқотган фуқароларни Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг реабилитация ва тиббий ёрдам кўрсатиш пунктларига олиб бориш;

➤ фуқаровий ва хизмат қуроли, уларнинг ўқ-дорилари, саноат учун мўлжалланган портловчи материаллар, пиротехника буюмлари, гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва уларнинг прекурсорлари, алюмин кукунлари ва қурумлари муомалада бўладиган соҳада фаолиятни амалга ошираётган объектларнинг маъмурий, ишлаб чиқариш, омборхона ва ёрдамчи биноларига мазкур соҳада қонунчиликка риоя этилишини назорат қилиш бўйича ички ишлар органлари зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун хизмат гувоҳномасини ҳамда белгиланган тартибда бериладиган махсус рухсатномани кўрсатган ҳолда тўсқинликсиз кириш;

➤ ҳамда шартларининг бузилганлиги фуқаровий ва хизмат қуроли, унинг ўқ-дорилари, саноат учун мўлжалланган портловчи материаллар, пиротехника буюмлари, гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва уларнинг прекурсорлари, алюмин кукунлари ва қурумларининг йўқолиши ёки талон-торож қилиниши хавфини келтириб чиқарган ҳолларда, уларни олиб қўйишни амалга ошириш, саноат учун мўлжалланган портловчи материалларни, пиротехника буюмларини, гиёҳвандлик воситаларини,

психотроп моддаларни, уларнинг прекурсорларини, алюмин кукунлари ҳамда курумларини тегишли ихтисослаштирилган ташкилотларга, фуқаровий ва хизмат қуролини ва унинг ўқ-дориларини эса ички ишлар органларига зудлик билан олиб боришни ҳамда сақлаш учун жойлаштиришни талаб қилиш;

➤ ташкилотларда ҳамда фуқароларда лицензияларсиз ва рухсатномаларсиз турган ўқотар қуролни, унинг ўқ-дориларини, портловчи материалларни, пиротехника буюмларини, гиёҳвандлик воситаларини, психотроп моддаларни ва уларнинг прекурсорларини, алюмин кукунлари ва курумларини белгиланган тартибда олиб қўйишни, ташишни ҳамда сақлаш учун жойлаштиришни амалга ошириш, уларни йўқ қилиб ташлаш чораларини кўриш;

➤ тегишли ташкилотларда объектнинг ички режимга ва рухсатнома билан кириш режимига риоя этилишига доир ишларни назорат қилиш ҳамда мувофиқлаштириш, бундан давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган объектлари мустасно;

➤ лицензиялашни ва рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни беришни амалга ошириш, қонунчиликка мувофиқ лицензия талаблари ҳамда шартларига риоя этилишига доир текширувлар ўтказиш;

➤ Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи ва Давлат герби тўғрисидаги қонунчиликнинг давлат органлари ҳамда бошқа ташкилотлар томонидан ижро этилиши устидан назоратни амалга ошириш;

➤ норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш, қонунчиликни ички ишлар органларининг ваколатларига кирадиган масалалар бўйича такомиллаштиришга доир таклифларни ишлаб чиқиш;

➤ жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга доир ишларда иштирок этиш.

Ички ишлар органлари қонунчиликка мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

### **Мустақил тайёргарлик учун топшириқ:**

Ички ишлар органларининг мажбуриятлари ва ҳуқуқлари мазусини ўқиб ўрганиш ва конспектлаштириш.

### **Назорат учун саволлар туркуми:**

1. Ички ишлар органларининг мажбуриятлари.
2. Ички ишлар органларининг ҳуқуқлари.

## 6-мавзу: Ички ишлар органларининг мажбуриятлари ва ҳуқуқлари.

Семинар машғулоти 2-соат.

### Семинар машғулоти

Ушбу ўқув машғулоти “Сухбат” интерфаол методидан фойдаланиш орқали ўтказилади.

Машғулотда ўқитувчи ва ўқувчи (тингловчи ва курсант)лар ўртасида диалогик характерга эга савол-жавобга асосланувчи ушбу метод негизини жонли мулоқот ташкил этади. Методнинг афзаллиги сухбат жараёнида ойдинлашмаган масалалар юзасидан қўшимча саволлар бериш, ўқувчи (тингловчи ва курсант)нинг фикрлашга ундаш имкониятининг мавжудлиги билан белгиланади. Таълимий муносабатнинг жонли мулоқотга асосланиши эса ўқитувчи ва ўқувчи (тингловчи ва курсант)лар ўртасида руҳий яқинликни қарор топтириб, фаол фикр алмашиш имконини беради.

#### Методни қўллашда қуйидаги тартибда иш кўрилади:





## **Ўқув машғулотнинг саволлари:**

1-савол: Ички ишлар органларининг мажбуриятлари.

2-савол: Ички ишлар органларининг ҳуқуқлари.

3-савол: ИИО ходимлари сиёсий партияларнинг аъзоси бўлиши мумкинми?

4-савол: Ички ишлар органлари қайси шахсларни ушлаб туриш ҳуқуқига эгами?

5-савол: Ички ишлар органлари вояга етмаган шахс ушлаб турилган ҳар бир ҳолат тўғрисида кимга дарҳол хабар беради?

6-савол: Ички ишлар органлари ходимларига ва уларнинг оилаларига ижтимоий ёрдам кўрсатишда нималар эътиборга олинган ?

7-савол: Ички ишлар органлари ходимларига қандай турдаги фаолият билан шуғулланиш ман этилади ?

8-савол: Ички ишлар органлари фуқароларнинг транспорт воситаларидан қандай ҳолатларда фойдаланиши мумкин?

## **7-мавзу: Ички ишлар органлари томонидан айрим мажбурлов чораларининг қўлланилиш.**

Маъруза машғулоти 2-соат.

### **Режа:**

1-савол. Ички ишлар органлари томонидан шахсларни ушлаб туриш асослари ва тартиби.

2-савол. Худуддаги участкаларни, турар жойларни, иншоотларни ва бошқа объектларни ўраб олиш (тўсиб қўйиш).

3-савол. Ташкилотлар ва фуқароларнинг транспорт воситаларидан фойдаланиш

### **1-савол: Ички ишлар органлари томонидан шахсларни ушлаб туриш асослари ва тартиби.**

Ички ишлар органлари:

➤ жиноят содир этганликда гумон қилинаётган шахсларни Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига назарда тутилган тартибда;

➤ ўзига нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган шахсларни;

➤ қидирувдаги шахсларни;

➤ ўзига нисбатан ушлаб бериш тўғрисида сўров келиб тушган шахсларни;

➤ маъмурий қамоқ жазосини ўташдан, маъмурий тарзда чиқариб юборилишдан бўйин товлаётган шахсларни, шунингдек ўзига нисбатан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги иш юритилаётган шахсларни

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексида назарда тутилган тартибда;

➤ жиноий жазони ўташдан, шунингдек ўзига нисбатан суд томонидан тайинланган тиббий ва бошқа йўсиндаги мажбурлов чораларини бажаришдан бўйин товлаётган шахсларни;

➤ аниқ яшаш жойига эга бўлмаган шахсларни, кейинчалик уларни аниқ яшаш жойига эга бўлмаганларни реабилитация қилиш марказларига суд ажримига асосан жойлаштирган ҳолда;

➤ фавқулодда ҳолат ёки фавқулодда вазият режимини бузган шахсларни;

➤ умумий ҳарбий мажбуриятни ўташдан бўйин товлаётган шахсларни;

➤ кўриқланадиган объектларга ғайриқонуний равишда кирган ёки киришга уринган шахсларни;

➤ ўзини ўзи ўлдиришга уринган ёхуд рухий ҳолатининг яққол ифодаланган бузилиши белгиларига эга бўлган ҳамда ўз ҳаракатлари билан ўзи ва атрофдагилар учун хавф туғдираётган шахсларни ушлаб туриш ҳуқуқига эга.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган шахслар уларнинг шахси ҳамда ҳуқуқбузарликнинг ҳолатлари аниқлангунига қадар, шунингдек улар тегишли давлат органларига ёки мансабдор шахсларга топширилгунига қадар ушлаб турилади.

Ушлаб турилган шахсга телефон орқали сўзлашиш ёки адвокатига ёхуд яқин қариндошига ўзининг ушлаб турилганлиги ва турган жойи ҳақида хабар бериш, ушлаб турилган пайтидан эътиборан ҳимоячига (адвокатга) эга бўлиш ҳуқуқи, шунингдек қонунга мувофиқ бошқа ҳуқуқлар берилади.

Ушлаб турилган шахслар, уларнинг ёнидаги ашёлар ва ҳужжатлар, шунингдек уларнинг транспорт воситалари қонунчиликда белгиланган тартибда кўриқдан ўтказилиши мумкин.


Ички ишлар органлари вояга етмаган шахс ушлаб турилган ҳар бир ҳолат тўғрисида унинг яқин қариндошларига ёки бошқа қонуний вакилларига дарҳол хабар беради.

Ички ишлар органлари ҳарбий хизматчи ушлаб турилганлиги тўғрисида у ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий қисм қўмондонлигига хабар беради.

Ички ишлар органлари чет эл фуқароси ушлаб турилганлиги тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигига хабар беради.

## **2-савол: Худуддаги участкаларни, турар жойларни, иншоотларни ва бошқа объектларни ўраб олиш (тўсиб қўйиш).**

Ички ишлар органлари туман, шаҳар ички ишлар бошқармаси (бўлими) бошлиғининг ва бошқа юқори турувчи раҳбарларнинг оғзаки ёки ёзма қарорига кўра худуддаги участкаларни ўраб олишни (тўсиб қўйишни) куйидаги ҳолларда амалга ошириш ҳуқуқига эга:

 авариялар, табиий ва техноген хусусиятга эга бўлган фалокатлар ҳамда бошқа фавқулодда вазиятлар оқибатларини тугатишда, эпидемиялар ва эпизоотиялар вақтида карантин тадбирларини ўтказишда;

✓ оммавий тартибсизликларга ҳамда транспорт ҳаракатини, алоқа воситаларини ва ташкилотлар ишини издан чиқарувчи бошқа ҳаракатларга чек қўйиш бўйича тадбирларни ўтказишда;

✓ камоқдан қочган шахсларни ва жиноий жазони ўташдан бўйин товлаётган шахсларни қидиришда;

✓ жиноят содир этишда гумон қилинаётган шахсларни таъқиб этишда;

✓ террорчиликка қарши операцияни ўтказишда, портловчи моддалар ёки портлатиш қурилмалари ёхуд заҳарли ёки радиоактив моддалар топилганлиги тўғрисидаги маълумотларни текширишда;

✓ оммавий тадбирлар, шу жумладан байрамлар, халқ сайиллари, митинглар, кўча юришларини ўтказишда.

Агар фуқароларнинг хавфсизлигини ва жамоат тартибини таъминлаш, тергов ҳаракатларини, тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш, жиноят, маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган жойни, ҳодиса жойини кўриқлаш, шунингдек хавф таҳдид солаётган мулк объектларини ҳимоя қилиш учун зарур бўлса, ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ҳолларда ҳудуддаги участкаларни ўраб олиш (тўсиб қўйиш) чоғида транспорт воситалари ва пиёдалар қатнови чекланиши ёки тақиқланиши мумкин.

Агар фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига хавфнинг олдини олиш учун зарур бўлса ва уларни бошқача усулда ҳимоя қилиш мумкин бўлмаса, ўраб олиш (тўсиб қўйиш) жисмоний ва юридик шахсларга қарашли турар жойларга, иморатларга ва бошқа объектларга нисбатан ҳам амалга оширилиши мумкин.

Ички ишлар органлари ушбу моддада кўрсатилган ҳаракатларни амалга оширишда бўлғуси ўраб олиш (тўсиб қўйиш) ҳақида аҳолини хабардор қилиш, аҳолининг нормал ҳаёт кечиришини таъминлаш чораларини кўради, фуқароларга юзага келган вазиятда энг қулай ҳаракатланиш йўналишларини тушунтиради.

### **3-савол: Ташкилотлар ва фуқароларнинг транспорт воситаларидан фойдаланиш.**

Ички ишлар органлари ташкилотларнинг ёки фуқароларнинг транспорт воситаларидан табиий офат юз берган жойга бориш, шошинч тиббий ёрдамга муҳтож фуқароларни тиббий муассасаларга олиб бориш, жиноят содир этган шахсларни таъқиб қилиш ва ички ишлар органларига олиб келиш,



ҳодиса жойига ёки ички ишлар органларининг шахсий таркибини жанговар тревога бўйича тўплаш жойига бориш учун мажбурий тартибда фойдаланиши мумкин ва бунда транспорт воситасидан фойдаланилганлиги

фактини тасдиқловчи ҳамда ундан фойдаланган ички ишлар органи ходимини идентификацияловчи хужжат берилади, чет давлатларнинг дипломатик, консуллик ваколатхоналарига ва бошқа ваколатхоналарига, халқаро ташкилотларга тегишли бўлган транспорт воситалари ҳамда махсус мўлжалланган транспорт воситалари бундан мустасно.

Ташкилотлар ва фуқароларнинг транспорт воситаларидан мажбурий тарзда фойдаланганлик натижасида харажатлар қилинган ёки зарар етказилган тақдирда, шунингдек транспорт воситасининг эгасига мулкӣ зарар етказилган тақдирда ушбу харажатларнинг ёки зарарларнинг ўрнини ички ишлар органлари томонидан қоплаш қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади.

### **Мустақил тайёргарликучун топшириқ:**

Ички ишлар органлари томонидан айрим мажбурлов чораларининг қўлланилиш мазусини ўқиб ўрганиш ва конспектлаштириш.

### **Назорат учун саволлар туркуми:**

1. Ички ишлар органлари томонидан шахсларни ушлаб туриш асослари ва тартиби.
2. Худуддаги участкаларни, турар жойларни, иншоотларни ва бошқа объектларни ўраб олиш (тўсиб қўйиш).
3. Ташкилотлар ва фуқароларнинг транспорт воситаларидан фойдаланиш.

## **7-мавзу: Ички ишлар органлари томонидан айрим мажбурлов чораларининг қўлланилиш.**

Семинар машғулоти 2-соат.

### **Семинар машғулоти.**

Ушбу ўқув машғулоти “Сухбат” интерфаол методидан фойдаланиш орқали ўтказилади.

Машғулотда ўқитувчи ва ўқувчи (тингловчи ва курсант)лар ўртасида диалогик характерга эга савол-жавобга асосланувчи ушбу метод негизини жонли мулоқот ташкил этади. Методнинг афзаллиги сухбат жараёнида ойдинлашмаган масалалар юзасидан қўшимча саволлар бериш, ўқувчи (тингловчи ва курсант)нинг фикрлашга ундаш имкониятининг мавжудлиги билан белгиланади. Таълимий муносабатнинг жонли мулоқотга асосланиши эса ўқитувчи ва ўқувчи (тингловчи ва курсант)лар ўртасида руҳий яқинликни қарор топтириб, фаол фикр алмашиш имконини беради.

## Методни қўллашда қуйидаги тартибда иш кўрилади:

Ўқитувчи ўқувчи (тингловчи ва курсант)ларни метод моҳияти билан таништиради

Ўқитувчи мавзу юзасидан ўқувчи (тингловчи ва курсант)лар ўзлаштиришлари лозим бўлган масалаларга оид саволларни ишлаб чиқади

Ўқувчи (тингловчи ва курсант)лар саволлар билан таништирилади

Ўқувчи (тингловчи ва курсант)лар саволлар юзасидан мулоҳаза юритиб, масала моҳиятини ёритишга киришади (агар ўқувчи (тингловчи ва курсант)ларнинг жавоблари қониқарли деб топилса, навбатдаги савол берилади; борди-ю, жавоб қониқарли деб топилмаса, у ҳолда ўқитувчи ўқувчи (тингловчи ва курсант)га айнан мана шу масалани ойдинлаштиришга ёрдам берадиган қўшимча савол беради)

Ўрганилаётган масаланинг моҳияти тўла ёритилгач, суҳбат жараёнига якун ясалади

Ўқитувчи ўқувчи (тингловчи ва курсант)ларнинг фаолиятини баҳолаб, машғулотга якун ясайди

### Ўқув машғулотнинг муаммоли саволлари:

1-муаммо. Ички ишлар органлари томонидан шахсларни ушлаб туриш асослари ва тартиби.

2-муаммо. Ҳудуддаги участкаларни, турар жойларни, иншоотларни ва бошқа объектларни ўраб олиш (тўсиб қўйиш).

3-муаммо. Ташкилотлар ва фуқароларнинг транспорт воситаларидан фойдаланиш.

## 8-мавзу: Ички ишлар органларида хизматни ўташ тартиби.

Маъруза машғулоти 2-соат.

### Режа:

1-савол. Ички ишлар органларида хизматга қабул қилиш.

2-савол. Махсус унвонларни бериш ва улардан маҳрум қилиш. Лавозимга тайинлаш, лавозимдан озод этиш ва ротация

**1-савол: Ички ишлар органларида хизматни ўташ чоғида фуқаролар ҳуқуқларининг тенглигини таъминлаш. Ички ишлар органларидаги хизматга қабул қилиш.**

### Ички ишлар органларида хизматни ўташ чоғида фуқаролар ҳуқуқларининг тенглигини таъминлаш.

Ички ишлар органларидаги хизматга фуқароларни қабул қилиш, лавозимга тайинлаш, уларнинг хизматда кўтарилиши ва бошқа лавозимга ўтиши фуқароларнинг жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар амалга оширилади.

### Ички ишлар органларидаги хизматга қабул қилиш.

Ўн саккиздан ўттиз ёшгача, шу жумладан ўттиз ёшдаги, тегишли маълумотга эга бўлган, ўзининг шахсий ва ишчанлик сифатлари, соғлиғининг ҳолати ва жисмоний тайёргарлиги бўйича ички ишлар органи ходимининг хизмат мажбуриятларини бажаришга қодир Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ички ишлар органларидаги хизматга ихтиёрий тартибда, танлов асосида қабул қилинади.

Зарур бўлган ҳолларда, ички ишлар органларининг айрим бўлинмалари ва ташкилотларига хизматда бўлишнинг энг юқори ёшига тўлган пайтида кўп йиллик хизмати учун пенсия олиш ҳуқуқига эга бўладиган ўттиз ёшдан катта фуқаролар қабул қилиниши мумкин.

Ички ишлар органларининг ўттиз ёшдан катта фуқаролар қабул қилинадиган айрим бўлинмалари, ташкилотлари ва лавозимларининг рўйхати Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири томонидан белгиланади.

Эркаклар ички ишлар органларидаги хизматга киргунига қадар Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларидаги муддатли ҳарбий хизматни ёки сафарбарлик чақирuvi резервидаги ҳарбий хизматни ўташи ёхуд олий ўқув юртларида ҳарбий тайёргарликдан ўтиши керак.

Алоҳида ҳолларда, бошқа давлат органлари ва ташкилотларидан ходимлар ушбу модданинг биринчи, иккинчи ва тўртинчи қисмларида белгиланган талабларга риоя этилмаган ҳолда ички ишлар органларидаги хизматга қабул қилиниши мумкин.

Сиёсий партияларнинг аъзолари бўлган, ички ишлар органларидаги хизматга қабул қилинган фуқаролар хизматни ўташ даврида сиёсий партияларга аъзоликни тўхтатиб туради.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш учун тегишли маълумотга эга бўлган Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари, шунингдек ички ишлар органларининг ҳарбий хизматчилари ва ходимлари қабул қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг таълим муассасаларида чет эл фуқаролари қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда ва тартибда ўқиши мумкин.

Белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилган, хизматни ўташга тўсқинлик қиладиган касаллиги ёки жисмоний нуқсонлари бўлган, бошқа давлат органларидан салбий сабабларга кўра бўшатишган фуқаролар, шунингдек содир этган жинояти учун қўлланилган жазо туридан, судланганлик ҳолати тугалланганлигидан ёки олиб ташланганлигидан ва амнистия акти қўлланилганлигидан қатъи назар муқаддам судланган фуқаролар ички ишлар органларига хизматга қабул қилиниши мумкин эмас.

Ички ишлар органларидаги хизматга қабул қилинган шахслар учун дастлабки синов муддати бир йилдан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

Ички ишлар органларидаги хизматга қабул қилинган ҳарбий хизматга мажбур Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги таълим муассасаларининг ҳарбий хизматга чақирилувчи бўлган тингловчилари ва курсантлари ҳарбий ҳисобдан чиқарилади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг махсус ҳисобида туради.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг таълим муассасалари тингловчилари ва курсантлари биринчи босқичдаги ўқув муддатини тугаллаганидан кейин муддатли ҳарбий хизматни ўтаган ҳисобланади ва уларга ўқув муассасаси жойлашган ердаги мудофаа ишлари бўйича ҳудудий бўлим томонидан ҳарбий гувоҳнома берилади.

### **Ички ишлар органи ходимининг қасамёди.**

Ички ишлар органларидаги хизматга биринчи марта қабул қилинган фуқаролар қуйидаги мазмунда қасамёд қабул қилади:

«Мен, (фамилияси, исми, отасининг исми), ички ишлар органларидаги хизматга кирар эканман, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, мамлакат тинчлиги, осойишталиги ва хавфсизлигини мустаҳкамлаш борасидаги бурчимни ва зиммамга юклатилган мажбуриятларни виждонан, сидқидилдан бажаришга ваъда бераман.



Ватанимга ва Ўзбекистон халқига содиқ бўлишга қасамёд қиламан».

### **Ички ишлар органларининг ходимлари.**

Ички ишлар органларида хизмат қилаётган, махсус унвон берилган Ўзбекистон Республикаси фуқароси ички ишлар органининг ходимидир.

Ички ишлар органларида хизматни ўташ тартиби ҳамда формали кийим-бош намуналари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан белгиланади.



Ички ишлар органи ходимига Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан тасдиқланадиган, белгиланган намунадаги хизмат гувоҳномаси ва жетон берилади.

Ички ишлар органи ходими эгаллаган лавозими, турган жойи ва вақтидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида бошлиғининг (командирининг) буйруғига биноан исталган вақтда хизмат мажбуриятларини бажаришга киришиши ҳамда қуйидаги чораларни кўриши шарт:

❖ жинойтлар, бошқа ҳуқуқбузарликлар содир этилган жойда ёки ҳодисалар жойида жабрланган фуқароларга, шунингдек ночор аҳволда қолган фуқароларга биринчи тиббий ёрдам ёки бошқа хил ёрдам кўрсатилишини ташкил этиш;

❖ одамларни қутқариш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларга чек қўйиш, уларни содир этган шахсларни ушлаш, ҳодиса жойини қўриқлаш ҳамда унга фуқаролар ўзларининг шахсий хавфсизлигига ёки жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи воқеалар тўғрисидаги хабарлар билан мурожаат қилган ёхуд бевосита ўзи шундай воқеаларга дуч келган тақдирда энг яқиндаги ички ишлар органлари бўлинмасига хабар бериш.

Ички ишлар органи ходимининг хизмат мажбуриятларини бажариши деганда қуйидагилар тушунилади:



- ☑ лавозим мажбуриятларини бажариш ва жанговар ҳаракатларда иштирок этиш;
- ☑ хизматни (жанговар хизматни) ўташ;
- ☑ хизмат сафарида ёки даволанишда бўлиш;
- ☑ кун тартибида белгиланган хизмат вақти давомида ёки хизмат зарурати туфайли ички ишлар органлари (ҳарбий қисм) ҳудудида бўлиш;
- ☑ хизмат, даволаниш жойига бориш ёки улардан қайтиш;
- ☑ йиғинларда (ҳарбий йиғинларда) иштирок этиш;
- ☑ асирликда бўлиш (ўз ихтиёри билан асирга тушиш ҳоллари бундан мустасно), гаровга олинган ёки ушлаб қуролсизлантирилган ҳолатда бўлиш;
- ☑ бедарак кетиш — ходим қонунда белгиланган тартибда бедарак йўқолган деб топилгунига ёки вафот этган деб эълон қилингунига қадар;
- ☑ шахсинг ҳаёти, соғлиғи, шаъни ва кадр-қимматини ҳимоя қилишга доир ҳаракатлар;
- ☑ қонунийликни ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлашда бошқа шахсларга ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ёрдам кўрсатиш;
- ☑ суд томонидан ходимнинг шахс, жамият ва давлат манфаатларини кўзлаб содир этилган деб топилган бошқа ҳаракатлари.

## **2-савол: Махсус унвонларни бериш ва улардан маҳрум қилиш. Лавозимга тайинлаш, лавозимдан озод этиш ва ротация.**

### **Ички ишлар органлари ходимларининг махсус унвонлари.**

Ички ишлар органлари ходимларига қуйидаги махсус унвонлар берилади:

- ❖ сафдорлар таркиби — сафдор;
- ❖ сержантлар таркиби — кичик сержант, сержант, катта сержант;
- ❖ офицерлар таркиби:
- ❖ кичик офицерлар таркиби — лейтенант, катта лейтенант, капитан;
- ❖ катта офицерлар таркиби — майор, подполковник, полковник;
- ❖ генераллар таркиби — генерал-майор, генерал-лейтенант, генерал-полковник.

Махсус унвонларни бериш ва улардан маҳрум этиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан белгиланади.

### **Ички ишлар органларидаги хизмат.**

Ички ишлар органлари ходимларига нисбатан меҳнат тўғрисидаги қонунчиликнинг амал қилиши ички ишлар органларида хизматни ўташ масалаларини белгиловчи қонунчиликда ва ушбу Қонунда тартибга солинмаган қисмига нисбатан татбиқ этилади.

Ички ишлар органлари ходимлари иш вақтининг давомийлиги ҳафтасига қирқ соатдан ошиши мумкин эмас.

Зарур бўлган ҳолларда, ички ишлар органлари ходимлари хизматни ўташга кучайтирилган ёки суткалик режимда жалб қилиниши мумкин.

Кучайтирилган режим ички ишлар органлари ходимлари учун кунига иш вақтидан ташқари давомийлиги тўрт соатдан ошмайдиган иш белгиланишини назарда тутати.

Суткалик режим ички ишлар органлари ходимлари учун хизматни Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий хизматчиларига умумқўшин паёғи нормалари доирасида белгиланадиган озиқ-овқат паёғини компенсация қилиш ўрнига хизматни ўташ жойида уч маҳал бепул овқатланган ҳолда суткалик ўташ белгиланишини назарда тутати.

Кучайтирилган ва суткалик режимни жорий этиш ҳамда бекор қилиш, шунингдек ички ишлар органлари ходимларини ҳарбий ҳаракатларда иштирок этишга жалб қилиш Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг буйруғи билан амалга оширилади.

Ички ишлар органларининг ходимларига таътилни ўтказиш жойига бориш ва қайтиш учун зарур бўлган, бироқ уч кундан ошмайдиган вақт қўшилган ҳолда давомийлиги ўттиз календарь кун бўлган ҳақ тўланадиган ҳар йилги таътил берилади.

Ички ишлар органларининг ходимларига қуйидаги календарь ҳисобдаги хизмат даври учун:

- ўн йиллик хизматдан сўнг — давомийлиги беш кун;
- ўн беш йиллик хизматдан сўнг — давомийлиги ўн кун;
- йигирма йиллик хизматдан сўнг — давомийлиги ўн беш кун бўлган, ҳақ тўланадиган қўшимча таътил берилади.

Ички ишлар органлари ходимларига қонунчиликда белгиланган тартибда бошқа турдаги таътиллار ҳам берилиши мумкин.

Ички ишлар органларининг ходимларига илмий ва педагогик фаолиятдан ташқари ҳақ тўланадиган бошқа фаолият турлари билан шуғулланиш тақиқланади.

«Ички ишлар органларида хизматда бўлишнинг чекланган ёши сафдорлар ва сержантлар таркиби ходимлари учун эллик ёшни, офицерлар таркиби учун — эллик беш ёшни, генераллар таркиби учун — олтмиш ёшни, аёлларга эса (мавжуд унвонидан қатъи назар) — эллик ёшни ташкил этади.

Ички ишлар органларининг сафдорлар, сержантлар ва офицерлар таркибининг махсус унвонларига эга бўлган, белгиланган чегарадаги ёшга тўлган ходимлари захирага ёки истеъфога чиқарилади.

Юксак касбий тайёргарликка, эгаллаб турган лавозимида иш тажрибасига эга бўлган ва соғлиғининг ҳолатига кўра хизматни ўташга яроқли ходимларнинг хизмат муддати Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири томонидан белгиланган тартибда ушбу ходимларнинг розилиги билан беш йилгача, бошлиқлар таркибидаги, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги таълим муассасаларида профессор-ўқитувчилик лавозимларини эгаллаб турган ва илмий даражага эга бўлган шахсларнинг хизмат муддати эса ўн йилгача бўлган муддатга узайтирилиши мумкин.

Хизматда қолдириш муддатини узайтириш тўғрисидаги қарор ходимни ушбу Қонунда назарда тутилган асослар бўйича ички ишлар органларидан бўшатиш имкониятини истисно этмайди.

Хизмат фаолиятида юқори натижаларга эришганлик, мажбуриятларини намунали тарзда бажарганлик, бенуқсон хизмат қилганлик ва ички ишлар органлари тизимини ривожлантириш ва такомиллаштиришга катта ҳисса қўшганлик, хизмат бурчини бажариш чоғида мардлик ва жасорат кўрсатганлик, шунингдек бошқа



алоҳида хизматлари учун ходимлар Ўзбекистон Республикасининг давлат мукофотлари, шунингдек қонунчиликда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан таъсис этиладиган фарқловчи идоравий белгилар билан тақдирланишга тақдим этилиши мумкин.

Ички ишлар органларидаги ишчи ва хизматчиларнинг меҳнат муносабатлари меҳнат тўғрисидаги қонунчилик билан тартибга солинади.

### **Ички ишлар органлари ходимларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш.**

Ички ишлар органларидаги хизматга қабул қилинадиган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари мажбурий тартибда махсус касбий тайёргарликдан ёки қайта тайёргарликдан ўтади.

Ички ишлар органлари учун профессионал кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, ходимларнинг малакасини ошириш, қоида тариқасида, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги таълим муассасалари томонидан амалга оширилади, бундан ушбу муассасаларда ўқитилмайдиган ихтисосликлар мустасно.



Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги таълим муассасаларининг тингловчилари ва курсантлари ички ишлар органларида хизматда деб ҳисобланади, чет эл фуқаролари бундан мустасно.

### **Ички ишлар органи ходимини хизматдан бўшатиш.**

Ички ишлар органи ходимини хизматдан бўшатишга қуйидагилар асос бўлади:

➤ ўзининг хоҳиши (пенсия олиш ҳуқуқини берадиган хизмат муддатини ўтамаганларга) — ходимнинг билдиргиси асосида;

➤ ички ишлар органларида хизматда бўлишнинг ушбу Қонунда белгиланган чегарадаги ёшига тўлганлиги;

- пенсия олиш ҳуқуқини берадиган хизмат муддатини ўтаганлиги — ходимнинг билдиргиси асосида;
- ташкилий-штат ўзгаришлари;
- касаллиги — ҳарбий-тиббий комиссиянинг хизматга яроқсизлиги тўғрисидаги хулосаси асосида;
- соғлиғининг чекланганлиги ҳолати — ҳарбий-тиббий комиссиянинг ички ишлар органларидаги хизматга яроқлилиги чекланганлиги тўғрисидаги ва хизмат бўйича бошқа лавозимга ўтказиш имконияти мавжуд бўлмаган тақдирда, эгаллаб турган лавозимига мувофиқ хизмат мажбуриятларини бажара олмаслиги ҳақидаги хулосаси асосида;
- дастлабки синов муддати давомида хизматга яроқсизлиги;
- малакаси етарли эмаслиги оқибатида эгаллаб турган лавозимига нолайиқлиги — аттестация натижалари асосида;
- хизмат интизомини қўпол равишда бузганлиги;
- ички ишлар органи ходимининг шаънига путур етказувчи хатти-ҳаракатлар содир этганлиги;
- содир этган жинояти учун суднинг ҳукми, ажрими, қарори қонуний кучга кирганлиги;
- ходимда интизомий жазо чораси мавжуд бўлган тақдирда, мунтазам равишда хизмат интизомини бузганлиги;
- бошқа турдаги давлат хизматида ўтганлиги (кадрларнинг амалдаги захирасига киритилмаган ҳолда);
- Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги тугатилганлиги ёки чет давлат фуқаролигини олганлиги.

Ички ишлар органи ходими ушбу Қонунда ва бошқа қонунчилик ҳужжатларида ички ишлар органлари ходимлари учун белгиланган чекловлар ва тақиқларга риоя этмаганлиги учун хизматдан бўшатилиши мумкин.

### **Ички ишлар органи ходимининг бошқа органлар ва ташкилотларга сайланишидаги (тайинланишидаги, юборилишидаги) кафолатлар.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонида, қарорига, фармойишига, шунингдек розилигига ёхуд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан бошқа давлат органларига ёки уларнинг тасарруфидаги ташкилотларга тайинланган, худди шунингдек Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг буйруғи билан бошқа давлат органларининг таълим муассасаларига ўқишга юборилган ички ишлар органи ходими мажбуриятларни бажариш (ўқиш) даврида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги кадрларининг амалдаги захирасига киритиб қўйилиши мумкин.

Мажбуриятларни бажариш (ўқиш) тугатилганидан кейин ички ишлар органи ходимига илгариги иши (лавозими), ушбу иш (лавозим) йўқлигида эса унга тенг бошқа иш (лавозим) берилади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида санаб ўтилган ички ишлар органлари ходимларига махсус унвонлар охириги эгаллаган лавозимидан қатъи назар, белгиланган тартибда берилади.

Мажбуриятларни бажариш (ўқиш) даври ички ишлар органи ходимиغا навбатдаги махсус унвонни олиш ҳуқуқини берадиган хизмат қилган йилларига устама тўлаш, пул таъминоти (лавозим маоши ва махсус унвон бўйича маоши суммасидан иборат бўлган) маошини белгилаш ва пенсия тайинлаш учун ички ишлар органларидаги хизмат стажига қўшиб ҳисобланади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган ходимлар хизматдан бўшатишганда, шунингдек уларнинг оила аъзолари ички ишлар органларидан бўшатишган ходимлар билан тенг ҳуқуқлар, имтиёзлар ва афзалликлардан фойдаланади.

### **Мустақил тайёргарлик учун топшириқ:**

Ички ишлар органларида хизматни ўташ тартиби мазусини ўқиб ўрганиш ва конспектлаштириш.

### **Назорат учун саволлар туркуми:**

1. Ички ишлар органи ходимининг қасамёди.
2. Ички ишлар органи ходимининг бошқа органлар ва ташкилотларга сайланишидаги (тайинланишидаги, юборилишидаги) кафолатлар.
3. Ички ишлар органи ходимини хизматдан бўшатиш.

## 8-мавзу: Ички ишлар органларида хизматни ўташ тартиби.

Семинар машғулоти 2-соат.

### Семинар машғулоти

Ушбу ўқув машғулоти “Сухбат” интерфаол методидан фойдаланиш орқали ўтказилади.

Машғулотда ўқитувчи ва ўқувчи (тингловчи ва курсант)лар ўртасида диалогик характерга эга савол-жавобга асосланувчи ушбу метод негизини жонли мулоқот ташкил этади. Методнинг афзаллиги сухбат жараёнида ойдинлашмаган масалалар юзасидан кўшимча саволлар бериш, ўқувчи (тингловчи ва курсант)нинг фикрлашга ундаш имкониятининг мавжудлиги билан белгиланади. Таълимий муносабатнинг жонли мулоқотга асосланиши эса ўқитувчи ва ўқувчи (тингловчи ва курсант)лар ўртасида руҳий яқинликни қарор топтириб, фаол фикр алмашиш имконини беради.

#### Методни қўллашда қуйидаги тартибда иш кўрилади:

Ўқитувчи ўқувчи (тингловчи ва курсант)ларни метод моҳияти билан таништиради

Ўқитувчи мавзу юзасидан ўқувчи (тингловчи ва курсант)лар ўзлаштиришлари лозим бўлган масалаларга оид саволларни ишлаб чиқади

Ўқувчи (тингловчи ва курсант)лар саволлар билан таништирилади

Ўқувчи (тингловчи ва курсант)лар саволлар юзасидан мулоҳаза юритиб, масала моҳиятини ёритишга киришади (агар ўқувчи (тингловчи ва курсант)ларнинг жавоблари қониқарли деб топилса, навбатдаги савол берилади; борди-ю, жавоб қониқарли деб топилмаса, у ҳолда ўқитувчи ўқувчи (тингловчи ва курсант)га айнан мана шу масалани ойдинлаштиришга ёрдам берадиган кўшимча савол беради)

Ўрганилаётган масаланинг моҳияти тўла ёритилгач, сухбат жараёнига яқун ясалади

Ўқитувчи ўқувчи (тингловчи ва курсант)ларнинг фаолиятини баҳолаб, машғулотга яқун ясайди

### **Ўқув машғулотнинг саволлари:**

1-савол: Ички ишлар органларида хизматни ўташ чоғида фуқаролар ҳуқуқларининг тенглигини таъминлаш.

2-савол: Ички ишлар органларидаги хизматга қабул қилиш.

3-савол: Ички ишлар органлари ходимларининг махсус унвонлари

4-савол: Ички ишлар органлари ходимларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш

5-савол: Ички ишлар органи ходимини хизматдан бўшатиш

6-савол: Ички ишлар органи ходимининг бошқа органлар ва ташкилотларга сайланишидаги (тайинланишидаги, юборилишидаги) кафолатлар.

7-савол: Ички ишлар органи ходимининг қасамёди.

8-савол: Ички ишлар органи ходимининг бошқа органлар ва ташкилотларга сайланишидаги (тайинланишидаги, юборилишидаги) кафолатлар.

9-савол: Ички ишлар органлари ходимларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш.

10-савол: Ички ишлар органларидаги хизмат.

### **9-мавзу: Ички ишлар органлари ходимларини ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя қилиш.**

Маъруза машғулоти 2-соат.

#### **Режа:**

1-савол. Ички ишлар органлари ходимларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш кафолатлари ва тергов бўлинмалари ходимларининг дахлсизлиги.

2-савол. Ички ишлар органлари ходимларини ижтимоий ҳимоя қилиш, соғлиғини сақлаш ва меҳнатига ҳақ тўлаш.

3-савол. Ички ишлар органлари ходимларини уй-жой майдони билан таъминлаш ва Ички ишлар органи ходимининг мол-мулкига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш.

4-савол. Ички ишлар органлари ходимларининг хизмат мажбуриятларини бажариш чоғида транспорт воситаларидан фойдаланиши тартиби, давлат пенсия таъминоти, давлат суғуртаси ва Ички ишлар органларининг ходимларига ва уларнинг оилаларига ижтимоий ёрдам кўрсатиш.

## **1-савол: Ички ишлар органлари ходимларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш кафолатлари ва тергов бўлинмалари ходимларининг дахлсизлиги.**

### **Ички ишлар органлари ходимларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш кафолатлари.**

Ички ишлар органи ходими давлат органи вакили сифатида иш юритади ва давлат ҳимояси остида бўлади.

Ички ишлар органи ходими хизмат мажбуриятларини бажариш чоғида фақат бевосита ёки тўғридан-тўғри бошлиққа бўйсунди.

Қонун билан ваколат берилган шахслардан ташқари ҳеч ким ички ишлар органи ходимининг қонуний фаолиятига аралашиб, ички ишлар органи ходимини қонун билан ички ишлар органлари зиммасига юклатилмаган мажбуриятларни бажаришга мажбурлаш ҳуқуқига эга эмас. Қонунга зидлиги аниқ бўлган буйруқ ёки фармойиш олганда ички ишлар органи ходими уни бажаришни рад этиш ҳуқуқига эга ва қонунга амал қилиши шарт.

Ички ишлар органи ходими ўз иш юритувида бўлган ишлар ва материалларнинг моҳияти ҳақида бирор-бир тушунтириш беришга, шунингдек бундай ишлар ва материалларни, шу жумладан фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига дахлдор ишлар ҳамда материалларни танишиб чиқиш учун қонунчиликда назарда тутилган ҳоллардан ва тартибдан бошқача тарзда тақдим этишга мажбур эмас.

Ички ишлар органларининг ходимлари ўзига нисбатан қабул қилинган қарорлар ва ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) устидан юқори турувчи мансабдор шахсларга, прокурорга ёки судга белгиланган тартибда шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

### **Ички ишлар органлари тергов бўлинмалари ходимларининг дахлсизлиги.**

Ички ишлар органларининг тергов бўлинмалари суриштирувчиларига, терговчиларига ва раҳбарларига нисбатан жиноят ишлари Қорақалпоғистон Республикаси прокурори, Тошкент шаҳар, вилоятлар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар томонидан, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Тергов департаментининг терговчиларига, бўлинмалари раҳбарларига ва бошлиғига нисбатан эса Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ёки унинг ўринбосарлари томонидан қўзғатилади.





## **2-савол: Ички ишлар органлари ходимларини ижтимоий ҳимоя қилиш, соғлиғини сақлаш ва меҳнатига ҳақ тўлаш.**

### **Ички ишлар органлари ходимларини ижтимоий ҳимоя қилиш.**

Ички ишлар органлари ходимларини ижтимоий ҳимоя қилиш қуйидагилар орқали таъминланади:

- ❖ соғлиғини сақлаш;
- ❖ меҳнатига ҳақ тўлаш;
- ❖ уй-жой майдони билан таъминлаш;
- ❖ мол-мулкига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш;
- ❖ хизмат мажбуриятларини бажариш чоғида транспорт воситаларидан имтиёзли фойдаланиш;
- ❖ давлат пенсия таъминоти;
- ❖ давлат суғуртаси;
- ❖ ижтимоий ёрдам кўрсатиш.

Қонунчиликда ички ишлар органлари ходимларини ижтимоий ҳимоя қилишга доир бошқа чора-тадбирлар ҳам назарда тутилиши мумкин.

### **Ички ишлар органлари ходимларининг соғлиғини сақлаш.**

Ички ишлар органларининг ходимларига, ҳарбий хизматчиларига, пенсионерларига, ишчи ва хизматчиларига ҳамда уларнинг оила аъзоларига, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг таълим муассасалари курсантлари ва тингловчиларига ички ишлар органларининг тиббий муассасалари, шунингдек фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширувчи бошқа даволаш-профилактика муассасалари томонидан бепул тиббий-санитария, тиббий-ижтимоий таъминот берилади ҳамда тиббий-санитария ёрдами кўрсатилади.

Ички ишлар органларининг ходимлари, ҳарбий хизматчилари, пенсионерлари санаторий-курорт шароитида даволаниш учун йилига бир марта имтиёзли йўлланмалар билан таъминланади.

Касалликларнинг профилактикаси, беморларга ташхис қўйиш, уларни даволаш ва соғломлаштириш бўйича тадбирларни амалга ошириш, тиббий кўриклар ва ҳарбий-тиббий экспертиза ўтказиш учун зарур бўлган тиббий воситалар, буюмлар, асбоб-ускуналар ва дори воситалари Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан олинади.

Зарур бўлган ҳолларда, шошилиш тиббий ёрдам ва режали ихтисослаштирилган тиббий ёрдам белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг даволаш-профилактика муассасалари томонидан амалга оширилади.

Алоҳида ҳолларда, бириктирилган таркибнинг тиббий кўрсатмалар бўйича тиббий ёрдам олиши учун уни Ўзбекистон Республикасидан ташқарига юбориш Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг махсус комиссияси хулосаси асосида амалга оширилади. Бундай ҳолларда, бириктирилган таркибнинг тиббий ёрдам олиши учун

харажатлар Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Ички ишлар органларида тиббий-санитария, тиббий-ижтимоий ёрдамни ва санаторий-курорт таъминотини, тиббий текширувни ташкил этиш ва ҳарбий-тиббий экспертизани ўтказиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

### **Ички ишлар органлари ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш.**

Ички ишлар органлари ходимларига пул таъминотининг турлари ва миқдори Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади.

Ички ишлар органлари ходимлари қонунчиликда белгиланган тартибда ҳамда миқдорларда пул ва озиқ-овқат таъминоти билан таъминланади.

### **3-савол: Ички ишлар органлари ходимларини уй-жой майдони билан таъминлаш ва Ички ишлар органи ходимининг мол-мулкига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш.**

Уй-жой олишга ва уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож деб топилган ички ишлар органлари ходимлари белгиланган тартибда уй-жой майдони олиш ҳуқуқига эга.

Ички ишлар органлари хизмат уй-жой фондига эга бўлиши мумкин.

Ички ишлар органлари ходимларига турар жойларни ижарага олганлик (ижарада турганлик) учун Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан белгиланган тартибда ва миқдорларда пуллик компенсация тўланади.

Ички ишлар органлари ходимларига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибда узоқ муддатли, имтиёзли ипотека кредитларидан фойдаланган ҳолда квартиралар олиш ва якка тартибда уйлар қуриш учун ер участкалари олиш ҳуқуқи берилади.

### **Ички ишлар органи ходимининг мол-мулкига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш.**

Ички ишлар органи ходимининг ёки унинг яқин қариндошларининг мол-мулкига унинг хизмат мажбуриятларини бажариши билан боғлиқ ҳолда етказилган зарарнинг ўрни Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан тўлиқ ҳажмда қопланади, ушбу сумма кейинчалик айбдор шахслардан ундириб олинади.

### **4-савол: Ички ишлар органлари ходимларининг хизмат мажбуриятларини бажариш чоғида транспорт воситаларидан фойдаланиши тартиби, давлат пенсия таъминоти, давлат суғуртаси ва Ички ишлар органларининг ходимларига ва уларнинг оилаларига ижтимоий ёрдам кўрсатиш.**

Ички ишлар органлари махсус автотранспорт воситалари, шу жумладан ички ишлар органларига тегишлиликни билдирувчи махсус ёруғлик сигналларига ва товушли сигналларга, бўёқли рангли графика схемасига эга

махсус автотранспорт воситалари, шунингдек бошқа махсус воситалар билан таъминланади.

Меҳнатнинг қатнов хусусияти билан боғлиқ бўлган хизмат мажбуриятларини бажарувчи ички ишлар органлари ходимларига қонунчиликда белгиланган тартибда ва миқдорларда шаҳар йўловчи транспортдан (йўналишли ва йўналишсиз таксилардан ташқари) фойдаланиш учун ойлик йўл чипталари берилади ёки пуллик компенсация тўланади.

Хизмат сафарига юборилган ички ишлар органлари ходимларига транспортнинг барча турларига йўл хужжатларини сафар гувоҳномасини кўрсатиб навбатсиз олиш ҳуқуқи берилади.

Шахсий транспортдан хизмат сафарларида фойдаланадиган ички ишлар органлари ходимларига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда ва миқдорларда пуллик компенсация тўланади.

### **Ички ишлар органлари ходимларининг давлат пенсия таъминоти.**

Ички ишлар органлари ходимлари, боқувчисини йўқотган тақдирда эса уларнинг оила аъзолари қонунчиликда белгиланган тартибда ва миқдорларда давлат пенсия таъминотини олиш ҳуқуқига эга.

### **Ички ишлар органлари ходимларининг давлат суғуртаси.**

Ички ишлар органларининг ходимлари Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан давлат томонидан мажбурий суғурта қилинади.

### **Ички ишлар органларининг ходимларига ва уларнинг оилаларига ижтимоий ёрдам кўрсатиш.**

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири ички ишлар органларининг хизмат мажбуриятларини бажариш чоғида тан жароҳати етказилган ходимларига, шунингдек ҳалок бўлганларнинг оила аъзоларига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда ва миқдорларда бир маротабалик нафақа тайинлашга ҳақли.

Қонунчиликда хизмат мажбуриятларини бажариш чоғида ҳалок бўлган ички ишлар органлари ходимларининг фарзандларига уларни ички ишлар органларидаги хизматга қабул қилишда ва Ўзбекистон Республикасининг олий ҳарбий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишда афзалликлар берилиши мумкин.

### **Мустақил тайёргарлик учун топшириқ:**

Ички ишлар органлари ходимларини ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя қилиш мазусини ўқиб ўрганиш ва конспектлаштириш.

### **Назорат учун саволлар туркуми:**

1. Ички ишлар органлари ходимларини ижтимоий ҳимоя қилиш.

2. Ички ишлар органлари ходимларини соғлиғини сақлаш ва меҳнатига ҳақ тўлаш.

3. Ички ишлар органлари ходимларини уй-жой майдони билан таъминлаш.

## **9-мавзу: Ички ишлар органлари ходимларини ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя қилиш.**

Семинар машғулоти 2-соат.

### **Семинар машғулоти**

Ушбу ўқув машғулоти **“Ақлий ҳужум”** методидан фойдаланиш орқали ўтказилади.

Мавзу юзасидан тингловчиларга савол ташланади. “Ақлий ҳужум” методи орқали уларнинг мавзу бўйича билимлари аниқланади.

“Ақлий ҳужум” методининг босқичлари қуйидагилардан иборат: ходимларга савол ташланади ва уларга шу савол бўйича ўз жавобларини (фикр, ғоя ва мулоҳаза) билдиришларини сўралади; ходимларлар савол бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришади; ходимларнинг фикр-ғоялари (диктофонга, видеотасмага, рангли қоғозларга ёки доскага) тўпланади; фикр-ғоялар маълум белгилар бўйича гуруҳланади; юқорида қўйилган саволга аниқ ва тўғри жавоб танлаб олинади.

### **Ўқув машғулотнинг саволлари:**

1-савол: Ички ишлар органлари ходимларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш кафолатлари ва тергов бўлинмалари ходимларининг дахлсизлиги.

2-савол: Ички ишлар органлари ходимларини ижтимоий ҳимоя қилиш, соғлиғини сақлаш ва меҳнатига ҳақ тўлаш.

3-савол: Ички ишлар органлари ходимларини уй-жой майдони билан таъминлаш.

4-савол: Ички ишлар органи ходимининг мол-мулкига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш.

5-савол: Ички ишлар органлари ходимларининг хизмат мажбуриятларини бажариш чоғида транспорт воситаларидан фойдаланиши тартиби.

6-савол: Давлат пенсия таъминоти, давлат суғуртаси.

7-савол: ички ишлар органларининг ходимларига ва уларнинг оилаларига ижтимоий ёрдам кўрсатиш.

## 10-мавзу: Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги концепцияси.

Маъруза машғулоти 2-соат.

### Режа:

1-савол. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 ноябрь кунидаги ПФ-27-сонли фармонининг мазмун ва моҳияти.

2-савол. Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги Концепцияси.

### 1-савол: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 ноябрь кунидаги ПФ-27-сонли фармонининг мазмун ва моҳияти.

Жамоат хавфсизлигини таъминлаш йўналишидаги ишларни «Халқ манфаатларига хизмат қилиш» тамойили асосида ташкил этишнинг мутлақо янги механизм ва тартиблари жорий этилиб, давлат органларининг жамоатчилик тузилмалари билан ўзаро мақсадли ҳамкорлиги йўлга қўйилди. Шу билан бирга, жаҳонда кучайиб бораётган турли хавф-хатар ва зиддиятлар, эл-юрт тинчлиги ва осойишталигига таҳдидлар, пандемия, табиий ва техноген офатлар масъул давлат тузилмаларига ўз фаолиятини «Барча саъй-ҳаракатлар инсон қадри учун» деган устувор ғоя асосида янада такомиллаштириш вазифасини юклармоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартдаги «Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6196-сон Фармонига мувофиқ, шунингдек, мамлакатимизда жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизимини янада ривожлантириш ҳамда ушбу соҳадаги давлат сиёсатининг истиқболли йўналишларини белгилаш мақсадида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 ноябрь куни «Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, ПФ-27-сонли фармони қабул қилинди (фармон 13 банддан иборат).

**Жамоат хавфсизлигини таъминлашдаги илғор хорижий ва миллий тажрибалар асосида ишлаб чиқилган ҳамда аҳолини ҳар қандай таҳдидлардан кафолатли ҳимоя қилишга қаратилган:**

1-иловада: Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепцияси тасдиқланди.

2-иловада: 2022 — 2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизимини ривожлантириш стратегияси (Стратегия), тасдиқланди.

3-иловада: 2022 — 2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизимини ривожлантириш стратегиясини 2022 йилда амалга ошириш бўйича «Йўл харитаси» ( «Йўл харитаси») тасдиқланди.

4-иловада: Профилактика инспекторлари зиммасига юклатилган вазифаларнинг (22 та) ягона рўйхати тасдиқланди.

5-иловада: Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Концепция, Стратегия ва «Йўл харитаси»да белгиланган чоратадбирларнинг ўз вақтида ва самарали амалга оширилишини таъминлаш юзасидан масъулият жамоат хавфсизлигини таъминловчи давлат органларининг шахсан биринчи раҳбарларига юклатилди.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар марказлари ва Тошкент шаҳрида оммавий тадбирларни ўтказишда	Исти роҳат боғлари	Хиёб онлар	Бозор ларда
Жамоат тартибini сақлашни ташкил этиш бевосита Миллий гвардия бўлинмалари томонидан амалга оширилади			

**Ички ишлар вазирлиги тузилмасида Жамоат хавфсизлиги департаментини асосий вазифалари белгилаб берилди.**

Белгиланди:

❖ 2022-2023 йилларда туман ИИОлари таркибидаги конвой бўлинмалари босқичма-босқич вилоят ИИОнинг бевосита бўйсунувига ўтказилиб, ягона бошқарув тизими асосида туманлараро хизмат ўташ тамойилига мувофиқ қайта ташкил этилиши.

❖ Худудларнинг криминоген вазияти ва аҳоли зичлигидан келиб чиққан ҳолда туманлараро патруль-пост хизмати бўлинмаларини ташкил этилиши;

❖ Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда 2022 йил 1 мартга қадар маҳаллий бюджет ҳисобидан камида биттадан туманлараро патруль-пост хизмати бўлинмалари ташкил этилиши;

❖ 2022 йил 1 майга қадар бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан ички ишлар органлари конвой фаолиятига конвой остидаги шахсларни электрон браслетлар орқали назорат қилиш тизимини жорий этилиши;

❖ 2024 йил 1 сентябрдан эътиборан Тошкент шаҳар ИИО, 2025 йил 1 сентябрдан бошлаб қолган ҳудудий ИИОлари профилактика катта инспектори лавозимларига фақат олий юридик маълумотга эга бўлган ходимлар тайинланиши;

❖ профилактика инспекторлари учун ИИБ Академияси сиртки таълимига қабул қилинадиган ходимлар умумий сонининг камида йигирма беш фоизи миқдорида қабул квотаси ажратилади;

❖ 2022/2023 ўқув йилидан бошлаб, фаолиятида юқори натижаларга эришган Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ИИОдан иккитадан, қолган

худудий ИИОдан биттадан профилактика инспектори Департамент бошлиғи тақдимномасига асосан Ички ишлар вазирлиги Академиясининг сиртки таълимига имтиҳонларсиз қабул қилинади ҳамда бепул ўқитилиши.

## **2-савол: Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги Концепцияси.**

Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги концепцияси бу- жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсатини белгиловчи муҳим ҳужжат ҳисобланади.

(Ҳужжат 5 боб, 24 банддан иборат).

### **Жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида давлат сиёсатининг асосий ўналишлари қуйидагилар:**

• Жамоат хавфсизлигига таҳдидларни бартараф этиш бўйича комплекс чора-тадбирларни шлаб чиқиш ва ижросини таъминлаш;

• жамиятнинг қонунга хилоф тажовузлардан ҳимоя қилинишини таъминлаш;

• ижтимоий ва миллатлараро низоларнинг профилактикасини амалга ошириш;

• террористик ва экстремистик фаолиятга унга чек қўйиш, коррупция, гиёҳванд ва психотроп моддалар, курол, ўқ-дори, портловчи моддалар, ноқонуний миграция ва одам савдоси ҳамда инсон ҳуқуқ ва эркинликларига қарши қаратилган жиноят ва ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш;

• туризм объектларининг узлуксиз ва хавфсиз фаолият кўрсатишини таъминлаш;

• йўл-транспорт ҳодисалари оқибатида етказиладиган зарар ва ўлим билан боғлиқ ҳолатларнинг олдини олиш;

• жиноят содир этишга мойил, маъмурий ва пробақия назоратига олинган ҳамда ёт бўлган ғоялар таъсирига тушиб адашган шахсларнинг ижтимоийлашуви, ( касб-хунарга ўқитиш ва тадбиркорликка кенг жалб қилиш) орқали ушбу тоифадаги фуқаролар томонидан қайта жиноят содир этилишига йўл қўймаслик;

• аҳоли ва худудларни фавқулодда вазиятлардан ҳимоя қилиш, фуқаро муҳофазаси, ёнғин хавфсизлигини таъминлашда аҳолининг кўникмаларини шакллантириш ва доимий такомиллаштириб бориш;

• вояга етмаганлар ва ёшларни Ватанга муҳаббат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, терроризм, экстремизм, зўравонлик ва шафқатсизлик ғояларидан ҳимоялаш, улар орасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш;

• жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш ҳамда жиноятчиликка қарши курашиш соҳасига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва тизимларини кенг жорий этиш;

• жамоат хавфсизлигини таъминлашга жалб қилинадиган ваколатли

давлат органлари куч ва воситаларининг доимий тайёрлигини таъминлаш, тезкорлигини ошириш, моддий-техник таъминотини мустаҳкамлаш, шунингдек, уларнинг шахсий таркибини ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоялаш даражасини ошириш.

**Жамоат хавфсизлигини таъминлаш фаолиятининг асосий тамойиллари:**

- ➔ фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини муҳофаза қилиш ҳамда уларни ҳурмат қилиш;
- ➔ очиқлик ва шаффофлик;
- ➔ жамоат хавфсизлигига тажовуз қилувчи таҳдидларнинг олдини олиш ва бартараф этиш тадбирларининг устуворлиги;
- ➔ жамоат хавфсизлигини таъминлашда барча ваколатли тузилмаларнинг ҳаракатлари изчиллиги ва бирдамлиги.

Жамоатхавфсизлигинитаъминлаштизимижамоатхавфсизлигинитаъминловчи ваундаиштирокэтувчисубъектларданиборат

<b>Таъминловчи субъектлар</b>	<b>Иштирок этувчи субъектлар</b>
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси	Бошқа давлат органлари ва ташкилотлари
Ички ишлар вазирлиги	фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари
Миллий гвардия	
Фавқулодда вазиятлар вазирлиги	
Давлат хавфсизлик хизмати	
Бош прокуратура	нодавлат нотижорат ташкилотлар
Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги	
Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги	
Соғлиқни сақлаш вазирлиги	фуқаролар
маҳаллий давлат ҳокимияти органлар	

**Жамоат хавфсизлигини таъминлашда Ўзбекистон Республикаси ИИВлиги:**

- ➔ жамоат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган мақсадли идоравий дастурларни ишлаб чиқади, тасдиқлайди ва амалга оширади;
- ➔ жамоат тартибини сақлаш, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, жиноятчилик, терроризм ва экстремизмга қарши курашиш бўйича чора-тадбирларни амалга оширади;



→ жамоат жойларида, шу жумладан йўлларда, транспорт ва туризм инфратузилмаси объектларида жамоат хавфсизлигини таъминлашга жалб этилган барча куч ва воситалар фаолиятини мувофиқлаштиради ҳамда ташкилий-услубий жиҳатдан қўллаб-қувватлайди;



→ фуқаровий ҳамда хизмат қуроли ва унинг ўқ-дорилари муомалада бўлиши соҳасига доир қоидалар ва тартибга, ушбу соҳадаги лицензия ва рухсат беришга оид талаблар ҳамда шартларга риоя этилишини таъминлайди;

→ ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширади, ҳуқуқбузарликларни содир этишга мойил шахсларни аниқлайди;

→ жамоат жойларида содир этиладиган ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг комплекс, тизимли таҳлилинини олиб боради, уларни келтириб чиқарувчи омилларни бартараф этиш, мавжуд куч ва воситалардан самарали фойдаланиш юзасидан таклифлар, кўриб чиқилиши мажбурий бўлган тақдимномалар ва тавсиялар киритади;

→ жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи оммавий тартибсизликларга чек қўйиш бўйича тадбирлар юзасидан умумий бошқарув тизимини таъминлайди;

→ жамоат хавфсизлигини таъминлаш ҳолати ҳақида кенг жамоатчиликни мунтазам хабардор қилиб боради, бу борада жамоатчилик фикрини ўрганади;

→ жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида илмий-тадқиқот ва ташкилий-услубий ишларни амалга оширади.

### **Концепцияни амалга ошириш қуйидагиларни ўз ичига олади (механизмлари).**

1. жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги қонунчиликни такомиллаштириш;

2. жамоат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган мақсадли ва манзилли дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

3. жамоат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган идоралараро амалий ўқув машғулотларини ўтказиш;

4. жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизимида малакали кадрларни тайёрлаш, уларни жой-жойига қўйиш, тизимли малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш;

5. жамоат хавфсизлигига хатарларнинг ҳолати ва даражаларини белгиловчи мезонларни ва асосий кўрсаткичларни ишлаб чиқиш ҳамда жорий этиш;

6. жамоат хавфсизлигини таъминлаш ҳолатининг ривожланишини прогноз қилиш, мавжуд ва юзага келиши мумкин бўлган таҳдидларни

белгилаш, уларни бартараф этиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

7. жамоат хавфсизлигига тажовуз қилувчи ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга ошириш, уларни содир этган шахсларнинг белгиланган тартибда жавобгарликка тортилишини таъминлаш;

8. жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўйича ваколатли давлат органлари ва жамоат тузилмаларининг фаолиятини мувофиқлаштириш ва тезкор бошқаришнинг ягона марказлашган тизимини жорий этиш;

9. жамоат хавфсизлигини таъминлашда рақамли технологияларни кенг жорий этиш;

10. жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўйича илғор хорижий тажрибани ўрганиш ва уни татбиқ этиш чораларини кўриш, соҳада халқаро ҳамкорликни амалга ошириш.

Жамоат хавфсизлигини таъминлашга таҳдидлар, уларнинг ҳолати ва ривожланиш тенденциялари, жамоат хавфсизлигининг таъминланганлиги ҳолати белгиланган кўрсаткичлар асосида баҳоланади.

Жамоат хавфсизлиги манзилли ва мақсадли дастурлар, жамоат хавфсизлиги тизимини ривожлантириш стратегияларини ишлаб чиқиш ва уларни тизимли амалга ошириш орқали таъминланади.

### **Концепцияни амалга оширишдан кутилаётган натижалар.**

1. жамоат хавфсизлигини таъминлашга доир қонунчилик янада такомиллаштирилади, мавжуд ҳуқуқий бўшлиқ ва зиддиятлар бартараф этилади, миллий хусусиятлар ва шароитлар эътиборга олинган ҳолда халқаро стандартлар ва илғор хорижий тажриба татбиқ этилади;

2. жамиятда тинчлик ва осойишталикнинг таъминланганлик даражаси оширилади, қонун устуворлиги мустаҳкамланади, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш самарадорлиги ошади;

3. жамоат хавфсизлигини таъминлаш фаолиятининг шаффофлиги ва ошқоралиги таъминланади, соҳада жамоатчилик билан узвий ҳамкорлик даражаси ошади;

4. жамоат хавфсизлигини таъминлаш фаолиятига ишни ташкил этишнинг замонавий шакл ва усуллари ҳамда илғор ахборот-коммуникация технологиялари кенг жорий этилади.

Концепцияни амалга оширишнинг пировард натижаси жамоат хавфсизлигини, аҳолининг тинчлиги ва осойишталигини таъминлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини самарали татбиқ этиш, шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлашнинг ишончли ва самарали механизмларини жорий этиш ҳисобланади.

### **Мустақил тайёргарликучун топшириқ:**

Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги концепцияси мазусини ўқиб ўрганиш ва конспектлаштириш.

## Назорат учун саволлар туркуми:

1. Жамоат хавфсизлигини таъминлаш фаолиятининг асосий тамойиллари?
2. Жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизими, субъектлари?.
3. Концепцияни амалга ошириш механизмлари?

## 10-мавзу: Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги концепцияси.

Семинар машғулоти 2-соат.

### Семинар машғулоти

Ушбу ўқув машғулоти, “*Кичик гуруҳларда ишлаш*”, “*Савол-жавоб*” “*Тест*” технологияси интерфаол методидан фойдаланиш орқали ўтказилади.

“Кичик гуруҳларда ишлаш” методининг босқичлари



### Гуруҳларга топшириқлар:

1-гуруҳга топшириқ. Жамоат хавфсизлигини таъминлаш фаолиятининг асосий тамойиллари?

2-гуруҳга топшириқ. Жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизими, субъектлари?.

3-гуруҳга топшириқ. Концепцияни амалга ошириш механизмлари?

4-гуруҳга топшириқ. Концепцияни амалга оширишдан кутилаётган натижалар?

**ИЗОХ:** Ушбу метод қўлланилганда ҳар бир гуруҳга шартли ном берилиб, уларнинг жавоблари беш баллик тизим асосида баҳоланади. Бир гуруҳ бошқа гуруҳнинг саволига тўғри жавоб берса баллар тўғри жавоб берган гуруҳ ҳисобига ёзилади. Гуруҳларни ҳар бир гуруҳнинг жавоби тингланади умумлаштирилади, қўшимчалар билан тўлдирилади. Аниқ жавоблар тўхтамига келинади.

## **11-мавзу: 2022-2026 йилларда Ўзбекистон Республикасида жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизимини ривожлантириш Стратегияси.**

Маъруза машғулоти 2-соат.

### **Режа:**

1-савол. Стратегиянинг асосий вазифалари, жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг асосларини ривожлантириш.

2-савол. Жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг шакл ва усулларини ривожлантириш.

3-савол. Жамоат хавфсизлигини таъминлаш фаолиятини рақамлаштириш. Стратегияни амалга оширишдан кутилаётган натижалар.

### **1-савол: Стратегиянинг асосий вазифалари, жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг асосларини ривожлантириш.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 ноябрдаги ПФ-27-сон Фармони 2-илоvasида Ўзбекистон Республикасида жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизимини ривожлантириш Стратегияси тасдиқланди. Стратегияси 8 та боб 104 та моддадан иборат.

Ҳуқуқ-тартиботни янада мустаҳкамлаш ва жиноятчиликнинг янги кўринишларига қарши курашиш зарурати мамлакатимизда жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўйича устувор йўналишларни белгилаб олишни талаб этади.

2022-2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизимини ривожлантириш стратегиясининг мақсади мамлакатда жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш бўйича ҳуқуқий, услубий, илмий, ташкилий чораларни ишлаб чиқиш ва самарали амалга оширишдан иборат.

### **Стратегиянинг асосий вазифаларига қуйидагилар киради:**

❖ жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш, тизимлаштириш ҳамда мавжуд ҳуқуқий бўшлиқ ва зиддиятларни бартараф этиш;

❖ жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш ва пробация фаолиятини уйғунлаштириш;

❖ жамоат тартибини сақлаш, шу жумладан оммавий тадбирларни ўтказишга жалб қилинадиган вазирлик ва идоралар куч ва воситаларининг

биргаликдаги ҳаракатланиш алгоритмини ишлаб чиқиш ва уни доимий такомиллаштириб бориш;

❖ жамоат хавфсизлигини таъминлаш фаолиятига замонавий шакл ва иш усуллари ҳамда илғор ахборот технологияларини кенг жорий этиш;

❖ жамоат хавфсизлиги тизимини рақамлаштиришни 90 фоизга етказиш орқали хизмат фаолиятида инсон омилини минималлаштириш;

❖ профилактик ҳисоб, маъмурий назорат ва пробация назоратидаги шахслар томонидан қайта жиноят содир этилишини кескин камайтириш.



Стратегияда белгиланган чора-тадбирларни Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясига асосланган ҳолда 2025 йил якунига қадар тўлиқ амалга ошириш назарда тутилган.

Стратегияда белгиланган чора-тадбирларнинг самарали бажарилишини ташкил этиш учун Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири шахсан масъул ҳисобланади.

Ички ишлар вазирлиги Жамоат хавфсизлиги департаменти Стратегияда белгиланган вазифаларнинг сифатли ижро этилишини таъминлаш мақсадида Миллий гвардия ва бошқа мутасадди вазирлик ва идоралар билан биргаликда ҳар йили кўшма дастур ва «йўл харита»ларини ишлаб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритади ва уларнинг ижросини мувофиқлаштиради.

### **Жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг ҳуқуқий асосларини ривожлантириш.**

Жамоат хавфсизлиги соҳасида ягона қонун ҳужжати лойиҳасини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш орқали жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш ва пробация соҳасидаги муносабатлар ва ваколатларни тартибга солувчи 200 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ва идоравий норматив ҳужжатлар нормалари ва қоидаларини бирлаштириш.

Жамоат хавфсизлигига хавфларнинг ҳолати ва даражаларини белгиловчи мезонларни ва асосий кўрсаткичларни (индикаторларни) ишлаб чиқиш ҳамда жорий этиш.

Транспорт ва туризм объектларида хавфсизликни таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш, давлат органлари ҳамда сервис-хизмат кўрсатиш субъектларининг мазкур йўналишдаги вазифа ва функцияларини белгиловчи ягона қонун ҳужжати лойиҳасини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш.

Профилактик ҳисоб, маъмурий назорат ва пробация назоратидаги шахсларга ўрнатиладиган чекловлар, шунингдек, уларнинг зиммасига юкланадиган мажбуриятлар доирасини ва уларга риоя этилишини таъминлаш механизмларини аниқ белгилаш.

Илғор хорижий тажрибага таянган ҳолда йўл ҳаракатини ташкил этишда ваколатли давлат органлари ва жамоат тузилмаларининг фаолиятини ва ўзаро ҳамкорлигини «Равон йўл» тамойили асосида ташкил этиш, мувофиқлаштириш ҳамда уларнинг ваколатлари доирасини аниқ белгилашни назарда тутган ҳолда, ушбу соҳадаги муносабатларни тўғридан-тўғри қонун нормалари билан тартибга солиш, «Йўл - пиёда учун» тамойилини кенг жорий этиш.

Йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидаларини мунтазам равишда қасддан бузувчиларга, оғир оқибатларга олиб келган йўл-транспорт ҳодисаларини содир этганларга нисбатан жавобгарлик чораларини кучайтириш, шу жумладан илғор хорижий тажрибаларни ҳисобга олган ҳолда, транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан узоқ муддатга маҳрум қилиш тарзидаги жиноий-ҳуқуқий таъсир чорасини жорий қилиш.

Оммавий тадбирларни ўтказиш қоидаларини тартибга солувчи қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш.

Аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тизимини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш.

Жамоат хавфсизлигини таъминлашга ваколатли бўлган давлат органлари ходимларининг қонуний талабларига бўйсунмаслик ҳамда фаол қаршилик кўрсатиш ҳаракатларининг олдини олиш тартиб ва механизмларни белгилаш.

Мажбурий жамоат ишлари жазосини қўллашга доир нормаларни, ушбу жазони ижро этиш механизмларини такомиллаштириш.

Ахлоқ тузатиш ишлари жазосини банд бўлмаган шахсларга тайинлаш амалиётига доир муаммони бартараф этиш.

Жазони ўташдан бўйин товлаган шахсларнинг жазосини оғирроқ жазога алмаштириш тартибларни такомиллаштириш.

Муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларни реабилитация қилиш марказига жойлаштиришда шахсни тиббий кўриқдан ўтказишни ва унга нисбатан процессуал ҳаракатларни марказнинг ўзида амалга ошириш тартибини жорий этиш.

Қурол айланмаси устидан назоратни кучайтириш, қурол эгаларини тиббий чекловлар бўйича даврий равишда текшириш бўйича аниқ тартибни белгилаш, ўқотар ов қуролига эгалик қилиш мезонларини қайта кўриб чиқиш.

Жамоат хавфсизлигини таъминлашда республика овчилик жамиятларининг ролини ошириш ва масъулиятини кучайтириш.

Пиёдаларни йўл ҳаракати қоидаларини бузганлиги учун жавобгарликка тортишнинг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш.

Қониқарсиз ҳолати йўл-транспорт ҳодисасига, айниқса, ўлимга олиб келган йўл ёки муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси объектлари тасарруфида бўлган ташкилотлар ёки орган раҳбарларидан моддий зарарни ундириш тартибини жорий этиш ҳамда уларнинг жавобгарлигини белгилаш.

Транспорт воситалари ҳайдовчилари томонидан содир этиладиган «йўлда безорилик» ҳолатлари билан ифодаланадиган хатти-ҳаракатлар учун маъмурий жавобгарликни жорий этиш.

### **Жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг услубий асосларини ривожлантириш.**

Маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканининг намунавий лойиҳасини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш.

Республика бўйича маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканлари фаолиятини тўлақонли йўлга қўйиш.

Жамоат хавфсизлигини таъминлаш, гуруҳий қонунбузарликлар ва оммавий тартибсизликларни бартараф этиш бўйича 14 та (Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоятлар) «Худуд методикаси»ни ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш.

Жамоат хавфсизлигини таъминлашда ҳуқуқ-тартибот идораларининг куч ва воситаларини бошқаришнинг ягона марказлашган тизимини ташкил этиш.

Туман (шаҳар) ички ишлар органлари таркибидаги конвой бўлинмаларини босқичма-босқич вилоят ички ишлар органларининг бевосита бўйсунувига ўтказиш ҳамда ягона бошқарув тизими асосида туманлараро хизмат ўташ тамойилига мувофиқ қайта ташкил этиш.

Ички ишлар органлари таркибида туманлараро патруль-пост хизмати бўлинмаларини ташкил этиш.

Хизмат вазифаларини бажаришда қулайликлар яратишни ва иқлим хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, жамоат хавфсизлигини таъминлашга жалб қилинган ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари учун янги формали кийим-бош намунасини ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ҳамда уларни сифатли ва мос ўлчамдаги формали кийим-бош билан таъминлаш.

Жиноят ва маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг маст ҳолатда содир этилганлигини, шунингдек, алкоғолли ичимликлар истеъмол қилмаслик чеклови ўрнатилган шахсни ушбу чекловга риоя этмаганлигини аниқлаш ва тасдиқлаш тартибини ишлаб чиқиш.

Алкоғолли ичимликка ружу қўйган, гиёҳванд, захарванд, тажовузкор руҳий касал шахсларни мажбурий даволаш бўйича намунавий дастур ишлаб чиқиш.

Экстремистик ва ёт ғоялар таъсирига тушган шахслар билан ишлаш ва уларда мафкуравий иммунитетни шакллантириш бўйича намунавий методикани ишлаб чиқиш.

Интернет тармоғида жамоат хавфсизлиги учун хавф туғдирадиган таҳдидларни ўз вақтида аниқлаш, олдини олиш ва бартараф этиш бўйича комплекс ташкилий-методик асослар ва ҳаракатлар механизмларини яратиш.

Гуруҳий қонунбузарликлар ва оммавий тартибсизликларни бартараф этиш вақтида Миллий гвардия ва ички ишлар органлари томонидан фойдаланиладиган махсус техник воситаларни, шунингдек, тезкор ахборот

алмашиш, қўйи тизимдаги бўлинмаларни оқилона бошқариш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш механизмларини такомиллаштириш.

Ички ишлар вазирлиги ва Миллий гвардия олий таълим муассасалари ва илмий-тадқиқот марказларида бажариладиган диссертацион тадқиқотлар мавзуларини шакллантиришда жамоат хавфсизлигини таъминлаш амалиётидаги долзарб муаммоларнинг ечимларига йўналтирилган масалаларга устувор аҳамият қаратиш бўйича таъсирчан механизмларни йўлга қўйиш.

Профилактик ҳисоб, маъмурий назорат ва пробация назоратидаги шахсларнинг ўрнатилган чекловларга риоя этишини ва уларнинг зиммасига юкланган мажбуриятларни бажаришини таъминлаш, текшириш ва назорат қилиш, шунингдек, ушбу шахсларга тарбиявий ва ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш ҳамда уларни ижтимоий мослаштириш бўйича «Ҳаракатлар протоколи»ни ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш.

Давлат-хусусий шериклик ва аутсорсинг механизмларини йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш тизими ва йўл инфратузилмасини такомиллаштириш жараёнига жорий этиш.

Транзит ва давлат ички транспорт оқими учун мақбул шарт-шароитлар яратишга йўналтирилган халқаро автомобиль йўллари инфратузилмасини такомиллаштириш.

### **Жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг илмий асосларини ривожлантириш.**

Жамоат хавфсизлигини таъминлаш фаолиятининг таркибий қисмларини ифодаловчи масалаларни чуқур илмий ўрганиш асосида Ички ишлар вазирлиги ва Миллий гвардия таълим муассасалари ўқув жараёнида «Жамоат хавфсизлиги асослари» фанини жорий этиш, шу жумладан «Жамоат хавфсизлиги асослари» дарслигини тайёрлаш.

Профилактика инспекторларининг маъмурий ҳудудда иш фаолиятини олиб бориши бўйича тўлиқ механизмларни назарда тутувчи «шаҳар инспектори» ва «қишлоқ инспектори» моделларини яратиш, жорий этиш ва улар бўйича ўқитишни ташкил этиш.

«Жамоат хавфсизлиги асослари» фани предметига кирадиган соҳаларни ягона илм соҳасига бирлаштирган ҳолда, «Жамоат хавфсизлигини таъминлаш» ихтисослигини киритиш.

Жамоат хавфсизлиги муаммоларини ўрганиш, илмий тадқиқ қилиш борасида Ички ишлар вазирлиги Жамоат хавфсизлиги масалалари илмий-амалий тадқиқотлар маркази ва Жамоат хавфсизлиги университетини таянч методик базага айлантириш.

Содир этилган жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг асл омилларини «илмий диагноз» асосида аниқлаш ва «илмий диагноз хулосаси» билан «E-jamoat havfsizligi» ахборот тизими орқали расмийлаштириш тартибини жорий қилиш.

Содир этилган жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг асл омилларини бартараф этиш бўйича амалга оширилган чора-тадбирларни илмий баҳолаш



асосида таҳлил қилиш ва «илмий баҳолаш хулосаси»ни расмийлаштириш тартибини жорий қилиш.

Ички ишлар вазирлиги Жамоат хавфсизлиги масалалари илмий-амалий тадқиқотлар маркази ва Жамоат хавфсизлиги университети томонидан Инновацион ривожланиш вазирлиги ва Фанлар Академияси билан биргаликда жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жинойтчиликка қарши курашиш борасидаги муаммоларни ҳал қилиш йўналишида илмий-тадқиқот ишларига давлат буюртмаси доирасида мақсадли фундаментал, амалий ва инновацион лойиҳалар шакллантирилиши ва амалга оширилишини таъминлаш.

Давлат бошқаруви ва маҳаллий ҳокимият органлари раҳбарларини Жамоат хавфсизлиги университети ҳамда Ички ишлар вазирлиги Академияси негизида жамоат хавфсизлиги асослари бўйича қисқа муддатли ўқув курсларида ўқитиш.

### **Жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг ташкилий асосларини ривожлантириш.**

Ҳар бешта маҳалла учун битта маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканини намунавий лойиҳа асосида ташкил этиш.

«Жинойт ўчоқлари» ҳисобланган ҳудудларда тунги вақтда ички ишлар органлари ва Миллий гвардия бўлинмаларининг ҳарбий хизматчилари ва ходимларидан иборат автопатруль, отлик ва пиёда патрулларнинг узлуксиз фаолиятини йўлга қўйиш, уларнинг ваколат доирасини белгилаш ва функционал мажбуриятларини тасдиқлаш.

Тошкент, Нукус шаҳарлари ва вилоятлар марказларидаги оммавий тадбирлар ўтказиладиган объектларда, истироҳат боғлари, хиёбонлар ва бозорларда Миллий гвардия бўлинмалари томонидан жамоат тартибини сақлаш бўйича фаолият олиб боришнинг батафсил ва аниқ ҳуқуқий механизмларини ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга татбиқ этиш.

Оммавий ахборот воситалари, телекоммуникация тармоқлари ва Интернет тармоғидан фойдаланган ҳолда ижтимоий-сиёсий вазиятни беқарорлаштириш, шунингдек, жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўйича ваколатли давлат органлари ходимларини обрўсизлантириш ҳолатларининг олдини олиш ва уларга барҳам беришнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш.

Ички ишлар органларининг ахлоққа қарши ҳуқуқбузарликлар билан курашиш фаолиятини, шу жумладан, ташкилий-тузилмавий асосларини яратган ҳолда такомиллаштириш.

Кучли таъсир қилувчи моддалар муомаласини ҳуқуқий тартибга солишни, шу жумладан уларнинг ёшлар томонидан нотиббий мақсадларда истеъмол қилиниши ҳолатларининг олдини олиш механизмларини такомиллаштириш.

Миллий гвардия ва ички ишлар органлари жамоат тартибини сақлашга масъул бўлинмаларининг ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ва маъмурий жазо чораларини қўллаш ваколатини кенгайтириш.

Маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканларида ички ишлар органлари, бошқа ҳуқуқ-тартибот органлари ва жамоат тузилмаларининг маҳаллалар кесимида биргаликда ишлаш механизмларини белгилаш.

Жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўйича ваколатли давлат органлари ходимларининг ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоясига доир имтиёزلардан фойдаланишида инсон омилини чеклайдиган автоматлаштирилган тизимни жорий қилиш.

Ҳудудий ички ишлар органларининг маъмурий биноларини қўриқлашни Миллий гвардия қўриқлаш хизмати томонидан шартнома асосида амалга оширилиши тизимини жорий этиш.

Ҳудудий ички ишлар органлари патруль-пост хизмати бўлинмалари таркибида босқичма-босқич отлик отрядларни ташкил этиш.

Ота-онаси назоратсиз ва қаровисиз қолган, ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволдаги оилаларда яшаётган вояга етмаганлар билан ишлашнинг янгича тизимини яратиш.

Транспорт воситаларининг хавфсиз ҳаракатланиши учун қулай шарт-шароитлар яратилишини назарда тутган ҳолда, республика ва маҳаллий аҳамиятга эга бўлган йўллар тизимини ривожлантириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш.

Транспорт ва пиёдаларнинг ҳаракатни тўхтатиши ва бошлаши тўғрисида огоҳлантиришнинг замонавий сигнал берувчи тизимларини жорий этиш, пиёдалар учун янги турдаги ўтиш жойларини ташкил этиш.



Йўл инфратузилмасини комплекс такомиллаштириш, йўллар сифатини яхшилаш, транспорт воситаларининг хавфсиз ҳаракатланиши учун ишончли шароитлар яратиш ҳисобидан йўл-транспорт ҳодисалари содир этилишини минимал даражага келтириш.

Йўл қурилиши соҳасига оид норматив ҳужжатларга (ШНҚ, Давлат стандарти ва бошқ.) замон талабларидан келиб чиқиб тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш.

Жамоат ва махсус транспорт учун алоҳида ҳаракатланиш йўл полосаси ва замонавий велосипед йўлкалари ташкил этиш.

Ички ишлар органлари, Миллий гвардия ва Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг жамоат хавфсизлигини, шу жумладан фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва ёнғин хавфсизлигини таъминлаш фаолиятини амалга оширувчи бўлинмаларини замонавий махсус техника воситалари билан таъминлаш.

## 2-савол: Жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг шакл ва усулларини ривожлантириш.

Содир этилган жиноятларнинг асл омиллари аниқлаш ва бартараф этишда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасаларнинг ваколат доирасини аниқ белгилаш.

Бозорлар атрофидаги тирбандликларни бартараф этиш ва фуқароларга қулайликлар яратиш мақсадида ва транспорт воситалари сонини ҳисобга олган ҳолда, йирик бозорлар атрофида ушбу бозорларнинг даромадлари ҳисобидан кўп қаватли ёки ер ости автотураргоҳлари қурилишини ташкил этиш.

Шаҳар ва туманларнинг аҳоли гавжум жойларида пиёдалар йўлакчаларига пиёдалар бошқарадиган светофорларни ўрнатиш.

«Йўл ҳаракати интизоми болалиқдан бошланади» шиори остида умумтаълим муассасаларида «Йўл ҳаракати қоидалари» бўйича ўқув тадбирларини ташкил этиш.

Умумтаълим муассасаларида «Ҳаракат хавфсизлиги синфхоналари»ни, маҳаллаларда «Йўл ҳаракатини ўргатиш майдончалари»ни ташкил этиш.



Мақтабгача таълим муассасаларида болаларга йўл ҳаракати хавфсизлиги асосларини ўқитиш тизимини жорий этиб, йўлларда, чорраҳаларда ва пиёдалар ўтиш жойларида ҳаракатланиш асосларини амалий ҳамда кўргазмали тарзда ўргатишни йўлга қўйиш.

Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати маъмурий амалиёт бўлинмалари фаолиятини такомиллаштириш, уларнинг лавозимларини офицерлик таркибига ўтказиш ҳамда биринчи навбатда олий юридик маълумотли ходимлар билан бутлаш тартибини жорий этиш.

Миллий гвардия ва ички ишлар органларининг жамоат тартибини сақлаш бўлинмалари ҳамда «Фидокор ёшлар» жамоатчилик патруль гуруҳлари фаолиятини мувофиқлаштиришнинг самарали механизмларини йўлга қўйиш.



Фуқаролар орасидан фавқулодда вазиятларда жалб этиладиган Миллий гвардиянинг сафарбарлик захираларини яратиш тизимини жорий этиш.

Ички ишлар органлари, Ёшлар ишлари агентлиги, Ёшлар иттифоқи, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳамда бошқа мутасадди органларнинг маҳаллалар кесимида уюлмаган ёшлар билан ишлашини ташкил этиш бўйича ўзаро боғланган тўлиқ механизмларни жорий этиш.

«Ижтимоий профилактика», «пробацион профилактика», «тергов профилактикаси», «суд профилактикаси»ни ҳуқуқбузарликлар профилактикаси турлари сифатида жорий этиш ва уларни қўллашнинг аниқ механизмларини белгилаш.

Мулкий турдаги жиноятларнинг олдини олиш, нотинч оилалар ҳамда оилавий зўравонлик қурбонлари билан ижтимоий профилактика тадбирларини янгича ёндашув - «Хавфсиз хонадон» ва «Хавфсиз ҳовли» тизими асосида амалга ошириш механизмларини ишлаб чиқиш.



Маъмурий назорат ва профилактик ҳисоб институтлари негизида профилактик назорат институтини жорий қилиш.

Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлинмаларининг асосий фаолиятини фуқароларга кўмак беришга йўналтириш, жумладан йўлларда инспекторларнинг патруль хизматини фақат авто ва мототранспорт воситаларида олиб бориши тартибини жорий этиш.

Фавқулодда вазиятларда ва алоҳида шароитларда ваколатли давлат органлари ва жамоат тузилмалари ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш бўйича куч ва воситаларининг тезкор ва ягона идоралараро бошқарувини ташкил этиш тартибини такомиллаштириш.

Аҳолига эҳтимолий ёки содир бўлган фавқулодда вазиятлар ҳамда ёнғинлар тўғрисида хабар бериш ва маълумот етказиш тизимини янада такомиллаштириш.

Кўп қаватли биноларда ёнғин хавфсизлигини таъминлаш ва ёнғин ўчириш бўйича самарали тизимни жорий этиш.

Тунги вақтларда аҳоли яшаш пунктларининг ёритилиши ва видео кузатув қамровини кенгайтириш.

Жамоат тартибини сақлашга жалб қилинган куч ва воситаларни марказлашган тарзда бошқариш тартибини самарали йўлга қўйиш мақсадида Ички ишлар вазирлиги Жамоат хавфсизлиги департаменти ҳузурида ягона мувофиқлаштирилган идоралараро бошқарув тизимини ташкил этиш ва унинг фаолиятини тартибга солувчи аниқ ва батафсил ҳуқуқий механизмларни ишлаб чиқиш.

Жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўйича ваколатли давлат органлари ҳарбий хизматчи ва ходимларини суғурталаш институтини такомиллаштириш.

«Жамоат хавфсизлиги фидойиси» идоралараро кўкрак нишонини таъсис этиш.

Профилактик ҳисоб, маъмурий назорат ва пробация назоратидаги шахслар билан яқка тартибдаги суҳбатларни махсус «суҳбат хонаси»да ўтказиш тартибини жорий қилиш.

Ички ишлар органлари жамоат хавфсизлиги бўлинмалари ходимлари хизмат фаолиятида скутер воситасидан фойдаланиш амалиётини синовдан ўтказиш.

Ички ишлар органлари хотин-қизлар масалалари бўйича бўлинмалари ҳузурида ёшлар орасидан «Тўмарис издошлари» жамоавий гуруҳларини ташкил этиш, уларни жамоат хавфсизлиги тизимига жалб этиш ҳамда гуруҳ аъзоларига ҳуқуқ-тартибот идораларининг олий таълим муассасаларига ўқишга киришда тегишли имтиёзларни бериш.

### **3-савол: Жамоат хавфсизлигини таъминлаш фаолиятини рақамлаштириш. Стратегияни амалга оширишдан кутилаётган натижалар.**

#### **Жамоат хавфсизлигини таъминлаш фаолиятини рақамлаштириш.**

Жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида қоғоз шаклидаги иш юритишни максимал даражада қисқартириб, фақат электрон шаклда юритиладиган ҳужжатлар улушини 90 фоизга етказиш.

Миллий гвардия ва ички ишлар органларидан жамоат тартибини сақлашга жалб қилинган бўлинмаларнинг ахборот тизимлари (пробациянинг марказлашган электрон тизими, йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматининг ягона автоматлаштирилган ахборот-таҳлил тизими) базасида «E-jamoat havfsizligi» ягона автоматлаштирилган ахборот тизимини ишлаб чиқиш ва амалиётга тўлиқ татбиқ этиш.

Жамоат тартибини бузган, қайта жиноят содир этган шахсларнинг ягона электрон рўйхатини юритиш ва ахборот тизими орқали даврий мониторинг қилиб бориш тартибини йўлга қўйиш.

Фуқароларнинг маъмурий ҳуқуқбузарликлар масалалари бўйича ортиқча овора бўлишининг олдини олиш, соҳа ходимларининг вақтини тежаш, ўз вақтида ва тезкорлик билан жазо муқаррарлигини таъминлаш мақсадида маъмурий иш юритувни тўлиқ электрон шаклга ўтказиш.

Профилактик ҳисоб, маъмурий назорат ва пробация назоратидаги шахсларнинг жамоат хавфсизлиги хизматига келиб рўйхатдан ўтишини таъминлашда бармоқ изини таниб олиш тизимидан фойдаланиш амалиётини жорий этиш.

Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасига рақамли технологияларни кенг жорий этган ҳолда «Равон ва хавфсиз йўл» концепцияси асосида комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш.

Ички ишлар органлари конвой бўлинмалари фаолиятига конвой остидаги шахсларни электрон brasлетлар орқали назорат қилиш тизимини жорий этиш.

Пробация назоратидаги шахсларнинг яшаш, иш ва ўқиш жойида эканлигини текшириш мақсадида GPS технологияли қурилмаларни амалиётга жорий этиш.

Жамоат хавфсизлигини таъминлаш борасида дастурий таъминотларни ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш.

Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, тирбандликларни масофадан туриб бартараф этиш мақсадида йўллардаги барча светофорларнинг ахборот бошқаруви

тизимига уланишини таъминлаш, соҳага интеллектуал тизимларни жорий этиш.

Миллий гвардиянинг умумий раҳбарлиги остида ички ишлар органлари ва бошқа мутасадди давлат органлари ходимларининг махсус тайёргарлик даражасини ошириш, алоҳида шароитларда биргаликда ҳаракат қилишига доир амалий кўникмаларини ривожлантириш бўйича ўқув машқларини тизимли равишда ўтказиш, ўқув машқларини рақамли технологиялар орқали мониторинг қилиш амалиётини йўлга қўйиш.

### **Стратегияни амалга оширишдан кутилаётган натижалар.**

Стратегия ички ишлар органлари, Миллий гвардия ва бошқа мутасадди органларнинг жамоат хавфсизлигини таъминлаш фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича норматив-ҳуқуқий ва идоравий норматив ҳужжатлар ишлаб чиқишда услубий асос бўлиб хизмат қилади.

Стратегияда белгиланган тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларининг қонунга ҳилоф тажовузлардан ҳимояланганлик ҳолати сифат жиҳатидан юқори даражага кўтарилади.

Жиноятлар, шу жумладан такроран содир этилган жиноятлар ва йўл-транспорт ҳодисаларининг барвақт олдини олиш, ходимларнинг хизмат фаолиятини фуқароларга кўмаклашишга йўналтириш орқали аҳолининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўйича ваколатли давлат органларига ишончи ортишига эришилади.

### **Мустақил тайёргарлик учун топшириқ:**

2022-2026 йилларда Ўзбекистон Республикасида жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизимини ривожлантириш Стратегияси мазусини ўқиб ўрганиш ва конспектлаштириш.

### **Назорат учун саволлар туркуми:**

1. Стратегиянинг асосий вазифалари, жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг асосларини ривожлантириш.

2. Жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг шакл ва усулларини ривожлантириш.

# 11-мавзу: 2022-2026 йилларда Ўзбекистон Республикасида жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизимини ривожлантириш Стратегияси.

Семинар машғулоти 2-соат.

## Семинар машғулоти

Ушбу ўқув машғулоти, “Кичик гуруҳларда ишлаш”, “Савол-жавоб” “Тест” технологияси интерфаол методидан фойдаланиш орқали ўтказилади.

“Кичик гуруҳларда ишлаш” методининг босқичлари



**ИЗОХ:** Ушбу метод қўлланилганда ҳар бир гуруҳга шартли ном берилиб, уларнинг жавоблари беш баллик тизим асосида баҳоланади. Бир гуруҳ бошқа гуруҳнинг саволига тўғри жавоб берса баллар тўғри жавоб берган гуруҳ ҳисобига ёзилади. Гуруҳларни ҳар бир гуруҳнинг жавоби тингланади умумлаштирилади, қўшимчалар билан тўлдирилади. Аниқ жавоблар тўхтамага келинади.

### Гуруҳларга топшириқлар:

1-гуруҳга топшириқ. Стратегиянинг асосий вазифалари, жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг асосларини ривожлантириш?

2-гуруҳга топшириқ. Жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг шакл ва усулларини ривожлантириш?

3-гуруҳга топшириқ. Жамоат хавфсизлигини таъминлаш фаолиятини рақамлаштириш?

4-гуруҳга топшириқ. Стратегияни амалга оширишдан кутилаётган натижалар?

## 12-мавзу: Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш.

Маъруза машғулоти 2-соат.

### Режа:

1-савол: Ички ишлар органлари фаолиятини такомиллаштириш бўйича ташкилий ўзгартиришлар.

2-савол: Маънавий-маърифий ишлар, ходимларни узлуксиз тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг самарадор механизмини жорий этиш.

3-савол: Ички ишлар органлари фаолиятига замонавий рақамли ва ахборот технологияларини татбиқ этиш.

### 1- савол: Ички ишлар органлари фаолиятини такомиллаштириш бўйича ташкилий ўзгартиришлар.

Ички ишлар вазирлиги тузилмасини такомиллаштириш орқали турдош соҳавий хизматлар фаолиятини бошқариш ва мувофиқлаштиришнинг ягона тизимини жорий этиш мақсадида:

Бунга мувофиқ:

Жазони ижро этиш департаменти бевосита ички ишлар вазирлигига бўйсунди ва вазирнинг зиммасига ички ишлар органларининг жиноий жазоларни ижро этиш тизимини ривожлантириш ва унда қатъий интизомни



таъминлаш учун шахсий жавобгарлик юкланди, ички ишлар органларининг барча тергов ҳибсхоналари ва жазони ижро этиш муассасалари ҳудудий ички ишлар органларининг тузилмавий-функционал бўйсунувидан чиқарилиб, Жазони ижро этиш департаменти бўйсунувига ўтказилади, тергов ҳибсхоналари ва жазони ижро этиш муассасалари фаолиятини самарали йўлга қўйиш ва уларда кунлик назоратни олиб бориш Жазони ижро этиш департаменти тизимида ташкил этиладиган 6 та минтақавий мувофиқлаштириш марказлари томонидан амалга оширилади.

Жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини, шу жумладан қуйидагилар жорий этилди:

Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш, патруль-пост ва йўл-патруль хизматлари, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва пробация хизматлари бўлинмаларининг ўзаро ҳамкорликда ишлаши бўйича янги механизмларни белгилаш, Миллий гвардия бўлинмаларининг жамоат тартибини сақлаш тизимидаги ваколатлари ва шахсий жавобгарлигини белгилаш, пробация назоратидаги шахсларнинг хулқ-атворини кунлик назорат қилишда профилактика инспекторлари билан ҳамкорлик механизмларини жорий этган ҳолда пробация бўлинмаларининг фаолияти самарадорлиги оширилди.

Ички ишлар вазирлигининг Ҳуқуқий статистика ва тезкор-ҳисоб маълумотлари маркази ва унинг қуйи тизимларини, ахборот технологияларини кенг жорий этган ва фаолиятини рақамлаштирган ҳолда ташкил этилиб, тўлақонли фаолият юритиши бўйича ташкилий чоралар белгиланди.

«Электрон жинойй-ҳуқуқий статистика» ягона ахборот тизими ва 2019 — 2021 йилларда тўпланган ҳуқуқий статистик маълумотлар архиви Ички ишлар вазирлиги тасарруфига ўтказилиб, бошқа зарур ташкилий чоралар кўрилишини таъминланмоқда.

Ички ишлар вазирлиги тузилмасида Жамоат хавфсизлиги масалалари илмий-амалий тадқиқотлар марказини ташкил этиш, унинг фаолияти ва ишлаш механизмлари ҳақидаги низомни, қуйидагиларни назарда тутган ҳолда тасдиқланди, Жумладан: штат бирликлари сонини 20 та (15 та ходим, 5 та эркин ёлланган хизматчи) этиб белгилаш (ички ишлар органлари умумий штат бирликлари доирасида), катта илмий ва амалий тажрибага, таҳлилий фикрлаш қобилиятига эга юқори малакали мутахассислар билан жамлаш тартиби, республикада криминоген вазиятни тизимли таҳлил қилиш, жинойй қилмишларнинг содир этилишига таъсир қилаётган омилларни аниқлаш, жиноятларнинг динамикасини минтақалар ва турлари кесимида прогноз қилиш механизмлари, ҳуқуқ-тартибот куч ва воситаларини бошқариш самарадорлигини ошириш бўйича тўлақонли тизимлар ва илмий асосланган методикаларни ишлаб чиқиш, жамоат хавфсизлигини таъминлаш борасидаги чора-тадбирларнинг сифатини ошириш бўйича тавсия ва ишланмаларни ҳуқуқни қўллаш амалиётига жорий этилди.

Ички ишлар органларининг тезкор-қидирув фаолиятини қуйидаги йўналишлар бўйича такомиллаштирилди: уюшган жиноятчилик, терроризм

ва экстремизм, гиёҳванд воситалар, психотроп моддалар ва уларнинг аналоглари ноқонуний айланмасига қарши курашиш чора-тадбирлари самарадорлигини ошириш, ахборот технологиялари ва Интернет тармоғидан фойдаланиш соҳасидаги жиноятларга қарши курашиш борасида тубдан янги механизмларни жорий этиш, тезкор бўлинмалар фаолиятини аппарат-дастурий таъминлаш, замонавий ахборот технологияларини кенг татбиқ этиш.

**Транспорт ва туризм объектларида хавфсизликни таъминлаш фаолиятини ташкил этиш бўйича, қуйидагиларни назарда тутган ҳолда янги чора-тадбирларни белгилаш:**

→ туристларнинг туристик намойиш ва инфратузилма объектларига ташриф буюриши, ҳаракатланиши ва кечки вақтини мазмунли ташкил этиш вақтида уларнинг шахсий ва жамоавий хавфсизлигини таъминлашнинг самарали механизмларини жорий этиш;

→ транспорт объектларида мавжуд куч ва воситаларни тармоқли бошқариш тамойилини жорий этган ҳолда хавфсизликни таъминлаш бўйича сифат жиҳатидан янги тизимни ўрнатиш.

**Қуйидагиларни назарда тутган ҳолда жазони ижро этиш тизимида ишлаб чиқариш фаолиятини янада кучайтириш бўйича янги чора-тадбирларни белгилаш:**

→ жазони ижро этиш муассасаларига лицензия талаб этиладиган айрим фаолият турлари билан тегишли лицензияни олмасдан фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқини истисно тариқасида бериш;

→ Жазони ижро этиш департаментининг Марказлаштирилган жамғармасини қайта ташкил этиш ва озодликдан маҳрум этилган шахсларнинг ижро ҳужжатлари бўйича Давлат бюджетига жазони ижро этиш муассасалари томонидан ундирилган маблағларнинг 50 фоизи миқдоридagi ажратмаларни ҳамда бўш турган бюджетдан ташқари маблағларни тижорат банклари депозитларига жойлаштириш ҳисобидан олинган даромадларни Жамғарманинг қўшимча манбалари сифатида белгилаш.

Республика ички ишлар органлари учун намунавий ҳудудий идора сифатида Тошкент вилоятининг Ангрен шаҳар ва Бўстонлик тумани ички ишлар бошқармалари негизида «Намунавий шаҳар ички ишлар органи» ва «Намунавий туман ички ишлар органи» лойиҳаларини амалга ошириш.

Бунда, асосий эътибор иш услубларига, аҳолига хизмат кўрсатиш масалаларига, ҳамкорлик механизмларига, рақамли технологияларни жорий этиш даражасига ва шахсий таркиб билан маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш чораларига қаратилади.

Тошкент вилоятида иккита туман (шаҳар) доирасида, эксперимент тариқасида, ички ишлар органлари санитария тадбирларини таъминлаш бўйича бўлинмаларини ташкил этиш.

Бунда, штатларни киритиш ва таъминлаш масалалари дастлабки даврда Тошкент вилояти ҳокимлигининг маҳаллий бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади, кейинчалик эса ўзини ўзи молиялаштириш механизмлари асосида ташкил этилади.

## **2-савол: Маънавий-маърифий ишлар, ходимларни узлуксиз тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг самарадор механизмини жорий этиш.**

Ички ишлар органларида маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш концепцияси ишлаб чиқилди:

1. «Ватанга ва халққа садоқат билан хизмат қилиш — олий бурчимиз» концептуал ғояси асосида ходимларни тарбиялашни такомиллаштириш чоратадбирлари;

2. ички ишлар органларида маънавий-маърифий ишларнинг асосий мақсади ва вазифалари;

3. ҳар бир ҳудудий ички ишлар органида жасорат ва ватанпарварлик ғояларини акс эттирувчи маънавий-маърифий бурчакларни (хоналарни) ташкил этиш;

4. мафкуравий ишларни амалга оширишнинг асосий йўналишлари, шу жумладан тарбиявий ишлар, тарғибот-ташвиқот ишлари, психологик қўллаб-қувватлаш, ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоя ва маданий тадбирлар;

5. ички ишлар органларида маънавий-маърифий ишларнинг асосий йўналишларини амалга ошириш механизмлари.

Қуйидаги йўналишларда жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида малакали кадрларни мақсадли тайёрлаш тизимини жорий этиш белгиланди:

1. жамоат тартибини сақлаш, йўл ҳаракати хавфсизлиги ва паспорт тизими талабларини амалга ошириш йўналишлари бўйича мутахассисларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш;

2. жамоат хавфсизлигини таъминлаш муаммолари бўйича фундаментал илмий тадқиқотлар ўтказилишини ташкил этиш, ушбу соҳада юқори малакали илмий-педагог кадрларни тайёрлаш;

3. жамоат хавфсизлиги йўналиши бўйича ўқув жараёнини жорий этиш борасида Миллий гвардия Ҳарбий-техник институти фаолиятини тубдан такомиллаштириш.

Ички ишлар органлари учун интеллектуал-профессионал кадрларни тайёрлаш ва уларни хизматда кўтарилишининг сифат жиҳатидан янги тизими жорий этилди:

❖ олий таълимнинг икки босқичли (бакалаврият ва магистратура) тизими ва раҳбарлик таркибидаги кадрларни мақсадли тайёрлаш механизмларини жорий этган ҳолда Ички ишлар вазирлиги Академияси таълим жараёнини тубдан ислоҳ қилиш;

❖ Ички ишлар вазирлиги Академиясининг Нукус филиалини очиш;

❖ жойларда ходимларни бошланғич тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг ягона механизмларини жорий этган ҳолда Ички ишлар вазирлиги Малака ошириш институтини такомиллаштириш;

❖ 2021 йил 1 сентябрдан эътиборан ўқув жараёнининг хизмат ўташ қоидалари билан узвий боғланган тартибини ўз ичига олган узлуксиз ўқиш-қарьера тизимини жорий этиш;

❖ мафкуравий таълим, юридик фанлар ва жисмоний тайёргарликни кучайтирган ҳолда Ички ишлар вазирлигининг академик лицейларида таълим жараёнининг самарадорлигини ошириш;

❖ моддий рағбатлантириш механизмларини жорий этган ҳолда, Ички ишлар вазирлиги таълим муассасалари педагоглар таркибининг салоҳиятини ошириш.

Ички ишлар органлари ходимларини ахлоқий-руҳий қўллаб-қувватлаш фаолияти бўйича сифат жиҳатидан янги тизимни қуйидагиларни назарда тутган ҳолда жорий этиш:

❖ ички ишлар органлари тузилмаларида ахлоқий-руҳий қўллаб-қувватлаш бўлинмаларини ташкил этиш;

❖ ички ишлар органлари тизимида психологик хизмат кўрсатиш марказларини ташкил этиш ва уларга шартнома асосида мутахассис-психологларни жалб этиш имкониятини яратиш;

❖ хизмат хусусиятларини инобатга олган ҳолда, ходимлар орасида ўз жонига суиқасд қилиш ва руҳий тушкунлик ҳолатларининг барвақт олдини олишга қаратилган яқка тартибда ахлоқий-руҳий ишлашнинг замонавий методларини татбиқ этиш;

❖ ходимларнинг психологик портретини мажбурий ҳисобга олиш тартибини жорий этган ҳолда, ички ишлар органларининг қабул ва шаҳодатлаш комиссияларида мутахассис-психологларнинг ролини ошириш.

**Қуйидагиларни ўз ичига олувчи «Энг яхши ҳудудий ички ишлар органи бошлиғи», «Энг яхши профилактика инспектори», «Энг яхши терговчи», «Энг яхши тезкор ходим» номинациялари бўйича республика танлови ҳар йили ўтказиш тартиби белгиланди:**

• соҳавий фаолият бўйича энг яхши ходимларни аниқлашнинг ҳар томонлама, холисона, ошқора механизмлари ва мезонлари жорий этиш;

• энг яхши ходимларни ҳар йили «25 октябрь — Ички ишлар органлари ходимлари куни»ни нишонлаш чоғида эълон қилинмоқда;

• бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан ғолибларни ҳар ойлик пул таъминотининг 100 фоизгача миқдорда бир йил давомида моддий рағбатлантириш тартиби жорий этилди;

• энг яхши ходимларнинг фотосуратлари ва улар ҳақидаги маълумотларни бир йил давомида барча ички ишлар органларида жойлаштириш ҳамда уларнинг хизмат вазифаларини бажариш натижаларини кенг тарғиб этилди.

«Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигига 30 йил» идоравий эсдалик кўкрак нишони таъсис этилди, ушбу кўкрак нишони билан ходимларни 2021 йилда «25 октябрь — Ички ишлар органлари ходимлари куни» арафасида тақдирланди.

Иккинчи жаҳон уруши, қуролли тўқнашувлар ва жанговар ҳаракатлар давомида, жинойтчиликка қарши курашиш, фавқулодда ҳолатларни бартараф этиш чоғида хизмат бурчини бажариб, мардларча ҳалок бўлган ички ишлар органлари ходимлари тўғрисидаги маълумотларни қамраб олган «Ички ишлар органларининг мард ўғлонлари» китобини тайёрланиб, нашр этилди.

Ички ишлар органлари ходимларининг шарафли фаолиятини ва мазкур касбнинг ўзига хос хусусиятларини акс эттирувчи сериалларни олиш ва уларни оммавий кўрсатувини ташкил этиш.

Бунда, жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятларни фoш этиш соҳалари кесимида ходимларнинг касбий маҳоратларига алоҳида эътибор қаратилади.

### **3-савол: Ички ишлар органлари фаолиятига замонавий рақамли ва ахборот технологияларини татбиқ этиш.**

Бунда ички ишлар органлари фаолиятини рақамлаштириш соҳа ва йўналишларини, шунингдек ахборот технологияларни тўлиқ жорий этиш босқичлари белгиланди.

**Маҳкумларни «электрон назорати»ни таъминловчи ахборот технологияларини жорий этган ҳолда, жазони ижро этиш муассасалари фаолиятини босқичма-босқич рақамлаштириш. Хусусан:**

➤ ходимларнинг персонал видеорегистратор (бодикамера) билан хизматни ўташ тартибини татбиқ этиш;

➤ маҳкумларнинг жазони ўташ тартибини бузиш ҳолатларини аниқлаш мақсадида кузатиш ва мустақил назорат қилиш имкониятига эга интеллектуал камералар («Smart») тизимини муассасаларга ўрнатиш;

➤ тақиқланган буюмларни олиб кириш ҳолатларини аниқлаш ва олдини олиш мақсадида муассасаларнинг назорат ўтиш жойларида бодисканерларни ўрнатиш;

➤ жазони ўташ жараёнида маҳкумнинг хулқ-атвори ва шахси ҳақидаги «ахборот портрети»ни тузиш ва озодликка чиқишидан 2 ой олдин яшаш жойи бўйича ҳудудий ички ишлар органларига хабар бериш имкониятини берувчи ягона электрон тизимни яратиш.

Локал тармоқлар ва ягона ҳимояланган корпоратив тармоқни ривожлантириш орқали ички ишлар органларини рақамлаштириш жараёнларини тезлаштириш учун телекоммуникация инфратузилмасини модернизация қилиш. Бунда:

✚ ички ишлар органларида электрон ҳужжат алмашинуви ва ҳимояланган электрон почта ягона тизимини татбиқ этиш, дастурий таъминот яратиш;

✚ маълумотларни қайта ишлаш ягона марказини яратиш ва унга идоравий маълумотларни қайта ишлаш марказларини интеграция қилиш;

✚ идоравий рақамли инфратузилманинг ахборот хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек, электрон ҳужжатлар ва маълумотларни ҳимоя қилиш.

Замонавий ахборот технологияларини жорий этиш ҳамда ашёвий далиллар бўйича автоматлаштирилган криминалистик ахборот-қидирув тизимини яратиш орқали эксперт-криминалистик фаолиятни босқичма-босқич рақамлаштириш, шунингдек криминалистик идентификация тизими фаолиятини мувофиқлаштириш. Хусусан:

☑ Геном бўйича ягона автоматлаштирилган давлат рўйхатига олиш тизимини зарурий воситалар билан жиҳозлаш;

☑ фуқаровий ва хизмат ўқотар куролларининг излари бўйича Давлат ўқ-гильзотекаси тизимини модернизация қилиш орқали унинг фаолиятини автоматлаштириш;

☑ «Криминалист» криминалистик фаолиятни ҳисобга олишнинг ахборот-маълумот тизимини модернизация қилиш ҳамда уни «102» тизими доирасида Ички ишлар вазирлиги жиноятларни ҳисобга олиш ягона тизимига интеграция қилиш;

☑ Эксперт-криминалистик бош марказининг биометрик идентификация қилиш маълумотлар базаларига ҳудудий эксперт-криминалистик бўлинмаларнинг уланишини таъминлаш.

Пробация назоратидаги шахсларни масофадан туриб назорат қилишни таъминловчи замонавий ахборот ва коммуникация технологияларини татбиқ этган ҳолда Пробация хизмати фаолиятини рақамлаштириш. Хусусан:

☑ пробация назоратидаги шахсларнинг хулқ-атворини реал вақт режимида кузатиш учун электрон браслетдан фойдаланиш амалиётини жорий этиш;

☑ электрон браслетларни ҳамда маълумотларни сақлаш ва қайта ишлаш учун сервер ва ушбу тизимга алоқадор қурилмаларни харид қилиш;

☑ мониторинг қилишнинг замонавий мобиль технологияларини татбиқ этиш, махсус дастурий таъминотни ишлаб чиқиш;

☑ пробация назоратидаги шахсларни умумий назорат қилиш учун Ички ишлар вазирлиги пробация хизматида ягона электрон мониторингни (мониторинг марказини) ташкил этиш.

Ахборот технологияларини татбиқ этиш орқали Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати томонидан давлат хизматларини тақдим этишнинг янги тартибини жорий этиш. Хусусан:

➤ давлат хизматларини тақдим этишни мақбуллаштириш ва енгиллаштириш бўйича янги механизмларни ишлаб чиқиш;

➤ амалдаги ахборот тизимларини ягона платформага ўзаро интеграция қилиш орқали Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматининг ягона автоматлаштирилган ахборот-таҳлил тизимини жорий этиш;

➤ сақлаш функциясига эга бўлган маълумотларни қайта ишлаш ягона марказини яратиш.

Ахборот тизимларини модернизация қилиш, архив фаолиятини рақамлаштириш ва ахборот технологияларини татбиқ этган ҳолда Ички ишлар вазирлиги Ҳуқуқий статистика ва тезкор-ҳисоб маълумотлар маркази фаолиятини босқичма-босқич рақамлаштириш. Хусусан:

☑ шахсий таркиб бўйича буйруқлар, пул таъминотининг шахсий карточкалари ва бошқа маълумотлардан иборат электрон архивни шакллантириш;

☑ давлат хизматларини тақдим этишни ривожлантириш мақсадида Марказни Ўзбекистон Республикаси «Ўзархив» тизими ва Давлат хизматлари агентлиги билан ўзаро интеграция қилиш.

Замон талабларидан келиб чиқиб, Ички ишлар вазирлиги Ҳуқуқий статистика ва тезкор-ҳисоб маълумотлар марказининг амалдаги ахборот тизимларини модернизация қилиш, маълумотлар базалари бўйича қидириш комплексини (рубрикатор) яратиш ва тегишли давлат органлари билан интеграция қилиш.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятига унинг самарадорлигини ошириш ва ортиқча хизмат юқламасини қисқартиришга йўналтирилган замонавий ахборот технологияларини татбиқ этиш. Хусусан:

🔗 «E-inspektor» электрон комплекс тизимини татбиқ этиш орқали ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмаларида иш юритувни мақбуллаштириш;

🔗 профилактик ҳисобдаги шахслар билан ишлаш бўйича электрон ахборот тизимини ишлаб чиқиш;

🔗 маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш бўйича «E-ma'muriy ish» ягона электрон ҳужжат алмашинуви тизимини яратиш;

🔗 маҳаллаларда жиноятларни муҳокама қилиш жараёнларини масофадан туриб назорат қилиш бўйича электрон модулни татбиқ этиш;

🔗 «E-hisobot» ахборот тизимини яратиш орқали профилактика хизматида ҳисоботларни унификация қилиш ва уни бошқа ташкилотларнинг ҳисобот юритиш ҳамда идоравий ахборот тизимлари билан ўзаро интеграция қилиш.

Ахборот технологияларини жорий этиш орқали ички ишлар органларининг куч ва воситаларини бошқаришнинг сифат жиҳатдан янгича амалиётини (ситуацион бошқарув тизими) босқичма-босқич татбиқ этиш. Жумладан:

➔ кузатиб бориладиган объектлар, ҳодисалар ва жараёнларни комплекс мониторинг қилиш асосида бошқарув қарорларини ўз вақтида қабул қилиш имконини берувчи вазирликнинг Ситуацион марказининг марказлашган бошқарувини амалга оширишда ягона ахборот маконида ишлайдиган ички ишлар органлари ситуацион марказларининг тўлақонли тақсимланган тизимини;



➔ жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги умумий манфаатларни инобатга олган ҳолда ҳуқуқ-тартибот органлари ўртасидаги уйғунлашган ахборот ҳамкорлигини таъминлаш имконини берувчи ягона махсус ахборотлар кичик тизимини ташкил этиш.

## **Ички ишлар органлари ходимлари ва оила аъзоларининг ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоясини ҳамда уй-жой ва маиший шароитларини янада яхшилаш.**

Қуйидаги йўналишлар бўйича ҳуқуқ-тартибот органлари ходимларининг ҳуқуқий ҳимоясини кучайтиришга доир таклифлар киритилди:

→ хизмат вазифасини бажараётган ҳуқуқ-тартибот органлари ходимларининг шаъни ва қадр-қимматини камситиш, соғлиғига шикаст етказиш, шунингдек, қонуний талабларига бўйсунмаслик ва фаол қаршилик кўрсатганлик учун маъмурий ва жиноий жавобгарлик чораларини кучайтириш;

→ ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари ва оила аъзоларининг шахсий ҳаёти тўғрисидаги маълумотларни тарқатганлик учун жавобгарлик белгилаш;

→ ички ишлар органлари ходимлари ва уларнинг оила аъзоларини давлат томонидан ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоя қилишнинг ягона ҳуқуқий асосини, ушбу йўналишдаги кафолатлар ва аниқ механизмларни назарда тутган ҳолда яратиш.

### **Мустақил тайёргарлик учун топшириқ:**

Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш мазусини ўқиб ўрганиш ва конспектлаштириш.

### **Назорат учун саволлар туркуми:**

1. Маънавий-маърифий ишлар, ходимларни узлуксиз тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг самарадор механизмини жорий этиш.

2. Ички ишлар органлари фаолиятига замонавий рақамли ва ахборот технологияларини татбиқ этиш.

3. Ички ишлар органлари ходимлари ва оила аъзоларининг ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоясини ҳамда уй-жой ва маиший шароитларини янада яхшилаш.




**12-мавзу: Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш.**

Семинар машғулоти 2-соат.

### Семинар машғулоти

Ўқув машғулоти **“Кичик гуруҳларда ишлаш”** интерфаол методидан фойдаланиш орқали ўтказилади.

#### “Кичик гуруҳларда ишлаш” методининг босқичлари



#### Ўқув машғулотининг саволлари:

1-савол: Ички ишлар органлари фаолиятини такомиллаштириш бўйича ташкилий ўзгартиришлар.

2- савол. Маънавий-маърифий ишлар, ходимларни узлуксиз тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг самарадор механизмини жорий этиш.

3- савол. Ички ишлар органлари фаолиятига замонавий рақамли ва ахборот технологияларини татбиқ этиш.

4- савол. Ички ишлар органлари ходимлари ва оила аъзоларининг ижтимоий-хуқуқий ҳимоясини ҳамда уй-жой ва маиший шароитларини янада яхшилаш.

**ИЗОХ:** Ушбу метод қўлланилганда ҳар бир гуруҳга шартли ном берилиб, уларнинг жавоблари беш баллик тизим асосида баҳоланади. Бир гуруҳ бошқа гуруҳнинг саволига тўғри жавоб берса баллар тўғри жавоб берган гуруҳ ҳисобига ёзилади. Гуруҳларни ҳар бир гуруҳнинг жавоби тингланади умумлаштирилади, қўшимчалар билан тўлдирилади. Аниқ жавоблар тўхтамига келинади.

### **13-мавзу: Ички ишлар органлари учун профессионал кадрларни тайёрлашнинг янги тизими.**

Маъруза машғулоти 2-соат.

#### **Режа:**

1-савол. Ички ишлар органлари учун мутахассислар тайёрлашнинг мутлақо янги тизимини жорий этиш.

2-савол. Ички ишлар вазирлиги Малака ошириш институтига юридик шахс мақоми берилиши ва унинг фаолияти асосий йўналишлари.

#### **1- савол. Ички ишлар органлари учун мутахассислар тайёрлашнинг мутлақо янги тизимини жорий этиш.**

Ички ишлар органлари учун мутахассислар тайёрлашнинг мутлақо янги тизимини жорий этиш, ходимларнинг малакасига қараб хизмат бўйича ўсишини таъминлаш, шунингдек, куч ва воситаларни самарали бошқаришда раҳбар кадрларнинг интеллектуал ва профессионал салоҳиятини янада ошириш мақсадида 2021/2022 ўқув



йилидан бошлаб, Ички ишлар вазирлигининг Академиясида (кейинги ўринларда — Академия) кадрларни тайёрлаш жараёнига бакалаврият ва магистратурани ўз ичига олувчи икки босқичли олий таълим тизими жорий этилиши белгиланди.

❖ Академиядаги таълим тизими кадрларни мақсадли касбий тайёрлашга қаратилади ҳамда биринчи курсдан бошлаб мутахассислик ва юридик фанларни ўқитиш, жанговар ва жисмоний жиҳатдан тайёрлаш чуқурлаштирилган ҳолда амалга ошириладиган бўлди;

❖ Академиянинг бакалаврият дастури бўйича ўқитиш кундузги ва сиртқи таълим шаклларида ташкил этилади, шунингдек, уларга ўқишга қабул қилиш ички ишлар вазирининг ўринбосари раислигида ташкил этиладиган махсус касбий танлов ва очиқлик мезонлари асосида яқка тартибдаги суҳбат орқали амалга ошириладиган бўлди;

❖ Академиянинг магистратура дастури бўйича ўқитиш ички ишлар органларининг раҳбар кадрларини тайёрлашга қаратилади ҳамда иккинчи

даражадаги «ташкилий-тактик бошқарув» ва биринчи даражадаги «ташкилий-стратегик бошқарув» йўналишларида ташкил этилди;

❖ магистратура дастурининг ҳар бир йўналиши бўйича ўқиш муддати бир йилни ташкил этиб, таълим олувчиларга охири эгаллаб турган лавозими учун белгиланган пул таъминоти сақланади ва битирувчиларга олий таълимнинг иккинчи босқичини тамомлаганлигини тасдиқловчи диплом бериладиган бўлди;

❖ ички ишлар вазирининг ўринбосарларига, соҳавий хизматлар раҳбарларига бир ойда камида бир маротаба Академия магистратурасида аудитория ўқув машғулотларини бевосита ўтказиш вазифаси юкланди;

❖ биринчи даражали магистратуранинг таълим олувчилари Ички ишлар вазирлиги департамент бошлиқлари, ҳудудий ички ишлар органлари раҳбарларининг бевосита мураббийлигида мажбурий тартибда амалиёт (стажировка) ўтайди, шунингдек, хорижий ҳуқуқ-тартибот идоралари таълим муассасаларининг бошқарув малакасини оширишга қаратилган курсларида таҳсил оладиган бўлди;

❖ Ички ишлар вазирлиги олий таълим муассасаларининг муқаддам фаолият кўрсатган магистратураси, олий академик курслари ва раҳбар кадрларни тайёрлаш факультети (олий курслари)ни тамомлаганлик хизматни ўташ масалаларида мазкур қарор билан жорий этилаётган иккинчи даражадаги магистратурага тенглаштирилди.

❖ икки босқичли олий таълим тизимини сифатли жорий этиш, ўқув жараёнини энг замонавий педагогик ва ахборот технологиялари асосида ташкил қилиш, профессор-ўқитувчилар таркибининг илмий-педагогик салоҳиятини, шу жумладан уларни хорижий таълим муассасаларида ўқитиш орқали ошириш белгилаб қўйилди;

❖ магистратурага қабул жараёнини ўрнатилган мезонларга жавоб берадиган ва ўқиш истагини билдирган ички ишлар органлари ходимлари орасидан, уларнинг тўғридан-тўғри мурожаатига асосан номзодларни очиқ ва холисона танлаб олиш орқали ташкил этиш бўйича шахсий масъулияти оширилди.

Ички ишлар вазирлиги Академия магистратурасига ўқишга қабул қилиш тартиби ва танлов мезонлари тасдиқланди.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Ички ишлар вазирлиги Академиясининг Нукус филиалини (кейинги ўринларда — Филиал) ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқулланди.

➔ Филиалда тўлақонли ўқув жараёни Академиянинг бакалавриати дастури бўйича кундузги таълим шаклида 2022/2023 ўқув йилидан бошланадиган бўлди;

➔ Филиалда таълим олиш Академияда таълим олишга тенглаштирилиб, унинг битирувчиларига Академия битирувчилари учун назарда тутилган диплом бериладиган бўлди;

➔ Филиалда ўқиш учун номзодлар дастлабки босқичда Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида, кейинчалик

республиканинг бошқа ҳудудларида доимий яшовчи шахслар орасидан танлаб олинадиган бўлди;

→ Филиалга ўқишга қабул қилиш квотаси Академияга умумий қабул квотаси доирасида Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти ички ишлар органларининг эҳтиёжини инобатга олган ҳолда белгиланадиган бўлди.

## **2- савол. Ички ишлар вазирлиги Малака ошириш институтига юридик шахс мақоми берилиши ва унинг фаолияти асосий йўналишлари.**

Ички ишлар вазирлиги Малака ошириш институтига юридик шахс мақоми берилди ва қуйидагилар унинг фаолияти асосий йўналишлари этиб белгиланди:

ички ишлар органлари соҳавий хизматларининг барча йўналишлари бўйича сержантлар таркиби ходимларини жамоат хавфсизлигини таъминлаш фаолиятини ташкил этиш соҳасида махсус касбий тайёрлаш;



ички ишлар органларининг сафдор ва офицерлар таркибидаги лавозимларига биринчи марта тайинланган ходимларни бошланғич касбий тайёргарлик бўйича ўқув дастурлари асосида ўқитиш;

ички ишлар органларининг барча тоифадаги ходимларини инновацион ахборот ва педагогик технологияларни қўллаган ҳолда, шу жумладан турдош йўналишдаги республика олий таълим муассасалари базасида қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этиш.

Ички ишлар органлари ходимларини бошланғич тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш марказлари тугатилиб, уларнинг штат бирликлари ва моддий-техника базаси Малака ошириш институтига ўтказилди.

☑ Малака ошириш институтини тугатилаётган ўқув марказининг Тошкент шаҳар Бектемир туманидаги манзили бўйича жойлаштириши, унинг бино ва иншоотларини қуриш ва реконструкция қилиниши, мақсадли ситуацион-иммитацион полигонларни яратилиши ташкил этилди;

☑ ички ишлар органлари ходимларининг хизматдан ажралмаган ҳолда бевосита жойларда малакасини оширишни таъминлаш мақсадида масофавий ва мобиль сайёр курсларида ўтказиш амалиётлари жорий этилди.

Ички ишлар вазирлигининг Малака ошириш институти таркибига Академиянинг касбий тайёргарлик факультетини ўтказиш тўғрисидаги таклифига розилик берилди.

Шундай тартиб ўрнатилдики, унга мувофиқ:

➤ Малака ошириш институтининг касбий тайёргарлик факультетида (кейинги ўринларда — касбий тайёргарлик факультети) беш ойлик дастур бўйича ички ишлар органларининг сержант таркибидаги лавозимларига номзодларни махсус касбий тайёрлаш амалга ошириладиган бўлди;

➤ касбий тайёргарлик факультетига қабул ички ишлар вазири томонидан белгиланадиган 200 нафаргача бўлган квоталар доирасида танлов асосида амалга ошириладиган бўлди ва таълим олувчиларга ўрнатилган тартибда стипендия тўланадиган бўлди ва моддий таъминоти белгиланди;

➤ касбий тайёргарлик факультетини тамомлаган ходимларга «кичик сержант» махсус унвони ҳамда белгиланган намунадаги диплом бериладиган бўлди.

Академия касбий тайёргарлик факультетининг моддий-техник ва ўқув-методик базаси Малака ошириш институтига тўлиқ ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси ва Малака ошириш институтининг касбий тайёргарлик факультетидаги таълим йўналишлари (мутахассисликлари) рўйхатлари 1 ва 2-иловаларга мувофиқ тасдиқланди.

**Ички ишлар органларида хизматни ўташ тартибига қуйидагиларни назарда тутувчи узлуксиз ўқув-карьера жараёни тизими 2021 йил 1 сентябрдан эътиборан жорий этиладиган бўлди:**

✚ ички ишлар органлари раҳбар таркибининг тегишли лавозимларига тайинланиш учун Академия магистратурасида ўқиш шартлиги белгиланди;

✚ ходимларга махсус унвонлар берилишининг ҳамда сафдор ва сержантлар таркибидаги ходимлар офицерлик лавозимларига тайинланишининг асосий талабларидан бири сифатида уларнинг қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларидан ўтиши зарурлиги белгиланди.

Белгиландики:

✚ ички ишлар органларининг узлуксиз ўқув-карьера жараёни тизими 3-иловага мувофиқ тартиб бўйича амалга ошириладиган бўлди;

✚ раҳбар таркибидаги тегишли лавозимларга тайинлаш учун Академиянинг иккинчи даражали магистратура дипломига эга бўлишга оид талаб 2022 йил 1 сентябрдан, биринчи даражали магистратура дипломига эга бўлишга оид талаб эса 2024 йил 1 сентябрдан кучга кирадиган бўлди.

Шундай тартиб ўрнатилдики, унга мувофиқ:

✦ Ички ишлар вазирлиги академик лицейларининг (кейинги ўринларда идоровий академик лицейлар) ҳуқуқшунослик фани бўйича идоровий фан олимпиадаси ғолиби бўлган битирувчиларининг Академияга ўқишга қабул қилиниши учун фақат махсус касбий танловдан муваффақиятли ўтишлари етарли деб ҳисобланадиган бўлди;

✦ 2021 йил 1 сентябрдан бошлаб ички ишлар органларининг сержант таркибидаги лавозимларида хизматни ўташ учун фақат олий маълумотга эга бўлган шахслар қабул қилинади ган бўлди;

✦ 2021 йил 1 сентябрдан бошлаб ички ишлар органларининг сафдор таркибидаги лавозимларига номзодлар фақат идоровий академик лицейлар, ҳарбий-академик лицейлар битирувчилари, профилактика инспекторининг

ёрдамчилари, шунингдек, олий маълумотга эга ёки сиртки таълим шакли бўйича таҳсил олаётган шахслар орасидан қабул қилинади ган бўлди;

❖ Академиянинг сиртки таълим шаклига Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгаши аппарати томонидан ҳар йили белгиланадиган қўшимча квота бўйича бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва Қуролли Кучларда камида уч йиллик ҳарбий хизмат (хизмат) стажига эга бўлган ҳарбий хизматчилар (ходимлар) тўлов-контракт асосида ўқишга қабул қилинадиган бўлди;

❖ Академия курсантларининг ўқишда, маънавий-маърифий ва спорт-маданий соҳаларда юқори натижаларга эришишга бўлган интилишларини рағбатлантириш мақсадида Ички ишлар вазирлигининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан қонунчиликда белгиланган меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг икки баравари миқдорида Жалолиддин Мангуберди номидаги идоравий стипендия таъсис этилди;

Идоравий стипендия тўғрисидаги низом тасдиқлади ва унинг ҳар ўқув йили якунига кўра 1 сентябрь куни берилиниши таъминланди.

идоравий академик лицейлар ва Ички ишлар вазирлиги Ихтисослаштирилган мактаб-интернатининг ўқишда юқори натижаларга эришган ўқувчилари учун кўкрак нишони таъсис этилди.

Қуйидаги ҳуқуқлар берилди:

ички ишлар вазирига:

→ Академия ва Малака ошириш институти касбий тайёргарлик факультетининг таълим йўналишлари (мутахассисликлари) рўйхатларига мавжуд эҳтиёжни инобатга олган ҳолда ўзгартиришлар киритиш;

→ идоравий академик лицейларнинг иқтидорли ўқувчиларига улар ҳузурида тузиладиган комиссияларнинг тавсияларига кўра, бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан индивидуал стипендиялар бериш;

→ Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси билан келишилган ҳолда ички ишлар органлари ходимлари (ҳарбий хизматчилари) учун Академиянинг сиртки таълим шаклига белгиланган қабул квотасининг 50 фоизигача бўлган миқдорда тўлов-контракт асосида қўшимча квота киритиш;

→ Ички ишлар вазирлигининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан бир ўқув йили даврига Академиянинг ихтисослаштирилган кафедраларига уларнинг штатлар сонининг 30 фоизигача бўлган миқдорда ўқитувчиларнинг қўшимча штат бирликларини киритиш;

→ ички ишлар вазири ўринбосарларига — Малака ошириш институтида ички ишлар органларининг тегишли раҳбарлари ва ходимлари учун қайта тайёрлаш ва малака ошириш бўйича навбатдан ташқари қўшимча ўқув йиғинларини ташкил этиш бўйича таклифлар киритиш;

→ Академия бошлиғига — бюджетдан ташқари, шу жумладан тўлов-контракт асосида ўқитиш маблағлари ҳисобидан ўқув жараёнига шартнома асосида, биринчи навбатда етакчи хорижий таълим муассасаларидан юқори илмий-педагогик маҳоратга эга бўлган малакали мутахассисларни жалб этиш

ва меҳнат бозорида амалдаги конъюнктурани инобатга олган ҳолда уларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш миқдорини белгилаш.

→ Академияда амалдаги ўқув дастурлари бўйича ўқитиш уларнинг муқаддам ўрнатилган тартибда яқунлангунига қадар сақланиб қоладиган бўлди;

→ Академиянинг хизматчилар ҳисобланган бошқарув ва профессор-ўқитувчилар таркибидаги ходимларига аввалги иш жойи бўйича берилган мартаба даражалари учун белгиланган устама ҳақлари (мавжуд бўлса) сақланиб қоладиган бўлди;

→ Академияда тўлов-контракт асосида ўқитиш маблағлари унинг бюджетдан ташқари ҳисоб рақамига тушади ва ушбу маблағларнинг 50 фоиздан кам бўлмаган қисми таълим жараёнига шартнома асосида малакали мутахассисларни жалб этишга, шунингдек, профессор-ўқитувчилар таркиби, илмий ва ўқув-ёрдамчи ходимларни ҳар ойлик моддий рағбатлантиришга йўналтириладиган бўлди;

→ Академияда тўлов-контракт асосида ўқитиш ставкалари ҳар йили ички ишлар вазири томонидан белгиланадиган бўлди;

→ мазкур қарорда назарда тутилган чора-тадбирларни амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар Ички ишлар вазирлигининг асослангандиган ҳисоб-китобларига кўра ҳар йили ажратиладиган бюджет маблағлари, Ички ишлар вазирлигининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳамда қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга ошириладиган бўлди.

### **Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясидаги таълим йўналишлари (мутахассисликлари) РЎЙХАТИ**

Т/р	Йўналиш (мутахассислик) номи	Бериладиган малака	Таълим шакли	Таълим муддати
<b>И. Бакалаврият</b>				
1.	Тергов фаолияти	юрист	кундузги	3 йил
2.	Тезкор-кидирув фаолияти	юрист	кундузги	3 йил
3.	Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти	юрист	кундузги	3 йил
4.	Эксперт-криминалистика фаолияти	юрист	кундузги	3 йил
5.	Жиноий жазоларни ижро этиш	юрист	кундузги	3 йил
6.	Хизмат фаолиятини тарбиявий-психологик таъминлаш	юрист-психолог	кундузги	3 йил
7.	Ташкилий-штаб фаолияти	юрист	кундузги	3 йил
8.	Ҳуқуқбузарликларни олдини олиш ва фош этиш фаолияти	юрист	сиртки	4 йил/3 йил**
<b>II. Магистратура</b>				
9.	Ташкилий-тактик бошқарув	II даражали магистр-юрист	кундузги	1 йил
10.	Ташкилий-стратегик бошқарув	I даражали магистр-юрист	кундузги	1 йил

**Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Малака ошириш  
институтининг касбий тайёргарлик факультетидаги таълим  
мутахассисликлари**

**РЎЙХАТИ**

<b>Т/р</b>	<b>Мутахассислик номи</b>	<b>Бериладиган малака</b>	<b>Таълим шакли</b>	<b>Таълим муддати</b>
1.	Йўл-патруль фаолияти	мутахассис	кундузги	5 ой
2.	Паспорт тизимини таъминлаш	мутахассис	кундузги	5 ой
3.	Патруль-пост фаолияти	мутахассис	кундузги	5 ой
4.	Жазоларни ижро этиш фаолияти	мутахассис	кундузги	5 ой
5.	Тарбиявий фаолият	мутахассис	кундузги	5 ой
6.	Махсус операцияларни амалга ошириш фаолияти	мутахассис	кундузги	5 ой
7.	Маъмурий-хўжалик таъминоти	мутахассис	кундузги	5 ой

**Мустақил тайёргарлик учун топшириқ:**

Ички ишлар органлари учун профессионал кадрларни тайёрлашнинг янги тизими мазусини ўқиб ўрганиш ва конспектлаштириш.

**Назорат учун саволлар туркуми:**

1. Ички ишлар органлари учун мутахассислар тайёрлашнинг мутлақо янги тизимини жорий этиш.

2. Ички ишлар вазирлиги Малака ошириш институтига юридик шахс мақоми берилиши ва унинг фаолияти асосий йўналишлари.




## 13-мавзу: Ички ишлар органлари учун профессионал кадрларни тайёрлашнинг янги тизими.

Семинар машғулоти 2-соат.

### Семинар машғулоти.

Ушбу ўқув машғулоти “*Давра суҳбати*” интерфаол методидан фойдаланиш орқали ўтказилади.

“Давра суҳбати” методи – айлана стол атрофида берилган саволлар юзасидан тингловчилар томонидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдириш орқали олиб бориладиган ўқитиш методидир.



“Давра суҳбати” методи қўлланилганда стол-стулларни доира шаклида жойлаштириш керак. Бу ҳар бир тингловчининг бир-бири билан “кўз алоқаси”ни ўрнатиб туришига ёрдам беради. Давра суҳбатининг оғзаки ва ёзма шакллари мавжуддир. Оғзаки давра суҳбатида ўқитувчи мавзунини бошлаб беради ва тингловчилардан

ушбу савол бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришларини сўрайди ва айлана бўйлаб ҳар бир таълим олувчи ўз фикр-мулоҳазаларини оғзаки баён этадилар.

Сўзлаётган тингловчини барча диққат билан тинглайди, агар муҳокама қилиш лозим бўлса, барча фикр-мулоҳазалар тингланиб бўлингандан сўнг муҳокама қилинади. Бу эса тингловчиларнинг мустақил фикрлашига ва нутқ маданиятининг ривожланишига ёрдам беради.

### Ўқув машғулотнинг саволлари:

1-савол: Ички ишлар органлари учун мутахассислар тайёрлашнинг мутлақо янги тизимини жорий этиш.

2-савол: Ички ишлар вазирлиги Малака ошириш институтига юридик шахс мақоми берилиши ва унинг фаолияти асосий йўналишлари.

3-савол: Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясидаги таълим йўналишлари (мутахассисликлари) рўйхати.

4-савол: Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Малака ошириш институтининг касбий тайёргарлик факультетидаги таълим мутахассисликлари рўйхати.

5-савол: Ички ишлар органларидаги узлуксиз ўқув-карьерга жараёни тизими.

**14-мавзу: Ички ишлар органларида профессионал кадрларни тайёрлашда узлуксиз ўқув-карьера жараёни тизимининг аҳамияти.**

Маъруза машғулоти 2-соат.

**Режа:**

1-савол. Ички ишлар органларида узлуксиз ўқув-карьера жараёни тизими асосида кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этиш тартиби.

2-савол. Хизмат, жанговар ва жисмоний ҳамда маънавий-маърифий тайёргарлик.

3-савол. Узлуксиз ўқув-карьера жараёни тизимини ташкилий таъминлаш ва мониторинг қилиш.

**1-савол: Ички ишлар органларида узлуксиз ўқув-карьера жараёни тизими асосида кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этиш тартиби.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 15 апрелдаги ПҚ–5076-сон “Ички ишлар органлари учун профессионал кадрларни тайёрлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2021 йил 27 августда “Ички ишлар органларида узлуксиз ўқув-карьера жараёни тизимини ташкил этиш тўғрисида”ги 310-сонли буйруғи тасдиқланди.

Мазкур буйруқнинг 1-иловасига мувофиқ “Ички ишлар органларида узлуксиз ўқув-карьера жараёни тизими асосида кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этиш тартиби тўғрисида”ги низом тасдиқланди.

Мазкур Низом ички ишлар органларининг узлуксиз ўқув-карьера жараёни тизими асосида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг профессионал кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва ходимларнинг малакасини ошириш соҳасидаги фаолиятини белгилайди.

Фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда қонун устуворлигини таъминлаш, шунингдек ўзларига юклатилган вазифаларни самарали бажариш мақсадида ички ишлар органлари ходимлари ўз малакаси ва касбий даражасини мунтазам равишда ошириб боришлари шарт.

Ички ишлар вазирлиги олий таълим муассасаларининг кундузги таълим шаклига ўқишга кирган шахслар курсантлар сафига, сиртқи таълим шаклига, магистратурага, касбий тайёргарлик факультетига ўқишга кирганлар, шунингдек бошланғич, қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларига жалб этилганлар тингловчилар сафига қабул қилинади.

## **Ўзлуксиз ўқув-карьера жараёни тизими асосида кадрларни тайёрлаш қуйидагилардан иборат:**

- ➔ бошланғич касбий тайёргарлик;
- ➔ махсус касбий тайёргарлик;
- ➔ қайта тайёрлаш;
- ➔ малака ошириш;
- ➔ олий таълим;
- ➔ бошқарув кадрларини тайёрлаш;
- ➔ олий таълимдан кейинги таълимда ўқиш;
- ➔ хизмат, жанговар ва жисмоний ҳамда маънавий-маърифий

тайёргарлик.


Бошланғич касбий тайёргарлик, қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларини муваффақиятли тамомлаган ходимларга белгиланган намунадаги сертификатлар берилади.


Қайта тайёрлаш ва малака ошириш сертификати электрон шаклда ҳам расмийлаштирилиши мумкин. Ички ишлар вазирлиги олий таълим муассасаларида бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари битирувчиларига тегишли давлат намунасидаги диплом берилади.

Ички ишлар вазирлиги таълим муассасаларининг тингловчилари ва курсантлари ички ишлар органларида хизматда деб ҳисобланади, чет эл фуқаролари бундан мустасно.

**Бошланғич касбий тайёргарлик** – ички ишлар органларидаги хизматга биринчи марта қабул қилинган ходимларда ўз хизмат вазифаларини бажариш учун зарур билим ва кўникмаларни шакллантириш ҳамда уларнинг махсус тайёргарликка эга бўлишини таъминлаш бўйича ўқув тайёргарлигини амалга оширишдан иборат.

**Бошланғич касбий тайёргарлик Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Малака ошириш институти томонидан қуйидаги тартибда ўтказилади:**

 ички ишлар органларининг сафдорлар таркиби лавозимларига биринчи марта тайинланган ходимлар билан муддати уч ойгача бўлган кундузги ва сайёр курсларда;

 ички ишлар органларининг офицерлик лавозимларига биринчи марта тайинланган ходимлар (фуқаровий олий маълумотга эга бўлганда) билан муддати 3 ойгача бўлган кундузги ва сайёр курсларда.

Кундузги ўқитиш шаклидаги курсларда ходимлар Малака ошириш институти базасида (ўқув полигониди), сайёр курсларда институтнинг филиалларида бошланғич касбий тайёргарликдан хизматдан ажралган ҳолда ўтадилар.

Бошланғич касбий тайёргарлик сайёр курсида ўқиш учун фақатгина аёл ходимлар ва Ички ишлар вазирлиги томонидан белгиланадиган айрим лавозимлардаги ходимларга рухсат берилади.

**Қуйидаги ходимлар бошланғич касбий тайёргарликдан ўтказилмайди:**

❖ Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони, қарори ва фармойишига асосан лавозимга тайинланган ходимлар;

❖ Ўзбекистон Республикаси олий ҳарбий таълим муассасалари, олий ихтисослаштирилган таълим муассасалари, Малака ошириш институти касбий тайёргарлик факультетининг махсус касбий тайёрлаш курси, Ички ишлар вазирлиги томонидан келишув асосида ўқишга юборилган хорижий давлатларнинг олий таълим муассасаларининг битирувчилари сирасидан бўлган ходимлар;

❖ Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари тизимига кирадиган вазирлик ва идоралардан ички ишлар органлари хизматида ўтказилган ходимлар;

❖ Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Махсус тайёргарлик ўқув марказида тасдиқланган мутахассисликлар рўйхати бўйича (кинолог, сапёрлик иши, портлаш техникаси ва бошқалар) ўқитиладиган ходимлар.

Бошланғич касбий тайёргарликдан ўтмаган ходимларни бошқа лавозимга ўтказиш, шунингдек хизмат фаолиятида махсус воситалар ва ўқотар қурол қўллаш билан боғлиқ шароитларда ҳаракатланиши ва фойдаланиши тақиқланади.

Ички ишлар органларига хизматга қабул қилинган кундан бошлаб, бир ойдан кечиктирилмаган муддатда ходимлар бошланғич касбий тайёргарликдан ўтказиш учун юборилиши шарт.

Бошланғич касбий тайёргарлик курсларига узрли сабабларга кўра (касаллиги, яқин қариндошларининг вафот этганлиги ва шу каби бошқа фавқулодда ҳолатлар) ўз вақтида кела олмаган ёки курс давомида узрли сабабларга кўра ўқишни тўлиқ яқунлашга имкони бўлмаган ходимларнинг ўқиш муддати бошқа муддатга кўчирилади, улар ўз хизмат фаолиятини тўлиқ тиклаганидан кейин навбатдаги курсларда ўқишга рухсат берилади.

Бунда ходим томонидан узрли ҳолат юз берганлигини тасдиқловчи ҳужжат ва курсларда ўқиш учун юборган ички ишлар органи раҳбарининг маълумотномаси тақдим этилиши керак.

Бошланғич касбий тайёргарлик бўйича ўқув дастурлари Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири томонидан тасдиқланади.

Бошланғич касбий тайёргарлик курсини муваффақиятли тугатганлиги тўғрисидаги сертификатни олган ходимлар жисмоний куч ишлатиш, махсус воситалар ва ўқотар қуролни қўллаш ҳамда мустақил равишда хизмат фаолиятини олиб бориш ҳуқуқига эга бўлади ҳамда кейинги хизматини давом эттириш учун ўрнатилган тартибда ички ишлар органларига юборилади.

Бошланғич касбий тайёргарлик курси давомида ўқишдан четлаштирилган (узрли сабабларга кўра четлаштирилганлар бундан мустасно), шунингдек, тегишли сертификатни олмаган тингловчиларнинг Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 ноябрдаги ПҚ-3413-сон қарори билан тасдиқланган Ички ишлар органларида хизматни ўташ тартиби тўғрисидаги низом талабларига асосан ички ишлар органларида хизматда қолиш ёки қолмаслик масаласи вазирликнинг таркибий тузилмалари ва ҳудудий бўлинмаларидаги навбатдан ташқари аттестация комиссиялари томонидан кўриб чиқилади.

**Махсус касбий тайёргарлик** - Малака ошириш институтининг касбий тайёргарлик факультетида беш ойлик дастур бўйича ички ишлар органларининг сержант таркибидаги лавозимларига номзодларни махсус касбий тайёрлаш амалга оширилади.

Касбий тайёргарлик факультетига қабул ички ишлар вазири томонидан белгиланадиган 200 нафаргача бўлган квоталар доирасида танлов асосида амалга оширилади ҳамда таълим олувчиларга ўрнатилган тартибда моддий таъминот белгиланади.

Касбий тайёргарлик факультетига қабул қилиш тартиби Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири томонидан тасдиқланади.

Сержантлар таркибини махсус касбий тайёрлаш жараёни уларнинг бошланғич тайёргарликдан ўтишини ҳам қамраб олади.

Касбий тайёргарлик факультетини тамомлаган ходимларга “кичик сержант” махсус унвони ҳамда белгиланган намунадаги диплом берилади.

Касбий тайёргарлик факультетини тамомлаган ходимлар жисмоний куч ишлатиш, махсус воситалар ва ўқотар қуролни қўллаш ҳамда мустақил равишда хизмат фаолиятини олиб бориш ҳуқуқига эга бўлади ва кейинги хизматини давом эттириш учун ўрнатилган тартибда ички ишлар органларига юборилади.

Махсус касбий тайёрлаш курси давомида ўқишдан четлаштирилган, шунингдек, тегишли дипломни олмаган тингловчилар ўқишга киришдан олдин ички ишлар органларининг ходимлари ва ҳарбий хизматчилари сирасидан бўлганлар ўз хизмат ўташ жойига қайтариб юборилади.

Фуқаролар орасидан қабул қилинган тингловчиларнинг Махсус касбий тайёрлаш курси давомида ўқишдан четлаштириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги таълим муассасалари курсант ва тингловчиларининг ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби тўғрисидаги низомига мувофиқ амалга оширилади.

**Қайта тайёрлаш** - Ички ишлар органлари ходимлари бошқа турдаги касбий фаолият билан боғлиқ лавозимга тайинланганда ёки уларни янги йўналишлар бўйича тайёрлаш зарур бўлганида, шунингдек, сафдор ва сержантлар таркибидаги ходимларни офицерлик лавозимларига тайинланишидан олдин қайта тайёргарликдан ўтиши шарт.

Агар ходим илгари шу мутахассислик лавозими бўйича ишлаган ва бошқа мутахассислик лавозимига тайинланиб хизматни давом эттираётганлигига уч йил тўлмаган тақдирда мутахассислик бўйича қайта тайёрлаш курсидан ўтиши мажбурий эмас.

Ички ишлар органларининг сафдорлар таркиби лавозимларида хизмат ўтаётган ходимларни (фуқаровий олий маълумотга эга бўлганда) офицерлик лавозимларига тайинлаш учун Малака ошириш институти базасида (ўқув полигонида) муддати бир ойгача бўлган кундузги қайта тайёрлаш курсларда ўқитилади.

Бунда ходимларнинг офицерлик лавозимларига тайинлаш учун мутахассислиги ёки амалий иш тажрибаси инобатга олинади.

Ички ишлар органларининг сержантлар таркиби лавозимларида хизмат ўтаётган ходимларни (фуқаровий олий маълумотга эга бўлганда) офицерлик лавозимларига тайинлаш учун Малака ошириш институти базасида (ўқув полигонида) ҳамда Махсус тайёргарлик ўқув марказида муддати бир ойгача бўлган кундузги қайта тайёрлаш курсларда ўқитилади.

Ички ишлар органларининг офицерлар таркиби лавозимларида хизмат қилаётган ходимларни Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясида ўқитилиши белгиланган бошқа мутахассислик лавозимларига тайинлаш учун муддати уч ҳафтагача бўлган кундузги қайта тайёрлаш курсларда Малака ошириш институти базасида (ўқув полигонида) ва унинг филиалларида сайёр курсларда хизматдан ажралган ҳолда ўқитилади.

Айрим офицерлик лавозимларига тайинлаш учун ихтисослашган қайта тайёргарлик талаб қилинганда, ходимларни турдош йўналишдаги республика олий таълим муассасалари базасида қайта тайёрлашни ташкил этиш мумкин.

Қайта тайёргарлик бўйича ўқув дастурлари Ички ишлар вазири томонидан тасдиқланади.

Қайта тайёрлаш курси тингловчиси курс якунида якуний аттестациядан ўтиши керак, бунда аттестация жараёнида тингловчи томонидан битирув иши химоя қилиниши ёки якуний имтиҳондан ўтказилиши мумкин.

Якуний аттестациядан муваффақиятли ўта олмаган тингловчи ўз хизмат жойида мустақил равишда ўқув дастурини қайта ўзлаштирганидан кейин бир ой ичида якуний аттестацияни қайта топширишига рухсат этилади.

Қайта тайёрлаш курсини узрли сабабларга кўра тугата олмаган тингловчиларга навбатдаги ташкил этиладиган курсларда қатнашишига рухсат берилади.

Қайта тайёргарлик курсларини муваффақиятли тугатганлиги тўғрисидаги сертификат ходимларни қайта тайёрлашга юборилган офицерлик лавозимларига тайинлаш, шунингдек, офицерлик махсус унвонига эга бўлмаганларга биринчи “лейтенант” махсус унвонини бериш учун асос бўлиб ҳисобланади.

Қайта тайёрлаш бўйича бериладиган сертификат фақат муайян лавозимда фаолият кўрсатиш ҳуқуқини беради ва ходимларни бошқа мутахассислик талаб этиладиган лавозимларга тайинлаш тақиқланади.

Ички ишлар вазирлиги таълим муассасаларининг илмий-педагог ходимларини педагогик қайта тайёрлаш қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда бошқа шаклларда ҳам амалга оширилиши мумкин.

Тошкент давлат юридик университетининг Ихтисослаштирилган филиалига қайта тайёрлаш дастури бўйича ўқишга Ички ишлар вазирининг тавсияси асосида олий ноюридик маълумотга эга бўлган амалдаги ходимлар белгиланган тартибда эгаллаб турган лавозими ва пул таъминоти сақлаб қолинган ҳолда қабул қилинади.

**Малака ошириш** – ходимларнинг ички ишлар органлари хизмат фаолиятига оид касбий билим, малака ва кўникмаларини узлуксиз равишда ошириб бориш, шунингдек, ходимларга махсус унвонлар берилишининг ҳамда раҳбарлик лавозимларига тайинланишининг асосий талабларидан бири сифатида ўқув тайёргарлигини амалга оширишдан иборат.

**Малака ошириш жараёнлари узлуксиз ўқув-карьер жараёни тизими бўйича қуйидагиларни ўз ичига олади:**

- белгиланган раҳбарлик лавозимларига тайинлаш учун ўқитиш;
- навбатдаги махсус унвонлар бериш учун ўқитиш;
- касбий билим, малака ва кўникмаларини ошириш учун узлуксиз ўқитиш.

Ички ишлар органларининг офицерлар таркиби лавозимларида хизмат қилаётган ходимларни барча даражадаги бўлим бошлиқлари, туман (шаҳар, тармоқ) ички ишлар органлари бошлиғининг ўринбосари лавозимига тайинланишидан олдин малака ошириш курсларидан ўтиши шарт.

Бунда ходимлар уч ҳафтагача бўлган кундузги малака ошириш курсларида Малака ошириш институти базасида (ўқув полигониди) ва сайёр курсларда унинг филиалларида хизматдан ажралган ҳолда ўқитилади.

Малака ошириш натижасида бериладиган сертификат фақат муайян лавозимда фаолият кўрсатиш ҳуқуқини беради, сертификат олмаган ходимлар малака ошириш учун камида бир йилдан кейин қайта ўқишга юборилиши мумкин.

**Ходимларга навбатдаги махсус унвонлар бериш учун махсус малака ошириш курсларида ўқитишни ташкил этиш қўйидагича амалга оширилади:**

а) “катта сержант” махсус унвонини бериш учун уч ҳафтагача бўлган муддатда:

кундузги курсларда Малака ошириш институти ва Махсус тайёргарлик ўқув маркази базасида хизматдан ажралган ҳолда;

сайёр курсларда Малака ошириш институти филиаллари ва Махсус тайёргарлик ўқув маркази томонидан тегишли ички ишлар органлари базасида хизматдан ажралмаган ҳолда.

б) “капитан” махсус унвонини бериш учун ўн кунгача бўлган муддатда хизматдан ажралмаган ҳолда:

масофавий курсларда Малака ошириш институтининг масофавий таълим электрон платформасида;

сайёр курсларда Малака ошириш институти филиаллари ва Махсус тайёргарлик ўқув маркази томонидан тегишли ички ишлар органлари базасида.

в) “майор” махсус унвонини бериш учун уч ҳафтагача ва “подполковник” махсус унвонини бериш учун бир ойгача бўлган муддатда:

кундузги курсларда Малака ошириш институти ва Махсус тайёргарлик ўқув маркази базасида хизматдан ажралган ҳолда;

сайёр курсларда Малака ошириш институти филиаллари ва Махсус тайёргарлик ўқув маркази томонидан тегишли ички ишлар органлари базасида хизматдан ажралмаган ҳолда.

Ходимларга навбатдаги махсус унвонлар бериш муддати келишидан камида бир ой олдин ички ишлар органлари раҳбарлари уларни махсус малака ошириш курсларига юборилишини таъминлаши шарт.

Навбатдаги махсус унвонлар махсус малака ошириш курсларини муваффақиятли ўтаган ходимларга берилади. Рағбатлантириш чораси тариқасида муддатидан олдин махсус унвонлар берилиши бундан мустасно.

Махсус малака ошириш курсларини муваффақиятли тугатиб, тегишли сертификатни олган ходимлар ўқув аттестациясидан ўтган деб ҳисобланади ҳамда навбатдаги махсус унвон олиш учун тўғридан-тўғри тавсия этилади.

Махсус малака ошириш курсларига интизомий жазога эга, тиббий кўрик натижасига кўра антропометрик кўрсаткичларини (семизлик даражасига эга) яхшилаш учун тавсия этилганлар, хизмат ва жанговар тайёргарлик бўйича синовлардан қониқарсиз баҳоланганлар камчиликларни бартараф этгунга қадар юборилмайди.



Махсус малака ошириш курсларини узрли сабабларга кўра тугата олмаган тингловчиларга кейинги ташкил этиладиган курсларда қатнашишга рухсат берилади.

Махсус малака ошириш курсларида ўқишдан четлаштирилган ёки ўқув дастурларини ўзлаштира олмаган ходимлар олти ойдан кейин навбатдаги ташкил этиладиган курсларга юборилиши мумкин.

Махсус малака ошириш курсларида берилган сертификатлар белгиланган махсус унвонни олиш учун икки йил муддатга амал қилади.

**Ходимларнинг ички ишлар органлари хизмат фаолиятига оид касбий билим, малака ва кўникмаларини узлуксиз равишда ошириб бориш учун малака ошириш жараёни кредит-модуль тизими асосида қуйидагича ташкил этилади:**

- ❖ мақсадли йўналтирилган курсларда ўқитиш;
- ❖ республика ва хорижда малака ошириш курсларда ўқиш;
- ❖ стажировка (тажриба орттириш) ўташ;
- ❖ мустақил таълим орқали малака ошириш.

Кредит-модуль тизими малака оширишнинг 144 соатига мўлжалланган бўлиб, унда ўтказилган ҳар бир малака ошириш курси модуль деб ҳисобланади ва унинг ўқув юкламаси миқдори инобатга олинади.

**Кредит-модуль тизими бўйича мустақил малака ошириш** - Малака ошириш институти томонидан масофавий таълим порталида жойлаштириб бориладиган стандарт ўқув модулларини барча тоифадаги ходимлар томонидан хизматдан ажралмаган ҳолда, мустақил равишда ўзлаштириб боришни назарда тутади.

Бунда ходимнинг модулни ўқишининг сифати, ўзлаштириш учун белгиланган муддатга риоя этиши, видеоконференцалоқа орқали яқка тартибда билимини текшириш Малака ошириш институти томонидан белгиланадиган модуль раҳбари томонидан амалга оширилади.

Ходимга муваффақиятли ўзлаштирилган ҳар бир модуль учун малака оширганлик соатлари ҳисобланади.

Кредит-модуль тизими бўйича малака ошириш учун жалб қилинган ходим маълумотлари электрон портфолио тизимида киритилади ва кўрсаткичлар электрон мониторинг тизими орқали қайд этиб борилади.

Ходим календарь йили давомида белгиланган 144 соатлик малака ошириш юкламасини бажарса, унга Малака ошириш институти томонидан мазкур низомда белгиланган намунадаги сертификат берилади.

**Кредит-модуль тизими малака ошириш юкламасини бажариб, тегишли сертификат олган ходимга қуйидаги рағбатлантиришлар берилади:**

✓ ўқ отиш ва жисмоний тайёргарлик синовларидан муваффақиятли ўтганда тегишли малака тоифаларининг тест синовларидан озод қилинади;

✓ эгаллаган лавозимидан бир поғона юқори лавозимга тайинлаш учун тавсия этиш.

Ходимнинг хизмат фаолиятида икки йил ва ундан ортиқ танаффуслар бўлган тақдирда (бола парваришлаш таътиллари, хизматга қайта тикланиш ва хоказолар) малака ошириш ва қайта тайёрлаш курсларидан ўтиши лозим.

Ходимлар ўқув тайёргарлик шаклидан қатъий назар ҳар беш йилда малака ошириш курсларидан ўтишлари шарт.

**Олий таълим** - Ички ишлар органлари учун олий маълумотли кадрлар тайёрлаш ИИВ Академиясида ҳамда бошқа таълим муассасаларида, шунингдек, халқаро шартномалар асосида хорижий давлатлар таълим муассасаларида амалга оширилади.

**Ички ишлар органларида хизмат қилаётган ходимлар ўрнатилган тартибда қуйидаги олий таълимни олишлари мумкин:**

→ ИИВ Академиясининг бакалавр йўналишлари бўйича кундузги ва сиртқи таълим шаклида;

→ ИИВ Академиясининг магистратура мутахассисликлари бўйича кундузги таълим шаклида;

→ қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ фуқаровий олий таълим муассасаларига, шунингдек, республика давлат бошқаруви органларининг ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг таълим муассасаларида бакалавр йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича;

→ Ички ишлар вазирлигининг халқаро шартномалари асосида юборилган хорижий давлатлар таълим муассасаларида бакалавр йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича.

**Ички ишлар органлари учун бошқарув кадрларини тайёрлаш - ИИВ Академиясининг магистратура дастури бўйича:**

❖ иккинчи даражадаги “ташкилий-тактик бошқарув”;

❖ биринчи даражадаги “ташкилий-стратегик бошқарув” йўналишларида ташкил этилади.

**Олий таълимдан кейинги таълим** - Ички ишлар вазирлигининг таълим муассасалари учун илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш, ички ишлар органлари фаолиятини ривожлантириш ва мавжуд муаммоларнинг илмий ечимини ишлаб чиқиш ҳамда етук мутахассислар тайёрлаш сифатини ошириш мақсадларида ташкил этилади.

Олий таълимдан кейинги таълим тегишли докторлик диссертацияларини тайёрлаш ва ҳимоя қилиш мақсадида мутахассисликни чуқур ўрганишни ва илмий изланишлар олиб боришни назарда тутадиган таянч докторантура, докторантура ва мустақил изланувчанлик асосида илмий даражага эга илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлашни таъминлайди.

**Ички ишлар органлари ходимлари учун олий таълимдан кейинги таълим қуйидагича ташкил этилади:**

❖ ИИВ Академияси олий таълимдан кейинги таълим институтида (таянч докторантура, докторантура) ўрнатилган тартибда таълим олиш;

❖ республика таълим муассасалари ва илмий муассасаларида ўрнатилган тартибда мустақил изланувчилик (хизматдан ажралмаган ҳолда докторлик диссертацияларини тайёрлаш ва ҳимоя қилиш) асосида илмий изланишлар олиб бориш;

❖ Ички ишлар вазирлиги томонидан келишувлар (меморандум, шартнома) асосида хорижий давлатларда илмий изланишлар олиб бориш ва тегишли дастурлар асосида (адъюнктура ва бошқалар) ўқиш.

Илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш, илмий даражалар ва илмий унвонлар бериш тартиби, шунингдек, ҳарбий, тиббиёт ва бошқа таълим ташкилотларида олий таълимдан кейинги таълим олиш хусусиятлари қонунчилик ҳужжатларида белгиланади.

ИИВ Академиясининг ихтисослаштирилган кафедраларида бир йилдан ортиқ педагогик фаолият билан шуғулланган, “майор” махсус унвонига эга ходимлар “подполковник” махсус унвонига тавсия этилиши мумкин.

Фалсафа доктори (PhD), фан номзоди, фан доктори (DSc) илмий даражаларини олган ходимлар белгиланган раҳбарлик (ўқув-услубий бошқармаси, кафедра, факультет бошлиқлари, профессор, доцент) лавозимларига тайинланиш, шунингдек тегишли махсус унвонларни олиш ҳуқуқига эга бўлади.

Ички ишлар органларининг фалсафа доктори (PhD), фан номзоди ва фан доктори (DSc) илмий даражаларига эга ходимларига белгиланган тартибда “уста” малака тоифаси берилади, шунингдек, соҳавий ихтисослиги йўналишида илмий тадқиқотлар олиб борган, илмий даража ёки илмий унвонга эга ходимлар касбий билим, малака

ва кўникмаларини ошириш учун узлуксиз ўқитиш курсларида малака оширишдан озод этилади.

**2-савол: Хизмат, жанговар ва жисмоний ҳамда маънавий-маърифий тайёргарлик.**

**Хизмат, жанговар ва жисмоний тайёргарлик** - ходимларнинг ўз хизмат вазифаларини, шу жумладан жисмоний куч ишлатиш, махсус воситалар ва ўқотар қурол қўллаш билан боғлиқ шароитларда бажариш учун зарур бўлган касбий билим ва кўникмаларини такомиллаштириш мақсадида ташкил этилади.

**Хизмат, жанговар ва жисмоний тайёргарлик ходимларнинг хизмат ўташ жойлари бўйича ички ишлар органларининг базасида, Ички ишлар вазири томонидан тасдиқланадиган машғулотларни ўтказиш қоидалари асосида қуйидаги йўналишларда ўтказилади:**

- ➔ хизмат тайёргарлиги;
- ➔ жанговар тайёргарлик;
- ➔ жисмоний тайёргарлик;
- ➔ ахлоқий-психологик тайёргарлик.

Хизмат, жанговар ва жисмоний тайёргарлик жараёнини ташкилий ва методик жиҳатдан таъминлаш ички ишлар органларининг кадрлар билан ишлаш бўлинмалари томонидан, унинг ўтказилишини назорат қилиш ички ишлар органларининг раҳбарлари томонидан амалга оширилади.

Хизмат, жанговар ва жисмоний тайёргарлик назарий ва амалий машғулотлари (шу жумладан, ўқув полигон машқлар, комплекс тактик машқлар ва бошқа), мустақил тайёргарлик ва синовлардан (тест, амалий ўқотиш ва жисмоний тайёргарлик нормативларини топшириш) иборат бўлади.

**Ходим хизмат, жанговар ва жисмоний тайёргарлик бўйича ўқув йили якунида синовлар қуйидаги мақсадларда ўтказилади:**

- ходимнинг жисмоний куч ишлатиш, махсус воситалар ва ўқотар қурол қўллаш билан боғлиқ шароитларда ҳаракатланишига касбий яроқлилигини даврий текшириш;
- ходимларга малака тоифаларини бериш учун уларнинг салоҳиятини аниқлаш.

Ходим хизмат, жанговар ва жисмоний тайёргарлик бўйича ўқув йили якунида қабул қилинадиган синовлар натижаларига кўра умумий қониқарсиз баҳоланган ходимлар даврий текширувдан ўта олмаган деб ҳисобланади.



Ходимнинг тайёргарлик даражаси қониқарсиз деб топилганда, ушбу ходим жисмоний куч ишлатиш, махсус воситалар ва ўқотар қуролни қўллаш бўйича малакаларини ошириш учун алоҳида ташкил этиладиган курсларда ўқитиш учун юборилади.

Курслардан муваффақиятли ўта олмаган ходимлар Ички ишлар вазирлигининг идоравий ҳужжатлар талаблари асосида аттестациядан ўтказилади.

Хизмат вазифаларини виждонан бажариб келаётган, юксак касбий тайёргарлик даражасига эришган, юксак маънавий-ахлоқий хислатларга эга бўлган, шунингдек, хизмат, жанговар ва жисмоний тайёргарлик бўйича ўқув йили якунида қабул қилинадиган синовлар натижаларига кўра ходимларга ҳар ойлик қўшимча тўловни назарда тутувчи малака тоифалари берилади.

Малака тоифаларини бериш тартиби ва шартлари Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири томонидан белгиланади.

Ички ишлар органларида ходимларни Ички ишлар органларида маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш Концепциясига мувофиқ, маънавий-маърифий тайёргарлик доирасида маърифат дарслари, тарбиявий ишлар, мураббийлик фаолияти, интизомий ва фахрийлар кенгашлари, маънавий-маданий тадбирлар ва бошқалар ташкил этиб борилади.

Ички ишлар органларида ходимлар билан олиб бориладиган маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш Ички ишлар вазирлигининг идоравий ҳужжатлар билан тартибга солинади.

### **3-савол: Узлуксиз ўқув-карьерга жараёни тизимини ташкилий таъминлаш ва мониторинг қилиш.**

Ички ишлар органларида кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишда режалаштириш ва ўқитишни ташкил этиш тадбирлари ягона маълумотлар базаси - “**Е-о‘quv-karyera**” электрон платформаси имкониятларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилади.

“**Е-о‘quv-karyera**” электрон платформасининг базаси Ички ишлар вазирлиги Касбий тайёргарлик бошқармаси, таълим муассасалари ва ички ишлар органларининг кадрлар билан ишлаш бўлинмаларини ягона электрон тизимга интеграция қилиш орқали қамраб олинади.

**“E-o‘quv-karyera”** электрон платформасининг базасига техник ва дастурий таъминот орқали ҳимояланган ҳолда узлуксиз ўқув-карьера жараёни учун зарурий маълумотлар жойлаштирилиб, ҳар бир ходимнинг “электрон портфолио”си яратилади.

**Ходимнинг “электрон портфолио”си унинг ички ишлар органларида бутун фаолияти давомида юритилиб, қуйидагиларни таъминлаш учун хизмат қилади:**

✎ ходимни қайта тайёрлаш ва унинг малакасини оширишни тизимли ва ўз вақтида ташкиллаштириш;

✎ ходимни хизматга қабул қилинган кундан бошлаб касбий фаолиятини мониторинг қилиб бориш;

✎ ходим учун таълим жараёнини рақамли технологиялар асосида индивидуаллаштириш, унинг ахборот технологиялари имкониятларидан фойдаланиш даражасини ошириш;

✎ ходим учун масофавий таълимни янада такомиллаштириш ва унинг мустақил таълим олиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш.

**“E-o‘quv-karyera”** электрон платформасининг базасига киритилган барча маълумотларнинг тўғрилиги ва тўлиқлигига, ўз вақтида киритилишига ҳамда уларнинг ошкор этилмаслигига Ички ишлар вазирлигининг таркибий ва ҳудудий тузилмалари, таълим муассасалари раҳбарлари томонидан белгиланган шахслар масъул ҳисобланадилар.

Ички ишлар вазирлигининг таълим муассасалари “электрон портфолио” тизимига кўра курсларда иштирок этиши лозим бўлган ходимлар, ўқитишнинг шакллари ва муддати тўғрисида ички ишлар органларини хабардор қилади.

Ички ишлар органлари ўқишга жалб этилган ходимларни курслар ўтказилиши белгиланган жойларга ва ўрнатилган муддатда етиб боришини таъминлайди.

Тингловчиларни курсларга қабул қилиш ва яқунлаш тўғрисидаги буйруқ тегишли равишда Ички ишлар вазирлигининг таълим муассасаларининг бошлиғи томонидан имзоланади.

Курслар бошланишига етиб келмаган ходимлар, сабабларидан қатъий назар, курсларга қўйилмайди. Курсларга ўз вақтида келмаган ходимлар ўқишнинг тегишли йўналиши бўйича навбатдаги курсларда ўқишга жалб этилади.

Ички ишлар вазирлигининг таълим муассасалари тегишли чоралар кўрилиши учун ходимларнинг курсларга ўз вақтида келмаганлиги ҳолати тўғрисида ички ишлар органларига хабар беради.

## **Узлуксиз ўқув-карьерга жараёни тизимини бошқариш, унинг субъектлари.**

Ички ишлар органлари узлуксиз ўқув-карьерга жараёни тизимини ташкил этиш ва бошқариш Ички ишлар вазирлиги Марказий аппаратининг таркибий тузилмалари ва ҳудудий ички ишлар органлари билан таълим муассасалари ўртасида ўзаро алоқадорлик тамойиллари асосида амалга оширилади.

Ички ишлар вазирлиги ички ишлар органлари ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимига умумий раҳбарлик қилади, унинг тизимини такомиллаштириш механизмлари ва методларини белгилайди, фаолиятини мувофиқлаштиради.

## **Ўқитишнинг масофавий ва мобилъ сайёр шаклини ташкил этиш ва ўтказиш.**

Малака ошириш курсларида масофавий ўқитишнинг шакли махсус виртуал курслар фаолият кўрсатадиган, ахборот-коммуникация воситалари ёрдамида ахборотларни узатиш ва қабул қилиш учун зарур база билан жиҳозланган ҳамда тегишли моддий-техника, ўқув-методик базага ва ходимлар салоҳиятига эга бўлган таълим муассасалари томонидан ташкил этилади.

Масофадан ўқитиш ходимларни асосий иш жойидан ажралмаган ҳолда (қисман ажралган ҳолда) ўқув дастурларини мустақил ўзлаштириши асосида амалга оширилади.

Масофавий курслар бошланишидан уч кун олдин тингловчиларга таълим муассасаси томонидан электрон портфолио логини ва пароли берилади. Тингловчилар ўзига берилган логин ва парол ёрдамида таълим муассасаси расмий веб-сайтнинг “Масофавий курслар” бўлимига киради ва тизимда ўзининг шахсий кабинетига эга бўлади.

Тингловчига берилган логин ва паролни ҳамда унинг шахсий кабинетидан бошқа шахслар томонидан фойдаланиш тақиқланади.

Тингловчининг шахсий кабинетидан бошқа шахслар фойдаланишини олдини олиш мақсадида химоя усулларида фойдаланилади.

Масофавий ўқитиш жараёнида тингловчилар фаолияти, таълим жараёнини мувофиқлаштириш ва йўналтириш, тингловчиларга зарур методик ёрдам бериш, яқка тартибдаги машғулоти бажариш юзасидан назоратни амалга ошириш ва тингловчилар билимларини баҳолаш тьютор (ўқитувчи-консультант) томонидан амалга оширилади.

Тьютор билан алоқа Интернет орқали (электрон почта, телефон ва бошқа электрон алоқа воситалари ёрдамида) амалга оширилади. Шунингдек, тьютор билан алоқа контакт-сессиялар (бевосита юзма-юз мулоқот) тарзида амалга оширилиши мумкин.

Масофавий ўқитиш якуни бўйича тингловчининг ўзлаштириш кўрсаткичлари портфолиода қайд этиб борилади.

Масофавий ўқитиш дастурларига махфий ва грифли маълумотлар жойлаштириш ҳамда улардан фойдаланган ҳолда масофавий ўқитиш қатъиян тақиқланади.

**Мобиль сайёр ўқитиш шакли** - ходимлар билан бевосита ҳудудларга чиққан ҳолда жойларда бошланғич касбий тайёргарлик, қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларини ўтказишда қўлланилади.

**Мобиль сайёр ўқитишнинг мақсади** – курсларга максимал даражада тингловчилар контингентини қамраб олган ҳолда уларга маълумотларни тезкорлик билан етказиш, мобиль сайёр гуруҳлари томонидан машғулотларни жойларда ўтказиш эвазига тингловчилар контингенти учун зарур бўладиган йўлқира, яшаш ва бошқа сарф-харажатлар миқдорини минималлаштириш, ҳудудий ички ишлар органларида шахсий таркибга юклатилган иш ҳажмининг ортиб кетишига йўл қўймаслик ҳамда маҳаллий шароитлардан келиб чиқиб, ўтилаётган ҳар бир мавзунини амалиётга уйғунлигини таъминлаган ҳолда ходимларнинг касбий билим, малака ва кўникмаларини оширишдан иборатдир.

**Ўқув жараёнини ташкил этиш ва таълим сифатини назорат қилиш.**

Узлуксиз ўқув-карьер тизимида ўқув жараёнлари давлат таълим стандартлари, малака талаблари, ўқув дастурлари ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талаблари, шунингдек, таълим муассасаларининг Уставлари асосида амалга оширилади.

Ички ишлар вазирлиги таълим муассасаларида ўқув, ўқув-методик, илмий-тадқиқот ва маънавий-маърифий ишларни олиб бориш тартиби Ички ишлар вазирлигининг идоравий ҳужжатларига асосан белгиланади.

ИИБ Академиясининг бакалавр йўналишига ўқишга кирган курсантлар ҳамда бошланғич ва махсус касбий тайёрлаш курслари тингловчилари ўқишининг биринчи оғи давомида ўқув полигониди тегишли тайёргарликдан ўтказилгандан сўнг “Ички ишлар органларида хизматни ўташ тартиби тўғрисидаги Низом”да белгиланган тартибда **қасамёд қабул қилади**.

Масофавий ўқитишни ташкил этиш ва ўтказиш ички ишлар вазирлиги томонидан белгиланади, масофавий ўқитиш тингловчига ўқув-методик материалларни етказиш, унинг ўзлаштириш даражасини аниқлаб бориш ва қайд этиш, билимларини назоратдан ўтказиш тартиби ўқув дастурларида ҳамда таълим муассасаларининг ички меъёрий ҳужжатларида белгиланади.

Масофавий ўқитиш якуни бўйича тингловчининг ўзлаштириш кўрсаткичлари электрон портфолиода қайд этиб борилади.

**Ходим қуйидаги ҳолларда курслардан ўқишдан четлаштирилади:**

• ўз хоҳишига биноан – ходимнинг билдиргиси асосида;

• ўқув ва хизмат интизомини ва таълим муассасасининг ички тартиб-қоидаларини бузганда;

• ўқув машғулотларини узрли сабабларсиз 10 фоиздан ортиқ қисминини ва соғлиғининг ҳолатига кўра 25 фоиздан ортиқ қолдирганлиги сабабли;



- ўқув дастурларини ўзлаштирмаганлиги учун;
- соғлиғи туфайли ўқишни тугатиш имконияти йўқлиги учун (харбий-тиббий комиссия маълумотномаси асосида);
- суднинг қонуний кучга кирган ҳукмига асосан озодликдан маҳрум этилганда;
- вафот этганда.

Шунингдек, тингловчилар Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг идоравий ҳужжатларига мувофиқ ҳамда бошқа асосларга кўра ҳам ўқишдан четлаштирилиши мумкин.

Ходимни курслардан четлаштириш таълим муассасаси бошлиғининг буйруғи билан расмийлаштирилади. Мазкур буйруқда четлаштириш сабаби ва асослари кўрсатилади.

Ушбу буйруқдан кўчирма ва ўқишдан четлаштириш учун асос бўлган ҳужжатлар бир иш куни ичида ходимни юборган ички ишлар органига юборилади.

Ўқиш даврида тингловчиларга нисбатан қўлланилган интизомий жазо юзасидан тўпланган ҳужжатлар унинг шахсий ҳужжатлар йиғма жилдида сақланиши учун хизмат жойларига юборилади.

Бундан ташқари, салбий ҳолат туфайли тингловчилар сафидан ўчирилган ходимларга нисбатан хизмат жойида хизмат текшируви ўтказилиб, уларга нисбатан тегишли чоралар кўрилади.

Бошланғич касбий тайёргарлик, махсус касбий тайёргарлик, қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларидан четлаштирилган тингловчилар ўқишга қайта тикланмайди.

ИИВ Академияси курсант ва тингловчиларининг ўқишини ўтказиш, ўқишга тиклаш ва ўқишдан четлаштириш Ички ишлар вазирлигининг идоравий ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Ички ишлар вазирлиги таълим муассасаларида таълим сифатини назорат қилиш ва баҳолашда ички назорат – таълим муассасалари томонидан, ташқи назорат – Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси ва Ички ишлар вазирлиги томонидан амалга оширилади.

### **Мустақил тайёргарлик учун топшириқ:**

Ички ишлар органларида профессионал кадрларни тайёрлашда узлуксиз ўқув-карьера жараёни тизимининг аҳамияти мазусини ўқиб ўрганиш ва конспектлаштириш.

### **Назорат учун саволлар уркуми:**

1. Ички ишлар органларида узлуксиз ўқув-карьера жараёни тизими асосида кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этиш тартиби.

2. Хизмат, жанговар ва жисмоний ҳамда маънавий-маърифий тайёргарлик.

**14-мавзу: Ички ишлар органларида профессионал кадрларни тайёрлашда узлуксиз ўқув-карьера жараёни тизимининг аҳамияти.**

Семинар машғулоти 2-соат.

**Семинар машғулоти**

Ушбу ўқув машғулоти “Ақлий хужум” методидан фойдаланиш орқали ўтказилади.

Мавзу юзасидан тингловчиларга саволлар ташланади. “Ақлий хужум” методи орқали уларнинг мавзу бўйича билимлари аниқланади.

“Ақлий хужум” методининг босқичлари қуйидагилардан иборат: ходимларга савол ташланади ва уларга шу савол бўйича ўз жавобларини (фикр, ғоя ва мулоҳаза) билдиришларини сўралади; ходимларлар савол бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришади; ходимларнинг фикр-ғоялари (диктофонга, видеотасмага, рангли қоғозларга ёки доскага) тўпланади; фикр-ғоялар маълум белгилар бўйича гуруҳланади; юқорида қўйилган саволга аниқ ва тўғри жавоб танлаб олинади.

**Ўқув машғулотнинг саволлари:**

1-савол: Ички ишлар органлари учун профессионал кадрларни тайёрлашнинг янги тизими ҳуқуқий асослари.

2-савол: Академиянинг магистратура дастури бўйича ўқитиш.

3-савол: Малака ошириш институти фаолияти асосий йўналишлари.

4-савол: Академиянинг сиртки таълим шакли.

5-савол: 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб, Ички ишлар вазирлигининг Академиясида кадрларни тайёрлаш жараёни.

**15-мавзу: Ички ишлар органларида формали кийим-бошни кийиб юриш қоидалари.**

Маъруза машғулоти 2-соат.

**Режа:**

1-савол. Ички ишлар органларида формали кийим-бошни кийиб юриш қоидалари.

2-савол. Формали кийим-бошни кийиб юриш тартиби.

3-савол. Ички ишлар органларининг эксперт-криминалистика бўлинмаларида махсус кийимни кийиб юриш қоидалари.

4-савол. Ордон, медаль ёки уларнинг планкаларини ва кукрак нишонларни тақиб юриш тартиби.

## 1-савол: Ички ишлар органларида формали кийим-бошни кийиб юриш қоидалари.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 15 июлдаги “Давлат органлари ходимларининг формали кийим-бош кийиб юриши тартибини мақбуллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4394-сон Қарорига мувофиқ ички ишлар органларида формали кийим-бошни кийиб юриш тартиби белгилаб берилган.

Ички ишлар органлари ходимларига, харбий хизматчиларига, таълим муассасаларининг тингловчи ва курсантларига (кейинги ўринларда ходимлар деб аталади) фақат мазкур қоидалар билан белгиланган тартибда формали кийим-бошни кийиб юришга рухсат этилади.

Ички ишлар органларида формали кийим-бошнинг қуйидаги турлари кийилади:

- ❖ тантанали формали кийим-бош;
- ❖ кундалик формали кийим-бош;
- ❖ дала (камуфляжли) формали кийим-бош;
- ❖ махсус (махкама) формали кийим-бош.

Ушбу формали кийим-бошлар - эркаклар ва аёлларники, мавсумга қараб қишки ва ёзгига бўлинади.

Формали кийим-бошни мавсумга қараб ўзгартириш тегишли харбий гарнизон бошлиғининг буйруғи асосида амалга оширилади.

Формали кийим-бош қуйидаги ҳолларда кийилади:

❖ **тантанали формали кийим-бош** - расмий, байрам, тантанали ва халқаро тадбирларда, суд мажлисларида, оммавий ахборот воситалари билан учрашувлар ва интервьюларда, уқув машғулотларида, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Президент Администрацияси ҳамда Вазирлар Маҳкамасида ўтказиладиган йиғилишларда мазкур қоидаларнинг 1-иловасига мувофиқ;



❖ **кундалик формали кийим-бош** - кундалик хизмат фаолиятида бевосита аҳоли билан ишлашда (тезкор ва тергов бўлинмаларидан ташқари), хизмат йиғилишларида, ўқитувчилар дарс машғулотларида, шунингдек бўлинмаларнинг соҳасидан қатъий назар раҳбарлар таркибига кирувчи ходимлар томонидан мазкур Қоидаларнинг 2-иловасига мувофиқ;



❖ **дала (камуфляжли) формали кийим-бош** - ўқув-амалий машғулотлар даврида, фавқулодда вазиятларда, ҳарбий (алоҳида) ҳолатда ва махсус операцияларни ўтказиш вақтида, шунингдек, курсантлар таълим муассасаси ҳудудида мазкур қоидаларнинг 3-иловасига мувофиқ;



❖ **махсус (маҳкама) формали кийим-бош** - ушбу турдаги кийим-бошни кундалик хизмат фаолиятида кийиши белгиланган соҳа ходимлари томонидан вазифаларини бевосита хизмат хоналарида (бино, транспорт воситаси, ҳарбий қисм) амалга ошириш вақтида, аудитория машғулотларида ва хизмат йиғилишларида мазкур қоидаларнинг 4-иловасига мувофиқ.



Ходимларга оммавий ва қишлоқ хужалиги тадбирларига ҳамда йўл-патруль хизмати стационар постларига хизматни ўташга жалб қилинган вақтда махсус (маҳкама) формали кийим-бошни кийиб юришга рухсат этилади.

Ходимлар мазкур қоидаларнинг 5-иловасига мувофиқ хизматни формали кийим-бошда ёки формали кийим-бош сирасига кирмайдиган кийимларда ўтайди.

Ички ишлар вазирлиги Махсус операцияларни мувофиқлаштириш бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлинмалари ходимларининг махсус кийим-бошни кийиб юриш тартиби Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири томонидан белгиланади.

Хизматни формали кийим-бош сирасига кирмайдиган кийимларда ўташи белгиланган ходимлар мазкур қоидаларнинг 6-иловасида белгиланган талабларга риоя этишлари лозим.

Мазкур қоидаларнинг 3-бандида назарда тутилган формали кийим-бошларни бевосита хизмат вазифаларини бажариш билан боғлиқ бўлмаган вақтларда куча ва жамоат жойларида, шу жумладан шахсий ва жамоат транспортида хизматни ўташ жойига уйдан келиб-кетишда кийиб юриш таъқиқланади, кундалик хизмат фаолиятида бевосита аҳоли билан ишлайдиган, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, йўл ҳаракати хавфсизлиги, патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бўлинмалари ҳамда Транспортда хавфсизликни таъминлаш бош бошқармасининг саф бўлинмалари ходимлари бундан мустасно.

Йиғилишлар ва бошқа тадбирларни ўтказишда кийиладиган формали кийим-бошлар ички ишлар органлари бошлиқлари томонидан, саф кўриги

вақтида кийиладиган формали кийим-бошлар Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири томонидан белгиланади.

Формали кийим-бош белгиланган талабларга жавоб бериши ҳамда ҳар томонлама нуқсонсиз ҳолатда кийиб юрилиши лозим.

Ходимларнинг формали кийим-бошни ушбу қоидаларда назарда тутилмаган, ўзгартирилган ҳамда тартибга келтирилмаган, тозаланмаган, шунингдек фуқаролик кийими билан аралаш ҳолда кийиб юришига йўл қўйилмайди.

## **2-савол: Формали кийим-бошни кийиб юриш тартиби.**

Офицер, сержант ва сафдор (шартнома асосидаги ҳарбий хизматчи)ларга формали кийим-бошни кийиб юришда қуйидагилар рухсат этилади:

сафдан ташқари қишки кундалик формали кийим-бошни кийиб юришда кулоқчинли телпак ўрнига қишки кепи кийишга;

кадрлар бўлинмаларининг жанговар, хизмат ва жисмоний тайёргарликни ташкиллаштириш бўлинмалари ходимларининг хизмат вазифаларидан келиб чиқиб, хизмат ўташ даврида махсус (маҳкама) формали кийим-бошни ёки спорт кийимларини кийиб юришга;

ички ишлар органлари, қоровул қўшинлари ҳамда халқаро аэропортларда хавфсизликни таъминлаш бўйича қўшинлар оркестр ва ансамбллари ходимлари расмий, ҳарбий, тантанали ва бошқа маданий-маърифий маросимларда, шунингдек телевидение орқали чиқишларида тантанали формали кийим-бош кийишга.

Бош кийимлар тўғри ҳолатда кийилади. Фуражка ва кепининг соябони қош даражасида, кулоқчинли телпакнинг олд қисмининг пастки қирраси қошдан 2 см. юқорида бўлади.

Формали кийим-бошнинг бош кийимларига мазкур Қоидаларнинг 7-иловасида белгиланган кокардалар тақилади.

Эгаллаб турган лавозимининг унвон поғонаси полковник бўлган ходимлар формали кийим-бош билан фуражка (қишки мавсумда кулранг кулоқчинли қоракўл телпак) кийишлари мумкин.

Ходимлар махсус (маҳкама) ва дала (камуфляжли) формали кийим-бошни хизмат вазифаларидан келиб чиқиб, баланд қўнжли ботинка ўрнига қора рангли туфли билан кийишларига рухсат этилади.

Офицерлар таркибидаги ходимларнинг тантанали ва кундалик формали кийим-боши қўйлақларининг пастки қисми резина чок билан тикилган, сафдор ва сержантлар, шунингдек таълим муассасалари тингловчи ҳамда курсантларининг тантанали ва кундалик формали кийим-боши қўйлақларининг пастки қисми резина чок билан тикилмаган бўлади.

Ходимларнинг барча турдаги формали кийим-боши учун белгиланган погонлар ҳамда уларга ўрнатиладиган фарқловчи белгилар мазкур Қоидаларнинг 8 ва 9-иловаларига мувофиқ тақилади.



Генераллар таркибининг формали кийим-бошига погонлар куйидагича тақилади:

мундирга – зарҳал рангли;

кундалик пальто, китель ва кундалик кўйлақларга – денгиз тўлқини рангли;

дала (камуфляжли) формали кийим-бошга – “соя” (кўкимтир, қора тусли) рангли;

оқ кўйлақка – зарҳал ипдан тўқилган оқ рангли.

Шунингдек, генераллар таркибига кийиб юришга рухсат этилади:

қишки хизмат кийимини кийишда кулоқчинли қорақўл телпак ўрнига фуражка;

кундалик хизмат кийимини кийишда китель ўрнига ярим жунли куртка;

кундалик хизмат кийимини кийишда мавсумий пальто ўрнига куртка.

Махсус (махқама) ва дала (камуфляжли) формали кийим-бошнинг погонига ўрнатиладиган фарқловчи белгиларнинг ипдан тикилишига рухсат этилади.

Аёллар таркибининг тантанали ва кундалик формали кийим-боши юбкасининг ўлчамлари мазкур Қоидаларнинг 10-иловасига мувофиқ бўлиши лозим. Уларга формали кийим-бош кўйлақларининг пастки қисми резина чок билан кийиб юришга рухсат этилади.

Галстукни тақишда мазкур Қоидаларнинг 11-иловасида белгиланган қисқич кўйлақнинг юқоридан 3 ва 4-туғмалари оралиғига жойлаштирилади.



Тантанали формали кийим-бошнинг фуражкалари ушбу Қоидаларнинг 12-иловасига мувофиқ белгиланган ўлчамларга мувофиқ бўлиши талаб этилади.

Формали кийим-бошнинг пойабзали қора рангда бўлиши ҳамда қора ёки тўқ кўк рангли пайпоқ билан кийилиши лозим.

Ходимлар формали кийим-бошни ва формали кийим-бош сирасига кирмайдиган кийимларини ташқи кўриниши (соч, соқоли) тартибга келтирилган ҳолда кийиб юришлари лозим.

Аёллар формали кийим-бош ва формали кийим-бош сирасига кирмайдиган кийимларини хизматга келиб-кетиш ва хизматда кийган вақтида сочи бир турмакли, тартибга келтирилган бўлиши лозим. Тақинчоқлардан фақат никоҳни англатувчи узук ва ортиқча эътиборни жалб қилмайдиган ихчам сирға тақишга рухсат этилади.

Формали кийим-бошнинг чап енгига шевронлар мазкур Қоидаларнинг 13-иловасига мувофиқ барча турдаги формали кийим-бошнинг елка чокидан 12 см., енги калта кўйлақда эса 7 см. пастга тикилади.

Курсантларнинг ўқиш босқичини англатувчи белгилари барча турдаги формали кийим-бошнинг чап енгига тикилган шеврондан кейин 1 см. пастга жойлаштирилади.

Тезкор-тергов гуруҳи таркибида ички ишлар органлари тергов бўлинмаларининг терговчи (суриштирувчи) ходимлари ходиса жойига чиқилганда мазкур Қоидаларнинг 14-иловаси мувофиқ терговчи (суриштирувчи)нинг нимчасида бўлади.

Етарлича кўриш имконияти бўлмаган, куннинг қоронғи вақтида ва тунда йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлинмалари ходимлари мазкур Қоидаларнинг 15-иловасида кўрсатилган йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлинмалари ходимининг тунги нур қайтарувчи нимчасида хизмат олиб боради.

### **3-савол: Ички ишлар органларининг эксперт-криминалистика бўлинмаларида махсус кийимни кийиб юриш қоидалари.**

Мазкур Қоидалар ички ишлар органларининг эксперт-криминалистика бўлинмаларида махсус кийимни кийиб юриш тартибини белгилайди.

Ушбу Қоидаларда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**эксперт-криминалист** – ҳодиса жойида ашёвий далилларни аниқлаш, олиш ва улар бўйича дастлабки тадқиқотлар ўтказиш учун жалб этилган ҳамда махсус билимлар асосида илмий асосланган хулоса берувчи ички ишлар органлари эксперт-криминалистика бўлинмалари ходими;

**эксперт-криминалистика бўлинмалари ходимларининг махсус кийими** (кейинги ўринларда махсус кийим деб аталади) – ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш жараёнида эксперт-криминалистларнинг ҳар хил юқумли касалликлар, заҳарли моддалар билан зарарланишидан сақловчи, уларни бошқа шахслардан ажратиб турувчи, ашёвий далилларни ҳеч қандай бузилишларсиз соф ҳолда олинишини таъминлайдиган ва махсус лабораторияларда тадқиқот ўтказиш жараёнида ашёвий далилларга бегона предметларни аралаштиридан ҳимоя қилувчи кийимлар ва махсус ёрдамчи анжомлар мажмуи;

**махсус лаборатория** – ашёвий далил сифатида олинган гиёҳвандлик воситалари ва уларнинг аналоглари, психотроп, прекурсорлар, ДНК, портловчи, заҳарли моддалар ҳамда воситалар бўйича физикавий-кимёвий илмий-тадқиқотлар ўтказиш учун мўлжалланган махсус жиҳозланган хона.

Махсус кийимлар Ички ишлар вазирлиги Моддий-техника таъминоти бошқармасининг буюртмасига асосан, ушбу Қоидаларнинг иловасига мувофиқ тайёрланади.

### **Эксперт-криминалистика бўлинмалари ходимларининг махсус кийимлари турлари.**

Махсус кийимлар ушбу Қоидалар билан белгиланган талабларга қатъий риоя қилган ҳолда кийилади.

Махсус кийимлар қуйидаги турларга бўлинади:

а) тергов-тезкор гуруҳи таркибидаги эксперт-криминалистнинг ҳодиса жойини кўздан кечиришда киядиган махсус кийими;



б) эксперт-криминалистнинг лаборатория шароитида киядиган махсус кийими.



Махсус кийимлар қуйидагича кийилади:

а) оғир ва ўта оғир турдаги жинойтлар (мурдалар, инсон танаси бўлаклари ва суяк қолдиқлари, қон доғлари ва бошқа биологик ашёвий далилларни олиш билан боғлиқ) ҳодиса жойларини кўздан кечиришда – оч рангли комбинезон, нафас олиш аъзоларини ҳимояловчи ниқоб (респиратор), кўзни ҳимояловчи шаффоф пластик кўзойнак, резина қўлқоп (жарроҳликка оид), пойафзал учун баҳила;

б) сутканинг намгарчилик об-ҳаво шароитида ҳодиса жойларини кўздан кечиришда – сув ўтказмайдиган тўқ рангли матодан тайёрланган енгил куртка;

турли хилдаги асбобларни (чўтка, қайчи, валик, скотч ва бошқалар) қўллаш билан боғлиқ ҳодиса жойларини кўздан кечиришда – тўқ рангли юкни енгиллаштирувчи нимча. Ушбу нимча тўқ рангли ёзги бош кийим (бейсболка) ва тўқ рангли қишки қулоқчинли бош кийим билан кийилади;

в) ботқоқли дала ҳудудлари, ёнғин содир бўлган объектлар, электр токи шикаст етказиш хавфи мавжуд бўлган жойлар, лой-қўлмакли подваллар ва бошқа зарурият жойларни кўздан кечиришда – тўқ рангли баланд қўнжли резина этик;

г) ички ишлар органлари эксперт-криминалистика бўлинмаларининг махсус лабораторияларда тадқиқот ўтказиш вақтида – лаборатория шароитида фойдаланиладиган тўқ рангли махсус кийим.

### **Эксперт-криминалистика бўлинмалари ходимларининг махсус кийимларини кийиб юриш тартиби.**

Махсус кийимлар тоза ҳолда, қоматга мос ва тартибга келтирилган бўлиши керак.

Эксперт-криминалистларга тўқ рангли ёзги бош кийим (бейсболка) ва тўқ рангли қишки қулоқчинли бош кийимни формали кийим бош сирасига кирмайдиган кийим-бош билан кийишга рухсат этилади.

Махсус кийимлар хизмат хоналарида, ҳаракатланувчи криминалистик лаборатория автомобилларида ва ҳодиса жойини куздан кечириш жомадонларида сақланиши мумкин.

Оч рангли комбинезон (бегона заррача ёки биологик келиб чиқувчи доғлар мавжудлигини аниқлаш учун визуал куздан кечирилиши зарур, аниқланганида тозалаш ишларини амалга ошириш шарт) нафас олиш аъзоларини ҳимояловчи ниқоб (респиратор), кузни ҳимояловчи шаффоф пластик кузойнак ҳодиса жойидан қайтилганидан сўнг соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан рухсат этилган дезинфекцияловчи воситаларда зарарсизлантириб ювилган ҳолда бир неча бор фойдаланилиши мумкин.

Резина қўлқоп (жарроҳликка оид) ва пойафзал учун баҳиладан такроран (қайта) фойдаланишга рухсат этилмайди.



#### **4-савол: Орден, медаль ёки уларнинг планкаларини ва кўкрак нишонларни тақиб юриш тартиби.**

Орден, медаль ёки уларнинг планкалари ва кўкрак нишонларни фақат тантанали формали кийим-бошга тақиб юришга рухсат этилади.

Орден, медаль ёки уларнинг планкалари ва кўкрак нишонлар байрам кунлари ёки бошқа тантанали маросимларда тақилади.

Агар қонун ҳужжатларида орден, медаль ёки уларнинг планкалари ва кўкрак нишонларини тақишнинг бошқача қоидалари белгиланган бўлса, қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

Орден, медаль ва кўкрак нишонлари бир қаторга сиғмаса, кўкракнинг чап томонига ўнгдан чапга қараб, иккинчи ва кейинги қаторлар бўйича тақиб чиқилади.

Ўзбекистон Республикасининг барча медаллари кўкракнинг чап томонига орденлардан кейин тақилади. Кўкракнинг чап томонида икки ва ундан ортиқ медаль тақиб юрилганида, шунингдек медаллар орденлар билан бирга тақилганида уларнинг қадагич (колодка)лари умумий планкада бир қатор қилиб жойлаштирилади. Бунда, медаллар орденлардан кейин ўнгдан чапга қарата бир қатор қилиб тақилади.

Хорижий давлатларнинг орден ва медаллари Ўзбекистон Республикасининг орден ва медалларидан пастда тақилади. Ленталарга бириктирилган орден ва медаллар кўкракнинг чап томонига, лентасизлари эса ўнг томонига жойлаштирилади.

Орден ва медаллар ёки уларнинг планкалари, алоҳида фарқловчи белгилар (тоифали мутахассисларнинг, малака тоифаларининг ҳамда олий таълим муассасаларини тамомлаганда бериладиган кўкрак нишонлари) - тантанали формали кийим-бошда мазкур қоидаларнинг 16-иловасига мувофиқ тақилади.



Ички ишлар органлари, қоровул кўшинлари ҳамда халқаро аэропортларда хавфсизликни таъминлаш бўйича кўшинлар оркестр ва ансамбллари ходимларининг кўкрак белгилари мазкур қоидаларнинг 17-иловасига мувофиқ кўкракнинг чап томонига тақилади.

Ходимларда икки ва ундан ортиқ олий таълим муассасасини тамомлаганлик ҳақидаги кўкрак нишонлари мавжуд бўлса, уларнинг юқори даражалиси тақиб юрилади ўргандик.

### Мустақил тайёргарликучун топшириқ:

Ички ишлар органларида формали кийим-бошни кийиб юриш қоидалари мазусини ўқиб ўрганиш ва конспектлаштириш.

### Назорат учун саволлар туркуми:

1. Ички ишлар органларида формали кийим-бошни кийиб юриш қоидалари.
2. Ички ишлар органларининг эксперт-криминалистика бўлинмаларида махсус кийимни кийиб юриш қоидалари.
3. Ордон, медаль ёки уларнинг планкаларини ва кукрак нишонларни тақиб юриш тартиби.
4. Эксперт-криминалистика бўлинмалари ходимларининг махсус кийимларини кийиб юриш тартиби.
5. Эксперт-криминалистика бўлинмалари ходимларининг махсус кийимлари турлари.
6. Эксперт-криминалистика бўлинмалари ходимларининг махсус кийими.


### 15-мавзу: Ички ишлар органларида формали кийим-бошни кийиб юриш қоидалари.

Сеинар машғулоти 2-соат.

### Семинар машғулоти.

Ушбу ўқув машғулоти “Давра суҳбати” интерфаол методидан фойдаланиш орқали ўтказилади.

“Давра суҳбати” методи – айлана стол атрофида берилган саволлар юзасидан тингловчилар томонидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдириш орқали олиб бориладиган ўқитиш методидир.



“Давра суҳбати” методи қўлланилганда стол-стулларни доира шаклида жойлаштириш керак. Бу ҳар бир тингловчининг бир-бири билан “кўз алоқаси”ни ўрнатиб туришига ёрдам беради. Давра суҳбатининг оғзаки ва ёзма шакллари мавжуддир.

Оғзаки давра суҳбатида ўқитувчи мавзуни бошлаб беради ва тингловчилардан ушбу савол бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришларини сўрайди ва айлана бўйлаб ҳар бир таълим олувчи ўз фикр-мулоҳазаларини оғзаки баён этадилар.

Сўзлаётган тингловчини барча диққат билан тинглайди, агар муҳокама қилиш лозим бўлса, барча фикр-мулоҳазалар тингланиб бўлингандан сўнг муҳокама қилинади. Бу эса тингловчиларнинг мустақил фикрлашига ва нутқ маданиятининг ривожланишига ёрдам беради.

### **Ўқув машғулотнинг саволлари:**

1-савол: Ички ишлар органларида формали кийим-бошни кийиб юриш қоидалари.

2-савол: Формали кийим-бошни кийиб юриш тартиби.

3-савол: Ички ишлар органларининг эксперт-криминалистика бўлинмаларида махсус кийимни кийиб юриш қоидалари.

4-савол: Ордон, медаль ёки уларнинг планкаларини ва кукрак нишонларни тақиб юриш тартиби.

5-савол: Эксперт-криминалистика булинмалари ходимларининг махсус кийимларини кийиб юриш тартиби.

6-савол: Эксперт-криминалистика бўлинмалари ходимларининг махсус кийимлари турлари

### **16-мавзу: Ички ишлар органларида аттестация ўтказишни ташкил этиш.**

Маъруза машғулоти 2-соат.

#### **Режа:**

1-савол: Аттестацияни ташкил қилиш ва ўтказиш тартиби.

2-савол: Аттестация комиссиялари таркибини шакллантириш ва тасдиқлаш тартиби.

3-савол: Аттестацияга доир хужжатларни расмийлаштириш, кўриб чиқиш ҳамда аттестацияни ўтказиш тартиби тартиби.

#### **1-савол: Аттестацияни ташкил қилиш ва ўтказиш тартиби.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Миллий қонунчилик базасини комплекс тизимлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 30 апрелдаги ПФ–6218-сон Фармони, “Ички ишлар органлари кадрлари билан ишлаш ва уларнинг хизматини ташкил этиш тартибини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 29 ноябрдаги ПҚ–3413-сон ва 2022 йил 25 июлдаги ПҚ–333м-сон қарорларига мувофиқ, ички ишлар органларининг кадрлар билан таъминлаш фаолиятини такомиллаштириш ва самарали ташкил этиш мақсадида:

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг 2023 йил 20 февралда “Ички ишлар органларида кадрлар билан таъминлаш фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 75-сон буйруғи имзоланди.

Мазкур буйруқ 1-иловасида “Ички ишлар органларида кадрлар билан таъминлаш фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисида” Низом тасдиқланди.

Ушбу Низомнинг 6 бобида “Аттестацияни ташкил қилиш ва ўтказиш, аттестация комиссиялари таркибини шакллантириш ва тасдиқлаш” белгиланди.

Ички ишлар органларида аттестацияни ўтказиш Ички ишлар органларида хизматни ўташ тартиби тўғрисидаги Низомда белгиланган тартибда амалга оширилади.

Ички ишлар органларида аттестация ходимларнинг билим даражасини, ишга муносабатини, касбий тайёргарлигини, эгаллаб турган лавозимга лойиқлигини ҳолисона баҳолаш, мамлакатимизда олиб борилаётган давлат сиёсатининг мазмун-моҳиятидан хабардорлиги даражасини аниқлаш, шунингдек хизмат интизоми ва одоб-ахлоқ қоидаларини мустаҳкамлаш, зиммасига юклатилган вазифаларнинг бажарилиши чоғида уларнинг масъулиятини ошириш мақсадларида ўтказилади.

Аттестация ошкоралик, талабчанлик, принципиаллик ва хайрихоҳлик вазиятида ўтиши лозим.

Ходимлар хизмат даврида навбатдаги ва навбатдан ташқари аттестациядан ўтадилар.

Навбатдаги аттестациядан ўтказиш муддати лавозимга тайинланган ёки охириги аттестациядан ўтказилган кундан бошлаб ҳисобланади. Навбатдаги аттестация беш йилда бир марта ёки Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 15 апрелдаги ПҚ-5076-сон «Ички ишлар органлари учун профессионал кадрларни тайёрлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, фақат сержант ва катта лейтенант махсус унвонларини бериш учун ўтказилади.

**Ходимлар Ички ишлар органларида хизматни ўташ тартиби тўғрисидаги низомда белгиланган ҳолларда навбатдаги аттестациядан ўтказилмайди.**

**(ПҚ-3413 7 боб 92-банди: Қуйидаги ходимлар навбатдаги аттестациядан ўтмайдилар:**


Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланганлар;

эгаллаб турган лавозимида бир йилдан кам муддат хизмат қилганлар;

хизмат сафарида, даволанишда (ички ишлар органлари тиббиёт муассасаларида меҳнатга лаёқатсизлик варақаси очилган ҳолда) ва малака оширишда бўлганлар;

кадрлар захирасига киритилганлар. Ушбу тоифадаги ходимлар кадрлар захирасидан чиқарилиб, ички ишлар органларидаги лавозимга

тайинланган кундан бошлаб камида бир йил ўтганидан сўнг умумий тартибда аттестациядан ўтадилар;

 ҳомиладорлик, туғиш ва бола парваришlash таътилида бўлганлар. Бола парваришlash таътилида бўлган ходимлар хизмат вазифаларини бажаришга киришганларидан сўнг камида бир йил ўтганидан сўнг аттестациядан ўтадилар.)

Навбатдаги аттестация ўтказиш йиллик режаси ички ишлар органларининг кадрлар билан таъминlash бўлинмалари томонидан ушбу Низомнинг 11-иловасига мувофиқ шаклда тузилади ва тегишлилиги бўйича таркибий тузилма ва ҳудудий ички ишлар органлари бошлиқлари томонидан ҳар йили 1 январга қадар тасдиқланади (навбатдан ташқари аттестациядан ўтказиш бундан мустасно).

Ходимлар Ички ишлар органларида хизматни ўташ тартиби тўғрисидаги низомда белгиланган тартибда навбатдан ташқари аттестациядан ўтадилар.


*(Навбатдан ташқари аттестациядан иш кўрсаткичлари паст бўлган, касбий яроқлилигини аниқlash бўйича текширувдан ўта олмаган, хизмат интизомини қўпол тарзда бузган ёки мунтазам бузиб келётган, ички ишлар органлари ходимининг шаънига путур етказувчи ножўя ҳаракатлар содир этган ходимлар ўтадилар.*


*Навбатдан ташқари аттестация ўтказиш ҳақидаги қарорни лавозимга тайинlash ваколатига эга бўлган бошлиқ қабул қилади.)*

Кундалик фаолияти давомида фуқаролар билан бевосита ишловчи йўл-патруль ва патруль-пост хизматларининг сафдор ҳамда сержантлар таркиби лавозимларида хизмат қилаётган ходимлар ҳар **уч йилда** Вазирлик махсус аттестация комиссиясида навбатдан ташқари аттестациядан ўтказилади ва бунда мезонлардан бири сифатида уларнинг фуқаролар билан мулоқот даражаси баҳоланади.

Ушбу ходимлар билан ҳар икки йилда Вазирлик қўшинларининг ҳудудий ҳарбий қисмларида малака ошириш ўқув йиғинлари ташкил этилади.

### **Ички ишлар органларининг тиббиёт ва фармацевт ходимлари:**

 тиббиёт ва фармацевт ходимларининг малака тоифасини белгиlash Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 21 декабрдаги 276-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси давлат муассасаларининг тиббиёт ва фармацевтика ходимлари меҳнатига ҳақ тўlash тартиби ва шартлари тўғрисидаги низомга мувофиқ, вазирлик Тиббиёт бошқармаси ва ҳудудий органлар тиббиёт бўлимлари қошида ташкил этиладиган аттестация комиссиялари томонидан;

 эгаллаб турган лавозимига лойиқлигини аниқlash учун ёки сержант ва катта лейтенант махсус унвонларини бериш учун навбатдаги ҳамда Ички ишлар органларида хизматни ўташ тартиби тўғрисидаги низомда белгиланган тартибда навбатдан ташқари аттестациядан ўтказилади.

Аттестация ўтказишдан олдин мутахассис-психологлар томонидан аттестациядан ўтадиган ходимнинг психоэмоционал барқарорлигини ҳамда

муомала салоҳиятини аниқлаш мақсадида психологик тест олинади ҳамда индивидуал суҳбат ўтказилади. Тест ва суҳбат натижаси бўйича ҳар бир ходим бўйича хулоса тайёрланади.

Аттестацияда мутахассис-психологлар комиссия аъзоси сифатида иштирок этиб, хулосани комиссияга тақдим этади ва бу ходим бўйича якуний қарор қабул қилишда ҳисобга олинади.

Аттестация ўтказишдан олдин касбий тайёргарлик бўлинмалари томонидан ходимдан хизмат, жанговар ва жисмоний тайёргарлиги бўйича синовлар қабул қилинади ҳамда тиббиёт бўлинмаларидан ходим соғлиғининг умумий ҳолати ҳақида маълумотнома олинади.

Навбатдан ташқари аттестациядан ўтказилиши ҳақида қарор қабул қилинган ходимлар қарор қабул қилинган кундан бошлаб ўн кун ичида ушбу банднинг биринчи хат бошида белгиланган тартибда ҳамда бошқа тегишли ҳужжатлар асосида аттестациядан ўтказилади.

Касбий яроқлилигини аниқлаш бўйича текширувдан ўта олмаганлиги учун навбатдан ташқари аттестацияга қўйилган ходимлардан синовлар қабул қилинмайди, мутахассис-психологлар хулосаси ва бошқа тегишли ҳужжатлар асосида аттестациядан ўтказилади.

Аттестацияга тайёргарлик кўрилиши ва унинг ўтказилиши устидан назорат тегишли аттестация комиссияларининг котиблари зиммасига юклатилади.

## **2-савол: Аттестация комиссиялари таркибини шакллантириш ва тасдиқлаш тартиби.**

Ходимларни аттестациядан ўтказиш учун ички ишлар органларида камида етти кишидан иборат таркибда аттестация комиссиялари тузилади.

Вазирлик аттестация комиссиялари ҳамда ушбу комиссиялар томонидан аттестациядан ўтказиладиганлар таркиби Вазир томонидан тасдиқланади. Марказий аттестация комиссиясига Вазир раислик қилади.

Таркибий ва ҳудудий аттестация комиссиялари ҳамда ушбу комиссиялар томонидан аттестациядан ўтказиладиганлар таркиби ушбу бўлинмалар бошлиқлари томонидан тасдиқланади.

Ҳудудий ички ишлар органларида унвон поғонаси полковник этиб белгиланган лавозимларда хизмат қилаётган раҳбарлар – Қорақалпоғистон Республикаси ички ишлар вазири, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ички ишлар (бош) бошқармалари бошлиқлари раислигида, қолган шахсий таркиб – Маънавий-маърифий ишлар ва кадрлар билан таъминлаш хизмати бошлиқлари раислигида аттестациядан ўтказилади.

Аттестация комиссиялари таркибига мутахассис-психолог, шахсий хавфсизлик ва мурожаатлар билан ишлаш хизмати ходими мажбурий тартибда киритилади.

Аттестация комиссияси таркибига киритилган ходим меҳнат таътилида, хизмат сафарида бўлганида ёки вақтинчалик меҳнат лаёқатини йўқотганида, аттестация комиссияси раисининг рухсати билан бошқа масъул шахс иштирок этиши мумкин.

Вазир ёки унинг ўринбосари топшириғи бўйича Вазирлик аттестация комиссиясининг аъзолари ҳудудий ички ишлар органлари ва мустақил таркибий тузилмалари аттестация комиссиялари йиғилишларида иштирок этиши мумкин.

Марказий аттестация комиссияси йиғилишларига Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси, Вазирлар Маҳкамаси, бошқа вазирлик ва идораларнинг вакиллари таклиф этилиши мумкин.

### **Аттестация комиссияси раиси:**

- ❖ аттестация комиссияси мажлисларида раислик қилади;
- ❖ аттестацияни ўтказиш жойи ва муддатларини белгилайди;
- ❖ аттестациядан ўтказиладиганларнинг рўйхат бўйича таркибини белгилайди;
- ❖ аттестацияни ўтказиш бўйича бошқа ташкилий масалаларни ҳал қилади.

Аттестация комиссияси раиси бўлмаган тақдирда унинг вазифаларини раис ўринбосари амалга оширади.

Вазирлик ва унинг ҳудудий органларининг кадрлар билан таъминлаш бўлинмалари аттестация комиссиясининг ишчи органи ҳисобланади, у:

- ❖ аттестацияни ўтказиш жадвалини тузади ва уни тасдиқлаш учун аттестация комиссияси раисига тақдим этади;
- ❖ аттестациядан ўтадиган ходимларнинг тегишли маълумотларини шакллантиради ва тайёрлайди;
- ❖ аттестация комиссияси фаолиятини ташкил этишга доир бошқа функцияларни амалга оширади.

### **3-савол: Аттестацияга доир ҳужжатларни расмийлаштириш, кўриб чиқиш ҳамда аттестацияни ўтказиш тартиби тартиби.**

#### **Аттестацияга доир ҳужжатларни расмийлаштириш ва кўриб чиқиш тартиби.**

Аттестация комиссияси йиғилишига мазкур Низомнинг 12-иловасига мувофиқ ходимнинг охириги аттестациядан ўтказилган санаси ва аттестация комиссияси томонидан чиқарилган хулоса қайд этилган аттестация матни тақдим этилади.

Вазирлик таркибий тузилмалари бошлиқларининг аттестация матнлари Вазирнинг тегишли ўринбосарлари томонидан имзоланади.

Бевосита Вазирга бўйсунадиган таркибий тузилмалари бошлиқларининг аттестация матнлари Вазир ўринбосари – Маънавий-маърифий ишлар ва кадрлар билан таъминлаш департаменти бошлиғи томонидан имзоланади.

Ҳудудий бўлинмалар бошлиқларига бўйсунадиган хизматлар, туман (шаҳар) ички ишлар органлари раҳбарларининг аттестация матнлари Қорақалпоғистон Республикаси ички ишлар вазири, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ички ишлар бош бошқармалари ҳамда вилоятлар ички

ишлар бошқармалари бошлиқларининг ўринбосари – Маънавий-маърифий ишлар ва кадрлар билан таъминлаш хизмати бошлиқлари томонидан имзоланади.

**Аттестация матни ходимнинг хизмат фаолияти, ишчанлиги, ахлоқий, шахсий хислатларини чуқур ва ҳар томонлама ўрганиш асосида тузилади ва унда қуйидаги маълумотлар келтирилади:**

❖ охириг аттестация ўтгандан кейинги даврдаги хизмат фаолияти натижалари, қўйилган топшириқлар ижросини аниқ ва моҳирлик билан ташкил этиш, мураккаб вазиятларда тўғри қарор қабул қилиш қобилияти, зийраклиги, иш самарадорлигини оширишга интилиши, зеҳни, танқиддан тўғри хулоса чиқара олиши, камчиликларни бартараф эта олиши;

❖ махсус тайёргарлиги (маълумоти), хизмат мажбуриятларини бажариш сифати, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни билиш даражаси, назарий билимларни амалий фаолиятида қўллай олиши, муурожаатларни қонуний ҳал қилиши, шунингдек топширилган вазифани бажаришга ижодий ёндашиши;

❖ хизмат интизоми ва қонунийликка риоя этиши, давлат ва хизмат сирларини сақлай олиши, иш ва хизмат вазифаларига муносабати, касбий ва жанговар тайёргарлиги, фуқаролар билан мулоқот даражаси, хизматдаги қийинчиликларни қатъият билан енга олиши ва хизмат кийимини кийиб юриш маданияти.

**Қўл остидаги ходимларига нисбатан аттестация матнларини тузувчи бошлиқлар қуйидагиларга мажбур:**

❖ аттестациядан ўтиши лозим бўлган ходимлар билан дастлабки суҳбат ўтказиш;

❖ ўз ўринбосарлари билан бирга, жамоа фикрини инобатга олган ҳолда, аттестациядан ўтиши лозим бўлган ходимларнинг хизмат фаолиятини, раҳбариятнинг топшириқларини бажаришини, хизмат ўташ шароитларини таҳлил қилиш;

❖ яшаш жойидаги турмуш шароити ва ҳаёт тарзига оид маълумотларни ўрганиш ва тўплаш;

❖ аттестация матнини ҳар томонлама кўриб чиқиш, аттестациядан ўтиши лозим бўлган ходим ҳақидаги маълумотларнинг тўғрилигини текшириш, аттестация матни бўйича ўз хулосасини тайёрлаш ва тасдиқлатиш;

❖ аттестациядан ўтиши лозим бўлган ходимни аттестация ўтказилишидан камида бир ой олдин огоҳлантириб, камида ўн беш кун олдин аттестация матни билан таништиради (навбатдан ташқари аттестацияга қўйилган ходимлар бундан мустасно), бу ҳақда унинг тегишли қисмига имзо қўйдириш билан бирга, матнда келтирилган тавсифнома ва таклиф этилаётган хулоса бўйича ходимнинг розилиги ёки норозилиги (ходим аттестация матни тавсифномасининг мазмуни ёки хулосаларига қўшилмаган тақдирда) ҳақида ёзма равишда кўрсатиб ўтишини таъминлаш.

Аттестация матнини имзолаши лозим бўлган раҳбар эгаллаб турган лавозимида олти ойдан кам вақт хизмат қилаётган бўлса, ходимларнинг аттестация матнини унинг ўринбосари тузади ва имзолайди.



Аттестация матни комиссия йиғилишида аттестациядан ўтаётган ходим иштирокида кўриб чиқилади.

Ходим аттестациядан ўтиш вақтида аттестация матнида унинг хизматга нолийиклиги тўғрисида маълумотларни рад этувчи асослар келтирилган ҳолларда комиссияси томонидан аттестация матнида келтирилган раҳбар хулосасини рад этиши мумкин.

Ходимга тузилган ва имзоланган аттестация матни аттестация бошланишидан ўн кун олдин бош бошқарма, бошқарма, мустақил бўлинмалар бошлиқларининг илова хати билан Шахсий хавфсизлик бўлинмаларига юборилади.

Ходимни навбатдан ташқари аттестация ўтказиш ҳақидаги қарор қабул қилинганда зудлик билан ўрнатилган тартибда аттестация матни тузилиб, Шахсий хавфсизлик бўлинмаларига юборилади.

Шахсий хавфсизлик бўлинмалари беш кун муддат ичида аттестация матнини ҳар томонлама ўрганиб чиқади, аттестациядан ўтиши лозим бўлган ходимга нисбатан уни обрўсизлантирувчи маълумотлар бор-йўқлигини ва матнда келтирилган хулосаларнинг асосли эканлигини текширади ва натижаси бўйича аттестация матнининг тегишли қисмига қайд этади.

Хизмат интизомини қўпол тарзда бузган ёки мунтазам бузиб келаётган, ички ишлар органлари ходимининг шаънига путур етказувчи ножўя ҳаракатлар содир этганлиги учун хизмат текшируви хулосасига асосан навбатдан ташқари аттестацияга қўйилган ходимлар бўйича аттестация матни тақдим қилинмайди.

### **Аттестацияни ўтказиш тартиби.**

Аттестация ўтказиладиган санадан камида икки кун олдин комиссия котиби томонидан аттестацияни ўтказиш санаси ва жойи тўғрисидаги маълумотларни комиссия аъзолари ҳамда аттестациядан ўтадиган ходимларга маълум қилинади.

Аттестация комиссиясининг аъзолари ёки аттестациядан ўтиши лозим бўлган ходимлар узрли сабабларга кўра комиссия йиғилишида иштирок эта олмасалар, бу ҳақда бевосита бошлиғига олдиндан хабар беришлари шарт. Ходим аттестация комиссияси йиғилишига узрли сабаблар билан келмаган ҳолларда, аттестация комиссияси томонидан аттестация бошқа кунга ўтказилади.

Аттестация комиссияси йиғилишига узрсиз сабаб билан келмаган ходимга огоҳлантириш берилади. Аттестацияга узрсиз сабаб билан такроран келмаган ҳолда, аттестация комиссияси тақдим қилинган ҳужжатлар асосида аттестациядан ўтадиган ходимга нисбатан қарорлардан бирини (*қуйида келтирилган*) қабул қилиш ҳуқуқига эга.

Аттестация комиссияси, агар унинг мажлисида комиссия аъзоларининг ярмидан кўпи қатнашса ваколатли ҳисобланади.

Аттестациядан ўтаётган ходимнинг бевосита бошлиғи аттестация комиссияси мажлисида маслаҳат овози билан қатнашиши мумкин. Аттестация тугагандан кейин унинг фикр-мулоҳазаси эшитилади. Зарурат бўлганида

аттестация комиссияси йиғилишига аттестациядан ўтаётган ходим билан хизмат ўтаётган бошқа ходимлар ҳам таклиф этилиши мумкин.

Аттестация комиссияси мажлиси комиссия аъзоларини ходимнинг иш фаолияти, хизмат, жанговар ва жисмоний тайёргарлиги бўйича синов натижалари, соғлиғининг умумий ҳолати ҳақидаги ҳужжатлари билан таништиришдан бошланади.

Комиссия котиби аттестация матнини ўқиб бергач, ходим охириги аттестациядан кейинги даврда амалга оширган ишлари ҳақида ҳисобот беради.

Аттестация комиссияси аъзолари томонидан аттестациядан ўтаётган ходимга унинг билим даражасини ҳамда хизмат йўналишига оид вазирликнинг норматив ҳуқуқий ҳужжатлари талабларини қай даражада билишни аниқлаш мақсадида саволлар берилади.

Аттестация комиссияси ходимнинг билимлари, ишга муносабати, мамлакатимизда олиб борилаётган давлат сиёсатининг мазмун-моҳиятидан хабардорлиги, фуқаролар билан мулоқот даражаси, ташаббускорлиги, шахсий ва ахлоқий фазилатлари ҳамда иш тажрибасини ҳисобга олиб, қуйидаги қарорлардан бирини қабул қилади:

- ❖ эгаллаб турган лавозимига лойиқ;
- ❖ эгаллаб турган лавозимига лойиқ, навбатдаги сержант ёки катта лейтенант махсус унвонларига тавсия этилсин;
- ❖ эгаллаб турган лавозимига лойиқ, юқори лавозимга тайинлаш учун захирага олинсин;
- ❖ олти ойдан кейин аттестациядан қайта ўтиш шарти билан эгаллаб турган лавозимига лойиқ;
- ❖ малакаси етарли эмаслиги оқибатида эгаллаб турган лавозимига нолайиқ, ички ишлар органлари хизматидан бўшатилинсин;
- ❖ хизматни ўташ ҳамда хизмат мажбуриятларини бажаришда хато ва камчиликларга йўл қўйганлиги ёки хизмат интизомини бузганлиги учун (Ички ишлар органларида хизматни ўташ тартиби тўғрисидаги низомнинг 144-банди “и”, “к”, “м”, “п” кичик бандларининг бири ёки бир нечтасига мувофиқ) ички ишлар органлари хизматидан бўшатилинсин.

Аттестация комиссияси аттестация яқунлари бўйича қарор чиқариш билан бир вақтда ходим соғлиғининг ҳолатини инобатга олиб ёки шахсий илтимосига кўра иш ҳажми камроқ бўлган лавозимга тавсия этиш, шунингдек юзага келган зарурат билан боғлиқ бошқа қарорлар қабул қилиши мумкин.

Аттестация комиссияси томонидан олти ойдан кейин аттестациядан қайта ўтиш шарти билан эгаллаб турган лавозимига лойиқ деб топилган ходим қайта аттестациядан ўтказилгунига қадар ўз хизматида юқори лавозимга тайинланиши мумкин эмас.

Аттестациядан қайта ўтиш шарти билан эгаллаб турган лавозимига лойиқ деб топилиб, шу муддат ичида Ички ишлар органларида хизматни ўташ тартиби тўғрисидаги низомнинг 59-бандида белгиланган тартибда тенг ёки паст лавозимга ўтказилса қайта аттестациядан ўтказиш талаб этилмайди ва келгусида умумий асосларда (навбатдаги ёки навбатдан ташқари) аттестациядан ўтказилади.

(Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 ноябрдаги ПҚ-3413-сон қарорининг 1-илоvasи “Ички ишлар органларида хизматни ўташ тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 59-банди:

Ходимни лавозимдан лавозимга ўтказиш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

❖ **юқори лавозимга** — хизмат бўйича кўтарилиш ёки рағбатлантириш тартибида;

❖ **тенг лавозимга** — ўзининг хоҳишига кўра, соғлиғининг ҳолати бўйича (ҳарбий-тиббий комиссия хулосаси асосида), оилавий шароитга кўра, суд қарори асосида лавозимдан четлаштириш ёки бўш лавозимларни жамлаш зарурияти юзага келганида ходимнинг касбий ва шахсий хислатларини инобатга олиб, унинг эгаллаб турган лавозимидаги амалий тажрибасидан фойдаланиш мақсадида, шунингдек ташкилий-штат ўзгаришлари бўлганида;

❖ **паст лавозимга** — ўзининг хоҳишига кўра, соғлиғининг ҳолати бўйича (ҳарбий-тиббий комиссия хулосаси асосида), аттестация тартибида эгаллаб турган лавозимига нолайик деб топилганида, интизомий жазо чораси сифатида эгаллаб турган лавозимидан озод этилганда, шунингдек ташкилий-штат ўзгаришлари бўлганида ёки суд қарори асосида лавозимдан четлаштирилганлиги сабабли тенг лавозимга ўтказиш имконияти бўлмаганида.

Бошлиқнинг ходимни паст лавозимга ўтказиш ҳақидаги буйруғида бунинг асослари кўрсатилади.)

Аттестация комиссиясининг қарорлари аттестация комиссиясининг мажлисда ҳозир бўлган аъзоларининг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Овоз бериш ходимнинг иштирокисиз ўтказилади. Овозлар тенг бўлиб қолган тақдирда раиснинг овози ҳал қилувчи овоз ҳисобланади.

Аттестация жараёни, шу жумладан аттестация комиссияси аъзолари, аттестациядан ўтказилаётган ходим, унинг раҳбари ёки ҳамкасблари томонидан билдирилган фикр-мулоҳазалар ва таклифлар, шунингдек аттестация комиссиясининг қарори аттестация комиссиясининг раиси ва котиби томонидан имзоланадиган баённома билан расмийлаштирилади.

Аттестация комиссияси йиғилишининг баённомаси ушбу Низомнинг 13-илоvasига мувофиқ шаклда тузилади ва комиссия аъзолари, котиби томонидан имзоланиб, комиссия раиси томонидан тасдиқланиб, унга гербли муҳр босилади.

Комиссия котиби аттестация матнига аттестация комиссиясининг қарори ва тавсияларини киритади ҳамда йиғилиш баённининг сони ва ўтказилган санасини қайд этади.

Аттестация комиссияси баённомалари кадрлар билан таъминлаш бўлинмалари канцеляриясида рўйхатга олинади ва унга оид ҳужжатлар билан бирга беш йил сақланади.

Аттестация натижалари овоз бериш жараёни тамом бўлгандан кейин дарҳол эълон қилинади.

Аттестация комиссияси йиғилиши баённомаларидан кўчирмалар аттестация матнлари билан бирга ходимларнинг шахсий ҳужжатлар йиғма жилдларига бириктирилади.

Аттестация комиссияси қарорлари ижроси ўн беш кун ичида (агар аттестация комиссияси қарорида бошқа муддат кўрсатилмаган бўлса) бажариш чоралари кўрилади.

Аттестация комиссияси томонидан қабул қилинган қарордан норози бўлган ходим аттестация комиссияси қарори эълон қилингандан сўнг ўн кун мобайнида юқори турувчи ёки Марказий аттестация комиссиясига билдирги орқали шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

Бунда, ходим ҳудудий аттестация комиссияси қарори устидан тегишлилиги бўйича юқори турувчи аттестация комиссияси раиси – Қорақалпоғистон Республикаси ички ишлар вазири, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ички ишлар бош бошқармалари ҳамда вилоятлар ички ишлар бошқармалари бошлиқларига ёки соҳавий хизмат йўналиши бўйича Вазир ўринбосарига мурожаат қилади.

Аттестация комиссияси қароридан норози бўлиб, йўлланган билдиргилар келиб тушган кундан эътиборан юқори турувчи аттестация комиссия томонидан ўн беш кун ичида кўриб чиқилиши лозим.

Юқори турувчи аттестация комиссияси йиғилишига тегишли аттестация комиссиясининг раиси, ходим, унинг хизматдошлари ва бевосита бошлиғи таклиф этилади.

Ходим юқори турувчи ёки Вазир ўринбосарлари раислигидаги аттестация комиссияси қарорлари устидан Марказий аттестация комиссиясига мурожаат қилинади ва у келиб тушган кундан эътиборан бир ой муддат ичида кўриб чиқилади.

Шикоят асосли деб топилганида, юқори турувчи ёки Марказий аттестация комиссияси томонидан аттестация қарорига тегишли ўзгартириш киритилади ёки бекор қилинади.

Ходимнинг шикояти юқори турувчи ёки Марказий аттестация комиссиясида кўриб чиқилаётган пайтда аттестация комиссияси қарори ижроси тўхтатиб турилади.

Аттестация комиссиясининг қарори устидан бошқа идораларга шикоят қилинган ҳолларда қабул қилинган қарор ижроси тўхтатилмайди.

Марказий аттестация комиссиясининг қарори якуний ҳисобланади ва унинг устидан такроран шикоят қилинишига йўл қўйилмайди. Марказий аттестация комиссиясининг қарори комиссия йиғилишининг баённомаси тасдиқланган кундан бошлаб ижро қилиниши керак.

